


МАЖБУРИЙ НУСХА

Қодиржон НОСИРОВ

ҮГАЙ ҚАЛДИРФОЧ

Қисса
Ҳикоялар
Публицистика
Таржималар

Наманган – 2013



УДК: 821.512.133-3

ББК: 84 (5 Узб)7 - Узб. араб.

Н - 87

араб.

ISBN 978 - 9943-4207-3-1

1136-3692,5-1581478

НГ ————— 2013
1137-(14,0)-(0,7)

42240
10 291

2014/15	Alisher Naveiy номидаги О'збекистон МК
A (1018)	Kадиржон НОСИРОВ, «Наманган» нашриёти.

ЎГАЙ ҚАЛДИРФОЧ

(қисса)

ҚАЛДИРФОЧ УЯСИДАГИ ФОЖИА

Мўминжон хотини Мұхаббат билан бозор айланишмокда... Хотин расталарни кўздан кечирар экан, керакли буюмларни синчилаб кўрар, сотувчилар билан савдолашарди. Эри бўлса сал оркарокда, каттакон сумка кўтариб олган, бироз диккат, хотининиг савдосига бефарқдай бормокда. Азалдан бозорни ёмон кўргани учунми, тезроқ хотини харидларини тугатса-ю, шу оломон ичидан қутилиб кета қолиша.

— Мана бу туфлини келинга олсакмикан, дадаси, — Мұхаббат қошиқдеккина оппок туфлини Мўминжонга кўрсатди. — Шу туфлингизни ўттиз олтинчиси борми? — сотувчидан сўради у. Ўттиз олтинчисини қўлига олгач, у ёқ бу ёғини кўрдида, эрига узатди. — Сизга ёқдими, кўрингчи?

Мўминжон сумкадан бўш қўлини туфлига чўзди... Лекин бирдан оёқ остидаги ер ўпирилиб, даҳнатга тушган Мўминжонни ўз каърига шиддат билан тортиб кетди. Жон холатда кўркувдан бакирмокчи бўлди-ю, аммо овози сира чикмади. Мисоли қудукка ташланган тошдек зулмат каърига кетмоқда. Бирдан каттиқ ерга урилди-да, сапчиб ўрнидан турмокчи бўлди...

Мўминжоннинг юраги гупиллаб ураг, тўшакда терга ботиб ётарди... Яна туш, ҳамма вақт бир хил..

Бироз ўзига келгач, Мўминжон ўрнидан турди. Чирокни ёкиб, девордаги соатга каради — икки ярим. Сочикни топиб, терларини артди, сўнг халатини кийиб, оёғига шилпакни илди-да, балконга чикиб, сигарет тутатди. Бошқа ухлолмаслигини билди. Ҳар сафар шундай бўлади... Бунақа пайтларда унинг ёдига албатта ўша машъум кун тушади. Ҳа,

ўша машъум, унинг яшнаб турган ҳаётини каро тунга айлантирган кун тушига киради.

Ўшанда хотини кўярда кўймай бозорга бошлади. (Мўминжонга қолса, дўстлари билан чойхонага ошхўрликка бормокчи эди). Бир кун аввал кечки овқатдан сўнг Муҳаббат:

– Дадаси, сиз фарзандларингиз бўйга етиб колганини сезмаяпсиз шекилли? Ҳадемай Акбарジョンни уйлантириш керак, агар уни кўндиrolсак, албатта. Ким билади дейсиз, хали Мухайёни тўйини олдинрок қилишга тўғри келадими? Жойидан чикса харидори, тўхтатиб бўлмайди, топширилади. Эртага – якшанба, ҳамма юмушларни йиғиштириб, жаҳон бозорига икковимиз чикмасак бўлмайди, – деб жиғибийрон бўлди.

Машина юргизиб, эр-хотин жўнашди бозор томон. Шаҳарнинг серкатнов чорраҳаларидан бирида кизил светофорда тўхтаб турган Мўминжон, яшил ёнгач, аста машина газ берди. Чорраҳа ўртасига етиб борганини билади, шу пайт ўнг томондан бир мотоцикл катта тезликда келиб Муҳаббат ўтирган ёнга замбарак ўқидай урилди... Машина ағдарилди...

Кейин нима бўлганини яхши эслай олмайди... Шифохонада кўзини очди. Ҳаёлига биринчи келган фикр хотини бўлди. У қани, нима бўлди? У ёк бу ёкка қарамоқчи бўлганди, бўйни ва бошида қаттиқ оғриқ сезди. Қўли беихтиёр бошига борди – бинт. Бир амаллаб бўйнини буриб, палатанинг иккинчи томонида бўш кроватни кўрди...

Шу пайт палатага оқ ҳалатли ёш аёл кириб келди. Мўминжоннинг ҳаракатини кўриб:

– Илтимос, кимиrlамай тинч ётинг, – деди у.

– Синглим, менинг хотинимга... Муҳаббатхонга нима бўлди, қани у?

Ҳамшира жавоб бермади.

– Илтимос, гапирсангизчи?

– Тинчланинг, ҳаммаси яхши бўлади... тезда олиб чиқишиади олдингизга.

Эшик очилиб, палатага елкаларига оқ халат ташлаб олган Мўминжоннинг отаси билан онаси кириб келишди.

– Вой болам-эй, нима бўлди сенга? Эҳтиёт бўлиб юринглар, демасмидим сизларга. Сизларга шикаст етказгунча, менга ўлим бермайдими худо, – она ўғлини елкасидан қучиб, пешонасидан силар экан, кўзларидан ёш сизиларди.

– Мухаббатни кўрдингларми? Нима бўлибди унга?

– Худо хоҳласа, икковинглар ҳам тузалиб кетасизлар. Ҳозир уни операция килишмоқда. Сал оғиррок ҳолати. Лекин, шифокор билан гаплашдим, үмидимиз бор тузалишга деб айтди, – юпатган бўлди ўғлини отаси.

Аммо...

Эртаси куни боши бинт билан ўралган, чопон кийиб, белини боғлаб олган Мўминжон икки қўлтигидан ушлаб олишган укаларига суюниб, қабристонда турарди... Мухаббати билан видолашарди у.

Мана, ўшандан буён сал кам бир йил бўлибдики, унда на кундуз ором, на тун уйку... “Тақдир... пешона...” сўзларини хаёлидан ўтказиб, сигарет тутатади. Фарзанд деб, тўйга тайёргарлик кўраман деб, ошишиб, ёруғ дунёдан кўз юмди хотини. Энди бундан буён ҳаёти не кечади? Тўнғич ўғил Акбар иккинчи курс талабаси, Тошкентда ўкийди. Мухайё тўққизинчи синфда эди онасидан айрилганда, бу йил ўнинчиди. Сардор энди иккинчи синфга боради. Буларнинг ҳаёти нима бўлади? Бечора онаси эрта-ю кеч болаларини ўйларди. Раҳматли, болаларига анча яхши тарбия берган экан. Авваллари кўчадан кам келадиган Мўминжон буни энди сезаяпти.

Оналаридан кейин ўтган даврда болаларининг ранги сезиларли синикди, айникса, Сардорнинг. Аммо катталари онаси йўклигини отасига билдирамасликка ҳаракат қилишади доимо. Мухайё, умрингдан барака топкур, ошхонани эплайверади. Мўминжон ўзи ҳам қараб турмайди бу борада. Синглиси келиб кир-чирларидан хабар олиб турибди. Лекин... Лекин ҳаёт шу билангина чекланмайди-ку. Болалар

келажагини ўйлаш керак. Отам тўғри айтадилар, фарзандларни уйлаб-жойлаш учун ҳам аёл бўлиши керак хонадонда. Менинг қўлимдан нима келади-ю, нимага аклим етади бу хусусда?

Шу онда қайнонасилининг овози қулоғи остида жаранглагандек бўлди: “Жуда хотинсираб қолган бўлсалар ҳам, ҳеч бўлмаганда қизимнинг йили ўтсин!” Мўминжоннинг синглиси акасини уйлатиб қўйишдан оғиз очган экан, фарзанд догида ковурилган она шундай деб силтаб берибди. У бечорага ҳам қийин. Аммо менинг фарзандларим тақдири олдида бошқаси... Акбарни эртами-кеч уйлантириш... Мухайё катта бўлиб қолди... Бу ишларни аёл кишиносиз уddaлаш қийин. Олди-берди, латта-путталарни фақатгина аёл киши ўрнига қўйиши мумкин. Лекин гап фақатгина аёлдами? Бошқа бир аёл, қанчалик у яхши бўлмасин, она ўрнини босоладими? Йўқ босолмайди. Кўп кўрганмиз, эшитганмиз. Хўш, нима қилиш керак?

Бу ўйлар, саволлар унга тинчлик бермайди. Айниқса, шунака фикрлар бошини чўлғаган пайтда ёдига тушадиган ҳарбий хизмат даврида кўрган бир антика воеа унинг изтиробларини кучайтиради, фикрларини яна ҳам чалкаштириб юборади...

Ҳарбий хизматни Мўминжон Ашхободда ўтказган, қисм омборчиси бўлган. У ерда иш кўп эмас, асосан эрталаб бўлади. Бўлинмалар керакли нарсаларни олиб бўлгач, қолган пайт кун бўйи деярли бўш. Баъзан китоб ўқиёди, базан у ёк бу ёкни тозалайди ёки бошка арзимас ишларни ўзига топиб олади.

Бекорчилик күплари унинг зътиборини омборхона шифтига уя қурган қалдирғочлар, уларнинг ажойиб бир одати жалб этди: нар қалдирғоч билан макиёни (кўп кузатавергач, нар билан макиённи фарқлайдиган бўлиб коларкан киши) уяларига бир вақтда келиб-кетишар ва ҳар сафар тумшуқларида олиб келган емишини иккитадан болачаларига

беришади: ота иккитасига, она ҳам иккитасига. Бу нарса ҳар доим бехато тақрорланарди.

Кунларнинг бирида уя кирғозда турган она қалдирғоч пастга қулаб тушди. Шериги ҳам қичқириб пастга канот кокди, кимиrlамай, жонсиз ётгаң жуфти тепасида гирёп бўлди. Балки ўз тилида кетма-кет туришга чорларди макиёнини?... Бефойда.

Мўминжон эҳтиётлик билан қалдирғоч жасадини омборхона ташқарисига кўмди.

Шундан кейин жуфтидан айрилган бечора қалдирғоч болаларини парвариш килишни бир ўзи давом эттириди. Уни уяга қайтишини тўрт сарик тумшуклар интизорлик, сабрсизлик билан кутишади доимо.

Бу ҳол етти-саккиз кун давом этди. Сўнг нар ёнида бегона қалдирғоч пайдо бўлди ва икковлапшиб тўрт болани бокишини давом эттиридилар. Аммо орадан икки-уч кун ўтар-ўтмас қалдирғоч уясида фожия юз берди: тўртта сариктумшуклар ерга таппа-таппа ўлиб тушишди. Мўминжон бундан хайратланди. Дарров қаноти энди тук босиб келаётган етим қалдирғочлар жасадларини авайлаб олиб стол устига қўйди. Нима бўлди ўзи? Бирор сир йўқмикан бу ерда?

Мўминжоннинг ёнида доимо ўткир қаламтарош юарди. Умуман, у ёшлигидан пичоқни яхши кўрарди. Омборхонада ҳам бўш колди дегунча, қаламтарошни чўнтағидан чикариб, кум кайрокқа ишқалагани ишқалаган эди. “Шифокорлар ҳам ўлим сабабини аниқлап учун мурдаларни ёради дейишади-ку, мен ҳам бир ёриб кўрайчи”, – деб қаламтарошни ишга солди. Қалдирғоч болаларидан бирини корини ёрди. Лекин мутахассис бўлмагач нимага ҳам ақли етарди. Шундай бўлсада операцияни давом эттириб, эҳтиётлик билан харакат килиб, қалдирғоч боласининг томок йўлларини ҳам ёриб кўрди ва... кўргани нима эканлигини фаҳмлаш учун эса шифокор бўлиш шарт эмас эди: гўдак күшча томогига қандайдир ўсимликнинг тиконли япроқчаси (ёки шунака уруғми?) санчилиб колган эди. Шу нарса унинг нафас йўлини

тўсиб колгани туфайли бўғилиб ҳалок бўлганига шубҳа йўқ эди.

Кўзларига ишонмай Мўминжон қолган уч гўдак куш мурдаларини ҳам томоқ қисмини тезда ёриб кўрди: ҳаммасининг бўғзига ўша нарса тиқилган. Узининг бу капифиётидан Мўминжон қалби ларзага тушди. Наҳотки, ўгай қалдирғоч гўдакларни атайлаб ўлдирган?

Кунлар кетидан кунлар ўтади. Қалдирғочларнинг “Тивит, тивит”лаб учиши тўхтамади. Улар янгидан тухум босди ва ёз охиригача очиб, учирма қилишди...

1. ЛАТОФАТ

Мұхаббатнинг йили ҳам ўтди...

Мўминжонга ота-оналари-ю яқинлари уйланиш хақида тез-тез гапириб туришадиган бўлишди. Лекин у аввалгидек ўзини бу масаладан олиб қочарди. Мұхаббатдан кейин бирор аёлни тасаввур килиш қийин эди унга...

Бу орада хизмат сафарига Тошкентга боришга тўғри келди. Бошқармада юмушларини бажаргач, аэропортга шошилди: охирги рейсга. Кутиш залига кириб келганда билетларни рўйхатдан ўтказиш вақти ҳам бўлиб қолган эди. Аммо радиодан кетма-кет Фарғона водийси шахарларига обҳаво ёмонлиги туфайли учиш вактинча тўхтатилганлигини эълон килишарди... Ана холос!.. Бу ёғи нима бўлди энди?

Кутиш залида одамлар лик, кўпчилик ташвишда. Мўминжон: “Билетни топшириб поездда борсаммикан, улгурамиканман? Ёки нима бўлса ҳам шу ерда кутавераймикан?”, – деб, иккиланиб туриб колди. Шу пайт, орка томондан майнингина аёл овози эшитилди: “Мўминжон ака!” Қайрилиб қаради-ю овозга... алланечук бўлиб кетди. Гўё яраси янгилангандек бўлди уни. Бир лаҳзага ёдига ҳаётидаги энг ширин дамлари-ю жудолик қайғулари қайтиб келди! Қаршиисида норка ёқали пальто кийган, бошида ҳам худди шунака мўйнадан телпаги бор, ўрта ёшлардаги аёл

кулими сираб турарди. Унинг жилмайишида қандайдир изтироб ҳам сезиларди, аслида ҳозир йиглаб юборишга тайёрдек кўринди у. Бу... Латофат эди, Мұхаббатнинг талабалик дугонаси. Йиллар ўтиб тўлишган, пешонасига ҳам бир-икки чизик тушган бўлсада, илик кўзлари, айникса, устки лаби четидаги тарикдеккина холи уни кимлигини айтиб турарди...

– Латофатхон, сизмисиз?

– Танимассиз деб ўйлагандим.

– Буни қаранг-а, неча йил, неча замонлар... Сиз ўзгармабсиз.

– Кўйсангиз-чи!

– Латофатхон, бормисиз ўзи бу дунёда? – ҳазиллашган бўлди

Мўминжон: “Қаердасиз? Бола-чақалар яхшими”, - демокчийди, аммо тилини тийди. Ким билади...

– Мен ўша, ўзимиз томонда.. Фарғонадаман, университетда ишлайпман. Узингизчи,.. Мўминжон ака, яхшимисиз, ишларингиз яхшими?...

Латофатнинг овозидан, кўзларидан у бир нарсадан ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди. “Эшитганмикан, мени бошимга тушган кулфатни? Бўлиши мумкин эмас! Қаердан ҳам эшитиши мумкин? Аммо, нега бўлмаса шу чоқгача Мұхаббат ҳакида чурк этмади, дугонасини сўрамади? – Қандай айтсам экан?” – деган фикрлар Мўминжонни кийнарди.

– Латофатхон,.. – гап бошламоқчи бўлганди, лекин томоғига бир нарса тикилгандек бўлди, кўзларини ўтдай ачиштириб ёш келаётганини сезди, аммо кўз ёшини тутишга ҳаракат қилди.

– Мўминжон ака,.. мен ҳаммасидан хабардорман, Латофат рўмолчasi билан кўзларини артарди...

Четроқда бўш ўриндик топиб ўтиришди. Мўминжон хўрсиниб-хўрсиниб бошига тушган жудолик ҳакида қийналиб бўлса ҳам тапириб берди.

– Кечрок бўлса ҳам эшитгандим, – деди ҳамон кўзлари нам Латофат, лекин келолмадим... Аникроғи, журъат килолмадим келишга.

“Нега энди биздан хабардор бўла туриб, бирор марта ҳам ўзи тўғрисида дарак бермади? Ахир, у Мухаббатнинг энг яқин дугонаси эди-ку! Биз ҳам зўрмиз-да аслида! Бир-икки эслаган бўлдиг-у, тузукроқ суриштирумадик у ҳақда. Балки, топиб, борди-келди килиб турган бўлармилик...” – хаёлидан ўтказди Мўминжон...

Мўминжон ҳарбий хизматни тамомлагач, иккинчи курсдан Тошкент ҳалк хўжалиги институтида ўқишни давом эттириди. Талабалар ётокоҳонасида яшади. У жойлашган хонанинг ёнгинасида икки курсдош кизлар яшарди. Дастребаки кунлардаёқ танишиб олишди. Исмлари Мухаббат ва Латофат экан. Мухаббат Мўминжонга ҳамшахар чиқиб қолди. Латофат эса Фарғонадан эди. Кўпинча бирга дарс килишар, институтга ҳам бирга бориб келишарди. Пахта теримида яна ҳам яқинлашиб қолишиди. Дугоналар чевар теримчилар экан, теришга териб қўйишади-ю, кўтарипига, табиийки, қийналишарди. Бунака пайтларда Мўминжон беминнат дастёр...

Шу зайлда анча дўстлашиб қолишиди. Мухаббат шўх, сўзамол, Латофат эса, аксинча, уятчанрок, камгап эди. Мухаббат Мўминжонга кўпроқ ўзини яқин олар, ҳамшахар эмасми, бальзи-баъзида шўхлик билан тегажонлик ҳам килиб турарди, эркалиги ҳам бўларди.

– Мўминжон ака, бир бизни кинога олиб тушсангиз-чи?! “Қасос ва конун” деган ҳинид фильмни келганимиш, зўр эканда!

Боришли “Қасос ва конунга”га. Мўминжон ўшаидаги йигитчасига ҳазиллашиб: “Икки парининг ўртасида ўтираканмизда! Мазза қиласканмизда-а!” – деб ўртага сукулмоқчи бўлса, Латофат бундан уялинкираб. Мухаббатнинг париги томонига ўтиб олди.

Кинотеатрдан кайтишаётганда, кечки салкин тушган, кўчалар анча сокин, транспорт катнови камайган эди.

Ётотхонага пиёда жўнашди. Бунақа фильмдан сўнг ким ҳам троллейбус кутиб ўтиришини ихтиёр этарди. Мұхаббат Мўминжонни қўлтиғидан олган, дугонаси эса уни пинжида жимгина хаёл суриб борарди. Мұхаббат тинмай фильмда тарашиум этилган дўстлик ва севги хакида гапирав, Мўминжон ҳам онда-сонда гап қўшиб, Мұхаббатнинг нозик бармоқларини меҳр билан силаб борарди...

Учинчи курснинг охирларида Мўминжон Мұхаббатга турмуш қуришини таклиф этди. Қиз узок ўйлаб ўтирмади... Ёзги таътилда тўйлари ҳам ширингина ўтди. Латофат ўша кунлари Мұхаббатнинг ёнида бўлди.

Тўйдан кейинги йўриклар битгач, келин-куёв Латофатни автовокзалга кузатиб қўйиши. Мўминжоннинг ёдида: ўшандা Латофат негадир ўзини ғайритабиий тутар, кўп гапириб, хушчакчак кўринишга ҳаракат қилар, кўзларини эса четга олиб қочарди. Мұхаббатнинг:

– Сентябрга ҳали анча бор, дугонажон, яна бирор марта биз томонларга келиб кетсанг яхши бўларди-да? – деганига Латофат:

– Йўқ, сентябргача мен сизларни Фарғонага чақираман. Тўй саёҳати бўлади сизларга, – деб кулган бўлди.

Аммо ўшандан сўнг Латофат кўздан ғойиб бўлди. Сентябрда эса ўкишга қайтмади. Мўминжонлар суриштирса, кимдир, Латофатнинг онаси қаттиқ бетоб эмиш, шу сабаб у сиртки бўлимга кўчирганмиш ўкишини, деди. Мұхаббат устма-уст дугонасига хат йўллади, жавоб бўлмади. Бир Фарғона томон ўтмокчи ҳам бўлишди эр-хотин. Лекин ўкиш, камхаржлик, бунинг устига ҳомиладорлик, кейин чақалок... Хуллас, ҳаёт кувончлари-ю ташвишлари...

Орадан ўн саккиз йил ўтгандан сўнг, тасодифан аэропортда учрашиб туришибди.

– Мана шунақа гаплар, Латофатхон. Мұхаббатимни менга кўп кўрди парвардигор...

– Кўп хафа бўлаверманг, Мўминжон ака, бандасининг қўлидан ҳеч нарса келмайди, дегани шу бўлса керак-да? Худо

сабр токат берсін сизга... Болаларингиз баҳтига сиз омон бўлинг!

— Раҳмат, синглим! Дарвоқе, Латофатхон, ўзимни ҳасратимни килаверибман-у, сиздан бир оғиз ахвол сўрамабман-а! Биз сизни йўқотиб қўйдик ўшанда, бедарак кетдингиз. Нима бўлганди? Онангиз бетоблиги учун ўқиши сиртки бўлимга ўтказганмишсиз деб эшитувдик, аммо сиртки бўлимда ҳам пайдо бўлмадингиз?..

Латофат, кизариб, бир неча дақиқа жим колди. Сўнг ялт этиб Мўминжоннинг юзига қаради-да:

— Ҳа... Йўғ-эй, ойимлар бетоб бўлмагандилар, аслида... Мўминжон ака, менимча буни сизга қизиги йўқ, деб ўйлайман... Айниқса, сизни бу ташвишларингиз устига менинг тақдирим ғалати бўлиб туюлса керак...

— Нега энди? — елкасини қисди Мўминжон. — Сиз хотинимнинг якин дугонаси эдингиз, биз ҳам ака-уқадек бўлиб кетгандик, шундай эмасми? Бас, шундай экан, нимага қизиги бўлмасин, агар сир бўлмаса, албатта,— кулишга ҳаракат килди у.

— Сир... Балки сирлигича қолгани маъқулдир, мени кийнаманг, илтимос?! — аёл кўзларида ёш пайдо бўлди. Энди у кўзларини олиб қочмади...

Мўминжон елкасини қисди, “ҳоҳишингиз” дегандай.

...Бу орада аэропорт радиосидан учиш зрталабги саккизгача колдирилганини зълон қилишди.

Вакт ҳам ярим тунга бориб қолибди, гап билан бўлиб сезишмабди. Мўминжон буфетга бориб, бирор нарса тамадди қилиб олишини таклиф этди. Латофат, истар-истамас, ўрнидан кўзгалди.

Овқатдан сўнг кутиш залидан ташқарига чиқишли. Изғирин шамол эсиб турарди. Уёқ-бу ёққа бироз юрган бўлишиди-да, яна залга қайтиб киришди. Бўш жойни кидиришга тўғри келди, ниҳоят топишли. Анча вакт жим қолишиди, нокулай вазиятдан чиқиш максадида Мўминжон

яна талабалик йилларини эслаб кетди, домлаларни, курсдошларни эслади... Вакт имиллаб ўтарди...

Эрталаб яна буфетга бориб сосиска билан иссик кофе ичиб олишди. Туни билан совук залда ўтириб уюшган баданларига иссик югурди.

Соат еттиларда Фарғона водийси шаҳарларига учиш бараварига эълон қилинди ва чипталарни рўйхат қилиш бошланди. Ташибарига чиқиб, икки томонда пахмоқ арчалар ўсган чиройли хиёбон томон юришди, Мўминжон талабалик йилларидан яна бирон нарсани ёдлаб вактни ўтказмокчи эди... Бирдан Латофатхон билинар-билинмас титрок босган овоз билан тутилиб-тутилиб гапира кетди:

– Мўминжон ака... биз яна учрашамизми йўқми... Худо билади... Ҳозир эса ўн саккиз йилдан кейин тақдир бизни тўқнаштирган экан, мен бундан фойдаланиб, дилимдаги гапни... бир умр сир саклаб... ўзим билан олиб кетаман, деган гапни энди айтмасам бўлмайди, кейин пушаймон қилиб юраман...

Мўминжон бир оз ҳайрон бўлди. “Бунча баландпарвоз бўлмаса” – хаёлидан ўтказди у.

– Мен ўшанда ҳақиқатдан ҳам сиртки бўлимга ўтказгандим ўқишни...

– Лекин биз Мұхаббат билан сиртки бўлимдан бир неча бор суриштиргандик, тополмадик...

– Бу табиий, чунки мен... Самарқандга кўчиргандим.

– Нега Самарқандга? – ҳайрон бўлди Мўминжон. – У томон узоқ-ку? Тошкент қулай, ўзимизнинг домлалар, танишлар дегандай?..

– Ҳали ҳам тушунмадингизми? Наҳотки шунчалар содда бўлса одам? – кулимсиради Латофат. – Ахир мен сизларни кўрмаслик учун шундай килгандим!

Мўминжон тўхтаб қолди...

– Яна ҳам очикрок қилиб айтайми?.. Мен сизни яхши кўрардим!

Мўминжон ҳамон котиб турарди. Аёл давом этди:

— Мана шунака, Мўминжон ака, мен сизни жонимдан ҳам ортиқ севиб колгандим...

Мўминжоннинг нигоҳи аёлнинг кўзларига тушди: чексиз меҳр таратарди бу маъюс боқишилар!

— Латофатхон,, — деди ниҳоят Мўминжон, — Мухаббатхон хабардормиди бундан?

— Йўк!.. Қайдам,, балки сезган бўлса ҳам керак. Аммо мен севгим ҳақида гапиришга, ҳатто ўз-ўзимга гапиришга ҳам биринчи бор журъат этиб турибман, — эпди у анча дадил гапиради.

Мўминжон нима дейишни билмасди. Талабалик йиллари Латофат уни кўрса ёноклари ловуллаб кетишини, йигитдан доимо кўзини олиб қочишиларини эслади. У пайтлар буни Мўминжон кизнинг табиатан уятчанлигига йўйган эди.

Латофат ҳам жимиб қолди. Бир неча дақиқадан сўнг яна ўзи давом этди:

— Агар ўкишни Тошкентда давом эттирганимда ҳар куни сизни кўриб жим юришга бардошим етмасди. Бир кунмас бир кун сир бой бериб қўяман, сизларнинг турмушингизга зомин бўлиб қоламан, деб қўрқдим. Шунинг учун кейинги йиллари ҳам ўзим ҳақимда билдириш бермай юрдим. Шунга қарамай сизлар тўғрингизда суринтириб турардим. Талабалардан, бошқалардан... Уч фарзандингиз борлигини ҳам биламан. Мухаббат аварияда ҳалок бўлганини эса ярим йилдан кейин эшиздим... Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, қаттиқ қайғурдим... Сизлар томонга отландим ҳам, аммо журъатим етмади...

Мўминжон ҳамон гап тополмай лол турарди...

— Нега кейинги тақдиринг нима бўлди, деб сўрамайсиз?

“Хўш, нима бўлди? ” – дегандай тикилди Мўминжон.

— Ўша йилнинг ўзида Фаргона университетига лаборантликка жойлашдим. Ҳозир ҳам ўша ерда ишлайман, доцент бўлиб. Ҳозиргача турмуш килмаган экан, деб ўйламанг яна... Ҳаёт... Бошида ҳақиқатдан ҳам беш-олти йил турмушига чиқиш ҳақида эшигтим келмай юрди. Ота-онам эзилиб кетишиди, мени йўлга соламан деб. Йигирма олти

ёптимда турмушга чиқдим... Тузуккина одам экан. Уйдагиларнинг кистови билан аввалги хотинидан фарзанд кўрмаганлиги сабаб ажрапшган экан. Уч йилдан ортик турмуш курдик бирга, аммо бизда ҳам бола бўлмади, ажрашдик... Сўнг илмга ўзимни урдим... Мана шунака гаплар, Мўминжон ака, – худди аввалги Латофатдек майин оҳангда тугатди хикоясини аёл...

Шу дамда Фаргона самолётига чиқиш эълон қилинди... Паришоп турган Латофат тетикланди-да, Мўминжонга қўл чўзди:

– Хайр, бўлмаса, Мўминжон ака! Мени кечиринг, ўртанган юрагингизга туз сепдим чamasи?

Мўминжоннинг катта панжалари орасидан нозик қўлини аста тортиб олиб, самолётга чиқини йўлакчаси томон кетди...

3. МУҲАББАТ

Сафардан кайтгач, Мўминжон бир неча кун хаёли паришин юрди. Миясидан Латофат билан учрашув чиқмасди. Унинг айтганлари, талабалик йиллари, учовлон бирга дарс килипилари-ю киноларга борипларини эслаб кетарди.

Мўминжондаги ўзгаришни сезган онаси яна ташвишга тушиб, катта ўғлига: “Укангни нима килиб бўлса ҳам уйланишга кўндирамасанг бўлмайди, гаплашгин”, – деб туриб олди. Мавридини топиб, акаси эски муаммони қўзгади.

– Уйлан, уйлан деяверасиз-у, ака, ўгай она билан болаларнинг ахволи нима кечаркин, деб ташвишланаман-да.

– Тўғри, ука, сени тушунмай бўларканми. Утайлик ёмон, хеч ким яхши демайди. “Бир одамнинг хотини ўлиб, еттисаккиз ёшли ўғиллари билаш қолган экан. Уйлапибди, нима киларди бечора, мажбурда. Янги хотинини эса аввалги эридан беш ёшли ўғли бор экан. Аёл бир карашда ёмон эмасмиш, Эрининг болаларига кўлидан келганча меҳрибонлик килармиш, гўё. Учов болаларига доим: “Инок бўлинглар”, – деб насиҳат қиларкан. Ҳар куни попуштага иккита тухум

пишириб, катта ўғилларига бераркан. Улар: “Укамизчи?” – деб сўраиса: “Укаларинг ҳали ёш, шарт эмас. Ҳа, майли, яримтадан бўлиб берақолинглар” дер экан. Акалар шундай қилишаркан. Мана шунаقا қилиб, хотиннинг арзандаси бир бутун тухум ер экан, эрнинг катта ўғилларига яримтадан колар экан”. Кўрдингми, маккорликни?!

Бу ҳикоятдан Мўминжоннинг юраги яна ҳам эзилди.

– Бу ривоятни менга бир киши айтиб берганди, – давом этди ака. – Унинг бўйига етган кизи бор эди. Мен бир дўстимнинг ўғлига сўраб, совчи бўлувдим. “Йигитни кўрсак” – дейишиди. Кўрсатдим. Сўнг қизнинг отаси мендан кутилмаганда: “Боланинг онаси ўғай эмасми?” – деб сўраб қолди. Мен ҳайрон бўлиб : “Нега ундаи дейсиз? Бунақа бўлиши мумкин эмас”, – деб жавоб қилдим. У бўлса: “Нигоҳи совуқ, ношудга ўхшайди. Айтишингиздан-ку, ўзига тўқ оиласа ўхшайди, аммо боланинг тузи менга ёқмади. Шу боис мен ўйлаб қолдим-да, ўғай эмасмикан, деб”. Сўнг шу ривоятни айтиб бериб: “Ўғай она қўлида ўстган бола нимжон бўлади-да”, – деб кўшиб кўйганди.

Мўминжоннинг томирларига муз юргургандек бўлди.

– Лекин бу шунчаки гаплар, – яна давом этди ака. – Сен кўп диккат бўлаверма. Ҳамма хотинлар худобехабар бўлавермайди-ку? Иймонлилари ҳам оз эмас, ахир, – тасалли берган бўлди у.

Содда ака-ей! Бундай гаплардан кейин юракка уйланиш сиғарканми?

Аммо ака ўзиникини маъқуллаб, сўзини давом эттириди:

– Онамизни ҳам ўйлагин-да, ука. Эзилиб кетдилар у киши... Кўзим тириклигида Мўминжонга болаларини бошини силайдиган бирор аёл топиб улгуармиканман, деб.

Шундан сўнг Мўминжон бироз ийманиб, Латофат ҳақида гапириб берди акасига.

– Э-э, тўйларингдан кейин ҳам бир-икки кун келиннинг ёнида юрган дугонасими? Ёдимда, кўхлиқкина, иболиккина қизга ўхшаганди. Менга қара, ука, айтганларинг худди

кинодагиларга ўхшайди-я, аммо тақдир дегани шу эмасмикан-а? Азamat қиз ўшанда сизлардан ўзини олиб қочибди. Отасига балли. Энди бўлса сен бева колганингдан сўнг шунча вакт ўтгач... тасодифан яна учрашибсизлар. Буни нима деса бўлади? Тақдирми? Менга колса, ўша Латофатнинг олдига, Фарғонага бир ўтиб келсанг яхши бўларди. Сардорингни хам ол, ёмон бўлмайди.

Орадан бир неча ҳафта ўтди. Мўминжон ҳамон ўйлангани ўйланган...(Яхшиямки, ишхона бор, бўлмаса жинни бўлиб қолиши хеч гапмас!) Нима қилиш керак? Уйланиш керак... Лекин Латофат, севгисига қарамай, Мухаббатнинг ўрнига фарзандларига оналик килаолармикан? Севги бошка, бирорнинг болаларига оналик қилиш бошка! Айниқса, Мухайё қандай кутиб оларкин буни? Бўйи етиб қолган қиз, ўгай она? Ўқигандим кайсиdir бир китобда: Бир йигит ёш боласи билан бева колади. Орадан бир неча вакт ўтгач уларнинг хаётида мархуманинг яқин дугоналаридан бири пайдо бўлади. Йигит бу қизни хурмат қиласарди. Қиз хам бутун вужуди билан дугонасининг ўрнини босишга, болага оналик қилишга тайёр эканлигини билдиришга уринарди. Оила куришади, фарзанд кўришади.. Ана ундан сўнг ўгайлик бошланади... Йигит эрта-ю кеч кон ютади...

Бир кун оқшом, кечки овқатдан сўнг Сардор нима учундир оиласвий альбомни титкилаб қолди. Раҳматли опаси фотосуратларни альбомда доимо тартиб билан сакларди.

– Дада, мана бу ойим билан сизнинг ёшлигингиздаги суратингизни каранг. Мўйлов қўйган экансиз-а, ўшанда?..

Мўминжон суратни қўлига олди... Яна ўша баҳтли онлар... Бир гурух талабалар ёзги таътилга кетиш олдидан истироҳат боғига бориб эсадалик учун суратга тушишган эди ўшанда. Сурат марказида Мухаббат билан Латофат ёнма-ён ўтиришибди. Мухаббат дугонасининг елкасидан кучиб олган...

Дадасининг нигохи шунга тушнаданини сез
сўради:

– Дада, мана бу киз ким, ойимлар елкасидан кучоклаб турғай?

– Бирга ўқиганмиз. Ойингнинг энг якин дугонаси эди.

– Нега энид энг якин дугона бўлса бизникига бирор марта ҳам келмаган?

– Узокда яшайди-да. Агар хоҳласанг, сени ойингнинг ўша дугонасиникига олиб бораман. Хоҳлайсанми?

Сардор бош ирғади.

Якшапба куни ота-бала Фарғонага жўнашди.

...Кўнғирок чалинди. Латофат эшикни очганда, остоңада Мўминжон ўғилчаси Сардор билан турарди...

Латофат бир зум ўзини йўқотиб қўйди. Нима қилишини билмади... Хурсанд бўлсинми, дугонасининг етимчасини бағрига босиб, йиғласинми? Аста-секин ҳаяжони босилиб, аёл ўзини қўлга олди:

– Вой, келинглар!.. Уни қаранглар-а... кутилмагандар... Вой, нега турибсизлар остоңада, ичкарига киринглар, – энгашиб Сардорни қучди.

– Вой тойчогим-еий... Онанг ҳаётлигига бориб кўрмасмидим сени-я!..

Мўминжон ҳам, кўзини яшириб, тескари қараб олди.

Латофатхон болани елкасидан олиб ичкарига бошлиди. Мўминжон ҳам оркаларидан юрди.

– Шунакаям бўладими, Мўминжон aka?! Ахир, қўнғирок килиб қўймайсизми, телефонимни бергандим шекилли? – аслида эса кутилмаган меҳмонлар келганидан мамнунлигини яниролмасди.

Мўминжон ҳам нима дейишини билмай:

- Сардор альбомда гурухимиз билан тушган суратимизни кўриб колувли. Сиз у ерда Мухаббат билан ёнма-ён тушган экансиз. Мана бу ким, деб сўрайверганди, шартта олиб келавердим-да бу томонга, – баҳона килган бўлди у.

– Бирга тушган сўратларимиз жуда ҳам кўп, ўғлим, хозир курсатаман.

Дастурхон ёзиб, чой ичилгач, Латофатхон ичкари хонадан катта альбом күтариб чиқди. – Мана хозир биргалашып кўрамиз. Мана, бу ерда хам ойинг, даданглар билан бирга тушгапмиз...Хаммамиз бирга ўқигапмиз-да, доимо бирга юрардик... Сизларницида хам борми бу суратларнинг хаммасидан? Сен, хойнаҳой, мана бу суратни кўргансан, шунақами? – Латофат кўрсатган сурат Сардорларницидагининг айнан ўзи эди. Бола хурсандлик билан бош иргади.

– Сизлар ота-бала альбомни томонча килиб туинглар, мен эса хозир... – Латофат ўрнидан туриб ошхона томон юра бошлиганди, Мўминжон тўхтатмокчи бўлди уши:

– Овора бўлиб юрманг, илтимос, Латофатхон, биз вактлироқ қайтишимиз керак...

– Меҳмон изни мезбонда бўлади. Мен рухсат бермагунча, ҳеч қаерга жилолмайсизлар энди, – кулимсираб деди уй бекаси.

Альбомни кўриб бўлгач, Мўминжон ўрнидан туриб нима киларини билмай у ёк, бу ёкка юра бошлиди. Ичкари хона эшиги қия очик колган экан, ногаҳон кўзи ўша томонга тушиб қолди. Хонаниг тўрида трюмо бўлиб, унинг устида фотосурат турарди: унда уч киши – Мұҳаббат Латофатхоннинг елкасидан кучган, ингичка мўйловли Мўминжон улар оркасида тик турибди. Сўзсиз, бу ўша... альбомдаги фотосуратдан катталатиб, алоҳида ажратиб қайта ишланган эди...

– Қани, дастурхонга марҳамат, меҳмонлар.– чакириб қолди буғи чиқиб турган товоқни кўтариб ошхонадап чикар экан Латофат.

Мўминжон ичкарига кўзи тушиб колганини билдиримасликка харакат килиб жойига қайтиб ўтиреди. Овқатдан сўнг миннатдорчилик билдириб меҳмонлар хайрлашмокчи бўлишиди, аммо Латофат туриб олди:

– Мўминжон ака, яна бир соат вактингизни аяманг. Менинг битта илтимосим бор, сиз ёнбошлаб бироз дам олиб туринг, биз эса Сардорбек билан кўча айланниб келамиз...

Мўминжон ҳеч нарсага тушунмай ҳайрон бўлса ҳам, йўқ дейолмади.

Сардорни бошидан силаб Латофат кўчага олиб чикиб кетди.

Бир соатлардан сўнг эшик очилиб, икковлари қайтиб келишди: олдинда Сардор, бошида... марғилонча дўппи... юзида эса хурсандчилик порларди... Онаси вафотидан сўнг ўғлини бунчалик вакти чоғ кўрмаганди у.

Латофат билан ҳайрлашаркан, Мўминжон деди:

- Биз томонларга ҳам боринг, Латофатхон.
- Албатта, яқин кунларда бир ўтиб келиш ниятим бор.

Орадан кўп ўтмай, Латофат бир дугонаси билан Мұхаббатнинг ота-онасиникига кириб борди. Маърифат хола Латофатни кизининг дугонаси сифатида яхши биларди. Кўрибок таниди-ю, жабрдийда она йиғи солди, келганларни бирин-кетин бағрига босаркан. Фотиха ўкилди...

Сўнг учовлари биргалашиб Мўминжонларниң ҳовлисига боришди. Икки қуда бир-бирларини қучиб, анча йиғлашди. Сардор улар олдига югуриб келди. Икки буви дамба-дам набиранинг бошини силапди.

– Боламнинг ўтида ёнайми, жўжаларининг ғамини килайми, – деб кўз ёшлини артарди Маърифат хола.

Сардор ҳам бир оз хомуш турди-да, кейин Латофатхонга жилмайди ва Каромат бувисига караб мағрурлик билан:

– Менга дўнпини мана шу холамлар олиб бердилар-да, – деб қўйди.

Маърифат хола ялт этиб Латофатга қаради, сўнг кудасига... Куёви билан набирасининг Фарғонага борганидан бехабар эди у. Шу тобда сезгир она қалбida нима кечаетганини билиш қийинмасди.

Бир-икки пиёладан чой айланди. Лекин ўртадан нокулайлик кўтарилемас, гап қовушмасди. Латофат дугонаси

билан вакт зиклигини, йўл йироклигини баҳона килиб кетишига отланишиди.

– Вой, айланайлар, бунча шошилмасаларинг? Мен, ҳозир, дарров козон осаман. Куруқдан-куруқ кузатиб бўларканими меҳмонларни. Бирпас ўтира туринглар, ҳозир Мўминжонни ҳам ишидан чакирираман. Унга билдириш бермасак хафа бўлади...

– Йўқ-йўқ... холажон, овора қилманг у кишини. Биз ростдан ҳам шошиб турибмиз. Бу ерда бошқа киладиган ишларимиз ҳам бор. Шу баҳона бажариб кетмасак бўлмайди, яна келиш осонми...

Бир неча кунгача Латофатнинг кўз ўнгидан Маърифат холанинг ўкинч ва савол тўла нигоҳи кетмади. “Нима қиляпман-а ўзи? Нима бўлди менга?” – деб савол берарди ўзига-ўзи. Назарида, кимнингдир баҳтини ўғирлаётгандай туюлди. “Хўш, нима килибман? Бирор гап бўлдими ўзи? Мен турмушга чикаман Мўминжон акага, деб ёпишиб олайпманми? Қолаверса, у кишининг ўзлари ҳам оғиз очганлари йўқ-ку бу тўғрида? Бас, шундай экан, нега энди мен нокулайлик сезишм керак?” Шунака пайтларда ундан кимдир : “Нега бўлмаса сен унга қалбингни очдинг? Ўша-ўша сирлигича қолавермасмиди?” – дея, таъна қилгандай бўларди. Шунда Латофат “Бу ишим билан у кишини умидвор қилмадиммикан? Боласини етаклаб уйимга кириб келиши бежиз бўлмаса керак? Турмуш килиш тўғрисида гап очгудек бўлса, нима деб жавоб бераман? Мен тайёрманми бу масалага? Энг муҳими, Мухаббатнинг ўрнини боса оламанми? Бўйига етган болалари бўлса! Улар мени қандай қабул қиласи?”

Бу каби саволлар Латофатни қийнаб юборди. Шу боис ўшанда аэропортда айтганларидан минг-минг пушаймон бўлди...

Орадан бир ой вакт ўтди. Эндиғина ишдан қайтган Латофат опхонада кечки овқатга уринмоқчи бўлиб турганда эшик қўнғироги чалинди. Эшикни очди... Остонада икки

кўлида икки катта коғоз пакет кўтарган Мўминжон, онаси ва қайноаси, икки бувининг олдида эса... Сардор турарди.

Латофат бир неча лахза лол туриб колди.

– Вой, ўлмасам, келинглар, келипглар, ичкарига, қапи, марҳамат, – деди пиҳоят.

Мехмонхонага ўтириб, дуо килингач, Мўминжон: “Мен машинани беркитмабман”, – деб Сардорни етаклаб чикиб кетди. Кудалар ошхонага кириб шопиб-пипиб бирор нарса тайёрлаш харакатида бўлган Латофатни чакириб: “Биз тез кетишимииз керак, кизим, уриниб овора бўлманг, бизни гапимиз бор, бу ерга ўтиринг”, – дейишларига қарамай, у тез орада овкат тайёрлаб келди.

Энди: “Мўминжон ака қаерга кетдилар, овкат совиб колади-ку”, – демоқчи бўлганди, ота-бала кириб келишди.

– Ий-е, халиям ўтирибсизларми? – деди у оналарга маъниоли караб.

– Кизим бечора, қўйинг, дейишимиизга қарамай, овкат пиширдилар, олдимизга энди келиб ўтирдилар. Келинглар, сизлар ҳам иссиғида олаколинглар, – жавоб килди кулимсираб Мўминжоннинг онаси. Овкатдан сўнг оналар дастурхонга узундан-узун дуо ўқинди. Мўминжон, бир чекиб келай, деб яна Сардорни етаклаб чикиб кетди.

Каромат хола аста гап бошилади:

– Қизим, келишимиз мақсадини сезган бўлсангиз керак, ўзингиз акли-хунилисиз. Биз қудамиз билан, – Маърифат хола томон бош иргаб, – жуда кўп маслаҳат қилдик. Бандасининг кўлидан ҳеч нарса келмас экан, худонинг айтгани бўларкан. У йўқ бу йўқ, Мухаббатхоннинг умри киска экан.. – рўмолчанин кўзларига олиб борди. – Раҳматли ажойиб жувон эди. Тенги йўқ келин эди, мана дастурхон устида айтаман. Нима қиласиз энди, болам! Уни бизга худо кўп кўрди. Ҳеч бўлмаса болаларининг раҳмини емади. Энди, бу ёғи, хаёт дейдилар. Мўминжон ҳам болаларини уйлаб-жойлаши керак... Мухаббатхоннинг ўрнини боса оладиган аёл керак унга... Бўлмаса ўғлимга

кийин. Кудаларим ҳам тушунган кишилар: “Ўзимизга қарашли, синапта бўлса яхшийди”, – дейишади. Набираларини қойишини қилинади-да, минг раҳмат уларга ҳам... Биз кўп ўйладик. Мўминжон аввалига хеч унамади, эни бўлса розидай, кийналди болам шўрлик... Қариношлар орасидан килирдик махалла-кўйдан. Бир-иккитасини топдик ҳам, гапнинг очиги. Нимагадир, кўнишмади. Осонмас, албатта, уч боланинг бошини силаш керак, кизи бўлса кўзга кўриниб қолган. Ҳар қандай аёл ҳам чўчийди. Тегамиз деганилар ҳам бўлди, аммо Мўминжонга ёқмади... Кўп ўйланниб, айлапай, сизни олдингизга келдик... Сиз Муҳаббатхоннинг жонажон ўртоги бўлгансиз. Тақдирни қарангки, сизнинг ҳам бошингиз очик. Мўминжоннинг айтишинча, сиз кўп фазилатли, матонатли инсон экансиз. Бизни рад этмай, мушкулимизни осон киласиз, набираларимиз бошини силашга розилик берарсиз, деган умидлар билан келдик, айланай...

– Ростини айтсан, – давом эттириди кудасининг гапини Маърифат хола, – бу ёкка келингга розилик беринга бердим-у, кўнглумда бир тугун кийнар эди мени... Сизнига боринимизни эшитиб Сардор шундай севиниб кетдикি. Ўша тугун худди иссик сувга солинган муздай эриб кетди, ишонинг. Қизим, Латофатхон, менинг учун сиз Муҳаббатнинг ўрнини босасиз... Биз балки аввал ота-опангизнинг олдидан ўтсак яхши бўларди, аммо аввал нима бўлса ҳам, ўзингизнинг розилигингизни олмоқчи бўлдик, тушунган аёлсиз, ўргилай...

Латофат жим, бошини куйи солиб ўтиради.

– Нима десиз, қизим? – яна мурожаат килди Каромат хола.

Латофат жим. Сукут чўзилди. Ва нихоят, бошини кўтармай, жавоб килди у:

– Нима десамикан... гапнинг очиги, мен учун турмуш куриш ёки курмаслик масала эмас... Муҳаббатнинг ўрнини боса оламанми ё йўкми, деган хаёл мени ўйлантиряпти, холажонлар...

— Мен сизга айтсам, кизим, Мўминжоннинг фикрича, сиздан бошқаси бу оилани эплай олмайди, — деди Каромат хола.

Яна орага сукут чўкди. Мўминжон билан Сардор келиб кетишганидан сўнг Латофат онаси билан шу хусусда гаплашганди. Ушанда онаси, тақдирдан қочиб кутулиб бўлмайди, колаверса ўша дугонанг болаларини бошини силасанг, савоби ҳам тегади. Ажаб эмас, худо сенинг ўзингга ҳам тирноқ ато этса, ҳали ёшсан, — деганди.

— Тақдирга ўхшайди, айтганинглардай... Аммо, фақат ота-онам рози бўлишиса,.. — деб жавоб қилди Латофат.

— Бизга худди шу гапингиз керак эди. Энди биз ҳозироқ улар олдига ўтамиз, — деди Мўминжоннинг онаси.

Дуо ўқилди. Латофат меҳмонларни ташқаригача кузатиб чиқди. Вакт гира-шира эди. Мўминжон билан Сардор шу атрофдаги скамейкалардан бирида ўтиришарди.

Уларни кузатгач, Латофат тезликда онасига қўнғирок қилиб, огохлантирди.

Эртаси куни Мўминжон Латофатнинг олдига ўзи келди. Ёш боладай ийманиб, қизариб-бўзариб, тўй маросимини қандай ўтказишни гаплапиб олгани келганини баён қилди.

Латофатнинг онаси кеча бу масалани кизига ҳавола килиб колдирганди.

— Мўминжон ака, менинг битта шартим бор, кечада айтгани хижолат қилувдим...

— Нима шарт экан, Латофатхон?

— Биласизми, тўй-пўйнинг кераги йўқ. Мен уяламан, ахир бўйга етган фарзандларингиз бор?! Улар ззилмайдими? Қолаверса, мепинг фикримча, киши ҳаётида тўй битта бўлиши мумкин. Сизнинг тўйингиз ҳам, менини ҳам ўтган. Илтимосим шу, отангиз билан бирга келасиз, мени отам маҳалламиз имомини таклиф қиладилар. Битта ошни қилиб, шу ерда никоҳ ўқитамиз. Хоҳласангиз, муллапи ўша ёқдан олиб келинг, ЗАГСни эса ҳозироқ бориб гаплашиб қўйиппимиз мумкин.

Бу таклиф Мўминжонга жуда маъқул тушди...

Орадан бир йил ўтди...

Бир кун Мўминжон ишхонада бироз ушланиб коли. Соат саккизларда уни телефонга чакириб колишди. Трубкадан Мухайёнинг овози эшитилди. У ховликиб, тез-тез гапиради:

– Дада, биз туғруқхонадамиз! Ойимларни олиб келдик! Бувимлар ҳам шу ердалар, тұғри шу ёққа келаверинг экан, бувим айтаяптилар. Тезроқ келинг!

Канча ошикмасин, фактада бир соатлардан сўнгтина Мўминжон туғруқхонага етиб келди. Ишхонанинг узоклиги ҳам шунда билинади.

Зинапоядан тушиб кетаётган Каромат хола билан Мухайё чехраларида хурсандчилик...

– Эсон-омон кутилиб олди болагинам! Қизалок муборак бўлсин, ўғлим!.. Синглим йўқ, деб ўксиниб юради Мухайё, мана худо берди.

– Үзи тузукмикан? – сўради ҳали нафаси ростланиб улгурмаган Мўминжон.

– Тузук, тузук, худога шукур, дўхтирлар айтишди.

Шу пайт овқат узатадиган туйнукдан чакириб колишиди:

– Мамадалиев Мўминжон деган киши борми шу ерда?

Мўминжон, юраги гупиллаб уриб, туйнукчага борди.

– Мен бўламан...

Ҳамшира тўрт буқланган қоғоз узатди. Мўминжон шошиб-пишиб очиб, ўқий бошлади. Ёнига онаси билан қизи ҳам етиб келишди.

“Мўминжон ака! Мен нақадар баҳтиёрман! Ниятимга етдим! Сизга айтмагандим-у, лекин мен худодан қиз тилаб, исмини Мұхаббат қўяман деб орзу қилган эдим. Мана энди, ниятимга етдим! Сизни ҳам табриклайман! Икковимизга ҳам, қолаверса, бутун оиласизга ҳам қадрли исм – Мұхаббат, шундай эмасми? Латофат”.

Янги меҳмон муносабати билан бешкечага Мўминжон ва Латофатлар хонадонида бир тўп онахонлар йиғилишди.

Дастурхондаги ноз-нсьматлардан битта-битта ола туриб, улар ширин сухбат қуриши:

– Умрингдан барака топтур Латофатхон ажойиб жувон экан-да! Мүминжонининг ўлган хотини хотирасига қизининг исмини Мухаббат кўйибди. Илоҳим, қўшгани билан қўша кариб, бола чакасининг орзу-ҳавасини қўришенин.

– Мехрли аёл эканда.

– Инсон авваламбор шуниси билан инсонда, шуниси билан ажралиб туради-да бошка жонзотлардан.

– Айникса маҳаббатли инсонга хос нарсада бу меҳр...

II. ТЎҚИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР

ШУНАКСИ ҲАМ БЎЛАР ЭКАН

(Иккодар Оваридан воқеий ҳикоя)

Буни менга бир қозогистонлик ҳамкасбим айтиб берган эли...

Университет ректори проректорлар, факультет деканлари ва бошка фаолларни павбатдан ташкири йигилишга чакириди. Кўриладиган масала битта эди: келгуси якшанбада бўладиган сайловга тайёргарликнинг бориши ҳакида.

Проректорлар ҳамда ўкув биноси ва талабалар ёткхонасида жойлашган сайлов участкаларининг раислари ахборот бериллар.

Йигилин якунида, масъуллар тақдим этган ахборотга баҳо бера туриб, ректор куйидагиларни алоҳида таъкидлади:

- Маълумки, сайловнинг сиз билан бизга боғлиқ учта кирраси бор. Биринчиси – барча талабаларни, улар каерда яшашларидан қатъий пазар, овоз беришда фаол катнашишга чорланш. Иккинчиси – университет худудида жойлашган сайлов участкаларида зарур бўлган ташкилий ишларни амалга ошириш. Учинчиси – ёткхонада яшовчи талабалар сайловда албатта катнашишларини, яъни овоз бериш-ларини тъминланиш.

Биринчи ва иккинчи кирралар бугунги кунда бизни ортиқча ташвишігә солмайды, чунки зарур чора-тадбирлар етарли даражада амалға ошириб борилмоқда. Аммо учинчі киррага нисбатан бепарво бўлмаслигимиз керак. Талабаларимиз сайловда юз фоиз катнашишлари шарт! Буни таъминлаш сиз билан бизнинг асосий вазифамиздир! Яна таъкидлайман – юз фоиз! Буни биздан юкори ташкилотлар талаб килишлари ҳеч кимга сир эмас! Шу бугунок мажлис ўтказиб, гурух кураторларига юкланг бу борадаги масъулиятни! Керак бўлса, деканлар, кураторлар ётохонада ётсин ва юз фоизни таъминласин! Ҳеч қандай баҳонага ўрин йўк!

Айни пайтда, мен битта нарсанни алохида таъкидламоқчиман: авваллари баъзилар, сайлов комиссияси аъзолари билан кўз кисиниб оларди-да, ўнта-ён бешта бюллетенни ташларди. Осонгина юз фоиз! Муаммо йўк! Бу сайлов коидаларини қўпол равишда бузини эканлигини ҳамма билади, лекин йўл кўйиб берилаверади. Мен бу нарсанинг ашаддий душманимдан! Нима килиб бўлса ҳам юз бўлсин, деганимда, мен асло бу усульнин назарда тутганим йўк! Мен ҳар бир талаба ўзи катнашисин, ўзи овоз берсинг, демоқчиман. Қолаверса, бу жараёнда бевосита катнашиш, катнаштириш ёшлилар тарбиясида алохида аҳамиятга эга эканлигини сизларга уқтириш, менимча, керак эмас...

Демак, бизнинг асосий вазифамиз – сайланған хукукига эга бўлган талабаларнинг юз фоиз катнашувини таъминлаш! Тушунарлимни, ўртоқлар?

Йигилиш катнашчилари бош иргаб, ректорнинг гапларини бир маромда маъкуллаб боришарди. Факатгина Рустам Сулейменович, афсус, дегандай, мийигила кулиб, бир-икки бош чайқаб кўйди. Бу нарса эса ректорнинг назаридан кочмади. Ва у киши бундай каршиликни ўрнида босиб кўйишни лозим топди:

- Нима, Рустам Сулейменович, сизга бизнинг гапимиз ёкмаяпти, чамаси?! Ёки сиз ўз факультетингизда юз фоизни

тальминланига күзингиз етмаяптыми? Нега бош чайқайсиз, лабингизни бурасиз, мени эрмак қилгандай!? Ёки халк депутатлари сайловига шундай муносабатми?

- Иүк-эй, нега бундай дейсиз, Мухтор Шагаевич? Сайловга менинг муносабатим доимо ижобий бўлиб келган.

- Кўринмаяпти ўша ижобий муносабатингиз! Эсимда бор, аввалги сайловда ҳам бошқаларда юз, тўқсон тўккиз бўлган пайтда, сизнинг факультетингиз бўйича фаоллик атига тўқсон иккини ташкил этган эди. Мен ўшанда проректор, сайловлар бўйича мастьул сифатида буни яхши эслаб қолганман! Бинобарин, Рустам Сулейменович, факультетин-гизда сайловда овоз бериш ҳар бир кишининг гражданлик бурчи эканлигини етарли тушунтириб борилмайди, энг мухими, бу борада керакли чора-тадбирлар кўрилмайди! Нега? Сайлаш ҳукуқини ҳар бир гражданин амалга ошириш керак-ку!

- Кечирасиз, Мухтор Шагаевич! Ахир, ўзингиз ҳозиргина оқил гапни гапирдингиз-ку, юз фоиз бўлиши учун номаъкул йўлни тутманг, деб. Менинг позициям ҳам шунака, шу боис ҳам аввалги сайловларда юз фоиз бўлмасди бизнинг факультетда. Турли узрли сабабларга кўра ҳам юз бўлмай колиши мумкин-ку! Бу ҳаёт-ку! Бетоб бўлиб қолиш, пули тугаб колиши ёки бошка бирон фавқулодда сабаб билан уйига кетиб қолиши мумкин-ку! Ва, колаверса, нега албатта, юз бўлиши шарт экан?! Менинг асабимни қўзгайдиган, кулгимни кистатадиган нарса мана шу, мен буни яширмайман! Ҳатто, айтишим мумкин – бу менинг шахсий позициям! Конунда “Албатта ҳамма қатнашсин, ҳамма овоз беришга мажбур” деган жойи йўқ-ку! “18 ёшга тулган гражданлар сайлаш ҳукуқига эгадирлар” дейилган конституцияда. “Шарт” ёки “мажбур” дейилмаган. Ахир, буни ҳамма билади, шу жумладан ёшлиларимиз ҳам. Уларга бу ҳақда ўзимиз уктирамиз-ку, ахир! Нега энди биз ўзимиз уларнинг кўз ўнгига конституцияни бузаяпмиз? Мен шунга куйинаман, шу нарса менинг асабларимни какшатади,

чарчатади! Ахир, кайта қуриш кетаяпган бўлса бутун мамлакат бўйлаб...

- Хе, сиз ҳаммадан акллисиз! – заҳархандалик билан кесатди ректор. – Бу ерда ўтирганларга ҳам сабок беришга уринасиз! Қайта қуриш сиёсатини гўё сиздан бошка ҳеч ким тушунмайдигандек. Сизнинг ўзингизга эса оддий нарсани ҳам тушунтириб бўлмайди! Ўжарлик қилганингиз қилган! Ҳаёт мураккаблигини, ҳамма нарсани конунга тикиб бўлмаслигини, колаверса, ёзилмаган конунлар ҳам бўлиши мумкинлигини англамайсиз! Энди, Рустам Сулейменович, келинг, чарчаган бўлсангиз, аризангизни ёзинг! Дамингизни олинг! Бизни кийнайверманг!

- Шундай дeng, - Рустам Сулейменович яна ҳам қизариб кетди. Бир оз сукут қилди, ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди, ёни-веридагиларга бир назар ташлаб олди. Кимdir бошини куйи қилиб олган, кимdir қизикиш билан кузатиб турган. - Ҳўп, майли, сизнингча бўла колсин. Аввал ҳам бир ишора қилган эдингиз. Энди бажонидил ёзаман, факат сайловдан сўнг, яъни беш кундан кейин. Билмаганлар, сайлов кампаниясини ташлаб кетибди, демасин, яна. Душанба куни оласиз, столингиз устига кўяман!

Ортиқча қизишганидан бундай демади Рустам Сулейменович, йўқ. Шу топда у бир нарсана англааб етди. “Барибир ишлаттирмас экан, барибир бўшатар экан! Ҳакиқатдан ҳам ўзини президентдай хис этади-я!” – хулоса қилди. Шу боис узил-кесил гапириб кўяқолди. Чарчагани ҳам рост...

Бир неча ой аввал ректорликка тайинланган Мухтор Шагаевич қиска вакт ичида деярли барча деканлар ва кафедра мудирларини янгилааб улгурганди. Эски деканлардан битта Рустам Сулейменович колган бўлиб, унга ҳам алоҳида сұхбат пайтида бир шама қилди ариза ёзишни. Аммо декан: “Нега энди ариза ёзишим керак экан?” – деб терслик қилганди ўшанда. Ректор эса ярми ҳазил ярми чин килиб:

“Янги президент сайланганда вазирлар махкамаси тұла тар-
кибда истеъфога чынади-ку!” – деган зди...

Сайловда қатнашып Рустам Сулейменович рахбарлик
күлгө фактеттә түксоң беш фойзни ташкил этди...

Душанба күні, айтгалидай, ариза ёзіб, ректорнинг
котибасига ташлаб кетли. Сүнг деканатта бир рөв кириб,
ўринбосари ва котибаси билан хайрланиди:

- Яхши-ёмон гапирған бўлсам узр, - деб ҳазин жилмайиб
кўйди-да. ўзига тегишли нарсаларни портфелга жойлаб,
чикиб кетди...

Ректор Рустам Сулейменовичнинг аризасини қўлга олиб,
ўйга толди. Икки сатргина матнни қайта-қайта ўқиди.
“Чарчагаплигим боис мени деканлик лавозимидан озод
этишингизни сўрайман”, дейилганди унда. Мухтор Шагаевич
коғозни столга силтаб ташлали-да, ўрнидан турди, сигарета
тутатиб, хонада у ёқдан бу ёкка юра бошлади. Бир неча
дакикадан сўнг жойига утириб, сигаретани кулданга эзиб
ўчирди, кўлига ручка олиб, “Кадрлар бўлимига” деб. имзо
чекди-да, котибани чакириб, аризани унга қайтарди. Яна
ўрнидан туриб, у бурчакдан бу бурчакка юраверди. “Тўғри
киляпмани?” – деган савол тинчлик бермасди.

Бир соат ўтиб ўтмай кадрлар бўлмининг бошлиғи буйруқ
лойиҳасини олиб кирди. Икки сатргина матнни қайта-қайта
ўқиди ректор: “Махмадиев Рустам Сулейменовични декан-
лик лавозимидан ўз аризасига биноан озод этилсин”, -
дейилган зди бунда.

- Бўлмабди бу лойиҳа! Менга Рустам Сулейменовичнинг
шахсий делосини олиб чикиб беринг, у кишининг аризасини
хам, мен ўзим тузиб бераман лойиҳани, - деди ректор
кадрлар бўлмининг бошлиғига.

Эртасига ректор кадрлар бўлмининг бошлиғини чакир-
тириб, тўрт варакдан иборат буйруқ лойиҳасини унга узатди.

- Войбўй, ишдан бўшатиш буйруғи хам шундай узун
бўладими? Ҳаммага шундай узундан-узун буйруқ ёзадиган
бўлсак...

- Рустам Сулейменович ҳамма эмас. Бу, биринчидан, иккинчидан, аризага қўйган визамга, унга қўшимчага зътибор беринг-да, ўна асосда тезла машинка килинг буйруқни!

Орадаи бир кун ўтгач, кадрлар бўлимишинг ходими Рустам Сулейменовични кафедрадан топди ва унга, индамай, буйруқдан бир нусха топширди. Профессор уч варак қоғозни бир оз хайронлик билан қўлига олиб, ўқий бошлади:

БУЙРУҚ № 113/ А-С

1989 йил. 28 марта

Девонгетабад шаҳри.

Механика факультетининг декани Махаммадиев Рустам Сулейменович ректоратга ариза билан мурожаат этди. Унда профессор ўзининг чарчаганилигини кўрсатиб, хизмат лавозимидан озод этишини сўраган.

Шу муносабат мен, университет ректори Мухтор Шагаевич Шагаев, куйидагиларни кўрсатиб ўтишини жойиз топдим.

Профессор Рустам Сулейменович Махаммадиев университетимизда ўттиз бени йилдан буён ишлаб келади. Ўтган йиллар мобайнида у оддий ўқитувчиликдан кафедра мудири, университет касаба уюшмаси раиси, факультет декани лавозимларигача ўси, чунончи, охирги лавозимда ўн уч йилдан буён ишлаб келмоқда. У киши боникаряпган факультетла давомат ва ўзлантириш бўйича доимо юқори кўрсаткичлар қайд этилади. Бу нарса, табиийки, колективда ўкув-тарбия ишлари памунавий даражада йўлга қўйилганилигидан далолатдир.

Факультет кафедраларида илмий педагогик кадрларни тайёрлашида, иктидорли талабалар билан ишлаш бўйича эрнисилган муваффакиятларда ҳам, шубҳасиз, Рустам Сулейменовичнинг роли каттадир. Кейинги йилларда унбу факультет талабаларидан кетма-кет тўрттаси ҳалқаро, олти

нафари республика фан олимпиадалари ғолиби бўлишди. Профессор Маҳаммадиев шахсан ўзи икки нафар халкаро олимпиада ғолибларига раҳбарлик килган. Факультет базасида кетма-кет етти маротаба республика олимпиадаси муваффакиятли ўтказилганини ҳам Рустам Сулейменовичнинг хизматлари каттадир, зеро бу борадаги барча ташкилий ишларга декан доимо бош-қош бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Айнан шу хизматлари учун у киши Республика халқ таълими аълочиси кўкрак нишони билан тақдирлашган.

Физика-математика фанлари доктори Р.А. Маҳаммадиевнинг фан ривожига қўшган ҳиссаси таҳсинга лойик. У деканлик даврида, ишдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертациясини ёзиб, ҳимоя қилишининг ўзи бекиёс муваффакият, десам муболага бўлмайди. Таъкидлани жоизки, ҳали ҳозиргача ҳеч бир декандан доктор чиккан эмас! Лекин Рустам Сулейменович бу билан ҳам чекланиб қолмай, республикада ягона ўкув кўлланмаси яратиб чоп эттириди, бундан барча олий ўкув юртларида фойдаланилмоқда. Ушбу кўлланма жорий йилда Давлат мукофотига тақдим этилган.

Р.А. Маҳаммадиев тиним билмай ишлайдиган инсон. Мен бирор марта у киши меҳнат отпускасидан тўла фойдаланганини эслай олмайман. Ёзда гоҳ талабалар қурилиши отряди, гоҳ кабул жараёни ёки бошка бир топшириқ билан банд бўлади, кузда эса кишлок хўжалик ишларида ойлаб ётади. Талабалар шаҳарчасидаги ёшлар маданият саройи ҳам унинг ташаббуси билан барпо этилган. Ҳамкаслари уни: "Меҳнатни роҳат билган инсон!", - деб бежиз ҳазиллашишмайди.

Рустам Сулейменович ниҳоятда камтарин инсон. Шахсан ўзи учун бирор нарса сўраб ректоратга кирганини эслай олмаймиз. Ҳатто у жорий йилда олтмиш ёнига кирганини ҳам, ва бу муносабат юбилей ўтказилии зарурлигини ҳам мен тасодифан билиб қолдим. Узига қолса, ҳеч қачон айтмаслиги мумкин эди.

Р.А. Махаммадиев талабалар ва ҳамкаслари ўртасида катта обрўга эга. Ҳамманинг иссик-совуғидан хабардор. Талабаларни мисоли ўз фарзандлариdek кўради, ёшлар ҳам уни ўзларининг отасидек ҳурмат қилишади.

Хуллас, бир оз ўжарлигини, қизикконлигини ҳисобга олмаганда, Рустам Сулейменович ажойиб инсон!

Юкоридагиларни ҳисобга олиб,

БУЮРАМАН:

1. Механика факультети декани Махаммадиев Рустам Сулейменовичнинг деканлик лавозимидан бўшаш тўғрисидаги аризаси рад этилсин.

2. Университет партия ташкилоти томонидан Рустам Сулейменович жорий ўқув йилида кабул комиссиясиинг масъул котиби лавозимига тавсия этилганлигини ҳисобга олиб, уни 1989 йил 1 апрелидан бошлиб бир ой муддат билан навбатдан ташқари меҳнат отпускасига чиқарилсин ва, шу муносабат, унга бир ойлик маош микдорида моддий ёрдам кўрсатилсин.

3. Физика-математика фанлари доктори профессор Махаммадиев Рустам Сулейменовичнинг олтмиш йиллик юбилейини ўtkазиш комиссияси тузилсин ва унга университет проректори Аметов А.В. раис этиб тайинлансин.

4. Ушбу буйруқдан бир нусха зудлик билан профессор Махаммадиев Рустам Сулейменовичга етказилсин.

*Университет ректори М. Ш. ШАГАЕВ,
Республика фанлар академиясининг
мухбир аъзоси, физика-математика
фанлари доктори, профессор.*

кечаги дарсда, ҳурматли ҳамкаслар! Ва бу нарса тарбия мақсадлариға зид деб ҳисоблайман!

Бундай кескин хulosадан ҳамкаслар ажабланиб, бир-бирларига қараб олиши.

Директор эса шу он аспирантура йилларини эслаб кетди. Профессор унга таълим ва тарбия жараёнида тарбияланувчи шахсини ҳурмат килиш, унга тенглардек муносабатда бўлиш муҳимлигини қайта-қайта таъкидларди. Турсуналиниг фикрича, Ўзбекистон шароитида, ўзбек тили маданиятидан келиб чиқиб, ёшларни “сиз”лаб гапириш Исаак Ефимович ўгитларини амалда қўллаш усувларидан бири эди. Гарчанд устоз ўзбекча билмаса ҳам, бизнинг муомала маданиятимизни хис қилгандек гапиради. Унинг фикри тўғрилигига институт талабалари билан ишлаш жараёнида ишонч ҳосил килиб улгурди Турсунали кейинги йилларда. Мактабда-чи? Нега шу оддий, лекин айни пайтда ўта муҳим нарсани мактабда тадбик этиш мумкин эмас? Нега энди аксарият домлалар ўқувчиларини “сен”сираб гапиришади? “Сиз”ни қўллаш мактабда ҳам зарур эмасми? Бу ерда ёш хусусияти ҳам бор. Айникса, юкори синф ўқувчилари зътиборталаб бўлишади. Яхши гап билан уларнинг руҳини кўтариш, бир ёмон гап билан эса кўнглини чўқтириш, мустақил фикрлашга ишончсизлик туғдириш мумкин. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган Абдусамат ака шу оддий нарсани яхши тушуниши керак-ку, гарчанд, айтганидек, “сен”сираш бизда анъанага айланиб қолган бўлса-да. Тушунади-и, лекин нега гапнинг тескарисини айлантираверади? РайОНО мудири ҳам бежиз огохлантиргмаган экан, шекил-ли, илмий мудирга ҳушёр бўлинг, деб...

Ана шундай фикрлар ўтди шу онда директорнинг хаёлидан. У ажабланарди, ҳам кайфияти бузилиб, аччиклана бошлади, лекин қўпол гапиришдан ўзини тийди:

- Домла, - гап бошлади босиқлик билан, - кечирасиз, тўғри, менинг сизларча тажрибам йўқ, кўп нарсани тушунмасдирман. Лекин, айтингчи, нахотки болаларни сизлаб

гапириш шунчалар нопедагогик бўлса? Бу гапни кўчага чикиб гапирсангиз, оддий одамлар ҳам ҳайрон колса керак...

- Кечирасиз! Мен авом қарписида гапираётганим йўқ, олий маълумотли педагогларга, илм ахлига гапиряпман. Тушунишга ҳаракат килинг буни.

- Мен нимани тушунишни керак?! Аксинча, сиз тушунмоғингиз лозим. “Сен” ҳам “сиз” ҳам бир оғиздан чиқади, деб доно ҳалқимиз бежиз айтмаган бўлса керак, яъни “сен”дан “сиз”лаган маъқул, афзал ва бу барчанинг ҳам қулидан келиши мумкин. Бу эзгуликка чорловчи фикр-ку, шунга амал қилинса, нимаси ёмон? Қани энди, ўқувчиларни сизлаб гапириш одат тусига кирса! “Сиз”да маъно кўп! Бу сеҳрли сўз эканлигини ўзингиз тушунасиз-ку!? Бизнинг ҳалқимизда ҳам, бошқаларда ҳам, нафақат илм соҳибига, ҳатто илми толибларга ҳам ҳурмат билан, иззат билан муносабатда бўлишмайдими? Шу тобда ёдимга бир нарса келди, Москвада домламдан эшигандим. Буюк ёзувчи Лев Толстой айни пайтда машхур педагог ҳам бўлган. Эшигтан бўлсангиз керак, Абдусамад aka...

- Ҳа-а, эшигтанмиз, албатта.. – истехзоли жавоб килди илмий мудир.

- Уша Толстой ташкил этган мактабда оддий деҳқон болалари ўқитилган. Узокда яшовчилар ётоказона билан таъминланган. Фарзандини анча пайт кўрмаган бир деҳқон хабар олгани келса, ўғли шариллатиб китоб ўқиётган эмиш. Хурсандлигидан кўзи ёшга тўлган саводсиз мужик бирдан ўғлини сизлай бошлаган экан. Мана, қаранг, бу ерда ҳам “сиз” илмга интилаётган ёш авлодга эътибор, эъзоз ифодаси бўляпти, бу лутф...

- Э-э, қанака лутф ҳакида гапиряпсиз? Ўшаларда-я? Ҳе-е, улар биздан ўргансин!.. Ота-онасини ҳам сенсираб гапирадиган ҳалқда лутф нима килади! – жаҳл билан директорни бўлди илмий мудир.

- Мен улардаги умуман сенсирабни гапиряпганим йўқку!? Ҳамма нарсани тескарисига ағдараверманг, - қизишди

хам бермай борарди. Ёш ўқитувчилардан бири уни: “Домла!” – деб түхтатмоқчи бўлганда, унга жеркиб кўл силтади: “Кейин айттарсан гапингни!”

Югуриш йўлкаси бўйлаб шошилмай, салмоклани-иб айланар экан, унинг ҳўмрайган қовоғидан қор ёғарди. Масофанинг ярмидан ўтганида юзи бирдан ёришиб кетди, худди тилла топиб олгандек. Лекин тез сўнди. Бир оздан сўнг, ҳар қалай, қовоғидаги кор эрий бошлади...

Эртасига дарсни таҳлил килишди. Илмий мудир, одатдагидек, таҳлилни бошқариб борди. Ҳамкаслар билдирган фикр, асосан, ижобий бўлди. Дарснинг илмий ва услубий жиҳатдан пухталиги, яхши савиядалиги, ўқитувчи нутқининг равонлиги, ўқувчиларнинг фаоллиги, уларни холис баҳолангандиги ва ҳоказо ижобий томонлар таъкидланди. “Олим олим-да! Дарсликда йўқ янги қўшимча маълумотлар жуда ўринли бўлди!” – қўшиб қўйди гапининг ниҳоясида кекса географ.

Бошкалар гапини тутатгач, илмий мудир бир оз сукут сақлаб, томоғини кириб, “хм-м” деб, сўнг бошлади гап:

- Демак, ҳаммаси аъло? Камчилик йўқ, денглар? Ҳа, албатта, илмийлик яхши, етарлидан ортиқ, болаларни баҳолаш зўр! Лекин, сизлар битта нарсага эътибор бермабисизлар. Нимага, дейсизми? Тарбия масаласига! Биринчи ўринда тарбия, сўнг билим! Бугунги кунда партия ва ҳукуматимиз мактаб соҳасидаги сиёсатининг негизи ҳам шу бўлиб турибди-ку! Тарбиялай туриб таълим бериш керак, деяпти! Яъни, биринчи ўринда тарбия!

Ҳамкаслар бир-бирларига: “Нима гап ўзи?” – дегандай караб олишди ҳайронлик билан. Илмий мудир давом этарди:

- Ўқитувчи синфда ҳам, кўчада ҳам ҳар бир сўзи билан, юриш-туриши билан болаларни тарбиялаб бориши лозим эмас-ми? Хўш, бу ердачи? Ниманинг гувоҳи бўлдик бу ерда? Шаклланиб бораётган ўқувчи шахсига салбий таъсир кўрсатиш гувоҳи бўлиб турибмиз-ку! Болаларда катталарга

нисбатан иззат-икром ҳиссини сусайтиришга ҳаракатни күриб турибмиз-ку!

- Домла, - тоқатсизланди директор, - очиқрок, конкретрок гапирсангиз. Мана бу домлалар ҳам ҳайрон ўтиришибди...

- Сабр килинг, хурматли Турсунали Турдиалиевич! - директорни кесди илмий мудир.- Гарчанд биз масковларда аспирантурада ўқимаган бўлсак ҳам, китоб кўрганимиз, тажрибамиз етарли. Салкам ўттиз йиллик стажим бор, ўн йилдан ортиқ илмий мудирлик килиб келяпман! Унча-мунча нарсага, олим бўлмасак ҳам, аклимиз етади! Ҳўп! Конкрет мисол керакми? Ҳўш, айтингчи, - у ҳамкасларга юзланди, - сизлар ўқувчиларни “сиз”лаб гапирасизларми ёки “сен”лабми? “Сен”лаб! Бу ўзига хос анъянами!? Ўқувчилар ҳам шунга ўрганган. Бу ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги фарқнинг ифодаси, деса бўлади. Ўқувчидағи устозга нисбатан хурмат туйғусини мустаҳкамлайди. Директор домла-чи? Бошдан охир ҳамма болаларни сизлаб, хастпўшладилар. Бу ўқувчига нисбатан талабчанликни сусайтириш эмасми? Бола ўзини ўқитувчи билан teng хис кила бошлайди. Мана, кўрасизлар, яна бир-икки ойдан сўнг болалар директорнинг бошига чиқиб олади! Колаверса, бу нарса ўқувчилар билан бизнинг муносабатимизга ҳам салбий таъсир кўрсатмай колмайди. Албатта уларнинг миясига: “Директор “сиз”лайди-ю, булар нёга “сен”сирайди?” - деган исёнкорона фикр келади. Шу яхши бўладими? Йўқ, албатта! Колаверса, болаларни сизлаб, ўзларини биздан хушфеъл, маданиятли килиб кўрсатишга уринмаяптилармikan, ўртоқ директор? Шу билан хурмат козонмокчидирлар ўқувчилар ўртасида? Ҳолбуки, бизнинг “сен”сираб гапиришимиз - бу маданиятсизлик белгиси эмас асло! Бу шунчаки одат, йиллар давомида сайқал топган ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги нормал муносабат шакли. Ана шунга путур етказилмоқда! Нормал ҳолат бузилмоқда! Мана, нималарни кўрдим мен

...Профессорнинг кўзига иссик ёш келди. Унинг юзидағи ўзгаришга эътибор берган ҳамкасби шошилиб сўради:

- Тинчликми?

Рустам Сулейменович индамади. Ҳамкасб, ўрнидан туриб келиб, Махаммадиевнинг қўлидаги қоғозни олди ва ўқий бошлади. Ниҳоясига етказиб, бошини кўтарди-да:

- Бўлар эканку шунақаси ҳам! – деб қўйди.

ТАҲЛИЛ

ёхуд педагогик ҳикоя

Мактаб илмий бўлим мудири Абдусамат Мирвалиев ўзаро дарс кузатишдан асабийлашиб чиқди. Бунақасини кутмаганди! “Наҳотки, наҳотки,” – деб, лаблари титраб, пичирларди у ўз-ўзига.

- Домла, - унинг ортидан чақирди дарс ўтказган Турсунали Турдиалиев, - тезроқ таҳлил килиб қўя колайлик кизиғида, мени бошкармага чақиришган.

- Мени нимагадир бошим оғрияпти, агар сиз шошилаётган бўлсангиз, бемалол бориб келаверинг, Турсунали Турдиалиевич, таҳлилни эртага қолдирайлик. Мен чой-пой, дори-пори ичиб олмасам бўлмайди, мазам қочиб кетяпти, - жавоб қилди илмий мудир.

Турсунали Турдиалиев бошкармага жўнаб кетди. Илмий мудир ва дарсга катнашган яна икки ўқитувчи ўз хоналарига бурилишиди.

Илмий мудирнинг чиндан ҳам боши оғриётган эди. Кабинетига кириб, чой дамлади, дори ичиб олди. Дарс кузатиш пайтида унинг кайфияти бузилиб, боши оғриб қолди. Кутмаганди бунақасини, бошқача тасаввур килган эди янги директор дарсини. Шу боис асабийлаша бошлади...

Турсунали Турдиалиев мактабда биринчи йил ишлаши, директор этиб тайинланганига эса атига уч ой бўлди, У бундан икки йил аввал Москвада аспирантурани тутатиб, диссертация ҳимоя килиб кайтгач, шаҳарда, педагогика

институтида ишлар эди. Илмий раҳбарнинг маслаҳати билан докторлик диссертациясига ҳам харакат килиб турган пайтда, тўсатдан отаси вафот этиб колди. Шундан сўнг оилани бошқариш учун якка ўғилнинг кишлоққа қайтиб, мактабга ишга жойлашишдан бошқа иложи қолмаганди.

Мактаб жамоасида кейинги пайтларда муҳит бузилган бўлиб, раҳбарият директорни ишдан олишдан бошқа чора топмади ва ўрнига ёш кадр, фан номзоди Турсунали Турдиалиевни муносиб кўрди. Бундан мактаб илмий булими мудири хурсанд бўлмади, гарчанд Турсунали шу мактабнинг собиқ ўқувчиларидан бўлса-да. Ҳатто, директорликка номзод кимлигини зшитган чоги, бунинг олдини олиш учун, зудлик билан ҳалқ таълими бўлимига ҳам учради. Фойдаси бўлмади. “Хўп, саними!” – деб, ичига туғиб кўйганди ўшанда у.

Аввалги директорнинг ишдан олинишида ҳам Абдусамат Мирвалиевнинг “хисса”си йўқ эмас эди. Ўрнига Турдиалиев тайинлангач эса: “Шунча меҳнат килиб, битта директорликка муносиб бўлмабмиз-да? Фан номзоди эмиш! Нима бўпти? Кўрамиз ҳали, қандай ишлаб кетишини”, - дея ўйлади ва зимдан янги директорнинг пайига тушди. Аввалдан огоҳлантирмай дарсига кириб, уни мактабда ишлашга нолойиклигини кўрсатиб кўйиш – илмий мудир режасининг бир нуктаси эди...

Бош оғриги бироз ёзилгач, илмий мудир директор дарси ҳакидаги ёзувларни синчиклаб кўздан кечирди. Гарчанд машғулот бенуқсон ўтган бўлса-да, Мирвалиев, дафтарга тиркалган битиклар орасидан худди керакли бирор нарса лоп этиб чиқиб қоладигандек, кайта-қайта синчиклаб чиқди. Ҳафсаласи пир бўлгач, дафтарни зарда билан ёпиб, стол четига ташлади. Бонини қашиди. Нима қилиш керак энди? Шу ҳолатда анча ўтирди. Навбатдаги танаффусга ҳам кўнғироқ чалинди.

Илмий мудир бирор нарса устида бош қотирса, мактаб стадионини танҳо айланиш одати бор эди. Бу сафар ҳам ўша ёкка юрди. Мактаб ҳовлисида болаларнинг саломига зътибор

директор ҳам. – Аслида сиз ўзингиз эмасми бундай иллатни химоя қилаётган?.. Яхши, ўзимиздан олайлик мисолни. Садриддин Айний. Ойбек ва бошқа ёзувчиларнинг асарларида, ҳуллас, эски мактабни, қадимги муаллим ва ўкувчи, мударрис ва талаба муомаласини тасвирловчи асарларда “сен”ни учратмаганман. Сиз қайси шарқ алломаларидан ибрат олиб, сенсирайсиз ўкувчиларни? – чақиб олди директор илмий мудирни.

- Ҳали кинояңгиз ҳам бормиди менга? Унутманг, биз сизнинг дарсингизни мухокама қиляпмиз!

- Мен ҳеч нарсани унугтаётганим йўқ. Таҳлил жараёнида мен ўз фикримни, услубимни химоя килишга ҳакким борми ё йўқми?..

- Бор, албатта, жуда гапга чечансиз, олимсиз-да, бизларга йўл бўлсин! – заҳарханда пичинг килди илмий мудир.

- Мен яна бир мисол келтирмоқчиман, ўз фикримнинг исботи учун. Машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг.. ҳах, нима эди? Ҳозиргина ёдимда турувди-яноми? Ҳуллас, бир асарида қаҳрамон ўзиниг ўсмир ўғлига: “Кара, ўзбеклар қанчалик хушмуомала бўлишади, ҳатто ўз фарзандларини ҳам сизлаб гапиришади-я”, - дейди ҳавас билан. Мен буни бизнинг қадриятимизга четдан берилган юксак баҳо деб биламан ва фахрланаман.

- Энди, бир камимиз ўшалардан ўрганишимиз колувди! Етар! Бизни бекорга ўзбек демайди! Биздан ўргансин ҳаммаси!..

Шу чоққача, андиша қилиб, баҳсга аралашмай ўтирган кекса географ чидамай кетди:

- Бас, Абсамат! Ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор! Директорнинг дарсига кўяётган айномангиз асоссиз эканлигини ўзингиз ҳам яхши тушуниб турибсиз! Шунга қарамай риёкорлик билан, оддий мантиқни инкор этиб, окни кора деб турибсиз! Қани бу ерда холислик?! Мунофикалик

эмасми бу? Бас, энди, коллектив яхши билади сизни, ёшингизга ярашмайди бу ишларингиз! Уялинг!

- Ий-е, ҳали мен нохолис гапиряпманми? Раҳмат-е!.. Бўпти, етар мунозара! – директорнинг юзига қараб, жаҳл билан. – Менинг фикрим шу: Мен дарсингизни тарбия нуктаи назаридан ижобий ҳисобламайман! Колаверса, умуман, болалар билан муомалангиз шаклини мактаб педагогик анъянасига зид деб ҳисоблайман ва мен ушбу масалани педсоветга кўйилишини талаб қиласман! Гапим тамом! – у дафтарни зарда билан ёпиб, ўрнидан турди ва эшик томон юрди.

Илмий мудир, мактаб ҳовлисидан чиқа туриб, коровулхона олдида турган хўжалик мудиридан:

- Мансуржон, сигаретингиз борми, битта чектиринг, – деб сўради. Сигаретни тутаттагач: “Раҳмат” – деб кўчага чикиб кетди. Унинг орқасидан ҳайрон қараб, хўжалик мудири коровулга деди:

- Нима бўпти, ўзи? Қовоғидан кор ёғади-ю, хеч кимни сизламайдиган, мени сизлаб гапирди-я?

- Униси ҳам, буниси ҳам бир оғиздан чикади-да, ука, – жавоб килди коровул соқолини силаб.

ТУТУМ ПУЛИ

Мадаминжон ишсиз бўлиб колди. Мана бир неча ойки, у, оила бошлиғи, уйда ўтириби. “Қаёққа борсам? Кимга учрасам? Нима қилсан экан? – деган саволлар миясини тирнайди. Онаси бетоб, анчадан бери тўшакда. Етти ёшли ўғли яқинда мактабга бориши керак. Ҳеч бўлмаса оёғига пойабзал олиб бериш лозим. Яланг оёқ бормайди-ку? Лекин пул қаёқда бунга? Хотини: «Мен билан колхозга чикинг» – деб ундайверади. Аммо, кошки эди, у ерда меҳнат ҳақини дарров бериша колса. Қанча кутилади-ю!...

Бир кун эрталаб онаси маслаҳат берди:

- Уриштирамизми?

- **Хой,** нима килаяпсизлар?! Тегманглар! Беринг важимни, илтимос, раҳмингиз келсин мана шу ялангоёқ боламга! Шунга мактабга юбориш учун бита шиппакчага етиб қолар, деб олиб келувдим бу тухумларни, – нола билан Орифжон сўрига яқинлашди, белбокка қўлини чўзган ҳам эди-ки:

- Хой, қани участковой? Чакир, олиб кетсин манавини! Ҳе, сени!..

Участковойни эшигтан Орифжон кўли узатилган ҳолда котди, хушёр тортиб, тисланишга мажбур бўлди.

- Йўқол бу ердан! Ҳе беномус!..

Хушига келгач, Орифжон, ким билан ўйнашаётганини англади чоги, ўғлини кўлидан олиб, орқага бурилди.

- Майли, ўғлим, юр кетдик, бу сафар олиб беролмас эканман шиппакни.

Яланг оёқ бола ҳўнграб юборди.

Мадаминжон эса қотиб қолган эди. Лекин лахза ўтгач ўзига келиб, шартта бурилиб, шаҳдам қадам билан у ҳам ташқарига отилди.

- Хой, жиян, сен қаёққа? Шошма, эртадан ишга чиқавер, - кичкирди хисобчи.

Лекин жиян, қайрилиб ҳам қарамай, орқасига кескин кўл силтади.

*** Ўтган асрнинг 50-ийллорида ҳозирги «қишлоқ фуқаролари йигини» ҳалк тилида «жамоа», расмий тилда эса «қишлоқ совети» (бу атама шўролар даврининг охиригача сакланниб келди) деб аталмиш ташкилотнинг қарори билан мазкур маъмурий тузилма бошқарувининг ҳаражатлари учун хонадонлардан пул маблаги үндирив буни «тутум тули» деб аталар эди.

ҮЖАР

Талабаларни пахта йиғим-теримига сафарбар этишди.

Биз түшіган жамоа хұжалиги аввалдан таниш. Бундан йигирма йиллар аввал ҳам шу ерда пахта терганимиз.

Эртаси куни “штаб”даги майда-чуйда ишларни бир ёқлик қылғач, 6-бригадага юборилған талабалар ишини күрмокчи бўлиб, йўлга чикдим. Бригадага “Булоқбоши” кишлоги орқали борилишини биламан. Бу марказдан унча узок эмас, кўриниб туради.

Лекин, ажабо... Озгина юргандан сўнг беихтиёр тўхтадим. Қишлоқ кўринмасди, аникрофи, қишлоқ йўқ эди... Қишлоқ маркази бўлиши керак бўлган жойда кандайдир окиш бино яккаю-ягона турарди. Атрофи пахтазор...

Эсимда... Ӯша пайтлар унбу қишлоқ “расмий” тилда “хутор” деб юритиларди: йигирмага яқин оила-хўжалик бунда истиқомат қиласди. Замонавийлик нуктаи-назаридан унча обод бўлмаса ҳам, бу кичик қишлоқ анча манзарали, мана мен деб коматини кўрсатиб турган мирза тераклар билан ўралган, ҳовлилари эса мева-сабзавотга лик. Куз эмасми, пишиқчилик қишлоққа бошқача бир чирой беради одатда. Айлан-атрофи оппок пахтазор бўлгани учун бу ерни яшил оролга ўхшатардим. Қуёшнинг ўткир тиғлари остида пахта териб ҳорган талабалар чарчаган пайтлари бир неча дақиқа бўлса-да тераклар соясида нафасларини ростлашарди. Баъзан у ёки бу ҳовлига чакириб кириб, мева-чева ҳам олиб чикишар эди. Эндичи...

Ӯша пайтлар қишлоқнинг кок ўртасидан иккига бўлиб дала шийпонига олиб чиқадиган йўл сақланиб колибди. Бу йўл мени ҳалиги яккаю ягона мунғайиб турган бинога олиб келди – аввал бу озик-овкат дўкони эди. Рўпарамда деворлари шўрлашиб, шувоклари тушиб кетган бино. Икки дераза ва эшиги аллақачон суғуриб олинган бу иморат куйдирган каллани эслатади. Ичкарига кирдим. Бурчакларда кизғиши ва

тухумни тугиб берди. Сотиб, хеч бўлмаса болага шиппак олиб берай! Тутум пулингдан сени!..

Бола эса Мадаминжоннинг ёмон ниятига ақли етиб, унга нафрат, ҳам қўркинч тўла кўз тикканди.

Бозорчилар тўхталиб, можарога зътибор бера бошлашди. Масаланинг моҳиятига етиб улгурганлар, Мадаминжонга хўмрайишарди. Вазиятни юмшатиш учун у:

- Орифжон, тушунинг ахир, барибир эртами-кеч беришга тўғри келади ўша пулни... Селсоветда кутаман сизни, сотиб бўлганингиздан кейин, албатта келинг. Мен ҳам ноиложман.

- Ҳе, бор ўша селсоветингта сени! - баттар алангаланиб Мадаминжон сари босиб келарди у. - Мен ўғлимга пойабзал олишим керак, билдингми! Селсоветдан тийин қарзим йўқ! Бориб айтиб қўй, қўлидан келса, қамаб қўйсин? Менга барибир! Бор, йўқол кўзимдан, бўлмаса хозир... - Мадаминжоннинг ёқасидан тутди.

Одамлар уларни ажратишга тушишди. Кимдир вужудини титроқ босган Орифжонни тинчлантирса, кимлардир Мадаминга ўшқиришарди:

- Буларнинг афтига қара, - Орифжон билан қўрқувдан ўрнидан қимирамай ўтирган ялангоёқ болани кўрсатиб.

- Ҳе, тутум пулинг билан басар бўлгур!

- Тез йўқол бу ердан, овранг борида, мараз!

Лекин Мадаминжон чекинмади. Абдурайим аканинг уктирганлари кулогида эди. У нима қилиб бўлса ҳам топширикни уddeлаши керак. Қолаверса уни ноҳак ҳакоратлашгани нафсониятига қаттиқ тегди. Кўп ўйлаб ўтирмаи, бола олдида ёзиклиқ белбоққа ташланди, уни тезда тугиб, «ўлжа»ни олиб кета бошлади.

- Ҳой, сен нима қилаяпсан? Қўйиб қўй тухумни ўрнига, - хушига келган Орифжон Мадаминжон ортидан ташланди ва тутун ушлаган қўлидан тутди. Асаблари бардош бермай, ғазаби қайнаган Мадаминжон Орифжонни кўкрагидан итариб ташлаб, шаҳдам йўлида давом этди.

Қишлоқ советининг пастак биноси йўлнинг нариги четида, бозорнинг рўпарасида жойлашган эди. Хоналарда ҳеч кимни учратмай, Мадаминжон, орқа томондан айланиб, ҳовлига ўтди. Гоҳ сўкиниб, гоҳ ёлвориб, кийимлари ифлос болани етаклаган Орифжон ҳам кетма-кет келарди.

- Э-э, мана-мана, ўзи ҳам келиб колди, - Абдурайим аканинг овозини эшигиди Мадаминжон селсовет ҳовлисига кирган заоти. Ишком остидаги сўрида ҳисобчидан ташқари раис ва яна икки нотаниш одамлар ўтиришарди. Ҳаммасининг кўзлари йилтираган, яноклари кип-қизил. Дастурхонда мева-чева, унча-мунча егулик, ўртада очилган шиша атрофида бўш стаканлар...

- Шу тобда мен ҳурматли раисимизга сен тўғрингда гапириб турувдим...

- Хизирни йўкласак бўларкан-у, хо-хо! - кулди нотанишлардан биттаси.

Мадаминжоннинг асабийлашганига-ю, ортидан кимдир эрчиб келганига ўтирганлар эътибор беришмагандек эди.

Сўрига яқинлашгач, қадамини секинлатиб, нотаниш одамларни кўриб, Мадаминжон ўзини босишга ҳаракат килди, салом берди. Шундай бўлса-да, асоссиз ҳакоратланганидан ғазабини яшиrolмасди. Дастурхон четига «мусодара» килинган тутунни «тўқ» эткишиб кўйди.

- Яхши гапга кўнмади, айтганингиздек килиб, бу ерга олиб келишга мажбур бўлдим, - деди ҳисобчига қараб.

Ҳисобчи бўлса, ҳатто жиян кимни олиб келганига ҳам эътибор бермай, тутунчани еча бошлади. Ёзилган кир белбоқдаги пиширилган тухумлардан юзи ёришиб кетди.

- Мана, шуни айтадиларда, «Мехмон кирар эшикдан, ризки кирар тешикдан» деб, хо-хо! Қани, марҳамат килинглар! - илтифот килди раис, тухум томон қўли билан ишора этиб.

Мехмонлардан бири, таклифни кутмаёқ, тухумни саралашга тушганди. Учини-ю пойнагини тишига уриб кўраркан, у шеригига қараб гап котди:

- Жамоага*, Абдураим акангнинг олдига бир борсанг бўлармиди, болам. Узоқ бўлса ҳам, ҳар қалай томир-ку, фойдаси тегиб қолар, илтимос килиб кўрчи.

Абдураим ака қишлоқ советида* ҳисобчи бўлиб ишларди.

- Э-э, Мадаминжон, жиян, кел, кел, яхшимисан? Зеби опа тузукларми? Анчадан буён мўлжаллайман, бир кўриб келаман деб. Бу иш легани... Хўш, ўзинг қалайсан?

Мадаминжон, уялинкираб, келишдан мақсадини тушунтириди.

- Демак, ишсиз бўлиб қолдим, дегин? Хў-ўш, қандай ёрдам берини мумкин энди сенга? – бошини қапиди Абдурайим ака. Бир оз сукутдан сўнг, Мадаминжонга бошдан-оёқ разм солди, худди биринчи марта кўраётгандек. Сўнг салмоклани-иб:

- Дарро-ов, бирданига-а топиш кийин ишини. Леки-ин сен тушкунликка тупма, мен бирор нарса ўйлаб топиб, ёрдам беришга харакат қиласан. Нариги ҳафтага бир киргип, жиян, бўйтими? Онангта салом айтиб қўй, - деб кузатди илтимосчини.

Келгуси сафар Абдурайим ака, кўп чўзиб ўтиrmай, Мадаминжоннинг қўлига уч-тўрт варак дафтар коғоз узатди:

- Мана бу ҳозиргача қишлоқ советига тутум пулини* тўламаганилар рўйхати. Якшанба куни бутун қишлоқ бозорга келади, биласан. Биз, одатда, шундан фойдаланиб, қарздорларни ушлаймиз. Сенга шундай топширик: бозор куни мана шуларни ушлаб, қарзларини ундирасан. Булар ҳаммаси танишми сенга? Жуда яхши! Эрталабдан дарвоза ёнига туриб олгин. Хирапик килганларни нарсасини тортиб ол, бу ёкка судраб келавер, ёкасидан ушлаб, ўзимиз гаплашиб қўямиз. Сенга бир нарсани айтиб қўйай, - овозини пасайтириди ҳисобчи,

астойдил харакат килгин. Машқул түшсанг, Раис сени котибликка олиши мумкин.

Якшанба эрта тонгда Мадаминжон бозор дарвозаси ёнига келди. У ерда Маҳкам-молия лақабли кекса солиқчи стол устига дафтариши очиб ўтиради. Уни кишлок советида огохлантиришган бўлса керак-ки, сўраб ўтирмали Мадаминжондан, сенга нима керак, деб, аксинча, маслаҳат берди:

- Буш келмайсан, йиги-сифисига қарамайсан, бўлмаса унум бўлмайди.

Бозор дарвозаси олдида бир неча соат туриб, кирганчикканларни кузатиш натижасида янги солиқчи анчагина ундириди, ҳар қалай, копёлка қаппайиб қолди. Лекин тушлик яқинлашганига қарамай, рўйхатда ҳали бир неча исм бор эди. Мадаминжон бозор расталарини айланиб, уларни кидирмокчи бўлди. Дарвоздан кираётганда кўздан кочган бўлиши мумкин-да улар. Худди шундай, товук бозорининг четроғида кўзга тушди биттаси, Орифжон дегани. У, қовоғи солиқ, сарғайган яктак кийган, тик турарди. Пойида олти-етти ёшлардаги яланг оёқ бола чўнқайиб ўтирас, олдида ерга ёзиб қўйилган эски белбоқда йигирма-ўттизистача бўялган тухум.

- Орифжон, тутум пулидан карзингиз бор экан, жамоага тўлаб қўйинг.

- Энди сен қолувдинг менга, - кескин бўлди Орифжон. – Йўқ менда пул, бор каерга борсанг боравер!

Аммо Мадаминжон буш келмади:

- Унақа деманг, тушунишингиз керак, барибир тўлашга тўғри келади. Селсоветга ҳамма тўлайди. Мен ҳам топширикни бажаряпман холос!

- Ҳе, ахир, уйимда егулик овкат йўқ-у,- жаҳл билан қўлинни килич қилди Орифжон, - сен тутум пули дейсан! Нима килай, ахир? Мана бу болани эрта-индин мактабга жўнатиш керак, - тухум олдида ўтирган ялангоёқ боласини бармоғи билан кўрсатиб. – хотиним тишидан орттириб шу ўттизиста

кукиш тусдаги минерал ўғитлар колдиклари күзга ташланади...

... Ўша кезлар биз ёрдамлашаётган бригаданинг ёшгина табелчиси бўларди, чамаси ўн олти-ўн етти ёшлардаги Баҳодир исмли йигитча. Бир кун у мени ва шеригим Бурхонжон акани уйига таклиф қилиб қолди. Кўярда кўймай:

- Ойим иссиқ нон ёлган здилар, дадам икковлари домлаларни бир пиёла чойга таклиф қилиб кел, деб каттиқ тайинлаб юборишиди, - туриб олди йигитча.

Кўча эшик олдида бизни Баҳодирнинг дадаси очиқ чехра билан кутиб олди. У қадди баланд, шоп мўйловли, юзлари офтобда корайган киши эди.

Пастаккина ишком салқинига қўйилган сўрига кўрпачалар тўшаб қўйилган. Бизни ўша ерга таклиф қилишиди. Уй бекаси тезликда дастурхон ёзиб, иссиқ нон, қатик-қаймоклар кўя бошлади. Баҳодир онасига ёрдамлашиворди. Аёлнинг юз-кўзидан бизни келганимиздан хурсанд эканлиги сезилиб турарди.

- Болагинам сизларнинг ўқувчиларингиз билан анча дўстлашиб қолди, - гапира кетди у, - Кеча бир гала бўлиб келишувди, мева-чеваларни еб, салқинлаб кетишиди. Ҳавас килдим. Зора менинг ўғлим ҳам шулар каби шаҳарга бориб ўкиб юрса!

Нон ушатилиб, чой кўйилди. Чойни айлантириб ичарканман, атрофга назар ташлай бошладим. Ҳовли саҳни каттагина. Иморатлар қишлоқдаги бошқа уйлардан фарқи йўқ деса бўлади. Икки уй, ўртада дахлиз, олд кисми эса узун айвон. Четроқда ошхона хизматини бажарадиган пастроккина бир хона. Эски иморатнинг давомида янги қуриб шувоқдан чикариб қўйилган уй-дахлиз. Унинг олди ҳам айвон.

- Үғилчага, - деб кўйди уй згаси, менинг кўзим янги иморатга тушганини сезиб.

Шу пайт тандир иссиғидан яноқлари ловуллаган уй бекаси товоқда буги чикиб турган ошқовок сомса келтирди. Биз ноз-неъматлардан татир эканмиз, сухбатимиз давом этди.

- Жамолиддин ака, ховли-жойингиз неча сотих? – сўради Бурхонжон ака мезбондан.

- Етмишдан ортиқрөк бўлса керак, саксонга бориб қолар.

Даров атрофга аланглаб, кўз билан чамалашга ҳаракат килган бўлдик. Уй олдидаги етти-саккиз сотихча жой бир неча катор тераклар билан ажратилганлиги учун, терак ортидаги асосий майдон назардан четроқда турарди. Кизикканимизни сезиб, Жамолиддин ака таклиф килди:

- Бир, у томонга ўтиб, айланниб келамизми?

Уй олди, асосан, мевали дараҳатлар, сабзавотлар билан банд бўлса, “у томон” бир неча катта-катта бўлаклардан иборат бўлиб, шоли, маккажухори, полиз экинларига мўлжалланган экан. Полиздан ҳосил йигиштириб олинган. Ўрнида беш-олтига мол, ўн-ўн икки қўй ўтлаб юрибди; йигирматача товук ҳам, рангоранг патлари қуёшда тусланиб, ўз ризқу-рўзини ердан кидириб юрибди.

Нарироқдаги бўлакда эса шоли ўримга тайёр. Чапроқда маккажухори етилиб турибди.

Жамолиддин акага қарашли ер майдони бошқалардан терак қаторлар билан ажратилган. Уларнинг баъзиси тўсинга кесса бўладиган. Бурхонжон ака анча кўзи пишган одам, даров ҳом чўт килиб чиқди:

- Агар теракларни бир-икки йилдан сўнг кесиб пулланса, битта “Жигули” келади, - деди у гурур билан, худди тераклар унидек.

Теракқатор остидан ўтган унча катта бўлмаган сув тўла арикда ўрдак-козлар “ғак-ғак” этиб, тумшукларини сувга тикиб, ов килиб юришибди.

- Домла, дехкончилик бизнинг касбимиз, - кўриб турганларимизни изоҳлагандай, бошлади хўжайн. - Ер бизни бокади, кўмади ҳам. Ота-бобомиз ҳам шу касбни килишган. Бизнинг тақдиримиз ҳам шу. Ёмон бўлганимиз йўқ, худога шукур! Бола-чакамиз билан меҳнат қиласиз кишин-ёзин. Дон-дун дейсизми, ем-хашак дейсизми ўзимиздан чиқади.

- Нафакат сизларни, биз шаҳарликларни ҳам шу замин, қишлоқ бокади, - Жамолиддин аканинг гапини кувватлади Бурхонжон ака. - Афсуски, сизда бор имкониятлар ҳаммада ҳам мавжуд эмас, айникса шаҳар шароитида.

- Бизнинг кишилоқда деярли барча оила ихтиёрида, мениничиали бўлмаса ҳам, ўттиз-кирқ сотихдан ер бор.

Биз сўрига қайтиб келиб ўтиридик.

- Дарвоқе, янги қарорга нима дейсиз, Жамолиддин ака? – сўради Бурхонжон ака.

- Қанака қарор?

- Хутор тизимини йўқотиш, ҳаммани марказий қишлоқларга кўчириш тўғрисидаги-да. Сизлар учун қурилаётган уйларни ҳам кўрдик идора атрофида. Пишик ғиштдан ишланган, анча бежирим уйлар...

- Ҳа-а, - Жамолиддин аканинг авзои ўзгарди, - инкубаторски уйларни қуриб қўйди. Қоронғида адапиб, қўшниникига кириб кетиш ҳеч гапмас. Тушунмай қолдим, максад нима ўзи? Турмуш фаравонлигини ошириш, қишлоқларни обод килиш тўғрисида гапиришади. Лекин бу еримни олиб марказдаги уйга кўчишга мажбур этишса, мен қандай тирикчилик қиласман? У ерда атига олти сотих бўлса, ўзига егани бўладими, ёки сотиб, бола-чақани кийинтиришга бўладими? Тупунмай қолдим? Кўни-кўши nilар ҳам қўркиб туришибди бундан. У ерга кўчиб ўтсан, менимча, фаровонлик бўлмайди.

- Инсон ҳамма нарсага кўнигади, - деб тасалли бермоқчи бўлди Бурхонжон ака.

- Ҳе, йўқ! Менга бунақасининг кераги йўқ! Қишлоқда яшашнинг маъноси нима унда? Дехқончилик қилгани еринг бўлмаса, шаҳардан нима фарки колади? Йўқ, мен бунга чидай олмайман! Ўша тақир олти сотих ерга кўчгандан кўра, шаҳарга кўчаман - ё Намангандга, ё Кўконга!..

... Дўкон харобасидан нари кетарканман, қулоғимда ҳамон жаранглагандек эди: “Ё Намангандга, ё Кўконга!”

Кечқурун терим ҳакидаги маълумотни телефон оркали марказий штабга узатиш учун колхоз идорасига бордим.

Котиб хонасида уч-түрт киши ўтиарди. Улар билап саломлашгач, ўз ишим билап машғул бўлдим. Шу пайт ўтирганлардан бири:

- Домла, мени танимадингиз-а? – деб қолди.

Гапирувчига карадим. Ёши ўттиз бешлардан ўтган, мўйлови ўзига ярашган, жингалак соchlарини чанг босган йигит кулимсираб туарди.

- Эсингиздами, анча йил бўлди, сизлар ишлаган бригадада мен табелчи эдим?

- Ий-е, Баходир-ку бу! Уни карант-а, танимаганимни, анча катта бўлиб, ўзгариб кетибсизда, ука, - сўрашиб кетдим мен. – Ваҳоланки бугун куни билан сизларни эсладим. Дадангиз, Жамолиддин ака тузукмилар? Қаердалар у киши? Бу, кишлокларинг йўқолиб кетибди-ку? Ҳозир каердасизлар? Бугун ўша томонга ўтган эдим, ҳеч нарса йўк. Яхши кетиб қолмабсизлар бу ердан, Баходир? – савол устига савол бердим мен ва шу лаҳзада Жамолиддин ака шу ерда яшаётганига ишончим комил эди менинг.

- Ҳе-е, домла! Ӯжар отам ўжарлигини килди! Айтганини қилиб, кўчиб кетди.

- Наҳотки?.. Сизларчи?

- Кишлогимиз бузилиб, бизга марказдан янги уйлар беришиди, ҳамма катори. Кўни-кўшнилар “оҳ-воҳ” деб, кўчиб жойлашишиди, тинчишиди, ўрганиб колишиди янги шароитларга. Лекин менинг отам,.. у киши кўпика олмадилар. “Кетаман! Сенлар ҳам мен билан кетасанлар!” – деб ҳар куни жанжал киласвердилар. Лекин онам, барибир, кўнмадилар. Охири бўлмади. “Сенлар хоҳламасанг, мен ўзим кетдим!” – дедилар-да, битта чопонни елкага солиб, чиқиб кетдилар.

- Ҳозир қаердалар отангиз?

- Жиззахда. Ӯшандан бери кам алоқа қиласиз. Баъзан биз бориб турамиз, ахён-ахёнда улар келиб турадилар. Уша ерда боғ қилганлар. Янги бола-чака ҳам... Хуллас, кетиб қолганлар отам. Ӯжарликда... – Баходир эски яраси очилгандек афтини буриштириб, хўрсиниб қўйди...

КИМ ЎЖАР?

Коровул жавраб чиқиб келарди бошлиқ хонасидан:

- Ўжармишман!.. Ким ўжарлигини худо кўриб тургандир! Мен айтгандим, ахир, бошда, гапимга қулок солмади! Энди бўлса...

- Ҳа, нима бўлди ўзи, Аскарали ака? Мунча жиғибийрон бўляпсиз? Бошлиқ чақиб олдими дейман? – ҳазиллашган бўлди шу атрофда юрган ходимлардан Абдуллажон.

- Ўжармишман! Ўзи гапимга қулок солмайди, ўшқиради холос.

- Сиз ҳам айтганини қиласвермаган бўлсангиз керак-да, – деди коровулнинг феълидан хабардор Абдуллажон. – Битта гапдан қолиб, ҳўп, деб кўяқолмайсиз-да хўжайнинга.

- Сенлар ҳамманг шунакасанлар, кўжайин нима деса, “ҳўп,” деб кетаверасанлар. Ахир инсон калласида ўзининг бирор фикри бўлиши мумкинми? Мен инсонман-ку, темирмасман, кинодагида!.. Бошлиқ деган, мундок, бошқалар фикригаям қулок солиб, иш тутса, ёмон бўлмайди-ку!

- Хўш, нима бўлди ўзи?

- Ҳаммаси мана шу саккиз туп дарахтни деб, – коровул корхона олдидаги йўлка бўйлаб ўтқазилган ёш мевали дарахтлар томон қўл силтади. – Уч йил бўлди буларни ўтказганимизга, - мўйсафид тилининг тагига нос отди, - мен ўшандада айтувдим, бўлмайди бу иш, қўйинг буларни, бошка, ҳах, нимайди, ҳа, манзарали дарахт ўтказайлар, деб. Унамади ўшандаям! Йигирма туп олма, гилос, хурмо, нок, бехи дарахтларини олиб келиб: “Юкоридан буйруқ бўлди, мевали дарахт ўтказишга, мана бу ерга ўтқазиб қўйинг”, – деб буюрди.

- Энди-и, юкоридан айтилгандан кейин, бажаради-да! Сиз ҳам қизиксиз-да, Аскарали ака!

- Ҳамманлар шунукасизлар, дедим-ку! Катта бир гап айтса бўлди, қулок қоқмай, тўғрими, нотўғрими, ўйламай,

югураверасила, бажаргани!.. Мен ўшанда айтдим: “Ука, мевали дараҳт бокка, ховлига ярашади. Бу ерга, шаҳар ўртасига, бўмайди, бу ерга манзарали дараҳтлардан ўтқазайлик. Мевали дараҳт танга дармон бўғани билан, ҳосили тўкилиб ҳамма ёкни ифлос килади, болалар шохини синдириб кетишади, куз-кип ойларида қурук шода бўлиб, серқатнов йўл бўйида хунук туради,” – дедим. Кулок сомади! Энди бўлса...

- Хўш, энди нима бўлди?

- Эни бўлса: “Кес дараҳтларни! Ўрнига манзаралиларидан ўтқазамиз”, - деяпти-да!

- Унда, яна нима керак сизга? Айтганингиз бўляпти эканку?! Тушуниб етибди, демак, бошлиқ ҳам. Ўзингиз ҳам, Аскарали ака...

- Ҳа, сен ҳам “Мунча ўжарсан?” демокчимисан? Десанг, дейвер. Аммо мен унга: “Кесмайман!” – дедим. У бўлса: “Юкоридан айтишиди, хунук эмиш, ўрнига манзаралисидан ўтқазиши керак эмиш,” – дейди. Боша керакмас нарсани ўтқазди, фалончи айтди деб. Шунча пул сарфланди! Мухими бу эмас. Мухими – вояга энди етиб келяпган дараҳтларни кесиб бўлмайди! Қўлим бормайди мани! Ҳеч бўлмаса, мевага кирсин, бир-икки йил татиб кўрайлик канакалигини, сўнг кессак кесармиз, десам, кўнмайди: “Кесасан!” – дейди.

Аскарали ака жаҳл билан носни четга туфлади-да, коровулхонага кириб кетди.

Орадан икки кун ўтди, Абдуллажон эрталаб аввал бошқармага кириб, ишхонага кечрок борди. Корхонасига якинлашганда, эскирок кийинган ўттиз ёшлардаги бир йитит бино олдидаги куртак чиқаришга ҳаракат қилаётган мевали дараҳтлар тагига арра кўяётганига кўзи тушди. “Коровул алмапибида-да, - кўнглидан ўтқазди Абдуллажон. – Оббо, ўжар-ей!”

УРФОЧИ ШАМОЛ

Май ойининг охирлари. Қаттиқ ёғингарчиликдан сўнг қишлоқ хўжалик ишларига жалб килинган талабаларимиз пахта далаларида қатқалок кўчириш, ягана билан банд.

Мана, бугун ҳам ёшлар, эгатларги миниб олиб, иштиёқ билан ишлаб, ичкарилаб кетмоқдалар. Мен ҳам шу атрофда униси-бунисига ёрдамлашиб, назорат қилиб юрибман.

Бир пайт ошпаз ёрдамчиси биз томон илдам келаётганига кўзим туپди. Якинрок келиб, мени чакирди:

- Домла, сизни сўрашаётпти!

- Ким экан?

- Деканимиз ва яна бир аёл, билмадим кимлигини, каттаконрок кўринади.

Даладан чиқиб, шиййон томон йўл олдим.

Тол тагидан ўтган ариқ устидаги сўрига тўшаб қўйилган нимдошгина кўрпачаларда деканимиз Ҳаким Тўраевич билан менга нотаниш (кўринишидан каттаро-ок раҳбар) башанг кийинган ёши элликлардаги бир аёл ўтиради. Мен уларга яқин бориб, саломлашдим.

- Кани, утирингчи, Комилжон, - гап бошлиди декан, сўри четига кўли билан кўрсатиб. – Ҳорманг энди! Қалай ишлар?

- Яхши, раҳмат.

- Талабаларимизнинг кайфиятлари кандай? Таъминот масаласида шикоятлар йўкми, ука?

- Ҳаммаси жойида.

- Бу киши бизнинг раҳбарларимиздан Ҳадича Акбаровна Акбарова бўладилар, - таништириди декан менга аёлни, унинг аник лавозимини, пима учундир айтиб ўтирмай. – Бу йигит кеча якинда аспирантурапи битириб, диссертация химоя қилиб қайтган ёш кадрларимиздан, Комилжон Раҳимов, бизнинг келажагимиз, - деди Ҳаким Тўраевич, меҳмонга мени таништириар экан.

- Кўриниб туриби, – деб қўйди, лабини буриб, қошларини чимириб, аёл. Сўнг деканга караб киноя билан

кўшиб кўйди: – Демак, келажаги бор кадрни энг яхши жойга келтириб қўйибсиз-да, Ҳаким Тўраевич? Бонка жойларда бундай шароит йўқ... – шу пайт баланд симёғочдаги радиокарнайдан Мұҳаббат Шамаева ижросида дилрабо кўшик тарааларди:

*Пешонами ялтиратган чўл шамоли, ёр-ёр.
Юрагини зирқиратган ёр жамоли, ёр-ёр...*

- Қаранг, - давом этарди раҳбар, - данғиллама янги шийпон, тепада карнай радио-ю чиройли мусикалар, сўри, фир-ғир шаббода! Вой-бўй – курорт! Одамлар йўлланма тополмай юрибди...

Мен меҳмоннинг киноясини тушунмай, ҳайрон эдим.

Раҳбар менга жиддий тикилиб, сўради:

- Хўш, Комилжон ука, сизда бу ерда нечанчи курслар?

- Биринчи.

- Ҳм-м! Нечта бола бор?

- Эллик тўртта.

- Рўйхат борми? Қани, олиб келингчи.

Мен хонага кириб, рўйхатни олиб чиқдим.

- Қани, менга узатингчи, - бетоқатлик килди раҳбар аёл, қўлимдан варакларни юлиб оларкан.

- Ҳм-м, бу ерда эллик бешта-ку? Менга эса эллик тўртта дедингиз? Нега битта кам айтдингиз?

Битта бола – бу Устабоев эди. Курсдошларидан беш-олти ёш каттароқ бу йигит куни кеча мендан уйга бориб келишга рухсат сўраган, аммо мен жавоб бермагандим. Шунга карамай, у ўзбошимчалик билан уйга кетворган эди. Кетганда хам, намойишкорона, мен билан урушиб кетди. “Сиз ўзингиз кимсиз, менга рухсат бермайдиган! Мен умумал сизга айтмай кетишим мумкин эди! Домлалигингиизни иззат қилиб, одам деб, сўрасам... хе, сиз иззатингизни билмас экансиз! Энди бир пулсиз менга! Кечирасиз-у, сиз менинг кимлигимни билмас экансиз, чамаси? Институтдагилар ҳаммаси талишади, менинг ота-онамга қуллук килишади! Мен умуман келмаслигим мумкин эди бу яганангга!” “Менга қаранг,

Устабоев, бириңчидан, бу менинг яғанам змас! Мен сизни шахсий томорқамга олиб келиб ишлатаёттаним йўқ! Бу – давлат иши! Кўпга келган тўй, дейди буни. Иккинчидан, сен нега мен билан бундай гаплашаётсан? Ота-онанг ким бўлишидан катъий назар, сен студентсан! Ва бу ердаги ички тартиб-интизомга бўйсимишга мажбурсан! Ота-онангнинг даҳли йўқ!” – дедим мен ҳам “сиз”лашни бир четга суриб. “Хе, тупурдим ўша ички интизомингта!” – деди-ю, сумкасини шартта олиб, кетвораверди. Мен зса бу ҳақда деканатга хабар бермагандим, келиб колар, яна декан уни жазолаб юрмасин, деб. Шу боис мен ҳозир энг аввало декан олдида ўзимни ноқулай сездим.

- Колган эллик тўрттаси шу ердами, даладами?
- Ҳа, албаттa!
- Кўрамиз ҳали! Нечада тушликка чиқасизлар?
- Бирда.

- Ҳозир, мана, ўн икки, демак, бир соат қолибди. Унгача бу ердаги ахвол билан танишиб турайлик. Қани, юрингларчи, болалар турар жойини кўрсатингчи! Ий-е, манавилар ким бўлди? – деб қолди раҳбар йўл томон бош иргаб.

Ҳаммамиз ўша томонга қайрилиб қарадик:

Шийпонга икки киши яқинлашиб келарди. Бири - эски қора чопон кийган, елкасига узун ёғочга тиркалган “экран” кутариб олган калин мош-гурунч соколли басавлат Фани ака, олтмиш ёшлардаги шийпон коровули; иккинчиси – не кўз билан кўрайки, менинг ўғлим, саккиз ёшли Дилмурод эди. Унинг бир кўлида бамбук кармок, иккинчи кўлида эса... йўғон илга тизилгап беш-олтита катта-катта баликлар оғирлигидан думи ерда судралиб келарди.

Дилмурод ўша кунларда ёзги каникулга чиққанлиги учун, мен атайлаб, бир даланинг тоза ҳавосидан нафас олиб, ўйнаб кетсин деб, шаҳардан олдириб келгандим. Ўша кун эрталаб Фани акадан илтимос килувдим, болани канал бўйларига олиб бориб, бир балиқ овини кўрсатинг, деб. У

киши ҳам болажон одам экан, бажонидил рози бўлиб, нонуцтадан сўнг Дилмуродни олиб кетганди. Мана натижада!

- Дада! – узокданок менга караб кичкирди ўглим. – Мана бу баликларни опокдада экранда ушлаб бердилар! Қаранг! – севинчи ичига сиғмасди болакайнинг. – Бу иштон балиқ, дада.

- Иштонмас, болам, шым! - тузатди Ғани ака. Кейин бизга караб:

- Мендан номини сўраганди, мен шым балиқ десам, бу йигитча англамай, иштон балиқ деб юрибди, - кулди у.

Ғани ака шум балиқ деяпган эди, лекин маҳаллий шевада “у” ҳарфи русча “ы” га ўхшаб эшитиларди.

- Бу ҳали сизнинг ўғлингизми? – сўради мендан раҳбар аёл.

Мен бош ирғадим.

- Айтдим-ку, курорт деб! Ўзингиз ҳам бой чакиртирганимизда балиқ овила бўлган бўлсангиз керак?..

Мен индамадим, чунки “йўқ” деганим билан, ишонмаслигига аклим етарди.

- Студентлар далада ўз ҳолича!.. Ҳозир у ерда нима бўляпганинги тасаввур килиш қийин эмас! Ҳамма нарса бўлиши мумкин, факат далада ҳеч ким қолмаган! Бунга менинг имоним комил! Иш нима бўлса бўлар, гўза ўлса ўлар! Аммо сиз имкониятни қўлдан бой берманг, ўрток фан номзоди! Хотинингизни ҳам олиб келиб, биролок оиласидам олиш килинглар: ётар жой бор, ошпаз бор! Зерикканда балиқ ови, а? Ҳавоси яхши, шаббодани қаранг, ёкимли чўл шамоли...

- Эркак шамол! – гап кистирди шу пайт биз турган жойга яқин келиб, гапимизга беихтиёр гувоҳ бўлаётган коровул Ғани ака.

- Нима дедингиз?

- Эркак шамол, дедим, опа!

- Бу одам ким ўзи? Нега бизнинг гапимизга аралашади? – менга ўқрайди раҳбар.

- Шийпон коровули. Мен бу кишидан ўғлимни бир айлантириб келинг, деб илтимос килгандим, - изох бердим мен. – Булар эрталабдан канал томонга кетишганди, мен эса бошқа томондан, талабалар ишлаётган даладан келдим, құрдипгиз-ку, опа!

- Бўлиши мумкин. Лекин, нега мени калака килади бу одам? Сизни деб мен мана бундайлар олдида обрўсизланаяпман! Ҳали мен қўрсатиб қўяман, қандай мазах қилишни! Шамолнинг ҳам эркаги бўладими? Ундаи бўлса, балки...

- Ҳа, урғочиси ҳам бўлади...

- “Хотили” денг, - юмшатди декан.

- Урғочисини, - алоҳида урғу билан талаффуз қилди Ғани ака, - шу ерда бўлсангиз, тушдан кейин қўрасиз. Анчадан берни келмасди, лекин бугун келади, деб ўйлайман! – борган сари қизишиб, деди коровул.

Бу гапга мен ҳам хайрон бўлдим. Раҳбар бўлса бўзрайиб кетди.

- Мени калака килманг! Бас! Кетдик хоналарни қўргани! Қани, бошланг! – буйруқ берди менга у.

Бирин кетин мен хоналарни қўрсата бошладим. Баъзи бетартибликлар кўзга ташланди: ўғил болалар хонаси тозаланмаган, хатто шамоллатилмаган, бир нечта раскладушкалар бўжалмаган. Барча хоналардаги ўринларни санаб чиқди: натижада саккизта кам эди рўйхатта нисбатан.

- Қирк еттита-ку? Рўйхатда эса эллик бешта? – сўрокка тутди раҳбар мени. – Сизлар, демак, марказга нотўғри ахборот бергансизлар, одам сопилини қўпайтириб!

- Саккизта кизимиз, бу ерга сиғишимаганликлари учун, коровул Ғани аканикида жойлашган, - изох бердим мен.

- Яна коровул!? Буни қандай тушунса бўлади – ўғил болани бир кунга уйига қўймайсиз-у, саккиз нафар қизни аллақандай коровулниги қўйиб қўйгансизлар? – бу сафар аёлнинг саволи деканга қаратилган эди.

- Бу нима деганингиз, опа? Мен шийпоннинг коровули бўлибгина қолмай, шу кипилокнинг оксоколи ҳамман! – яна гапга қўшилди Ғани ака соқолини силаб. – Болалар сифмай колганда, бригадамиз мендан илтимос қилди, ховлига олиб туринг, деб. Как раз бизда битта хона бўш, саккизта кизни ўша ерга олиб бориб жойлаб, холатдан чиқдик. Нимаси ёмон? Коровул сифатида мен бу ерда ётишим керакмиди? Ҳашарчилар келгач, менга бу ерда жой ҳам қолмади, ётишимга ҳожат ҳам! Энди уйимда коровуллик киляпман! Қизларингни қўриқлаб, кечаси билан ухламай чиқаман. Тунов куни маҳалланинг бир-иккита шўх болалари дераза тагига келиб олиб, кизлар томон гап отаётган экан, ҳайдадим таёк билан. Қолаверса, кампирим ҳам кўз-кулок...

- Биз ҳам хабардормиз бундан, рухсат берганмиз, - қўшимча қилди деканимиз.

Рахбарнинг бир оз попуги пасая бошлаганди. Мен бунинг сабабини даров тушундим: Қизишганда, у сир бой бериб қўйди, “Ўғил болани бир кунга уйига қўймайсиз-у,” деб. Бу, ўша, Устабоевнинг онаси эди. Ўғли уйга бориб нималар деган бўлса деган-ки, онаси бу ерга келиб мендан ўч оляпти.

Қизларнинг жойлапнуви хусусида Ғани аканинг изоҳи етмакдан ортиқ бўлгани сабаб, бунга қўшимча килиб ўтирумадим. Айни чоғда, раҳбарнинг сирини пайқаганимни ҳам яшириб ўтирумадим:

- Болаларни уйига қўйиб юбориш бизга тақиқланган. Қолаверса, бу ерда ишлар ниҳоясига етятти, бир икки кундан кейин ҳаммамиз кетсан керак, деб ҳам рухсат бермадим мен Устабоева.

- Сиз уни ҳакорат килгансиз! – яна ловуллади аёл.

- Нима деб ҳакорат килибман? У ўзи қўрслик қилди, бизнинг тартиб-интизомимизга нисбатан менсимаслик, ҳурматсизлик қилди. Ҳамманинг олдида мени: “Сен кимсан! Ота-онамга ҳамма куллук қиласди-ю, сенлар нега мени уйга

кўймайсанлар", - деб, катталик қилди. Мен эса бу ерда тартибни саклашим керак. Нима қилишм керак эди?

- Курсда унинг ёши улуғрок, болалар уни ҳурмат қилишади. Сиз эса буни ҳисобга олмай, ҳамманинг олдида сенсирагансиз. Бу ҳам етмагандек, ота-онанг билан ҳам гаплашиб қўяман, дегансиз. У бунга чидаб туролмаган.

- Ий-е, домла, Устабоев деганинг ҳалиги Эркинми? – сўради Фани ака. У киши талабаларимизнинг исмларини билиб олган эди.

- Ҳа, ўша.

- Ҳе, бу бола гирт аҳмоқ экан-ку! Ўша мен хайдаган болалар ичida у ҳам бор эди. Кейин мен суриштирсам, ўша бизнинг маҳалла болаларини бошлаб келган экан бу ерга: "Юринглар, қизлар билан таништириб қўяман, свидание қиласмиш," – деб. Афсус, ўша куни таёғим унинг илигига тушмади, афсус! Отa-онасига етказиш керак унинг бу аҳмоқчилиги ҳакида, домла!

Деканимиз бошини чайқаб, юзини четга бурди...

Рахбар шиддат билан оркасига бурилиб, машинасига қараб кета бошлади...

- Ий-е, хой опажон, шошманг! Тушдан кейин шамолнинг урғочиси бўлади, кўриб кетасиз!

. - Ҳе, сиз канака одамсиз?! – аччикланди декан. – Гап биламан деб гапирилаверадими, орка-тесига қарамай!? Бу киши кимлигини биласизми ўзи? – куюнди Ҳаким Тўраевич ва жавоб кутмай, раҳбар ортидан шошилди. Лекин етиб боролмади, машина, эшиги қарсиллаб ёпилиб, ғизиллаб жўиаб кетди.

Декан ўрта кўчада қолаверди.

Шу пайт бригадиримиз пайдо бўлиб қолди. Мен у кишига бўлиб ўтган воеани тушунтиридим. У киши ҳурмат билан Ҳаким Тўраевичнинг қўлтиғидан олиб, сўри томон бошлади. Бир неча дақика алланималарнидир гаплашиб ўтиришиди.

Бу орада талабалар тушликка чиқиб келишди. Деканимиз ўрнидан туриб талабалар билан ҳол-ахвол сўраша кетди.

Ошпаз киз сўрига дастурхон ёзиб, биз учун тушлик келтириб қўйди. Шунда бригадир aka чақирди:

- Домла, келинглар овқатга, совиб қолади. Фани aka, сиз ҳам келаверинг.

Ариқда қўлларни ювиб, сўрига ўтиридик. Деканнинг кайфияти бир оз яхшиланган эди.

- Бу, коровул aka, ургочи шамол деганингиз нимаси? Жуда уялтиридингиз-ку бизни бутун! – кулимсираб деди у Фани акага.

- Уяладиган жойи йўқ, домла. Бизда шунака гап бор-да: Тушгача манави томондан, - қўлини шарққа чўзиб, - майин, ёқимли шабада эсади, бу эркак шамол экан. У даладаги хотин-халажни юзларини-ю кош кўзларини сийпалаб, хатто кўйлакларининг ичигача кириб ўтади. Буни кўриб, рашки келган ургочи шамол, дарғазаб бўлиб, тушдан кейин мана бу ёқдан, - қўли билан гарбни кўрсатиб, - тўзон кўтариб, шилдат билан гувуллаб келади ва ҳамма даладаги хотинларни уйига тиркиратиб ҳайдаб юборади. Мана шу холос! Лекин бугун ургочи шамол адашиб эртароқ келиб қолди, натижада эркак шамолдан қочиб кетди.

Кулишдик.

- Хе, латифангиз қурсин сизни, - кулгу аралаш деди Ҳаким Тўраевич. – Бу ургочи шамол бизни ҳали кўп безовта килади...

БИТТА ЙЎЛИ БОР...

- Мен арок ичмай қўйганимга йигирма йилларча бўлди, - гапни бошлади Муҳаммаджон aka Азимов, ёши олтминнадардаги басавлат, чехраси очиқ киши. – Авваллари тузукина олиб турардик биз ҳам. Таплашимга отамнинг гаплари туртки бўлди. Аникроғи, падари бузрукворим бир йўл

ўргатдилар... Шундан сўнг бир қўлтим ҳам оғзимга олмай қўйдим, гапимга ишонаверинг.

Муҳаммаджон ака чойни шошилмай хузур билан ичиб тугатиб, пиёлани менга қайтааркан, кўзларимдаги “Давоми бўладими хикоянинг?” деган савол аломатини уқди шекилли, гапида босик давом этди.

- Отам оддий дехкон бўлганлар, бир умр далада ишлаб бизни бокканлар. Намозхон эдилар. Замонавий илм кадрини ҳам яхши тушунганикларидан, фарзандларни ҳаммасини ўқимишли килдилар. Мен кишлок хўжалик институтини тамомлаганман. Турли лавозимларда ишиладим. Ўша мен айтмоқчи бўлган кезларда туман агросапоат бошкармасида бошлиқ эдим. Айни кучга тўлган даврим...

Йигитчилик деб, жўралар даврасида учрашиб турадик; кўпчилик шундай килади-ку. Хизматчиликда ҳам: меҳмон кутиш-кузатиш, биз ўзимиз ҳам у ер бу ерга “меҳмонга” чикиб турамиз, - мийигида кулиб қўйди сұхбатдошим. - Тўймаросимлар ҳам, албатта, курук ўтмайди. Баъзан ишида кеч колиб кетиб, чарчаб қолганимизда ҳам уюштириб юборамиз. стресслар ёзилсин, деб. Деярли кун курук бўлмай колди...

Ишдан канчалик кеч колмайин, ё отам, ё онам, баъзан эса икковлари ҳам ухламаган бўлишади, мени кутиб. Кўзим кизарганини кўриб, улар, албаттаки, ранжишарди. Онам ўзлари кутиб олган кунлари, мен сезардим, эртасига отамнинг сўроғига: “Бир чиройли келди! Ичмабди!” - деб қўярдилар.

Бир кун кеч соат ўн иккilarда уйга қайтсан, отам ўзлари ўтирибдилар. Мен отам билан саломлашиб, қаршиларига тиз чўқдим.

- Онанг кутиб-кутиб,, сал маззаси қочиб, ухлаб колди, - маълум килдилар отам, мен сўрашига оғиз очиб улгурмасданоқ. Сўнг кўзларимга тикилиб:

- Яна ичибсан-да, ўғлим! – синик овоз билан дедилар.

- Москвадан келганларни кузатгандик. Тушунасиз-ку, дада! Ресторанда.. уларни кўнглини олиб жўнатмаса бўлмайди...

- Ҳа, албатта, тушупаман, бугун масковлик мөхмөнларни кузатасан, эртага ўзинг қаергадир мөхмөн бўлиб борасан, сўнг яна бир узрли ҳолат бўлади...

- Ҳа, энди, шунақа эканда, дада, хизматчилик!

- Нахот энди, ўғлим, хизматчиликнинг маъноси шу бўлса?

- Ахир, хизмат юзасидан мөхмөн бўлиб келганни кўнглини овлаш лозимми, дада? Унинг учун сен ўзинг ҳам ичишинг керак, бошқа йўли йўқ! Бўлмаса, у, тортиниб, ичмай қўяди. Ичмаса - кайфияти бўлмайди. Натижада – бизнинг иш пачава бўлади... Ҳозиргacha, худога шукур, ишларимиз ёмон эмас...

- Мөхмөндорчилик, кайфиятни кўтариш... Ман тушунаман бу канчали муҳимлигини хизмат учун.

- Ҳей, яшанг, дадажон! Мен бекорга мактандайман да, дадам ҳаммабоп, тушунадиган, замонавий одамлар, деб!

- Ман-ку хизматчилик нималигини билама-ан. Аммолекин, сен ўзинг ўша кайфият кўтаришинг билан гунохи азимга ботаётганлигингни тушунасанми!? Шуни ўйлаб, туну-кун бедорман, болам!

- Оббо, дадажоним-её! – эркалигим тутиб кетиб, дадамни елкаларидан кучдим ва юзимни юзларига қўйдим. – Кўп ваҳима қиласкерманг! Дунёни кўп тор олаверманг! Атрофга бир назар ташланг! Ҳамма ичади!

- Нималар деяпсан ўзи, ўғлим? Қайда кўрдинг, ҳамма ичганини? Мана, қўциниларимиз – Акмалжон, Абдураҳмонлар ичмайдику!? Ўшалаям одам! Дарвоке, улар сани синфдошлиаринг...

- Ҳе-е! Нега энди улар билан тенглаштирасиз мени, дада? Улар ким-у мен ким! Биттаси тракторчи, иккинчиси дурадгор... Мен эса...

- Ҳа, сан каттаконсан! Ман сан билан фахрланаман, ўғлим! Лекин сан, ҳалигидай, одамларни менсимай гапирмагин. Улар пешона тери билан пул топиб, оила бокишаётти. Ман оддий деконман, сан ҳам декон нонини еб катта бўгансан! Буни унутмагин !

- Йўқ, мени тушунмадингиз, дада! Мең синфдошларим ҳакида ёмон гапирмоқчимасдим, асло! Шунчаки, менинг ишим оғир, бошқача, кези келганда ичмаса бўлмайди, иш битмайди, демокчи эдим, холос! Кўйинг, дада, куп куйинаверманг! Анави Абдураҳим эпоннинг ўғли, у ҳам мен сингари хизматчи, ичиб туради-ку?!

- Ўғлим, бироннинг гўрига биронни кўймайди! Ким нима қисса ўзига! У дунёда ҳар ким ўз қилмишига яраша сўроқ-саволга тутилаверади! Нега полончининг ўғли ҳам ичиб юрибди-ку, деб индамай юраверай? У дунёда, ахир, мандан сўраса керак, қанақа тарбия бергансан ўғлинга, деб? Ҳар ким ўз қилмишига ўзи жавоб беради, болам! - қизишдилар дадам.

- Ҳали биз ҳам ичишни-ю чекишини ташлаб, сиздек бўлиб, оппоқ соколни силаб, фарзандларга насиҳат қилиб ўтирадиган пайтлар келар, дадажон! – соколларини силаб, ўпид қўйдим. – Ҳозирча эса – давр келган, давр талаб этяпти, лавр кўтаряпти, нима қиласин энди?

- Шунақа дегин? Давр дегин? Ҳўп, майли, хизматчилик юзасидан меҳмон қилмаса бўлмаса, майли, қилавер меҳмон, куйиб беравер керагича! Аммо ўзинг ичмагин! Бир баҳона қилиб, мумкинмас манга, десанг, бўлади-ку, ахир!? Меҳмон! Меҳмон! – яна асабийлашдилар дадам.

- Ҳа, энди, дада, меҳмон баҳона, биз ўзимиз ҳам қиттак-қиттак олгимиз келиб туради-да, дадахон!

- Э-э, гап бу ерда эканда! – ота бир оз сукут сақлаб колдилар. Сўнг менинг кўзларимга нигоҳларини катъий кадаб, дедилар:

- Унақа бўйса, битта йўли бор! Қанча ичсанг ҳам - санга гуноҳ бўмаслини битта йўли бор, ...

- Мана шундан гапиринг, дадавой! Ахир, шариатда йўл кўп деб ҳам бежиз гапирилмаса керак!? Ҳадеб дунёни тор олавермай, бир йўлини кўрсатинг, дадажон!

- Бор, битта йўли бор: “Гуноси дадамга бўлсин!” – деб ичаверасан!

- А-а? – миямга мисоли яшин урди...

ҲОЖИ ДОМЛА

Шомдан сўнг Ҳожи домла юмшоқ чукур креслога жойлашиб олиб, телевизор кўраётганда, уйга кизи Зухрахон кириб келди.

- Ий-е, келинг, она кизим, - қизиппинг юзига юзини қўйиб, хурсандлик билан кутиб олди ота.

Қизнинг эса қайфияти йўқлиги сезилиб турарди.

- Яхши ўтирибсизларми, дада? – сўраган бўлди Зухрахон, айни пайтда шу ерда турган онаси билан тузукрок кўришмасдан.

Вазиятни сезган ота гап ташлади.

- Ха, кизим, нима бўлди, авзойинг бузук кўринали?

- Нима бўларди, ўзингизга маълум, нимасини суринтирасиз? Пул сўраб келдим, битта машина олайлик, куёвингизнинг аҳволи тайин, қийналиб кетдим, – ийғламсираб деди Зухрахон.

Отанинг афти буришди.

- Күёвингиз, – гапида давом этди Зухрахон, – ҳалеб ўпкалайверадилар, дадамларнинг имконлари бор-ку, ёрдам берсалар бўлмайдими, деб. “Ахир, дадам ўзлари ҳам машинализлар-ку?” – десам бўлмайди: «Дадангиз эскича одам, пуллари бўлса ҳам, пиёда юраверадилар», – дейди.

Ҳожи домла ўйланиб колди, бошини қашиб.

Она гоҳ якка-ю ягона фарзандига, гоҳ эрига қарайди илтижо кўзлари билан. Ниҳоят ота ётиғи билан жавоб қилди:

- Кизим, яна бир-икки ой сабр килинглар. Китобим чиксин, калам хақини сизларга бераман, тузуккина чикса керак. Ҳозирча имконим йўқ.

Қизини кузатгач, она эрдан ҳафа бўлди.

- Шунака бағри тош бўладими одам? Битта-ю битта кизингизга ёрдам берсангиз бўлмайдими? Йўқ бўлса экан, бошқа гап. Ахир, анаву чет элдан келган пулни банкага қўйиб қўйдингиз-ку?

- Бу пулларни, онаси, бир кунимизга ярайди, деб омонатга қўйганман, биласиз.

- Фойдасичи, фойдаси? Анча бўлиб колгандир бу чоқгача?

- Ҳа-а, фойдасими?.. – Ҳожи домла ўйланиб колди...

Эртасига у киши банкга йўл олди.

- Ҳожи бува, фойда пулингиз икки миллион сўм бўлибди – деди банк ходимаси ойна тешикча ортидан караб турган соч-соқоллари оппок, зангор духоба дўппи кийган ўрта бўйли кишига.

- Яхши, кизим! Энди бу фойдани «Муруват» ногиронлар уйига ўтказамиз.

- Ҳаммасини-я?

- Ҳа, фойдани ҳаммасини.

Ходиманинг кўзларида жилмайиш билан бирга сезилар-сезилмас ҳайратланиш аломатлари ялт этди.

Банк биносидан чиқаркан, Ҳожи домла хаёлидан ўтказди: «Банкка қўйилган пулдан келган фойда судхўрнинг пули билан баробар бўл-са, Курони Каримда судхўрликни ҳаром дейилган бўл-са, мен энди, келиб-келиб ягона фарзандимга ҳаром пул билан ёрдан берай-ми?»

Ҳожи домла, профессор Оллоёров, нашриёт томони йўл олди. У ердан тез кунларда чоп этилиши керак бўлган янги китобнинг корректурасини олиши лозим эди...

ТАЪЗИМ

Тўйнинг эрталабги ош маросими ниҳоясига етай деб колди. Қатор-қатор бўлиб тўйхонага кириб-чиқиб кетаётган меҳмонлар оёғи анча босилди.

Кўшни вилоятдан таклиф этилган машшоқлар яхшигина хизмат қилишди. Улар ижросидаги дилрабо оҳанглар барчага манзур бўлаётгани сезилиб турарди.

Ўрта ёшлардаги кўшикчи охирги ижрони тугатаркан, торини ёнига қўйиб, олдида турган чой тўла пиёлани қўлга олди.

- Раҳмат, овозингиз бундан ҳам ширали бўлиб кетсан! Роса хузур қилдик-да! Қани, мана бу ёкқа марҳамат қилиб, энди сизлар ҳам меҳмон бўлинглар, бир мириқиб дам

олинглар, - тўхтосиз гапира туриб, дастурхончи оксокол санъаткорларни кўярда-қўймай ичкарига олди. Сўнг улар учун алоҳида ноз-неъматлардан келтирди. Ош ҳам тортилди.

Сағъаткорлар бирмунча гурунглашиб ўтиришгач, оксоколни чакириб, фотиха беришини сўраши.

Бир оз ўтгач, оstonада оксокол тўй эгаси билан бирга пайдо бўлди. Оксоколнинг кўлида катта бир тугун. Уни кўшикчи олдига кўйди. Одатдаги мулозамат сўзлардан сўнг дуо ўкилди. Тўй эгаси, кўшикчига кулимсираб, тугунга ишора килди:

- Ҳаммаси шуни ичидা, таксир.

Кўшикчи, кўлинин кўксига кўйиб, қуллук килди.

Ташкарига чикишар экан, кўшикчининг кўзи ховли тўрида кўйилган сўрида меҳмонларни кузатавериб чарчаб, энди хордик оғини еб ўтирган уч-тўрт оксоколга тушиди. Улар орасидан бири, комат соколи ўзига ярашган мўйсафид машюкларга кулимсираб бокиб турарди.

- Ий-е-а, Карим ака, ассалому алайкум! – кўшикчи сўри томон юрди.

Мўйсафид ўрнидан турмокчи бўлганди, кўшикчи тўхтатди:

- Йўк-йўк! Қимирламанг, Карим ака! – кўшикчи сўриниг четига ўтиреди. – Бу ерда кўраман деб ўйламаган эдим сизни, устоз. Қайтишда йўклаб кетмокчийдик...

- Борганингизда тополмасдингиз, Комилжон. Бир йил бўлди бу ерга янги участка килиб кўчиб чиқканимизга. Бу ерда энди маҳалланинг оқсоқолимиз, - коматини силаб кулимсираб кўйди Карим ака.

- Ий-е, шунақами!? Жуда яхши-ку! Янги жойни йўқлар эканмиз-да энди! Лекин бошқа сафар, худо ҳохласа, алоҳида келамиз бунинг учун!

- Нега энди бошқа сафар экан!? Бизнида ҳам бир пиёла чой ичмай кетмайсизлар! – қаттъий килиб деди Карим ака.

- Бораверардик ҳам, Карим ака, аммо мана бу шоффёр укамнинг зарур иши бор экан, шошилтириб турибди. Биз эса

унинг измидамиз, олиб келган - олиб кетади! - кулишган бўлди Комилжон. - Бизни кечирасиз, энди рухсат бермасангиз бўлмайди, - деди-да, шериклари ёнида турган тугунни олиб. Карим аканиг олдига иззат билан қўйди.

- Айбга буюрмайсиз, Карим ака, мана шуни биз сизга илиндик. Илтимос, кайтарманг...

- Хе, йўк-ей, бу канакаси бўлди, ука!? Одамни ҳижолат килманг... кўйсангиз-чи. Сизлар шунча йўл босиб келиб, сахардан бери хизмат қилсангизлар, қўйинглар.

- Тақсир, шогирдларингиз сизни шунчалик ҳурмат килишибди, ўзлари ҳам ҳурмат қўрипсин, ҳафа килманг буларни, қўлини кайтариб. Ундан кўра, келинг, бир дуо килинг, - деди сурида утирган мўйсафидлардан бири. Дуога қўл очилди...

Машиналарига ўтириб йўлга тушишганда, шофёр, кизарив, бўғилиб, гапира кетди:

- Саксон километрга ярим кечада туриб, бензин сарф қилиб келувдик, Комилжон ака, ҳаммасини бериб юборавердингиз-а!?

- Нима килса ҳам сен кўпроқ темир билан ошинасан-да, ука. Уша бензин пулингни мендан оласан, - ҳазил аралаш жавоб килди қўшикчи.

Комилжон йўлда кетаркан, юзидан мамнунлик аримади. Устозни кўриб, у зотга оз бўлса ҳам миннатдорчилигини билдирганидан қалби қувончда эди...

ЎРДАКНИ ФОЗГА...

Бошловчи: Эркин ака, сизни шунчали эл эъзозлаган қўшикчи бўлиб етшишингизга сабабчи бўлган устозларингиз хақида бир-икки оғиз гапириб берсангиз телетомошибинларга.

Қўшикчи: (торини тиззасига тикка қўйиб олган): Биласизми, синглим, мени Эркин Солихов бўлиб ҳалкка танилишимга, колаверса эндиликда мени ўзимни “устоз” деб

эътироф этишларига сабабчи бўлган барча устозларни тилга олгим келади шу онда. Бу ўринда мен, биринчи навбатта, Қобилжон ака Усмоновни тилга олмокчиман ва у инсон ҳакида бир-икки оғиз эмас, бир-икки соат гапирса ҳам арзирлигини таъкидламокчиман. Менинг қўлимга биринчи бўлиб соз уплатган, мумтоз куйларга ошно килган киши мана шу Қобилжон ака бўладилар. У киши хозир нафақахўрлик гаштини суриб ётибдилар. Умрлари узок бўлсин устознинг! Мен у кишининг яхшиликларини, қимматли ўгитларини хеч качон унутмайман. У кипи жуда ҳам ажойиб инсон, табиатан шунака соддадилки, асти қўяверасиз...

Кечки овқат тугаб, товок дастурхондан олинди. Болишга ёнбошлаб олиб роҳат билан чой хўплаётган Эркин Солиховга хотини гап қотди:

- Дадаси, ўғлингиз ғингшийвериб, жонимга тегиб кетди машина дардида. Ўзи ҳам тўғри-да, ўртоқлари “Жигули”ни ғизиллатиб ўтишганда, кўнгли чўкади-да боланинг. Кимсан фалончининг ўғли бўлса-ю, институтта пиёда борса! Яратмайди-да!

- Кимсан фалончига машинани бекорга бермас экан, ўғлингга айтиб қўй! Нима, мен ўзимни сотиб оламанми яна битта машинани? Мана бунисини олганимизга ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ-ку!..

- Хе, упинг кулоғини ҳам ушлатмасангиз ўғлингизга, нима килсин у ҳам!?

Бироз сукутдан сўнг эр пиёлани вазми-ин дастурхонга қўйди-да, хотинига юзланди:

- Менга қара, каерда хозир ўғлинг? Чакир! Ҳозирок машина олгани борамиз!

- Вой, тинчликми ўзи? Нима бўлди? Биралок-а!

- Чакир, чакир! Кеч бўлмасдан бориб келиб қўяқолайлик.

Бир оздан сўнг Эркин Солихов башибанг кийинган ўғли Сардорни ёнига ўтқазиб, “Жигули”да каёқладир жўнаб кетди...

Машина пасттаккина күча эшиги олдила тұхтади. Эркин Солихов эшикни кокиб, чақирди: “Қобилжон ака!” Ичкаридан: “Хұй-ұв, хозир, мана хозир” – деган жағоб эшитілди. Бир неча дакиқадан сүнг: “Э-э, Эркинжон, Эркинжон! Қайси шамол учирди бу сизи, а? – деб күчок очиб мәхмөнларни күтиб олди уй эгаси, ўрта бўйли, оппок қалин соколли, дўппи кийган, чеҳраси очик киши. – Қаникани, остоңада турманглар, ичкарига кирайлик...”

Ичкари киришди. Уй бекаси ҳам келгапларни яхши хушлаб, қалин кўрпачалар тўшалган сўрига таклиф этди.

- Вой-бу-й, Эркинжон, бормисизлар ўзи? Пенсияга чикардик, энди бундан кутулдик, дебсизлар шекилли, а? – хириинглаб кулиб, деди мезбон. – Бир хабар олай ҳам демайсизлар...

- Э-э, Қобилжон ака, бу иши қурғир ёмон нарса экан, ипсиз боғлаб ташлайди одами, кимирлаб бўлмайди-я! Кундузи репетиция бўлса, оқшом концерт, гастроллар. Ўзингиз яхши биласиз-ку...

- Ҳа-а, албатта, тушунаман, тушунмасмидим: ҳазиллашдим-да. Ишқилиб, ишларинг илдам босаверсин, тинч бўлсанглар бўлгани, ука. Лекин баъзи-баъзиди сизларни, коллективни қўмсаб коламан-да... Ҳа, майли, булар ҳаммаси ўткинчи нарсалар, - деди, чойни қайтарар экан, Қобилжон ака.

Чой куйиб Эркин Солиховга узататуриб, мезбон Сардор томон бош иргаб:

- Буни қаранг-а, Эркинжон, вактни тез ўтганини! Ўғлингизни аввал кўрганимда кичкина бола эди, катта йигит бўлиб колибди-я!..

- Уже студент. Юридик факультетда ўқияпти, устоз! – мағурурланди Эркин Солихов.

- Қалай, ўқишлар яхшими, жиян? Илоҳим умрингни узок килсий! – дуо килди устоз йигитчани.

Катта пиёладаги чойни айлантириб ичаркан, Эркин Солихов ниманидир ўйларди, гарчанд Қобилжон аканинг

Сардорга гапираётган гапларини тинглаётгандек кўринса хам. Сўнг пиёлани мезбонга узататуриб, мулоимлик билан, кулимсираб, деди:

- Ва, нихоят шу бутун бир вакт топиб, сизни йўқлаб келдик-да, устоз! Ҳам табриклаб қўяйлик дедик.

- Нима билан табриклийсизлар?

- Камтаринлик хам эвига-да, устоз! Бутун бошлиқ машина киради уйингизга-ю, яна камтаринлик қиласиз-а...

- Э-э, ха, машинами?! Ҳа, шунака бўлди! Қаранг, бир ярим йил аввал мени пенсияга кузатиш маросимида горком секретари машина инъом этмабми? Ўша энди унса бўладими!

- Ҳеч бўлмагандан кеч бўлгани хам яхши-да!

- Дарвозамиз хам йўқ денг, қўшнининг гаражига қўйиб қўйдик, - қўшимча килди мезбон.

- Илоҳим, буюриб-насиб қилсан! Роҳат қилиб миниб юринг!

- Раҳмат, Эркинжон! Яқин одамим экансиз, хурсанд-чилигимга шерик бўлдингизлар.

Шу тарзда устоз билан шогирд анча гаплашиб ўтиришиди. Сардор бўлса тез-тез дадасига бетоқатлик билан ўқрайиб караб қўярди. Буни сезиб турган ота ичиди: “Сабр кил, бўтам, хаммаси жойида бўлади! Сабр килсанг ғўрадин ҳалво битур!” – дегандай бўларди.

- Айтмокчи, Қобилжон ака, кенжа ўғлингиз Акмалжон хам армиядан келай деб қолгандир?

- Ҳа, оз колди, худо хоҳласа, икки-уч ойда келиб колади. Институтни битирган эмасми, уларнинг хизмат муддати кисқарок бўлар экан.

- Келиши билан тўй килиб берарсиз? Бирор жойга бўлиб хам қўйгандирсизлар? Аслида-ку, аввалрок ўйлатиб қўйсангиз яхши бўларди. Ҳозир отасини соғинганда боласини тиззангизга ўтказиб, ўйнатиб ўтирадингиз, ҳа-ҳа-ҳа! – беўхшов ҳазиллашиди меҳмон.

Бу эса мезбонга гўё тарсаки бўлиб туюлди. Дамини ичига ютиб, Қобилжон ака хўрсиниб деди:

- Ўзингиз ақлли одамсиз, яхши тушунасиз, Эркинжон. Эртани ғамиши емай ўтаверган эканмиз. Охирги боламизга келгандা сал оксад бодлик. Институтни битиришига қиз ҳам тайёр эди, аммо, ўйлаб карасак, кўлимиз калталик қиласидиган. Шу алпоз, дурустгина қизни кўлдан чикариб юбордик. Тақдир, вакти-соати битганда тўй ҳам бўп кетар, деб ўзимизга тасалли бериб колавердик. Бу орада, армияга ҳам чақириб қолди...

- Ҳа, ҳар бир ишнинг ўз вакти-соати бўлади, албатта. Мана, энди йигитлик бурчини адо этиб қайтса, уйлатаверасизлар-да, кечи йўқ. Унча-мунча йигиб-териб кўйгандирсизлар ундан бери? Колаверса, биз ҳам қараб турмасмиз...

- Умрингиздан барака топинг, мулла Эркинжон! Худо хайрингизни берсин! Дўстим экансиз, бунчалик қайғураяпсиз биз тўғримизда. Раҳмат! Аммо, жамғарган пулларимизни бир қисмини “Москвич”га бериб қўйиб, шу кунларда янгангиз билан диккат бўлиб ўтирибмиз. Олмайман, десам, бир умр орзу килиб кутгандим буни. Ҳали ўзингиз айтгандек, картайганда бир машинада биз ҳам юргимиз келди. Энди бу ёғи нима бўлади, билмайман... Машина минайми ё болани уйлатайми?.. Янгангиз бўлса: “Тезда “Москвич”ни сотинг. Уни катта пулга олармиш бозорда”, - деб ҳоли-жонимга кўймаяпти...

Эркин Солиховнинг юзига қон юргургандек бўлди. “Мана, энди вақти етиб келди!” – хаёлидан ўтказди у.

- Қобилжон ака, мени кечирасиз, сиздан ёш бўлсан ҳам бир гап айтами? Аммо хафа бўлмайсиз. Янгам тўғри фикрлабдилар. Машинада юриши яхшику-я, аммо, оталик бурчини ўз вактида бажариш ундан заруррок. Колаверса, бу замон болаларини ўзингиз кўриб турибсиз. Келиши билан бошини иккита, оёғини тўртта килиб қўймасангиз, худо билсин, яна бирон-бир ноўрин ҳатти-харакат килиб қўймасин.

Машинадан кўра кечалари тинч ухлаганингиз маъкулроқмасми? Янгам айтганларидек, машинани хозир икки баробар нархда пуллаш мумкин. Тўйнинг анча камчилигини қилиб кўясиз.

- Шундайку-я, аммо, бир машина хайдаб, мен ҳам одамларга ўхшаб керилиб, кариганда чолу-кампир у ёқ, бу ёккларга саёҳат қилиб юргим бор эди-да, - хўрсинди Қобилжон ака.

- Энди, уста, сизга саёҳатга машина керак бўлса, мана менда бор, бемалол айтаверинг качон бўлмасин!

- Раҳмат, ука, раҳмат! Иннанкейин, Эркинжон, бу машинани сотиш масаласи ҳам бор-да. Мен бозорда йўқман, катта ўғлим ҳам мендан бешбаттар. Бозорга олиб бориб, керакли пулга сотолмасам ҳам керак...

- Ҳе, унга колган кун қолмасин! Сотиши? Агарда ростдан ҳам сотмокчи бўлсангиз, бозорга бориб ўтиришингизни зарури ҳам йўқ – мана мен ўша икки баробар нархни беравераман!! Сиз овора бўлиб ўтирманг бозорга бориб!..

Мезбон бунақасини кутмаган эди.

- Ростданми? Унақа бўлса, бир бозорга олиб чикиб, баҳолатиб кўрсакмикан, ука? Таниш-билиш, яна ўртада хижолатчилик бўлмасин. Озгина камрок бўлса ҳам майлига, сиз яна куйиб колманг...

- Кизик экансиз, Қобилжон ака! Бир-икки минг ўтса, ўзимнинг устозимга ўтибида-да. Менга сиз рози бўлсангиз бўлди! Кўлни беринг, розимисиз?

Устоз шогирдга кўл берди.

- Бор, барака!

Эркин Солихов ёнидан икки минг сўм чиқариб узатди:

- Мана бу заколот. Машина олиш хаёлимда ҳам йўқ эди. бўлмаса пул билан келардим. Эртага эрталаб колган ўн тўрт мингини олиб келиб, Сардор “Москвич”ни олиб кетади, келингидикми? Энди, Сардор ҳам сизга битта набирадек нарса, хурсанд бўлиб миниб юради-да. Ётга кетмади.

Эртасига “Москвич”ни олиб кетишиди.

Оқшом Қобилжон ака маҳалла чойхонасига чиқди. Машинани пулланганидан дарак топған жүраларидан биттаси бош чайкаб деди:

- Аттаңг, арзон беріб юборибсиз, мулла Қобилжон. Бозорда камида йигирматага оларди-я!

Қобилжон аканинг ичига бир парча муз тушгандай бўлди. Якшанбагача диккат бўлиб юрди. Жўрасининг айтганлари миясидан чикмасди. “Наҳотки, шу ерда ҳам ютқазган бўлсан?” – деган ўй тинчлик бермасди унга.

Ва якшанба кун бир бозорга айланиб ўтиб, нарҳ-навони билишга аҳд килди...

Эркин Солиховнида ҳам, “Москвич” келгач, озми-кўпми кўнгилсизлик рўй берди. Аникроғи – Сардор бурнини жийирди:

- Ҳамма ўртокларим “Жигули” минса, мен “Москвич” минаманми? Уяламан!

- Эй, нодон! “Сабр қиласант, тўрадин ҳалво битур, сўнг оғзингга тушур!” деганларнини эшишмаганмисан? Бундан ташқари, ёдингдами, мен сенга ёшлигингда эртак айтиб бергандим: бир устамон бола ўрдакни ғозга, ғозни қўзичокка, қўзичокни кўчкорга, кўчкорни эса катта сигирга алмаштириб, бой бўлиб кетганлиги ҳакида? Ҳали сен шошмай тур, уч-тўрт кундан кейин “Жигули” ҳам бўлади...

Машина бозори. Сотиладиганлари қатор тизиб қўйилган. У ер бу ерда одамлар машинани ўраб олиб, даллоллар баҳони пишишишларини кузатиб туришарди.

Қобилжон ака каттароқ тўп одамлар даврасига сукилиб киришига харакат килди. Даллолнинг овози келарди:

- Бўлди, энди! Йигирма тўртта-я?

- Ҳа, ака машина ҳам яп-янги-да! Ҳали ёги ҳам артилмаган! - бу овоздан Қобилжон аканинг миясида чақмок чақди, машинанинг эгасига каради - даллол Эркин Солиховнинг қўлини силкитарди. Ургада эса Қобилжон акага горком ваъдаси билан берилган оқ рангли “Москвич”...

- Ҳа, бор ана, йигирма беш килиб қўйдим! Харидор ҳали кочиб ҳам кетади. Олмаса ўзим оламан! Бўлди! Барака, барака, денг!

- Ҳе, бор, барака!

МУСИЧАГА БЕРМАГАН ОЗОР БОЛАМ...

Чўлпонхон ая бир нарсага ҳайрон. Аниқроғи, бир нарса унинг миясидан ҳеч чиқиб кетмай, қийнагани-қийнаган. У ҳам бўлса - бир туш. “Тавба, бу қанака туш бўлди? Нима сир бор экан бу ерда?”

Мана, кариийиб йигирма беш йил, балки кўпроқ ҳам бўлди кўрганига... Бир маротаба, бошқа қайтарилимаган. Аммо, ҳамон кўз ўнгиди, ақл-хушини чулғаб олган:

“Қанча-қанча тушиларни кўрмайсан киши, - хаёлга чўмади ая. – Не-не ажойиб воқсалар баъзан ҳобингга кирмайди, саргузаштили кино лентасидай кўз олдингдан ўтади, лекин уйғондинг дегунча, хотирангдан ўчади. Буниси бўлса худди рўпарангда тургандек. Болика тушиларга ўхшамайди ҳам. Гап йўқ, сўз йўқ...”

Кўл соҳили. Бир кекса аёл, уфкка тикилиб-ми, қотиб турибди. У орқасини ўгириб турганилиги учун, юзи кўринмайди. Кеч куз-ми, ё киш-ми... Сув кирғоғида куриб корайган якка-дукка қамишлар унча кучли бўлмаган совук шамолда тебраниб турибди, сув сатхи ҳам енгил тўлкинланган. Уфқ корамтири. Аёл эгнида кора тўн, бошида нимдошгина қалин румол. Мана шу холос. Нима килиб турибди у срда аёл? Нега турибди? Ким ўзи у? Номаълум...

Шунча йиллардан бўён ушибу манзара, бир чизгиси ҳам ўчмаган рассом асаридаи, Чўлпонхон аянинг ёдида, ҳамон унинг боғини котиради. Бусиз ҳам ташвишлари ўзи етарли. Мактаб иши, оила бокиш... Унинг устига фарзандлар кийнаб кўйди. Ўзи педагог, юзлаб, хатто минглаб болаларга сабок, тарбия бериб, раҳматномалар олса ҳам, билиб бўлмас эканда, ўз фарзандларинг нима бўлиб чиқишини. Катта фарзанди Нигора, Тошкентда ўқишида юриб, биринчи курсдаёқ, ҳеч кутилмаганда, турмушга чиқди, лекин бир ой ўтиб-ўтмай ажрапди. Ҳамма айб кизида эканлигини она яхши тушунар ва алам-захрини ичига ютишдан ўзга чораси йўқ эди. Рашид ўрта мактабини битириш палласида тез-тез уйга кеч қайтадиган,

кайтганда ҳам кўпинча кўзлари бежо, кизарган холда қайтадиган одат чиқарди. “Ох!” деди “вон” деди она – фойда бўлмади. Отаси бир кун ўғлиниг юзига тарсаки билан уриб юборди чидай олмай, аммо ўзи ҳам юрагини чапгаплаб колди ўша онда. Битирув кечасидан эса умумаш қайтиб келмади бола. Эртасига милициядан хабар келди... камаб қўйилганлиги ҳакида. Етти йилга кесилди. Отаси, ўғли камалганини эшитиб, юрагида каттиқ санчиқ ҳис этганича, қайтиб ўзига келмай, хаётдан кўз юмди.

Аёл кишининг жони киркта бўлади деб, бежиз айтилмас экан. Чўлпонхон ая, мункиллаб, нафақа ёшидан ўтган бўлишига қарамай, ҳамон бир ярим ставка дарси бор, жамоатчилик ишлари... Нигоранинг ўғилчasi Беҳзод ҳам унинг бўйнида, онаси ўзи эса ҳали Тошкентда, қандайдир ташкилотда ишлайпман, дейди. Ҳасан билан Зухра мактабни битиришгалига тўрт йил бўляпти. Шулардан умиди бор онанинг. Зухра пединститутда. “Онамнинг изидан бораман!” – деб, астойдил ҳаракат килмоқда. Ҳасан институтга кирмади. “Мен ишлаб, сизларни боқишим керак!” – деб, туриб олди. Шофёрлик ўқишини битириб, курилиш ташкилотида бир бошлиқнинг хизмат машинасини минади. Ишидан мамнун, ойлик маопини доимо онасига келтириб беради. Бошлиғи ҳам мактади, меҳнатсевар, одобли, деб. “Зора, катталаридан кўрмаганимни шунисидан кўрсам,” – деб орзу килади Чўпонхон ая ва Ҳасанга қаллик танлапни ўйлади. Бир-икки бу ҳақда оғиз очганди, ўғил кулоқ соглиси ҳам келмади: “Мен шошилаётганим йўқ, ишлаб пул топай. Жойидан чикса, аввал Зухрани узатайлик, кейин менга навбат келади, ойижон,” – деди йигит юмшоқкина, лекин қатъий равишда. “Ҳар нима килса ҳам, ака эканда”, - ғуурланиб хаёлидан ўтказди она.

Ўғлининг бундай гаплари, унинг покизалиги онани ноумидликдан куткариб, руҳини тетиклаштириб турарди, бўлмаса аллақачон букилиб коларди аёл. “Илоҳим, яхши қаллик учрасин-да боламга”, - деб, юрган йўлида пичирлайди аёл...

Ҳасан унинг кўнглини тоғдек кўтартгани учунми, онанинг Зухра хусусида ташвиши камдек кўринарди. Якинда Ҳасан яна бир бор беҳад хурсанд килди онасини. Байрам муносабати билан ишхонасидан чиройли куйлак совға килишган экан яхши ишлагани учун. Онаси, ўзинг кийгин, эгнингда тузук бир нарса колмади, деб кисташига қарамай: “Зухранинг тўйига олиб кўйинг, куёвга керак бўлиб колар”, – деб, кўнмади. Чўлпон аянинг кўзларига кувонч ёшлари келди. “Икковинг-ниң ҳам баҳтигни берсиз худойим! Бир-бирингга доимо меҳрибон килсин!” – деб, дуо килди она.

Турмуш ташвишлари-ю кичкина кувончлари нари бўлди дегунича Чўлпон аянинг кўз олдида яна ўша кўл бўйида коққан козикдай орқасини ўгириб турган кора кийимли аёл тимсоли гавдаланади. Уфқ, қуон бошланаётгандек, қоп-кора... Чорак асрдан буён давом этади бу нарса. “Тавба!” – хайрон бўлади ая.

Декабрь ойининг ўрталарида, шанба куни пешинларда Ҳасан уйга тез кириб келди. Онаси: “Ха, нима гап?” – дегандек тикилди унга.

- Ойи, эртага дам олиш куни-ку, бир-икки киши бўлиб дам олиб келмокчимиз, Мингбулокка ўрдак овига борамиз, – тушиунтириди у.

Онанинг юраги ивишиб кетди.

- Қўй, болам, уйда дам олавер. Совук кун бўлса, ёз бўлгандан бошқа гап эди балиқ-малик овлагани. Қўй болам, тинч ўтири уйда, юрагим алланечук безовта бўляпти...

- Нега бунча ташвиш, ойи? Ёш боламанми? – тинчлантириди онасини бола.

Она ҳам ичида : “Ҳеч йигит бўлиб тенг курлари билан дам олишларга бормаган, бир ўйнаб келса келар, “ – деб, дуо билан ўғлини кузатиб кўйди.

Оқшом Чўлпон ая алламаҳалгача ухлай олмади, чирокни ҳам ўчиргиси келмади. Набирасининг пишиллаб ухлашини кўриб, жилмайди. Совук емасин, деб кўрпа четларини қимтиб кўйди. Кейин ўрнидан туриб, Зухранинг хонасига мўралади:

қиз ёстиқ боппиди китоб билан ухлаб колган экан, она чирокни ўчириб қўйди. Сўнг, тўнини кийиб, ташкарига чиқди. Осмон чараклаб, тўлин ой совук нурларини бир текис сочиб турарди. Аччик шабада юзга урди. Узокдан итнинг юракни эзадиган хуриши эшитиларди. Кўп туролмади ховлида Чўлпон ая, совукдан жунжикиб, ичкарига кайтиб кирди. Яна чирокни ўчирмай, жойига бориб ётди. Ухлашга уринди, лекин уйку келмасди, минг хил хаёллар чулғаб олганди унинг бопини. Улар орасида, узокдан яқиплашиб келиб, яна ўша кўл бўйида орқасини ўгириб турган аёлнинг мотамсаро гавдаси пайдо бўлди. Кўл тарафдан эсаётган совук шамол аёл юзига аччик урилаётганини ҳис килгандай бўлди Чўлпон ая. Уфқдан кора куюп бошлангаётгандек эди...

Тонгга яқин озгина кўз юмди она.

Якшанба бўлгач, одатдагидек Чўлпонхон ая Зухра билан кир-пир ювиш, ҳовлини у ёқ-бу ёгини тартиб қилиш билан банд бўлишиди. Пилдираб оёқ остида ўралашаверган Беҳзодга:

- Бор, совуқда юрма, шамоллайсан, ундан кўра телевизор кўриб ўтири, - деб ҳайдашди.

Киш куни тез ўтади.

- Кизим, ҳализамон аканг совук еб кириб келади. Меҳмонга боргани билан, узок йўл, ҳойнахой оч келади, сен ошига уринивер. – деб буюрди Зухрага онаси. - Менинидан ҳам сепингни ошинингни яхши кўрадику, - кўшиб қўйди яна.

Кун оғиб, копи корая бошлиди. Лекин Ҳасандан дарак йўқ. Кўча эшик тирқ этса, карайди она... Ош дамланганига ҳам бир соатдан ўтди... Соат саккизларда кўча эшикни кимдир енгил такиллатди: "Чўлпон опа!" – деб чакирди эркак киши. Үғли катта бўлиб колгандан бери, қўни-қўшилар доимо "Ҳасанбой!" – деб эшикни чакиришарди. Бу ким бўлди экан? Ая тез ташкарига чиқди, ҳали занжирланмаган эшикни очди: рўпарасида маҳалла оксоқолларидан Мамадали ака, участковой ва яна бир ёшрок милиция ходими туришарди. Чўлпон ая бошидан бир пакир чилла суви қуйилгандай бўлди.

- Чўлпон опа, - гап боилигани ҳаракат қилди оқсоқол бир оз сукутдан сўнг.

- Нима?.. Ҳасан қани?.. Буниси хам бирор иш килиб қўйдими, нима бало?

- Фалокат, энди,.. Чўлпон опа, хеч ким билмайди, бошига не кулфат тушишини, ҳаммаси худодан...

- Нималар деяпсиз ўзи, Мамадали ака?! Очиқрок гапирсаларингчи!?- юзланди у милиционерларга.

- Ҳасанбой сувга чўкиб кетгапмиш, ая, - нохуш маълум қилди участкавой.

- А-а? Нима? Вой ман ўлай! Вой шўрим!.. Вой-до-о-д! – маҳаллани титратди аянинг чинқириши...

Ярим тунга яқин тиббий ёрдам машинасида Ҳасанинг жасадини олиб келишиди. Аввалроқ бошка тез ёрдам машинасида келган шифокорлар эса ҳуши бор-йўқ ётган Чўлпонхон аяга ёрдам кўрсатиш билан овора эдилар. Ҳовлига ўликни кўтариб киришаётганда йиги-сиги авжига чиқди. Айниқса Зухранинг саннаб йиғлаши юракни арзиктиради.

Эртаси кун кора тўн устидан белини боғлаб, ҳасса тутиб олган Чўлпон ая ва унинг ёнида Зухра ҳовлига кетма-кет кириб-чиқаётган оламон даврасида чарҳ уриб фарёд қилишарди:

Вой болам,вой бола-а-м,вой бола-а-а-м!

Нега мени ташлаб кетдинг, бола-а-а-м!?

Сен чўккинча мен чўкмасмидим, бола-а-а-м!

Каро ерга мен кирсан бўлмасмиди бол-а-а-м!?

Якка-ю ягона умидим сен эдинг-ку, бола-а-а-м!

Мен сизни боқаман, демабмидинг, бола-а-а-м!

Нега мени ташлаб кетдинг, жон бола-а-м!?

Вой бола-а-а-а-м,вой бола-а-а-а-м!..

Юзларини, сочларини юлиб Зухра чиркиради:

Жон-акам, жон-акам, жон-акам!

Якка-ю ягона меҳрибоним ака-а-м!..

Ҳовли саҳниниг ўртасидан чилвир тортиб, чойшаблар билан ажратиб қўйилган. Киравериш кисмida узок-якиндан

келган кариндош, эркаклар, оқсоколлар кириб-чикиб туришибди. Оқсоколлардан бири түсік ортидан аёллар томон: "Хой, сингиллар! Хой, кизларим! Күп йиғламанглар, дод солманглар. Йиғи худога хуш келмайди, бас килинглар! Ҳаммаси ўзидан," – деб, тинчланишга даъват килиб күрди. Аёллардан ҳам баъзи оқсоchlар: "Чўлпонхон, Зўхрахон, бўлди энди, ўзларингни ўлдираверманглар, ётиб қоласизлар-а!" – деб тасалли беришга уринишарди. Аммо тўхтатиб бўлармиди уларни! Оркароқда турган аёллар эса ўзаро пичирлашарди:

- Вой бечоралар-ей, бу кўргуликлар қаерда турган экан шўринг кургир бечораларга, а?
- Қандай яхши бола эди-я!
- Одоблилиги, ширинтиллиги...
- Якка-ю ягона суюнчиғи эди-я...
- Яхшининг умри қисқа, деб бекор айтишмас экан шекилли, - деб кўз ёшларини рўмолчага артишарди қўшилар ҳам.
- Нима бўпти ўзи, а?
- Ўрдак овига боришган экан, дейишади.
- Резинка қайикда кўлнинг кок ўртасига борганда, қайик тешилиб қолибди-да.
- Чукур эканми?
- Унча чукур эмас экан. Ҳасан-ку бақувват эмасмиди, сузишни ҳам яхши биларди. Шериги сузишни билмайдиган, ношудрок экан, уни бир нав килиб кирғокка тортиб олиб чиқибди, шундай муз сувда. Чиккандан сўнг шериги: "Милтиғим қолиб кетди", - демайдими. Ўзига ишонган Ҳасан сув ўртасига қайтиб боради, анча пайпаслаб, шунгиги милтиқни қидириб, топибди ҳам. "Мана!" – деб қичкирибди у. Лекин шу заҳоти чўкиб кетибди бакирганича.
- Томири тортиб қолган бўлса керак-да.
- Кейин ғаввослар келиб жасадини сувдан олиб чикишибди.

Уч хам ўтди. Қариндош-уруглар, қўни-қўнинилар урфодат, расм-русумларни жойига кўйиб, келди-кетдиларни кузатиб туришди. Чўлпои ая билан Зухра эса ғам-аламдан ўзларини каёкка уришни билмасдилар, йигидан тўхташмасди.

Тўртингчи кун Чўлпон ая инисиага: “Мени ўша ерга, ўғлим чўккан кўлга олиб борасиз!” – деб, туриб олди.

Машъум кўл бир қишлоқ четидаги қўмлар, барҳанлар ортида, анча ичкарида экан, Машина, тракторлар из қилиб кўйган тор йўлдан кетаётган “Москвич”, боткок жойдан ўтаётиб, тикилиб колди. Бир-икки чираниб силтанишга қарамай, чикиб кетолмади. Қайғу-аламдан тошинкираган она, юраги бардош беролмай, машинада чиди ва кўриниб турган барҳанлар томон пиёда кетди, “Хой, тўхтанг! Ҳозир машинани чикарайлик, бирга борамиз.” – дейишларига қарамай.

Мана ўша кўл. Каттагина ҳавза чўлнинг совук елидан енгил тўлкинланиб турибди. Атрофдаги қурук корамтир қамишлар шамолдан чайкалиб шивирлаётгандек... Кўл орти кўз илғамас. Узокдаги қумтепалар қуюн босган осмон билан туташиб кетган. Шамолнинг кучайиши чўл бўрони бошлинаётгандан дарак бермокда... Қора кийимга бурканган Чўлпонхон ая кўлга юзланди:

- Эй, сен ўпкон! Боламни олгунча, ютмасмидинг мени қаърингга? Оллоҳ! Не гуноҳ қилибманки, Ҳасанимни кўп кўрдинг бағримга? Кам эдими мен чеккан заҳматларим? Наҳотки лойик бўлдим факат қаҳрингга? Отаси олмаган кўй оғзидан чўп, не учун учрадик биз бу балога? Эй, Худо! Не гуноҳ қилибди-ки, болам учради қаҳрингга? Мусичага бермаган озор болам...

Шу пайт кучли тўзон кўтарилиб, уфқда чакмок ҷакнади гумбурлаш билан ортидан. Уфқда эмас, мисоли онанинг миясида ҷақнади яшин. Қиши момоқалдириғи...

Чўлпоиҳон ая бошини чапгаллаб инграб юборди...

- Эй, Худо! Қилган гуноҳларим учун ўзимнинг жонимни олсанг бўлмасмиди-и-и! О-оҳ! – у ерга гурсиллаб йикилди,.. лекин хуши жойида, яшин ёритган хотира жойида...

Янги ҳовлига кўчиб чиққан Чўлпоинхон оиласи билан хурсанд, у ёк бу ёқни тартиб килиб юрарди. Бир пайт юраги тор уй бекасининг кўзи айвон сарровига ин кўйган мусичага тушибди. Пастда, оёқ остида эса унинг тезаклари...

- Ҳах, кирилиб кетгурлар, кишт, ҳамма жойни булғамай ўлгирлар, - кўп ўйлаб ўтирамай, узун ёғоч топиб келиб, уяни илиб ерга улоктириди аёл. Мусича “пир” этиб юкорига учди, бир тутам ҳашнак билан беш-олти дона тухумчалар эса ҳовли ўртасига...

Пачоқ бўлган тухумчалар ичидан кизғиш чалажон танаачалар кўринади. Бир зумда каердандир пайдо бўлган мушук уларга чанг солиб, тақдирини хал килди ва кўздан ғойиб бўлди..

Она мусича симёғочда ҳамма нарсани кузатиб, унсиз утиради...

ШОИРАНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

Эсласам, ўзимдан ўзим уялиб кетаман. Миямга, мисоли саратон уфургандек, беҳаловат бўламан. Унинг паҳтазор гарди босган қош-киприклари, қўркув аралаш мўлтираб боқкан кўзларию икки яноғидаги кўз ёшлиари...

Бундан ўттиз йиллар аввал. Паҳта кампанияси авжига чиккан пайт, сиёsat каттиқ, талаб кучли. Терим самарасини опириш максадида барча чора-тадбирларни ишга солиш талаб қилинади. Йиғилишда раҳбарлардан бири менга қараб алоҳида ўқтириди:

- Айникса рус тили факультетига ота-оналар кўп келади, айтиб кўяй, болаларни ишдан чалғитиб, ҳалакит беришга йўл кўйилмасин! Керак бўлса, улар ҳам далага тушиб. фарзандларига бир-икки этак ёрдам беришса – бопика гап. Аммо, зинҳор ба зинҳор талабаларни чакириб олиб, шийлонда

үтиришмасин, ёткхонага олиб кетишга эса асло йўл кўйилмасин! Жуда-а фарзандларини кўришмоқчи бўлган бўлса, кечки пайт, ишдан кейин келишсин!..

Айтганини бажаришга ўрганганимиз. Бу ҳақда талабаларга мажлис килиб, алоҳида уқтиридик...

Якшанба куни эди. Биринчи курс ишилаётган далага соат ун бирлар чамаси етиб бордим. Уша куни ҳаво ҳарорати кескин паствлаб, осмонда булатлар сузиб юрар. дала узра аччик шамол эсмокда. Гурух раҳбари, факультетининг ёши улуғ тажрибали ўқитувчиларидан Михаил Соломонович мени пайкал бошида қарши олди. Мен домла билан энди хорма бор бўл килиб турувдимки, биздан сал нарирокка “Жигули” келиб тўхтади. Машинада ўтирганилардан бири, хонатлас кийган кирк ёшлардаги аёл ёнимизга келиб саломлашгач, биринчи курс каерда тераётганлигини сўради.

- Хўв ана, теришяпти. - кўл чўзиб кўрсатдим мен ва сўраб кўйдим: - Кимнинг олдига келяпсизлар?

- Шоиранинг, - жавоб қилди аёл ва тез қайрилиб, машинага кайта бошлиди. Унинг ортидан:

- Ҳой, менга қаранг, далага кириб болаларни чакириб чикиш мумкин эмас, - деб улгурдим мен.

Аёл, машина эшиги қавзасини ушлаган ҳолда тўхтади. Менга, тушунмагандай, ўқрайиб қаради. Бир лаҳза турди-да, шаҳд билан машинага ўтириб, эшикни карсиллатиб ёпди. “Жигули” чанг кўтариб, мен кўрсатган томон ғизиллади.

Машина пайкал ёқасига бориб тўхтади. Ундан атлас куйлак тушиб, гўза ичига кириб кетди.

Кўп ўтмай дала ичидан бир қиз күшдай учеб, аёлнинг бўйнига осилди. Биз турган жойдан уларгача масофа икки юз метрлар бор эди. Аёл, қизини елкасидан қучганча, даладан чиқа бошлиди машина томон.

- Ий-е, олиб кетаяптику? – гурух раҳбарига юзландим мен. – Огоҳлантиргандик-ку бу ҳақда бир неча марта? Тўхтатишимиш керак! – мен ўша томон юра бошлидим.

Михаил Соломонович мени қайтармокчи бўлди:

- Менга қаранг, Қодир Носирович, кўйинг, бормайлик, нокулай. Энди-и, боласини кўргани келган, тушунишимиз керак...

Мен қулок солмадим. Домла менинг ортимдан юришга мажбур бўлди. Аммо, биз улгурмадик. Улар машинага утириб, дала шийпони томон бурилишиди. Мен ҳам ўша томон қадамни тезлатдим, ортимдан Михаил Соломонович...

Машинада келганлар изғирин шомолдан дала шийпонидаги ягона хонага яшириниб, кир шолча устига дастурхон ёзib улгурушиган экан. Дастьурхон атрофида икки аёл, ўн беши ёшлардаги ўсмир бола, беш-оъли ёшли иккита қизчалар ва бизнинг талаба. Ўртада чиройли гулли тоғарачада палов, устида катта-катта гўштлари билан, нон-пон, мева-чева... Ошпаз киз: "Ҳозир мен сизларга чой дамлаб келаман, " – деб чиқиб кетаётган экан.

Машина ортидан шийпонига етиб келгунча газабим кайнаб, миямга захри урган эди. Остонадан ҳатлабок:

- Мен сизларга айтдим, а, даладан олиб чиқманлар, деб?! Нега қулок солмадинглар? Ҳўп майли, биз ўзимизнинг студентимиз билан гаплатшамиз. Ҳўш, кани турчи ўрнингдан! Сен нега тартибни буздинг?

Киз мен томонга қайрилди. Тўзғиган соchlарида чанг, кора кўзларида эса кўркув аломати; бир онасига карайди, бир менга... У зўр-базур илжайишга харакат қиласди.

- Неча мартараб айтилган эди-ку, ҳатто ота-оналар келса ҳам даладан чиқилмасин, деб? – давом этдим мен. – Ҳўш, нега сен интизомга бўйсунмадинг?

Шоирапинг узун киприкларидан чиройли янокларига кўз ёшлари тиркиради...

Кизнинг онаси ўрнидан туриб, кўлини қилич қилиб, менга бир нарсаларни шанғиллаб кетди. Лекин менинг қулоғимга кирмасди. Бонжалар ҳам турди ўрнидан. Биргина Шоира меп томон ярим бурилган ҳолда ўтирган жойидан кимирламаганди...

“Мен ахмок нима қиласыпман ўзи?” – шу он миямга урди савол. Шундай бўлсада, кизга, онасига қараб заҳримни сочишда давом этардим...

Катта-катта кўзлардан эса ёш тизилмоқда эди...

Мен беихтиёр оркамга қайрилиб, ташкарига чиқдим.

- Мана, хозир, бўпти, йигиштиринглар дастурхонни, боради ишга хозир! Аммо, билиб кўйинг, биз устингиздан горкомга шикоят киласиз! – эши билди менга. Бу иккинчи аёл эди.

Орқамдан йигитча ҳам шаҳд билан чиқди:

- Сизнинг исмингиз нима эди, домла? Биз сиз билан ҳали гаплашамиз, кўрамиз ҳали...

Мен унга: “Бор-э” – деб қўл силтаб, шийпондан кета бошладим.

- Энди-и, Қодир Носирович, онаи зор, атайлаб шаҳардан боласига ош пишириб келган, ёнига ўтқазиб олиб, едириб кетгиси келади-да.. – қулоғимга чалинди ёнимда бораётган Михаил Соломоновичнинг насиҳатомуз овози. Лекин мен учун бу энди ортиқча эди. Менинг кўз ўнгимда совук шамолдан кизарган яноклардан тиркираб оқаётган Шоиранинг кўз ёшлиари эди...

КЕЛИНЧАКЛАР ПАХТАДА

Автобуслар колоннаси колхоз идораси олдидаги майдонда тўхтади. Факультет декани, кутиб олувчилар билан маслаҳат килиб олгач, ўнта автобусни, уларга бригада вакилларини қўшган холда, дала шийпонларига жўнатди. Тушдан сўнг ўзи ҳам талабалар қандай жойлапганинги назорат килиб келиш максадида машинасини кишлок йўллари бўйлаб юргизди. Шийпонлардан бирида бригадир билан сұхбатлашиб турган чоғи, кора “Волга” келиб тўхтади. Ундан якинда турмушга чиккан талаба киз ота-онаси билан, ҳамда рулда ўтирган йигит (у куёв эди) тушинди. Ота домлалар рўпарасига келиб, салом-алик қилди. Бошқалар эса,

машинанинг юхонасини очиб, бир нарсаларни зудлик билан ола бошлаши. Кўп ўтмай улар ховуз ёнига туристлар палаткасини ўрнатишиди. Декан, ҳайрон бўлиб, отадан сўради:

- Бу нима?

- Палатка.

- Ким учун?

- Кизим билан куёвга-да, ким учун бўларди, - ота деканнинг гапига ҳайрон бўлди.

- Мумкин эмас!

- Нега мумкин эмас?

- Наҳотки тушунмайсиз, бу ерда ноқулайку булар алоҳида палаткада ётиши! Дала шийпопи – уй эмас, жамоатчилик жойи! Бизга қўшимча муаммо туғдирманг, ака!

- Энди, нима қилайлик, бўлмаса, домла? Юбормайлик десак, сиздан кўркди кизимиз, ўқишдан хайдаб юборишади деб, йиғлади. Куёв бўлса... хе энди тушунириишининг ҳожати йўқ-ку! Уни бир амаллаб кўндириб, мана шу палаткани топдик. Кудалар, яхши-ки, ўзимизнинг кариндошлилар, эътиroz билдирипмади. Лекин, бари бир хижолатдамиз, нима қилайлик, энди!?

- Мумкин эмас! Мен рухсат бермайман бундай килишга! Илтимос, палаткани йигиширинглар!

Эри декан билан бир оз кизишиб гаплашаётганига эътибор берган аёл эркакларга яқинлашиб келди. Декан чурт кесганидан сўнг, у баландан келди:

- Нега рухсат бермас экансиз? Умуман, биз сиздан бу ҳақда сўрапимиз шарт эканми?

- Опа, тушунсангизчи, бусиз ҳам бизнинг ташвишларимиз етарли бўлади. Кечирасиз-у, мен, кўпол бўлса ҳам, айтишим керак шекилли: ахир уйланмаган бўйдоклар ёнида, колаверса, маҳаллий одамлар олдида булар эр-хотин палаткада ётиши, менимча, одобдан эмас!

- Кизимни олиб кетаман бўлмаса!

- Мен ҳам чора кўраман бўлмаса!

- Нима, пахта деб буларнинг янги курган оиласи барбол бўлсинми, ажрашиб кетсинми? Билиб қўйинг, ўрток декан, мабодо ажрашиб кетадиган бўлишса, сиз жавоб берасиз! Биз жим коладиганлардан эмасмиз! Дадаси, гапирсангизчи, ахир, шундай каттакон одам!? Ректорга телефон килинг!

Декан ҳам бўш келмади:

- Ректор, албатта, бу ректор! Лекин сизлар ҳам билиб қўйинглар: факультет учун мен жавоб бераман! Ректор ўзи мендан бу ерда тартиб бўлишини талаб қилади! Мен барибир рухсат беролмайман палатка ўрнатишга!

- Менга қаранг, онаси, - хотинига юзланди эри, - домла тўгри айтаяптилар! Ўйлаб карасам, ҳақиқатан ҳам нотўғри килибмиз, палатка олиб келиб! Айтинг ёшларга, йиғиширишисин палаткани! Лекин, домла, бундай қилсак, - деканга мурожаат қилди у киши. – Куёв шу ерда колади! Сиз унга ўғил болалар хонасида жойлашишга рухсат беринг, илтимос! Куёв билан хозир ўзим гапланиб оламан, ҳали уни кўндириш ҳам керак!

Декан, бир оз ўйланинкираб, сўнг жавоб берди:

- Майли, бу бошка гап!

Шундан сўнг декан шийпон хоналарида талабалар жойлашувини бир кўриб қўйиш учун ўрнидан кўзголди. Маълум бўлдики, хозиргина рухсат берилган куёвдан ташқари яна уч нафар куёвтўралар декандан рухсат-пухсат сўраб ҳам ўтирмай, рафикаларига қўшилиб келишибди пахтага ва ўғил болалар хонасиги жойлашиб улгуришибди. Декан бир-икки бош кашиб қўйди, сўнг куёвларни бир четга чақириб, ички тартиб-интизомга риоя килиш зарурлигини кесатиб қўйиш билан кифояланди.

Орадан беш-олти кун ўтгач, гурух раҳбари куёвлар устидан деканга шикоят килди:

- Бу болалар бир-икки далага кириб келинчакларига ёрдам беришган бўлди-ю, кейин умуман ишламай қўйишди. Ё уватда, ё шийпонда тамаки чекиб ўтиришаверали. Танбех берсам, терс жавоб беришади. Бу ҳам-ку майли-я, шу

атрофдаги полизга бориб, ковун ўғирлашибди, эгаси келиб, менга шикоят килди, ҳали сизга ҳам учрайди. Келинг, домла, шуларни кеткизиб юборайлик. Бўлмаса, бизга гап орттиришади.

- Буларни ҳайдасак, хотинлари ҳам кетади. Бизга шу керакми?! Мен ўзим гаплашиб қўяман улар билан!

Орадан бир неча кун ўтгач вилоят раҳбарларидан бири худди ўша шийпонга келиб колади ва у ерда ишга чиқмаган талабалар кўплигига эътибор беради. Етти-саккиз нафар талабадан бирма-бир сўраб чиқади, ишга чиқмаганлик сабабини. Бири у касал, бири бу касал, хуллас – сабаб бор. Оғзига қурт солиб ётган тўртта киз эса, биз таксикозмиз, дейишибди. Шу атрофда айланиб юрган тўрт азаматга қўзи тушиб:

- Булар-чи? Булар нега чиқмаган далага? – деб сўрайди гурух раҳбаридан.

- Булар анави бошкоронғиларнинг эрлари, - деб қўяколди домла ҳам.

Ўша куниёқ раҳбар район марказида ўтказилга мажлисда бу ҳақда алоҳида тўхталади:

- Бу олийгоҳда қачон тартиб ўрнатилади? Йигирма фоиз талабаси ҳеч бир сабабсиз пахтага келмаган! Келганлари ҳам - бундай килиб юрса! Балки буларга биз оиласвий путёвка топиб берармиз санаторийга?..

Эртасигаёқ ректор ўша факультетга йўл олди. Деканга дейдиганини деди.

- Қачон бу факультетда тартиб бўлади ўзи? Нега мен шундай катта мажлисда сизларни деб гап эшитаман, қизараман? Йигирма фоиздан ортиқ болалар умуман пахтага келмаса, келгани ҳам, ишга чиқмай бундай килиб ўтирас!؟ Ҳе, балки сизларга оиласвий путёвка олиб бериб санаторийга жўнатиш керакдир!?- деб куюнди институт раҳбари.

- Домла, шу келин-куёвларни уйига жупатиб юбораверсак, нима дейсиз? Бизнинг жонимизга тегиб кетди булар! Мана, сизга ҳам калтаги тегибди!

- Канакасига кеткизар экансиз? – тутокди ректор. – Ўзи канча талаба келган сиздан пахтага? Нечта ВКК бор? – ўшкырди деканга.

- Олти юз йигирма нафар пахтада, киркта ВКК, йигирма иккита турмушга чиккашлар ҳам келмаган, - дарров жавоб килди декан.

- Ҳеч кайси факультетда бундай эмас! Факат сизларда! Оқбилақлар! Ҳозирок ўрнингизга бошқа одам қўйиб, шаҳарга жўнанг! Излаб топинг ҳаммасини! Олиб келинг бу ерга!

Декан ректорга итоат килишдан ўзга чора топмади.

Эртаси кун деканни институт ҳовлисида кўриб қолган ректор яна қўшимча килди. Раҳбар юкоридан “олганларини”, албатта, қуйидагиларга тарқатади-да!

Кайфияти бузилган декан институт ҳовлисидан ташқарига чиқди. Кунлик пахта теримига олиб борувчи автобусга кўзи тушди. “Бизниклардан ҳам бордир, ярамасларни ҳозирок ушлай! - деган фикр билан автобус эшигига бош сукди. “Бизниклар”дан биттагина, у ҳам бўлса ректорнинг келини, ўтиради.

- Кани, бу ёқка тушчи! – силтаб буюрди декан.

Талаба, кўзларини олазарак килиб, пастга тушди.

- Нега пахтага бормадинг? Нега бу ердасан? – ва хоказоларни деб, ўшкириб кетди факультет раҳбари, талабага оғиз ҳам очтирмай. Айтадиганини айтиб бўлиб, сал пасайганидагини, талаба журъят этди:

- Ахир, биласиз-ку тумушга чикканлигимни, кандай борай!?

- Бошқалар боряпти-ку?! Нега энди сен бормас экансан? Кани, жўна уйинга! Эртага шу вактда чамадопингни кўтариб келасан бу ерга! Борасан пахтага! Гап тамом!

Ўша куни колган келинчакларга ҳам хабар юбориб, зудлик билан пахтага жўнашини талаб килди декан.

Эртасига эрталаб ўз “саъй-харакатлари” натижасини институт дарвозаси олдида кутиб турарди декан. “Волга” келиб тўхтаб, ундан ректор тушибди. Деканга кўзи тушиб,

жилмайди ва у томон юра бошлади. Декан ҳам, шоша-пинса, раҳбар истиқболига интилди. Ректор деканнинг қўлтиғидан олиб, ховли томон юришида давом этаркан, гапира кетди:

- Бу дейман, кеча бизнинг келинимизга жуда каттиқ тегибсиз, чоги. Кечкурун уйимизда анчагина нари-бери гаплар бўлиб ўтди. Келин, бораман пахтага, дейди. Ўғлим, йўқ, бормайсан, дейди. Мен ҳам, кўпчиликка келган тўй, бештўрт кунга борса борар, десам: “Агар пахтага борадиган бўлса, хотин қилмайман!” – деб кесди қўйди. Бу жуда чигал масала экан! Бекорга айтилмас экан: “Пичокни аввал ўзинга ур, оғримаса, бошқага ур!” – деб . Майли, қўяверинг ўша келинчакларни, шу ерда кунликка чикиб туришар.

Шу-шу бўлди-ю, мазкур институтда келинчакларни мунтазам пахтага олинмайдиган бўлди.

ТУНГИ ДЕСАНТ

Ташқаридан келган ғўнғир-ғўнғир овоздан уйгониб кетдим. Фонарикни ёқиб, соатга қарадим – уч ярим. Ташқарига чиқдим. Биз жойлашган мактаб ховлисининг четроғида ўрнатилган водопровод кранни олдида етти-саккизта талаба қизлар юзларини ювишарди. Улар тўла дала кийимида... Яқин бордим.

- Ҳа, қизлар?

- Далага кетяпмиз, домла.

- Мен, бормайсизлар кечасида, демабмидим!? Қўйинглар бу бемаъниликтини, кириб ухланглар! Ҳозир далага бориб бўларканми, шудринг, шамоллаб коласизлар. Колаверса, жуда иштаха билан терадиган пахта ҳам қолмади. Бўлди, киринглар ичкарига! – катъий буюрдим мен.

- Йўқ! Борамиз, домла! Сиз хавотир олманг, йўлни биламиш-ку, кириб, дамингизни олаверинг, - жавоб килди биттаси.

- Бизни ит ермиди, домла, қўркманг! – қикирлаб кўшимча қилди шаддот Хуршида.

Мен яна уриниб кўрдим, алдаб-сулдаб кизларни кайтаришига. Бефойдалигига ишонч хосил килгач:

- Шошмай туринглар, бўлмаса! – деб, тезда ичкарига кириб, иссик дала кийимларимни кийдим. фонарик билан транзисторли радиоприёмникини бушлат чунтагига жойлаб, мен ҳам йўлга тушдим.

- Қани, кетдик, бўлмаса!

Кизлар, кулишиб, ортимдан юришиди.

- Ўжарлик ҳам эвида-да, кизлар. Мен ўзингларни қўйиб юборолмайман-ку! Тезрок юринглар энди бўлмаса! – жахл килдим мен. – Тузукроқ пахта бўлса ҳам майли эди, шунча эрта борганга ярашир.

- Ғам қилмант, домла, гаплашиб қўйганимиз.

“Оббо, шумтакалар-ей!” – дедим мен ичимда:

- Нимани гаплашгансизлар?

- Кеча терган карта ортидаги чаман бўлиб турган жойни.

- Э-э, у ахир, буғдој сепилган, якинда сугорилган, лой!

Киритмайди! Кириб ҳам бўлмайди-ку?! Айникса, тунда, ботиб колинади! Буниг устига, шийпонда коровул ҳам бор...

- Худди ўша коровулдан илтимос килдик-да, bemalol каттиқ ухлаб ётаверинг, биз озгина териб олайлик, деб, - шўхлик билан тушунтириди Хуршида.

- Оббо, сизлар-эй! Нималарни бошламайсизлар-а!

- Ахир, ўзингиз айтиб бердингиз-ку, биз тунги десант қилардик, деб!?

- Э-э, кизларим, у пайтлар бошқа давр эди... Колаверса, айтгандим-ку, биз, асосан ўғил болалар, шундай қилас эдик.

- Ҳа, энди, бизда кўпчилик кизлар бўлса, ўғил болаларнинг бори ҳам ялқов бўлса, пима қилайлик, бизнинг айбимизми бу? – яна ҳазил килган бўлди Хуршида.

Мана шунака гаплар билан икки ярим километрча масофадаги буғдој сепиб, якинда тўйдириб сугорилган дала ёқасига етиб бордик. Узокдан шийпоннинг чироги милтираб кўринарди. Коровулнинг ити аккиллай бошлади.

- Хозир ит келиб ташлансачи?! – күркитмокчи бўлдим мен кизларни.

- Биз десантчилармиз, кўркмаймиз!

- Сиз турибсиз-ку, домла! – кулишиди.

- Кўрқманг, домла, ит бу кеча занжирлаб кўйилган! – жавоб килди Хуршида.

- Оббо, сизлар-эй! Ҳамма эҳтиёт чорасини кўрибсизларда!

Этакларни боғлаб, кизлар тезда эгатларга туришди.

Ой нури теккис тараалган пахтазор таровати ўзгача, гарчанд енгил аччик шабада эсиб турган бўлса ҳам. Кўлимдаги транзистордан ёқимли хинд тароналари янграрди...

Бир оз ўтгач, мен ҳам далага кирдим:

- Мана, мен сизларга мусика эшигтириб бораман, ишларинг унумли бўлиши учун, – ҳазиллашдим мен, гарчанд шу захотиёк шудринг тиззаларимни чаққан бўлса ҳам.

- Шунака мусика билан ҳар тун пахтага чиқишга тайёрмиз! – қувноқлик билан деди кизлардан бири...

Гурух талабалари эрталаб далага келганда, сахархез кизлар ярим кунлик нормани териб қўйиншганди. Ҳамма ёклари ивиб кетган бўлса ҳам, курсдошлигини, қувноқлик билан қўл силкитиб, карши олишиди.

Талабалар билан врачимиз ҳам етиб келди, унинг кўзларида аччикланиш аломати:

- Бу нима килганингиз, домла? Ахир, ўзингиз, мазангиз йўқ, зўрга юргандингиз-ку!? Чиқинг тезрок буёқча-ье! – кичкирди у.

Мен, кулимсираб, итоаткорона, пахтазордан чиқдим. Ҳамма ёғим ивиган, этиклар лой... Анча совуккотганим учун, "десант"чиларга дугоналари олиб келган термосдаги иссиқ чойдан бир пиёла тўлдириб ичдим.

Шу пайт бригадир пайдо бўлди.

- Домла, буни қандай тушуниш керак? Расво килибсизлар-ку картани! Кап-катта олим одам ўзингиз бош бўлиб... Ҳе, кўйинш-э! – жиги-бийрон бўлди у.

Бу пайт кизларим хам даладан чикиб келишаёттан эди.
Бригадирга мендан олдип Хуршида жавоб берди:

- Домла бошлаб келгандари йўқ, аксинча, биз олиб келдик домлани. Тунги десант дейдилар буни, бригадир ака!

Атрофдаги талабалар кулишиди.

- Кундузи тергани бермасангиз! Биздан эса килограмм талаб килишади. Биз оз терсак, домламиз хам гап эшитадилар, нима қилайлик!? – жиддий қўшимча қилди Хуршида.

Кечга томон истимам кескин кўтарилигани учун тез ёрдам чакирилди. Шу баҳона, мана сизлар билан танишин шарафига мұяссар бўлиб турибман, - хикоясини тугатар экан, ҳолсиз илжайди палатадошларига домла, томирига санчилган система игнасиини чиқариб юбормаслик учун эхтиётлик билан бир ёнбошини қўзғотиб.

- Ҳах, домлажон-ей! Энди сизнинг ёшингизда ўшалар билан тунда далага чиқиш зарурмиди? – хам ажабланиб, хам афсусланиб ва истехзо билан гап котди палатадошлардан бири.

- Ҳе-е, сизлар буни тушунмайсизларда. - қўзини шерикларига кисиб, гап котди иккичи бемор. - бу нарсанинг гашти борда! Халиги, нима эди? Ҳа, ёшлар буни романтика дейди: ойдин кеча, оппок пахтазор. мусика, кизлар... Домланинг соchlари тўкилиб қолган бўлса ҳам, калблари ҳали ёни! Ҳа-ҳах-ҳаҳ!

Домла мутойибага мулойим кулимсираб қўйди ва бош чайқади.

Гапта шу пайтгача койкада жим ёнбошлаб ётган оксоқол қўшилди:

- Сизлар ҳазиллашайпсизлар-у, аслида бу ерда жиддий нарса бор-да. Аввалроқ домла ўзлари талабаларнинг китигига тегиб қўйганлар, биз мана бундай ишлардик ёшлигимизда, сизлар ярамайсизлар бунақа ишларга, деб. Шундан кейин ёплар кизиб қолган. Ҳа, энди, домла айтишга айтиб қўйиб, ўзлари четга чикиб туролмайдилар-ку!

КУТИЛМАГАН МЕХМОН

- Кизим, мен сендакалардан кўпини кўрганман, бор. далага боравер, дангасалик килма, ҳеч канака касалинг йўқ. Бугун шундок ҳам касаллар кўпайиб кетди.

- Домла, ишонинг ахир, мен айёрлик қилаётганим йўқ, белим каттиқ оғрияпти. Яна нима деб тушунтирсам экан сизга...

- Тушунтирмай кўякол! Ахир мен ўзим тиббиёт фанлари номзоди, доцент бўлсан, касал билан соғни ажратса олмасмишман, сенингча? Бор, асабимга тегмай, далага жўна! – деб домла думалоқкина Шокирова Санобарни ишга чикарди эрталаб. Тушлик. Дала шийпонида талаба йигит-кизлар овқатланиб ўтиришибди чақчаклашиб. Пахтани қабул килиб бўлиб, шийпонга қайтган домла:

- Бу, уч киши чикмади-я обедга, Шокирова, Абдуллаева, Абдуллажонова? Қаерда экан улар, кўрмадингларми? – деб сўради ариқ бўйидаги сўрида овқатланаётган қизлардан.

- Келиб қолишар, домла.

- Улар учови бугун хув анови, четдаги бўлакка тергани кетипган, - деб кўрсатди қизлардан бири қўли билан энг узок дала томон кўрсатиб.

Домла ўша ёкка, қўлини соябон килиб, тикилиб бокди, ҳеч ким кўринмасди.

- Домла, ховотир бўлмай овқатланаверинг, дард тегармиди уларга, келишали-да, - мўтойиба килди шу якинда ўтирган йигитлардан бири.

Домла ўзига тайёрлаб қўйилган жойга бориб ўтириб, тушиликка киришди. Орадан кўп вакт утмай қизлардан биттаси кичкириб колди:

- Домла-а, қаранг! Дилфузга нима учундир югуриб келяпти.

Дала йўлидан шийпон томон Абдуллаева Дилфузга юргургилаб келмоқда эди. Дам олаёғанлар ҳаяжонга тушди. Домла қопиқни кўйиб, ўрнидан турди... Дилфузга томон

бейхициёр юра бошлади. Қиз хансираб яқинлапшында, бир күли юрагида... Домла ҳам қадамини тезлатиб, Дилфузани қарши олди.

Терлаб-пишиб кетгап киз домлага пималарнидир деди, дала томон күлини чўзиб курсатиб. Шийпонда овқатланаётган талабаларнинг ҳам эътибори ўша ёқда, чайнапидан тўхташган...

Домла тезлик билан орқага бурилиб, дарахт соясида турғап машинаси томон чопди, Талабалар ёнидаи ўтатуриб: “Сизлар шу ердан кимираманглар!” – деб улгурди. Талабалар ҳайрон...

Дилфузга тўхтаган жойида ерга ўтириб қолганди. Домла машинани юргизиб кетатуриб, яна талабалар олдила тўхтади, тезда машинадан чиқди-да, йигитлардан биттасини четга чакириб, бир нарсани тез-тез уктириди, шийпондан икки юз метрча масофадаги қишлоқ томон күлини чўзиб. Йигит ўша томон чопа кетди.

Домла машинага Дилфузани ўтқазиб, дала йўлни чангитиб учирди “Жигули”сини.

Машинадан тез тушиб, домла билан Дилфузга ғўзалар орсидан имкон қадар чопишиди. Қиз бошлаган жойга яқинлангандаги қулоқка “Инг-а-а, ин-н-га-а” эшитилди.

Дугоналардан бири:

- Домла, келманглар! – деб тўхтатмокчи бўлди...

Шийпонда қолган талабалар эса ҳайрон! Бу орада оватланишиб ҳам бўлишди.

Қишлоқ томондан тез ёрдам машинаси кўриниб, шиддат билан шийпон ёнидан ғизиллаб, дала томон тўзоқ кўтариб кетди.

Талабалар, худди шуни кутиб тургандек, машина кетидан интилишди. Орадан кўп ўтмай тез ёрдам орқага сиренасини чалиб ғизиллади...

Эртасига тушлик пайти шийпонга факультет декани етиб келди. Қоногидан кор ёғарди унинг. Талабалар овқатларини

тутатиб, бир жойга жамлангунча асабийлапиб, у ёкдан бу ёкка бориб келарди.

Талабаларнинг кўзларида ҳам “Нима бўлар экан энди?” ташвишли кутиш аломати...

Декан талабаларга карата тап бошлади. Аввалига хотиржамлик билан гапирмоқчи бўлган бўлса-да, лекин тезда унинг кўли қилич бўлди... Аммо кўп гапириб улгурмади. Шийпонга ректорнинг “Нексия”си келиб тўхтади. Ундан ректор ва касаба уюшма раиси чикишиб, мажлис томон яқинлаша бошланиди. Декан, уларга қарши ошикиб, кутиб олди. Учовланиб талабалар ёнига келиб тўхташди. Талабалар уларнинг хурмати юзасидан ўрниларидан туришди.

Касаба уюшмаси раисининг кўлида картон кути, кутининг устида яна кичикроғи, атири кутисидай...

Ректор талабалар билан саломлашиди:

- Ҳорманглар, азаматларим! – Сунг деканга юзланиб: - Ҳорманг энли, домла! – заҳарханда деди у. Декан эса чурк этмасди.

- Агар “Ректор бизни уришгани, койигани келди” деб ўйляяпган бўлсангиз, аданиасизлар. Мен сизларни табриклигани келдим, айникса деканларингни. Мана, совғам ҳам бор. Бунака воеа бизнинг тиббиёт институтида биринчи бўлиши, ахир! Домла, набира муборак бўлсин! – деб ёнида турган деканини кучоқлади. – Мана бу совғани атайлаб кутилмаган янги меҳмон учун олиб келдим, бу болалар комплекти. Даля шароитида тополмай кийналиб юрманглар, деб тезда олиб келдим-да. Дарвоке, касаба уюшмаси ҳам бефарқ колмади бу воеага. Қани, топширинг совғангизни сиз ҳам, - деди ёпида турган ҳамроҳига ректор. Касаба уюшмаси раиси кўлидаги кутичани очиб, ичидан оғзига эмизгич кийгизилган шишачани чиқарди. Шишача тұла сут эди...

АФСУН

- Шу дейман, “телепатия” хақиқатан ҳам бор нарса шекилли. Чумак дегани, ҳатто Кашпировский телевизорда сеанс кўрсатганда ҳам ишонмагандим.- чойни меҳмонга узатар экан, гапира кетди Абдуллажон. – Якинда Тошкентга борувдим. Мўлжаллаган юмушларни бажаргач, қолган вакт нима килишимни билмай юрган эдим, бир фокусчининг афишасига кўзим тушди. Шу томошага боргим келиб колди. Ўзиям, зўр экан! Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, залдаги томошабинлардан бир қанчасини сахнага чиқариб, юз макомга солиб ўйнатса бўлади-ми! Туппа-тузук йигитлар “Шоҳ кизи Будур...” деб, ёки, “Байтиёrim кетди, кетди...” деб ашула айтишадими-ей, ит бўлиб ҳурийдими-ей; бирори, туфлисини оёғидан ечиб олиб, сурнай қилиб чаладими-ей...

- Ҳа, бунака афсунгарлар оз эмас, айттанингиздек. Ушандақаларни кўрганингда, хақиқатан ҳам баъзи инсонлар кандайдир бир гайритабиий-ми, самовий-ми ёки илохий деймизми, қудратга эга эканликларига шубҳа қолмайди. Айниқса, мен ёшлигимда кўрганим ҳеч эсдан чиқмайди, - гапга кўшилди соchlари сийраклашиб, мош-гурунч бўлиб колган меҳмон, Азимжон ака.

- Жуда ҳам антиқасини кўрган бўлсангиз керакда,- кизикди Абдуллажон, - Қани эшитайликчи.

Бир оз сукутдан сўнг Азимжон ака чойдан ҳўплагач, хикоясини шошилмай бошлади.

- Бозорбошида отамнинг нонвойхоналари бўлар эди. Ёзги таътил бошланди дегунча, ман эртадан кечгача дадам ёнларида бўлар эдим. Шу боис, бозорбошида бўлиб ўтадиган кўп воқеаларни кўрганман. Бир кун айик ўйнатар келса, эртасига катта-катта тошларни ёш болаларнинг коптогидек ўйнатадиган полвон томоша кўрсатарди. Кўп нарса кечагидай ёдимда. Аммо Ҳўжанддан кетма-кет уч-тўрт ёз келиб томоша кўрсатган фокусчи чонни эсласам, ҳали-ҳали ёқамни ушайман.

... Бозор майдонидаги азим дарахтлар соясида анчагина одамлар түпленган. Давра ўртасида ёни бир жойга бориб колганлиги сезилиб турсада, басавлат, ҳали анча тетик, қалин оппок соқоллик, кеңг пешонасига кўзойнак ярашган, бошига духоба дўппи, эгнига узун юка чопон кийган нуроний ва сакиз-тўккиз ёнлардаги озғин, бўйчан ва кўзи боғланган бола. Нуроний қўлидаги ногора чўп билан кўрсатиб, бизнинг жойларга ҳос бўлмаган шевада гапирав эди:

- Балам, балам! Айтингчи, мана бу акангизнинг қўлида нима?
- Носковок.
- Бу акангизни касби нимадур?
- Шофёр.
- Балам, балам! Мана бу кишининг эгнидаги кўйлакнинг ранги канака?
- Ҳаворанг.
- Балам, балам! Бу акангизнинг миллати нима?
- Нўғай.
- Балам, балам! Мана бу йигитнинг билагида канака соат?
- Победа.
- Балам, балам! Үйлаб жавоб беринг, аданиманг...
- Зим.
- Ҳа, баракалла! Энди айтингчи, мана бу опа лабини бўяганми, ёки бўямаганми?

Шу зайлда отахон давра бўйлаб харакат қилиб, кўзга тушган кинилар, буюмлар тўгрисида саволлар бераверарди. Бола эса (Кейин билсан, у фокусчининг набираси экан.) давра ўртасида бобосига оркаси ўгурувлик ҳолда туради. Бобоси давра айланган сари, у ҳам турган жойида бурилаверади ва бобосига нисбатан тескари колаверади. Гўёки бола соат ўқилю, бобоси – стрелка. Яна эътиборлиси шундаки, бола худди оғзида сакич бордай мир меъёрда, шошилмай чайналиб турарди. Оғида сакич бўлиши мумкин эмасди, чунки у пайтлар эркак зоти сакич чайнаши уят хисобланарди.

Бу номер давомида кекса фокусчи даврани икки-уч маротаба айланиб чиқади. Баъзи дадил, уялмайдиган томошабинлар олдинроққа чиқипга, чолнинг назарига тушишга ҳаракат килишади ва “Мени кўрсатинг!” дегандай бўлишади. Фокусчи ҳам иложи борича уларнинг истагини бажаришга урунгандек.

Ўрта ёшли бир одам кафтига сув тўла графинни ўрнатиб олиб, кўлини ҳадеб олдинга чўзиб, фокусчининг эътиборини тортмоқчи бўлди. Фокусчи эса иккинчи марта ҳам уни кўрмагандек ўтиб кетди. Ҳалиги одам чидамай:

- Манавини айтмайсизми? – деб, гап котди чол оркасидан. Оксокол фокусчи эса бепарво ишини давом этдирди. Аммо, даврани тугатиб, набирасининг кўзидағи белбогини ечишга рухсат бергач, томошабинларга караб:

- Биродари азизлар! Орамизда ҳар-хил инсонлар бор. Ман ҳаммани ҳам кўрсата олмайман, кечираисизлар...

Ҳамма томошабинлар нигохи графин кўтарган кишида эди. Унинг юзи бир зумда қизариб кетди. У тезда кўздан ғойиб бўлди.

Томоша давомида ҳазил-мутойиба, бир икки ҳалқ лапарлари ҳам ижро этилади. Аммо энг асосийси отахоннинг ўзи кўрсатадиган номерлар эди. Бу ҳакиқий жоду, афсун...

- Биродарлар! Мана бу игна, - фокусчи қўлидағи игнани бир икки томошабинларга ушлатиб ҳам кўради. Кўринишидан, бу оддий, аёллар чок тикадиган игна эди.

- Мен ҳозир шу игнани ютаман, кейин нима бўлишини ўзингиз кўрасизлар.

Сўнг оғзини тепага қилиб очиб, игнани бармоқлари билан томоқ тўрига йўналтиради. Игна ҳалқумга ташлангач, фокусчи, худди таблетка ичаётгандагидек, ютуниб қўяди.

- Энди, биродари азизлар, дикқат билан кузатиб борасизлар. Ютилган битта игна анча нарса бўлиб қайтиб чиқади. Бунинг учун “искалотнинг” оғзини бир кенгайтириб қўйиш даркор.

Шундан сўнг фокусчи қўлига пичок олади ва уни сопи кўринмай кетгунча оғзига тиқади. Томогини шу йўсинда кавлаб кенгайтираётгандек, пичокни у ёк бу ёкка суриб ҳам кўяди. “Искалот”ни оғзи кенгайгач, кафтини кирраси билан томок остига уч тўрт марта уради. Фокусчипинг бўғзида худди бир ҳовуч мстал буюмлар ғишишлагандек бўлади.

- Мана энди, биродари азиزلар, караб туринглар.

Фокусчи юмуқ лабларини чўзиб, тишни йўқ одам овқат чайнагалдек, кавшанади. Ажабо! Юмуқ лабларни ёриб, бир қатор, ўнтача, иғналар чикиб кела бошлади. Уларни олиб томошабинларга узатади афсунгар, “Мана, кўриб қўйинглар!” - дегандек. Айни пайтда лаблар тамшанишда давом этади. Уларни ёриб яна бир қатор игна, сўнг бир қатор элликлик мих ва охирида иккита йўғон пармамих чикиб келади “искалот”дан ва бу “сехрли” буюмлар ҳам бирин-кетин томошабинлар қўлидан ўтади. Ҳамма ҳангуманг!...

Фокуслар давом этарди.

- Менинг қўлимда, кўриб турганиздек оддий чорсу (Бу Наманган шевасида “читлўнги” деб аталувчи рўмол эди) Мен хозир бунинг ўртасини мундай килиб топаман, - қўлидаги ноғораҷўпни тикка килиб унга чорсуни кок ўртасидан илади ва калтакчанинг учидан икки бармоғида рўмол ўртасини ушлаб олади; ноғораҷўпни эса, суғуриб олиб, ёнига кўяди ва қўлига пичок олади. – Энди, биродарлар, бирорталаринг менга ёрдам берасизлар, - даврадан бир кишини таклиф килади. – Пичноқни ушланг! Мен чорсуни ушлаб турман, сиз эса кесасиз, - пичноқни томошабин-ёрдамчига тутқазиб, бўшаган қўли билан тутамланган рўмолни иккинчи томонидан ушлайди, - Мана шу иккала қўлим ўртасидан шартда кессинг! Кўрқманг, ҳа! - томошабин шартда кесади, - Об-бо-о! Шунча кўзимни кисишимга қарамай... Ўзингиз ҳам кассобмисиз дейман? Кесиб юбордингиз-а! Энди нима қиласиз? - фокусчи чорсуни ёзиб, томошабинларга кўрсатади: ўртасида катта паёла оғзидак тешик. – Энди нима қиласиз? Вой қассоб тушмагур-ей. Менга иш орттиридингиз-

да, ука. Ҳа, майли, бўлар иш бўлди. Энди ямаймиз буни. Қандай килиб, дейсизми? Мана бундай килиб! – фокусчи чорсуни аввалгидек бир сиқим килиб, киркилган жойидан кисиб ушлади-да, кесиб олинган латта парчани кайта ўрнига эҳтиётлаб туташтириди ва тезда кўллари билан юмалоқ килиб ғижимлай бошлиди. Бир оз ғижимлагач:

- Мана энди кўрамиз, нима бўлганини, - деб, чорсуни икки четидан ушлаб бир силкитди ва ҳаммага намойиш этди: бут-бутун!

Ҳикоя шу ерга етганда Абдуллахон лукма ташлади:

- Ҳе-е, Азим ака, нафакат пичоқни, ҳатто қилични ютадиган кўзбўямачилар бор дейишади. Рўмолни ёки бошка буюмларни кесиб, кейин бутунлаш ҳам кенг таркалган фокуслардан.

- Гапинглиз тўғрику-я, пекин бу ерда бошқа нарса бор, - деб ҳикоясини давом эттириди Азим ака, - Ҳали айтгалимдай, ҳўжандли чол набираси билан уч-тўрт йил сурункасига ёз ойларида келиб турди биз томонларга. Ўша пайтлар бизнинг кипплогимиз ёнгинасидан шўр сув топилиб, бу шифобахш неъматдан фойдаланиш мақсадида каттагина санаторий қурилди. Афсунгар ҳам набираси билан даволаниш мақсадида санаторийга келар ва йўл йўлакай деймизми, шифохонанинг ўзида, район марказида ва бошқа гавжум жойларда томоша кўрсатиб турарди бўш пайтларида.

Бир куни дадамлар билан чойхонада ўтирганимизда, у киши набираси билан бизнинг ёнимизга келиб чой ичишди. Шунда дадамлар у ажойиб инсон билан бир оз сухбатлашдилар. Уларни Ҳўжанддан эканлигини ўшанда эшитувдим. Кейинчалик мен дадамлардан Ҳўжанд каердалигини сўрадим: “Ҳозир у ерни Лелинобод дейишади”, - деб тушунтирдилар менга.

Меҳмон бир вактлар Ҳўжанд театрида ишлаганини, ҳар хил ролларда, шу жумладан, Алишер Навоий ролида ҳам ўйнаганини ғурур билан ҳикоя қилгани эсимда. Урушда бўлгани ва уруп яралари ҳали ҳам безовта қилишини

гапириб, доим қўлида кўтариб юрадиган ногорачўпи билан чопони устидан икки-уч марта кўкрагига уриб қўйди. Чўп, гўё тахтага урилгандек, такиллаган овоз чикди. Кейинрок дадамлардан нега бунақалигини сўраганимда: “Тахтакач килиб қўйған бўлса керак-да”, - деб қиска жавоб бердилар...

Саратон пайти. Кечки овқатдан сўнг мен онамларга аввалги йили афсунгар кўрсаттган томошалари ҳақида гапириб бердим. Негадир, эсимга тушиб колувди-да. Онамлар ҳам хайратланиб:

- Тавба, дунёда не-не сирлар бор-да, болам, пичоқни ҳам ютадими одамзот! - деб қўйдилар.

- Унинг пичогида бир сир бўлса керак. Бу йил яна келишса, албатта мен пичокни ушлаб кўраман. Кнопкали пичоқлар бўлармиш, босса тифи сопига кириб кетармиш, деб эшигтанман.

- Сенга ушлатиб кўярмиди, ўғлим.

- Ўзи ҳар доим даврадан кимнидир чакириб олади рўмолни кесиши учун. “Ким чикади?” - деб сўраганда, мен шартта чикаман.

Эртаси кун тонг қоронғусида одатдагидек дадамлар билан дўконга йўл олдик. Вакт пешиндан ўтган пайт дадамлар менга сув келтиришни буюрдилар.

Сув оладиган жой дўкондан кўринмайдиган томонда эди. У ёкка ўтишим билан, баҳайбат тўпсада соясига йигилган одамларга кўзим тушди. У ерда қандайдир томоша бўлаётганини фахмладим. Яқинлашганимда эса, ўз кўзларимга ишонгим келмади...

Сув ҳам хаёлимдан кўтарилиб, даврага қўшилдим ва тезда олдингилар қаторига туртениб-суртиниб чиқиб олдим. Томоша анча ўтиб қолган экан: худди чорсуни ўртасидан пичок билан кесишига етиб келибман.

Бобонинг қўлида ўша чорсу, ўша пичок...

- Энди, биродари азизлар, бир киши ўртага чиқса, менга ёрдам бериш учун, - деб томонлабинлардан ўзига кераклисини-ми ёки ҳақиқатдан ҳам хохловчини-ми кўзлари

билан кидира бошлади. Шу пайт унинг ўткир нигоҳи менинг юзимда тұхтади.

- Мана шу йигитчани илтимос килсак, - деб менга бир оз яқинлашди. – Қани, йигитча, ўртага чиқынг. Құркманғ, пичокни ушланғ, чорсуни мана бу еридан шартта кесинг. Ҳеч иккиланманғ, кесинг, кесаверинг...

Мен шартда кесдим: чолнинг бир күлида чорсу, иккинчи күлида кесиб олинган парча қолди.

- Оббо сиз-ей! Отанғиз қассобми дейман!? Шунча күзимни киссам ҳам бўлмади, кесиб юбордингиз-а! Оббо азамат-ей! Ҳай, майли.. энди буни ямашдан бошка иложимиз йўқ...

- Хўш, Азим ака, пичокни ўшанда текшириб кўрдингзми? – бетоқатлик билан сўради Абдуллажон, ҳикояни бўлиб.

- Ҳе-е, кизиги шундаки, ука, - мийигида кулди у киши. – Мана, орадан кариийб кирк йил ўтиби-ки, ҳапузгача апиқ эслолмайман, текширидимми пичокни ўшанда, ёки йўқ.... Лекин, кўринишидан оддий чуст пичогига ўхшарди...

КЎЗ

Фиёсиддин эрталаб машинасини юргизолмади. Жахл билан қўл силтади-да, кўчага шошилди, ишга кеч колмаслик учун.

Учакишгандай, киракаплар кўринмасди. Асабийлашга бошлади. Шу пайт Фиёсиддининг якинига таниш "Нексия" келиб тұхтади. Бу ўртоғи Адашалининг машинаси эди.

- Ўтириңг, ташлаб ўтаман, - деди у.

- Раҳмат, дўстим. Сиз бўлмасангиз ишга кечикиб колардим, - миннатдорчилик билдириб, машинага ўтирди Фиёсиддин.

Машина енгил қўзғалди. Унинг салони дид билан жиҳозланган. Ўриндиклар машина рангига мос кимматбаҳо мато билан гилофланган. "Бар"га мослаб ўрнатилған япон магнитофони дилрабо куй таратиб турибди. "Ҳавас килса

арзийдиган машина" - күнглидан ўтказди Ғиёсiddин. Унинг кўзи орткўрсатгич кўзгусига осиб қўйилган кўзмунчоқ шодасига тушди. Адашали буни сезгандай, уялинқираб гап бошлади.

- Биласизми, яқинда бир мўйсафид киши йўлда қўл кўтариб қолдилар. Савоб бўлар, дедимда тўхтадим. Отахонга: "Мен шаҳарга бораман, сиз қаерга", - десам, у киши ҳам ўша ёққа эканлигини айтдилар. Хуллас, ола кетдим. Йўл анчагина олис, биласиз. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб кетдик. Гапдан гап чиқиб, отахон:

- Үғлим, машинангиз янгиана, шинамгина экан. Кўнглингизга келмасин-у, бир маслаҳатим бор. Битта кўзтумор килдиринг, ёки кўзмунчоқ осиб қўйинг. Ёмон кўздан аслида худоим ўзи сақласин, аммо кўзмунчоқда ҳам хислат кўп.

Мен бунга кулимсираб:

- Отахон, мен бунақа нарсаларга мутлақо ишонмайман, - дедим.

- Хато қиласиз, ўғлим, кўз теккан ёмон бўлади. Азалдан кўзи бор одамлардан ҳамма чўчиди. Унақаларга рўпара келмасликка ҳаракат қилишади. "Кўз" тўғрисида ҳар хил ривоятлар кўп. Мана биттасини айтиб берай, деб ҳикояларини бошладилар.

"Кунлардан бирида бозорбошидаги чойхонада учта "кўз"ли одам баҳслашиб, кимнинг кўзи ўткирлигини синашмокчи, яъни "кўз" қобилиятини намойиш қилмоқчи бўлишибди.

Биринчиси атрофга назар ташлабди-да:

- Мен мана шу сигир етаклаганинг ортидан тушаман. Гаров ўйнайманки, бу болали сигир эсон-омон янги ҳовлига етиб бормайди.

Шундай деб, у бозордан уйи томон сигир-бузоқ етаклаб келаётган одам кетидан тушди. Сигир семиз, яхшилаб тозаланган, гўё ҳаммомга туширгандай, хуллас ўта парваришланган. Нак катта челяқдай елини у ён бу ёнга

чайкалиб борарди. Кетидан бораётган ширингина бузокчаси ахён-ахёнда ўйноқилаб сакраб қўярди.

Уларнинг кетидан тушган кипи ҳам бир нарсаларни гоҳгоҳ пичирлаб бораверди.

Анча юрилди. Етакловчи бир дарвоза олдида тўхтаб, уши оча бошлади ва сигирни ичкарига олиб кириб кетди. Уларнинг ортидан келган "кўз"ли эса бир неча дақиқа туриб колди. Сўнгра шаҳд билан эшик олдига бориб, уни кокди. Бироздан кейин бояги сигир етаклаган киши пайдо бўлди эшикда.

- Келинг, меҳмон. Қани, ичкарига кирсинглар.

- Раҳмат, вактим зикроқ. Мен бир нарсанни сўрамокчиман сиздан.

- Хўш, нима эди? Янглишмасам, нақ бозорбошидан менга эрчиб келдингиз. Мен ҳайрон бўлдим, бу одам ким экан, деб.

-Ха, шундай, уйингизгача мен сизни кузатиб келдим. Энди сиздан битта илтимос. Айтингчи, сизнинг ёнингизда, чўнтакларингизда нима бор? Мумкин бўлса, кўрсатсангиз.

Уй эгаси, кўринишдан анча содда одам, ҳайрон бўлди, жаҳли чиқди:

- Хўш, нимайди? Менинг чўнтағим билан нима ишингиз бор? Кимсиз ўзи? Нега бунака, суриштириб, юрибсиз?

- Тўгрисини айтмасам бўлмайди шекилли... Биласизми, мени одамлар "кўзи бор" дейишади. Ҳакиқатдан ҳам кимларгадир кўзим теккан ҳоллар бўлган. Мен ўзим биламан буни. Бугун эса ўзимга ўхшаган ўртокларим билан баҳслашиб, кўзим кучини кўрсатмоқчи бўлгапдим. Нима деб ўйласангиз ҳам хақлисиз. Лекин мен бир нарсанни билмокчиман: нега менинг кўзларимнинг қуввати сизларга ўтмади? Тахминимча, менга тўқсинглик килган бир нарса бор ёнингизда, илтимос сиздан, бир чўнтағингизни қараб юборсангиз.

Хали ҳам жаҳлидан тушмаган уй эгаси, заҳарханда кулимсираб, чўнтакларини ағдара бошлади:

- Мана, күрсандын күра колинг. Ҳатто тийин пулым ҳам қолгани йўқ, борига шу сигирни харид килдим. Битта рўмолча бор, холос.

- Белингизда нима бор?

Шунда мол эгаси белбогини ечди. Унинг катидан яримта нон чиқди. Нон юзига сепилган кора седаналарнинг деярли ҳаммаси тўкилиб белбокка тушиб қолганди. Икков одам ҳам маълум вакт бунга тикилиб қолишиди, чунки седана тўкилибгина қолмай, худди ўғирда янчилгандай майдаланиб кетганди...

Чойхонага тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтган биринчи "кўз"ли ўртокларига бўлган гапни гапириб берди. ростини. Шунда иккинчи "кўз"ли:

- От гўшти ейсизларми? Қази-чи?

Шериклари нима дейишини билмай турганмиш.

- "Ха" деяверинглар, бир майишат қиласиз. Сизлар "ҳа" десанглар бас, мен ҳозироқ от гўштини сизларга мухайё етаман.

- Ҳа, майли, - дейишиди шериклари ишонкирамай.

Шу пайт йўл устида отлик кўринди. Гузарга яқинлашиди. Қорақашқа қанот чикариб учиб кетмоқчидай гижинглайди. Отлик унинг тизгинини зўрға тортиб келарди.

- Анави отни кўрдингларми? Бай-бай-бай! Бу оддий от эмас, тулпор, гиротнинг ўзи-я! Оёклари чиройлилигини караплар-а! Эгаси ҳам худди қуйиб қўйгандай ўтирибди-я! Бунақа бежирим отни-ю, савлатли чавандозни ҳеч кўрмаганман!

Шу гапларни гапириб улгурмаган эди ҳамки... Ё Оллоҳ! Чойхонага етиб келай деган от бирдан қулади, у типирчилаб, борган сари жонсизланиб кетаверди. Эгаси ҳам оёғини от остидан чиқаролмай инграрди. Чой ичиб ўтирганлар югуриб ёрдамга боришиди ва от остидан одамни тортиб чиқаринига уринишиди.

- Пичок! Пичок беринглар! Ҳаром ўлмасин, пичок тортворайлик!

Кимдир шошилинч пичок узатди сўраганга. Ва шу ондаёқ отнинг қони тиркириб чиқди. Нарироқда от остидан тортиб олинган эгаси йиғлагудек бўлиб сўйилган тулпорига термулиб ўтиради.

- Эти тузук экан, яхши кази чиқса керак, - деди йигилганлардан кимдир.

Бахслашган "кўзлилар" эса ҳамон сўрида ўтиришарди. Улардан иккинчиси мамнун ва мағрур... Учинчиси унга қараб:

- Вой-бўй! Мен ҳам "кўз"им бор деб юрган эканман-да! Меникидан ўн чандон кучли экан сеники. Қойил, офарин! Шунақа ҳам "кўз"бўладими-я!?

Шу пайт:

- Вой кўзим! Ий-е, нима бўлди менга? Кўзларим санчиб, ёниб кетаяпти!... Мен ҳеч нарсани кўрмаяпман... Ҳой, ёрдам беринглар! - дея чайқалиб, кўлларини кўзига тутди... У бакира бошлади. Одамлар отни ташлаб чойхона томон югуришди. Унинг қўлларини юзидан тортиб олишди... Суюқлик аралаш юмалоқ икки окиш сокка икки қўлига тушиб қолганди... Кўзлар ўрнида эса кўрқинчли бўшлиқ,... киши танаси сесканиб кетади..."

- Мана шунақа, бўтам, кўз тўғрисида гаплар кўп, хушёр бўлган яхши, - ҳикоясини тугатдилар отахон.

- Тез орада манзилга ҳам етдик ва отахон машинани тўхтатишни сўрадилар. "Оллоҳ ёмон кўзлардан ўзи арасин", - деб дуо килиб, тушиб кетдилар. Шундан кейин шу кўзмунчоқни осиб олдим машинага. Кимлардир кулса ҳам, лекин менинг кўнглим анча тўқ, - деди, хуроса қилгандек, Адашали.

Ўша куни ишдан қайтгач, Фиёсиддин хотинига деди:

- Ҳалимахон, бу сафар нон ёпсангиз, албатта седана сепинг юзига.

- Седаналик нонни ёқтирамасдингиз-ку, дадаси?

- Бундан буён ҳеч бўлмаса бир бурда седанали нонни ёнда солиб юраман.

ОЛВОЛИ

- Бу гапга роппа-роса эллик йил бўлибди, - хикоясини бошлади Одилжон ака. - Аёл бошкоронгилиги турлича кечиши, бу билан боғлик бир кулгили, бир аламли ҳолатлар ҳакида Абдулла Қаҳҳор,Faфур Ғулом каби ёзувчиларнинг асарлари орқали тасаввурга эга эдим, албатта. Лекин бу нарсага ўз ҳаётимда дуч келиб, бошкоронғи хотиним олдида ўсал бўлишими китобдагилардан ўтиб тушди...

Ҳомиладор аёллар ушбу лаззатли хасталикдан, одатда, ўта инжик бўлиб колишади. Эр киши бундай пайтларда аёлининг ҳолига айланмаса бўлмайди. Мен ҳам Мухаррамнинг барча истакларини бажонидил бажарипга ҳаракат қилдим. Бир-икки марта кишлоқдан гўра олиб келиб бердим. (У пайтлар, хозиргидек, шаҳар бозорларида гўра сотилмасди); курт, сузма эса шаҳарда ҳам сероб. Нега илжаясиз? Ий-е, дарвоке, сизлар довучча дейсизлар, бизда гўра...

Ўша куни ишдан кечроқ қайтдим. Мухаррам иккинчи қават балконидан кўчага термулиб ўтиради. Рағги синиккан. Ҳол-аҳвол сўрасам, энтикиб, зўр-базур бош чайқади, гапиргани ҳам мадори йўқ:

- Эрталабдан бери туз татиганим йўқ...

- Шу кунларда менинг ишларим ҳам жуда кўпайди, ойнинг охири, ўзинигиз биласиз-ку, Мухаррамхон, тушда бир хабар олиб кетишга имкон бўлмади, - кеч колганимни изоҳлаган бўлдим.

- Сизга иш бўлса бас, уй, хотинни умуман упутиб юборасиз, - мингиллади у. - Қўнғироқ қилиб қўйишга ҳам ярамайсиз!..

- Бизда телефон биргина бошлиқнинг хонасида эквалигини айтгандим-ку. Бугун, ўчакишгандек, одам кайнади у ерда, кириш нокулай бўлди... Кечиринг энди, жоним. Бир қошиқ конимдан ўтсинлар, - вазиятни юмашатиб,

Мұхаррамни овунтиrmокчи бўлдим. Сўнг у овқатга ҳам уннамаганлигини фаҳмлаб:

- Нима овқат қилиб берай, хоним? Димлама бўлсинми? Ёки картошка қовурайми, сиз яхши кўрадиган помидор коқидан салат билан?

- Ҳеч нарса керакмас! - зарда билан жавоб берди хотиним.

- Бирор нарса ейиш керак-ку, ахир, оч ётаверсангиз бўлмайди! Хўш, кўнгиллари нима тусайди хонимнинг? – сўрадим мен, яна ҳазилга айлантириб вазиятни.

- Олволи. Телефон қилганингизда, айтардим, йўл-йўлакай олиб келардингиз. Энди кеч...

- Ҳечкиси йўқ, мен ҳозирок чопаман!

- Аллақачон бозор бекилиб бўлган, овора бўлмай кўяқолинг, - холосиз деди Мұхаррам.

- Сиз учун очдираман! – яна ҳазиллашдим мен ва кўчага чиқдим.

Бахтимга, бўш такси ҳам дарров чиқиб қолди. Яшил бозорчага етиб келганимда, у ерда одам деярли колмаган, коровул расталар орасини супуриб юрарди. Бир-иккита кўкатфурушлар-у раста ўртасида кексароқ аёл ўтиради. Мен уни авваллари ҳам шу бозорчада кўриб туардим, шу ерли чайқовчи эди. Унинг олдида турган тогорада нима борлиги узоқдан кўринмади. “Ишқилиб, олволи бўлсинда, бахтимга!” – ўйладим мен, ошиқиб борарканман.

Омадим бор экан, олволи эди тоғора тубида! Икки килоча чамаси! Олволи бўлганда ҳам – иирик дона, худди кишлоқдаги ўзимизнинг олволимиздақа.

Топилганига хурсанд бўлиб, савдолашиб ҳам ўтирай, колган мевани ҳаммасини торозига кўйдириб, харид килдимда, тезда изимга қайтдим.

- Мана, жоним, келтирдим истаганингизни! – йўлакданок эълон килдим.

Мұхаррамнинг бир оз чехраси очилди:

- Хайрият! Аммо, қийнаб қўйдимда сизни, Одилжон ака. Лекин шу билан мени ҳакикатан ҳам яхши кўришингизни яна бир бор исботладингиз-да!

- Узи ҳам, сизга атагулик қолган эканда! – хотиним юзи ёришганидан ичимга сиғмай, дедим мен, ва қўлимдаги кастрюлчани узатдим.

Мухаррам идиш қапқогини очди-ю унга тикилиб, жим қолди, нафаси ичига тушиб кетгандай.

- Ҳа, нима бўлди? Ёқмадими? Нега жимиб қолдингиз?

- Бу нима ўзи?

- Нима бўларди, олволи-да!

- Бу гилос-ку!?

- Қанақасига гилос бўлар экан! Олволи бу! Жинни бўлдингизми?

.Бу орада Мухаррам мевадан бир дона оғзига солиб ҳам улгурди.

- Айтдим-ку, гилос деб! Мана, ўзингиз ҳам еб кўринг! Нима бало, кишлoқли бўла туриб, олволини гилосдан ажратса олмайсизми? Ё мени мазаҳ килиб, шаҳарлик фарқига бормайди деб, гилосни кўтариб келавердингизми? Бор йўғи, олволи егим келиби, шуни ҳам топиб келолмасангиз-а!..

Хотиннинг жазаваси тутиб кетаверди. Бир оздан сўнг “хи-хи”лаб кула кетди:

- Олволи келди, деб суюниб ўтирибман-а!.. Мен шўрлик бошкоронги бўлсам, олволи ҳам топилмаса-я,.. – пикиллаб йиглай бошлади.

Нима киларимни, хотинимни қандай юпатишни, бўлган гаройиб ҳодисага пе деб изоҳ беришни билмасдим... Бу қанақаси бўлди? “Олволи”дан ўзим ҳам бир-икки дона оғзимга отдим – ҳакикатан ҳам гилос, сал майдарок бўлса ҳам. Бироз ўйлаб, хулоса қилдим: Бозорда бошқа мева йўқ эди. Жоним оғзимга тикилиб келиб, тоғорадаги майдада гилосни олволи деб ўйлабман. Лекин мен: “Олволи неча пул?” – деб сўрадим-ку ахир, сотувчидан? Аёл ҳам индамай,

голосни олволи ўрнига ўтказаверди. Нега? Нега у: “Бу олволи эмас, голос” – демади?..

Эртасиги эрталаб мен, ишга кеч қолиб бўлса ҳам, бозорга бориб, ўша аёл билан “гаплашиб” қўйишга қарор қилдим. Кастрюлдаги голосни ҳам олиб олмокчи эдим кайтариб берин учун, лекин Мухаррам қўймади: “Кўтариб юрасизми, йигит кишига уят бўлади” – деб.

Бозорчи аёл растанинг худди кечаги жойида, тогораси тўла голос билан ўтиради.

- Нега менга “олволи” деб, голосни сотдингиз, опа?

Аёл нима учундир саволимга ҳайрон бўлмади.

- Мен сизга “олволи” деб сотганим йўқ, ука. Ўзингиз: “Олволи неча пул?” – деб сўрадингиз, шундайми? Мен тошкентликлар олволини олча дейишларини эшитгандим. Сиз ҳам бу ерлика ўхшамадингиз. Булар томонда голосни олволи дейишар экан-да, деб ичимда, индамай сотовердим. Қолаверса, йигитча, олволи ҳали пишгани йўқ, беш-олти кун бор...

ДАРД ВА ДАВО

Ошхонага тушлик килгани кирдим. Таомни олгач, аланглаб, бўш жой кидириб, четроқда ёлғиз ўтирган киши столига яқинлашдим.

- Жой бўшми?

- Бемалол.

Суҳбатдошим кўринишидан олтмиш беш ёшлардаги киши эди. Ранги синик, соchlари оқарган. Ёқаси крахмалланган оппок куйлак устидан қорамтирижемпер кийиб олган. Кўзларида ҳорғинлик кўринади, балки хасталикдандир. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб кетдик.

- Хув анави ҳовли меники, - деди гап орасида суҳбатдошим, кўчанинг нариги бетидаги баланд дарвоза томон ишора қилиб. – Баъзан зерикканимда, ошхонага чикиб,

битта овқатни оламан-да, сиздакалар билан гаплашиб-дардлапиб, кўнгил очаман. Ўйда ўтиравериб зерикаман, телевизор ҳам жонга тегади.

- Пенсиядамисиз?

- Ҳа,,.. ногиронлик пенсиясида, - беҳол жавоб қилди у.

Мен беихтиёр у кишининг юзига тикилиб қолдим. Сұхбатдошим менинг унсиз саволимни англаб, аста тушунтириди:

- Юракининг мазаси йўқ, биродар. Икки йил бўлди, ишга ярамай қолдим. Ёру-биродарлар хабар олиб туришади, болача, шароитларим ёмон эмас, шундай бўлсада одамларни, кўпчиликни кўмсайвераман, кўпчилик билан ишлаб ўрганиб қолган эканман.

- Қаерда ишлагансиз?

- Курилишда. Ўзим муҳандисман, ўн йилдан ортиқ пәэмкага бошлиқ бўлдим. Доимо югур-югур, мажлисбозлиқ, уни кил, буни кил, кимларнидир койийсан, кимнидир мактаб кўясан, сахардан тунгача кўчадасан. Энди бўлса қариндошларниги тўйга бориб келгани ҳам баъзан мадор йўқ. Кўмсаганда ишхонага ҳам боргим келади-ю, аммо узок...

- Үзлари хабар олиб туришар сиздан?

- Ҳа, албатта, ҳамкаслар онда-сонда келиб туришади. Ундан кейин, биласизми, бу ошхонага баъзан чиқиб туришимнинг боиси шундаки, бизнинг ишхона ходимларидан баъзилари шу ерда овқатланишга одатланишган, гарчанд узокроқ бўлса ҳам. Битта-иккиталарини албатта кўраман, шу ерга чиқсан. Улар билан гаплашиб, эски ишларни эслаб, бироз ёзиламан. Озми-кўпми ҳурматим бўлса керак, мени кўрганда хурсанд бўлишади.

- Яхшилик қилган бўлсангиз керак-да уларга?

- Ҳе-е, ҳар нарса бўларди, кимнидир, яхши ишлаганини кўрсанг, елкасига кокасан, баъзан эса қулоқсизига каттиқ тегасан. Бусиз бўлмайди раҳбарлик. Аммо ҳамма ҳам бир хил эмас экан,,.. - сұхбатдошим ниманидир айтайми, айтмайми.

дегандек ийманди. – Баъзан яхшилик килган одамларинг нонқўрлик ҳам қилингар экан...

Чойдан хўплаб, бир оз нафас ростлагач, мендан сўради:

- Менга неча ёш берасиз?

- Олтмишларда бўлсангиз керак.

У киши хорғин кулимсиради.

- Эллик учга кирдим. Ҳали айтганимдек, икки йилдан бери дард тортаман... Иш деб, жамоа деб югураверибман, ўзимга қарамай. Афсусланмайман-у, аммо, ўйланиб ҳам коларкансан-да. Баъзан сендан кўп фойдаланган одам, сен кайғуриб, бошини силаган шогирдинг номардлик килиб колар экан. Сухбатдошим жим колди. Кейин яна давом этди:

- Эпди-и, гап очилиб қолди, оғайни, бир ичими бўшатиб олай, - у киши яна чой хўплади. – Инфарктдан сўнг бир неча бор касалхонада ётдим. Номард, бирор марта ҳам хабар олмади. Ваҳолатки, ўзим тарбиялаган эдим, ўзим ишга кабул килиб қўллаб-кувватлаб юардим. Мени бошқа ишга кўтаришганда, ўзим тавсия килиб, ўрнимга бошлиқ килиб кетгандим. “Ишонган тоғдан кийик чиқмабди” деб бекорга айтмас эканлар.

Сухбатдоним энтикиб нафас олди.

- Эслашимнинг боиси бор. Мен бошқа нарсани айтмокчи эдим, аслида. Андижонда клиникада ётсам, бир кун палатага нотаниш йигит кириб келди. Содда кийингап, кўлида бир тугунча. Саломлашиб, тугунчани тумбочка устига қўйиб, табуреткага ўтириди. Тортинчоқ экан, анча вакт талмовсираб, нихоят: “Абамлар, бориб қўриб қўйгин, деб юбордилар. Ўзлари атайлаб кўк сомса килиб бердилар”, - деди. Мен уни танишга харакат киласан-у, эслай олмайман. Ҳайронлигимни кўрган йигит ўнгайсизланди: “Ўзим ҳам ўйловдим, танимаган одамни кўргани бориш қанака бўларкин, деб. Абамлар ҳеч кўймадилар: “Танимасанг, таниб ол! Ўшандай одам шу ахволга тушиб колибдилар. У киши бўлмаганиларида тўйингни ҳам киломасдик, балки. Сен у кинидан бир умр миннатдор бўлишинг керак, болам”, - дедилар”. Мен барибир

хеч нарсага тушунолмадим. Гапиришга шундок ҳам мажол йўқ-ку, лекин нима дейишимни ҳам билмасдим. Ниҳоят, сўрадим: “Онангиз ким? Кимнинг ўғлисиз?”. “Онамнинг исмлари Сораҳон. У киши пезмкада фаррош бўлиб ишлайдилар. Мен уйланавётганда ишхонадан моддий ёрдам ўюштириб берган экансиз...”

- Ушанда мен ўзимнинг бир пайтлар арзимас ишимдан бошим осмонга етди. Руҳим тетик тортиди. Назаримда, худди ўшандан кейин мен тузала бошладим. Мана, кўрдингизми, кимнидир одам қиласман деб жон куйдирасан, раҳмат ҳам эшитмайсан. Кимдир арзимаган ишингдан бир умр хурсанд бўлиб, ўзини карздор ҳис килиб юради,. – гапини тутатди янокларига қизил юргурган собик раҳбар. Шу онда у киши кўзимга анча тетик, бардам кўринди.

БАХТЛИ ТАСОДИФ

- Тоҳир Содирович, биз ҳам русчани сизчалик ўрганиб олармиканмиз? Сиз рус мактабни битирган бўлсангиз керакда? – сўраб колишди ўзбек мактабини битирган бўлишса-да, омад чопиб, рус филологияси факультетига кириб олган, аммо, ҳозирча ўкишда қийналаётган бир нечта талаба.

- Ҳа, албатта, харакат қилган, ўрганиб кетади. Мен ҳам, сизлар каби, ўзбек мактабида ўқиганман. Ишонсангиз, янги ўкишга кирган пайтлар сизчалик ҳам тушунмасдим русчани, гапириш у ёқда турсин. Унда қандай килиб ўкишга киргансиз дейсизми? Чунки у даврда кириш имтиҳонлари ўзбек тилида бўларди-да. Яхши баҳолар билан ўтганман. Тунлари тонг сахаргача китоб устида утириб чикардик, ёдлаганимиз ёдлаган эди матнларни, қоидаларни. Натижада, биринчи ярим йилликдаёқ “аъло”га эришганман. Лекин ўкишнинг дастлабги кунлари тил билмаслигим туфайли кулгили бир холатга

тушиб колгандим, бир умр эсимдан чиқмайди, айтиб берайми?..

Биринчи сентябрь... Педагогика институтининг тарих-филология факультетига янги қабул қилинган талабалар катта ўкув залига йигилишган. Кечагиabituriентларининг юзида кувонч, кўзлари порлайди. Қарийиб бир ой давом этган кириш имтиҳонларида кўзтаниш бўлиб қолган йигит-кизлар бир-бирларини дўстона кутлапимокда, зални ғала-ғовурга тўлдириб. Ҳаяжон билан ниманидир кутишмокда...

Бирдан сув сепгандек жимлик туши: тик турган талабалар орасидан ўтиб, залга икки кипи кириб келишарди. Олдинда шамширдек тиккомат, қалип соchlари оркага тараалган кирқ ёшлардаги киши, оркароқда эса – ёши улугроқ, тўладан келган, сийрак мош-гурунч сочли одам (Кейинрок билсам, ёшроғи проректор, улугроғи декан экан).

Домлалар зал тўрига ўтиб, устига газета тўпламлари қатор тахлаб қўйилган узун стол ортидан талабаларга юзланиши. Проректор босик, майн овоз билан русча бир нарсалар деди. Қарсаклар чалинди. Декан ҳам, ўз навбатида, шундай килди. Мен тушунмаган бўлсамда, улар бизни табриклишаётганини, яхши тилаклар билдирилаётганини фаҳмлаш қийин эмас эди, албатта.

Декан бир нечта варакдаги рўйхатларни ўқиб эшиттириди. Ундан мен “Б” гурухга киритилганини апгладим.

Қиска тантанали мажлисдан сўнг ҳамма дарс жадвалида кўрсатилган аудиторияларга тарқала бошлади.

Ҳамон ёдимда, жадвалда “Б” гурухи учун 17/21- хона кўрсатилган эди. Излаб, иккинчи каватдан 17-хонани топдим. Кичкинагина хонада чамаси ўттиз нафар талаба тикилиб, ярмидан кўпроғи ўрин етмаганидан тик туришарди. Турли миллат русча гаплапшишар, тўртта-бешта киплоқдан келган, содда кийинган, мен каби тил билмаслар аланглаб, дам у, дам бу гапирганинг оғзига қарашарди...

Хонага икки аёл кириб келишиди. Ҳамма ўридан туриб карши олди. Бири – чиройли анор юзли, кора сочли, кизғини

матодан тикилган күйлаги ўртача түларок хүшбичим коматига ярашган. Иккинчиси – жуссаси кичикрок, жингалак малла сочлари оркага тараlgан, чимирилган сарик кошлари остида калта киприкли кўзлари катъиятли аёл бўлиб, эгнида оқ блузка ва кора юбка эди.

Саломлашгач, муаллималар қўлларидаги рўйхатни анча вакт синчиклаб-ўрганиб, дафтарларига керакларини кўчириб ёзишди Шундай килиб, бизни икки яримгурухга тақсимлашди.

Анор юзли аёл ўзига тегишли яримгурух рўйхатини ўкиб эшилтириб, бир нарсалар деди ва сумкасини олиб, аудиториядан чиқиб кета бошлади. Рўйхатда мен ҳам бор эдим. Бопқаларга қўшилиб, муаллима ортидан юрдим. Бизнинг яримгурух кирган хона 21-эди.

Ўқитувчи аввал бош ўзини таништирди: Казакова Эмма Ивановна! Сўнг ёқимли овоз билан нималарнидир узок гапириди. Мен унинг гапидан фақатгина: “Менинг миллатим - арман” деганини аник тушунган бўлсамда, у халклар дўстлиги ва бу жараёнда рус тилининг аҳамияти ҳакида сўзлаётганига ақлим етди.

Эртаси кун биринчи машғулот, жадвал бўйича, яна ўша 17/21 хоналарда экан, 17-га кириб ўтиридим, лекин кўп ўтмай янглишганимни тушундим – бундаги талабалар анор юзли арман аёл ажратиб олган яримгурух эмасди. Ўшандা мен бундан буён тўппа-тўғри 21-хонага кираверишм кераклигини кеч фаҳмламаган эканман. Тушуниб етгач, хонадан чикаман, деб турганимда эса, малла сочли муаллима кириб келди.

Саломлашди, йўклама ўтказди, сўнг талабаларни бошмабош санади. Нимадандир ҳайрон бўлгандек, бир нарсалар деди. Яна йўклама килди, бу гал ҳар бир талабанинг юзига синчиклаб тикилиб. Ва яна санади, кўз ойнагини ечиб кўйиб... Асабийлашиб, талабалардан ниманидир сўрагандай бўлди.

Ҳамма бир-бирига караб олди, лекин жим. Ўқитувчи, кизарип-бўзариб, иккинчи марта қатъирик, жаҳл билан нималарнидир ғужурлади. “Кто!” дегани яшиндай чақнади миямда. Назаримда хозир момақалдирик карсиллайдигандек... Гап мен тўғримда кетаётганлигини яхши фаҳмласам-да, лекин, янглишиб кириб қолганимни қандай тушунтирай!? Ҳаммадан ҳам мен, шарманда килиб, хонадан чикариб юборишидан қўрқдим шу топда. Бу орада муаллиманинг жаҳли ёмон чиқа бонлади. Ким ортиқча бўлса, даров ўрнидан турмаганидан бўлса керак-да. Мен, ҳаяжонланиб, аста ўрнимдан турдим ва таталаб-тумталаб тушунтиришга ҳаракат килдим:

- Я... Казакова... Казакова, - русча сўз бойлигим анор юзли муаллиманинг фамилиясидан бошка нарсани айтишга имкон бермади. Бундай дудукланишдан яна ҳам жиғи-бийрон бўлган малла сочли муаллима биринчи партада ўтирган қизга жаҳл билан деганлари миямга бир умрга муҳрланди:

- Ничего я не знаю! Раупова, запишите его в нашу подгруппу!

Киз рўйхатга тиркай бошлади. Бўйнимни чўзи-иб карасам, “Казаков” деб ёзяпти! Шунда мен кизни аста туртиб, ўзбекчалаб, холатни тушунтирдим ва фамилиям “Казаков” эмас “Содиров” дедим. Киз, кулимсиради, ўз навбатида ўқитувчига тушунтирди... Ўқитувчи эса яна ҳам каттироқ кошини чимириб, менга тикилди...

Мана шунака, янглишиб, ўша сержаҳл малла сочли ўқитувчининг яримгурухига тушиб қолганман. Лекин бу, сўзсиз, тиини яхши ўрганиб кетганимнинг асосий сабаби, омили бўлди, деса бўлади. Чунки ўша малла сочли аёл факультетнинг энг билимдон, тажрибали, муҳими – ўта талабчан, жонкуяр ўқитувчиси Абрицова Нина Ивановна экан.

БАҚЛАЖОН КИЙГАН СИГИР

Автомобиль йўлини бамайлихотир кесиб ўтаётган молни кўриб, хайдовчи шаҳд билан тормозни босди.

- Бетамиз ҳайвон! Хоҳлаган жойдан чикиб келаверади-я! Ҳавфни ҳам сезмайди. Бекорга мол дейилмас эканда. Эҳтиёт бўлмасанг...

- Мол дейсиз-у, - шофёрни гапини бўлди ёнда ўтирган Қосимбой-ака, - лекин ҳаммаси ҳам сиз ўйлаганча бўлмас экан, ука. Ҳайрон қоларли ақллилари ҳам буларкан. Менда бир мол бор эди. Бозордан кичкина бўзокни олиб, кўлбола килиб катта килгандим. Ишонсангиз, кечкурун даладан, арконни ечиб, шохига ўраб, кўйиб юборсам, хеч каерга бурилмай, тўппа-тўғри ҳовлига кириб келаверади. Ораси анча бор, бўлмаса, беш-олти чакиримча. Тўғри, бошка ҳайвоnlар ҳам топиб келади. Аммо мен айтмоқчи бўлган нарса антика.

Шу денг, баъзан молимиз далада боғлик қолиб ҳам кетарди. Болалашига чамаси ўн беши кунлар колган эди. Эрталаб далага борсам, мол ўрнида йўк. Униси-бунисидан сўрадим, у ёк бу ёкка югурдим, милисага ҳам айтдим – дараги чикмади. Бир ойча яқин-йироқдаги бозорларни ҳам кузатдим – фойдаси бўлмади. Мендан ҳам, уйда янгангиз, келинлар ниҳоятда диккат бўлишиди – бугун эрта тугиб берса, набираларга сут-катик бўлиб қолар, деб умид билан кутишганди-да. Охири, хафсаламиз пир бўлди, изламай кўйдик.

Орадап ярим йилча ўтди. Яна рўзгордап кисиб-қимтиб, пул тўплаб, бозорга бордим кенжা ўғил билан, биронта ғўнажин-пўнажин кириб қолар кўлга, деб.

Бозорни анча айландик, биз бопи чиқавермади. Чарчаб, энди бу сафар бўлмади, кетамиз, деб, чикиб кетаётганимизда, бир сигир, худди менга караб талпиниб, “мў-ўв” дегандек бўлса. Мен ҳам ғалати бўлиб кетдим унинг овозидан, тўхталиб, бир зум тикилиброк карадим. Сигир ҳам бош ирғаб.

менга имо килгандек, худди таниш одамдек яна “мў-ўв” деб кўйди. Унинг арғамчисидан бир мўйловлик одам ушлаб турарди. Сигир ёнида чамаси беш-олти ойлик бўзок ҳам бор. Этим алланечук жимиrlаб кетди. Дарров йўқолган молим ёдимга тушди. Бунинг тузи ҳам жуда ўхшарди ўшанга. Якин бордим, яғринини силаб кўйдим, шунчаки ҳайвон кўраётгандек. Сигир бундан гўё танаси яйрагандек, думини силкитиб кўйди. “Лекин бу менинг молим эмас,” – деб хаёлимдан ўтказдим мен. “Туси бир бўлгани билан, қаериdir бошқача. Нимаси? Э, ҳа, шохлари! Меникининг шохлари олдига караброқ, ётиқ ўсган эди. Буничи эса бошқача, тикроқ. Йўқ, меникимас!”- дедим яна ичимда ва бурилиб, кетмокчи бўлдим. Орқамни ўгиришимни биламан, яна таниш “мў-ўв” эшилдим. Яна қайрилиб карадим унга, ғамгин кўзларида худди “Танимадингми?” – дегандай савол аломати бор эди. Беихтиёр кўлимни молнинг томоғи остига силагани узатдим. У ҳам бўйинини чўзди, роҳатланиб... Мен уни ёшлигидан шундай эркалатардим. Лекин, шохи?..

- Қанча деяпсиз, биродар буни? Бузоги неча ойлик? – сўрадим эгасидан.

- Олти ойлик бўлди. Олсангиз, барака топасиз, жуда ҳам ёввош, серсут. Боласи ҳам, мана, бўлиб қолган. Хўралигини айтмайсизми...

“Бу ўша, ўзимники!” – яна кўнглимдан ўтказдим ва эгасига якин бориб, ёнверидагилар эшилтмайдиган қилиб:

- Милиса чақирайми, ё ўзимиз келишиб оламизми?

У одам сесканиб тушгандай бўлди.

- Бу нима деганингиз, тушунмадим?

- Менинг молим бу, олти ой аввал даладан йўқолганди, ўзи мени таниб ҳозир, “мўв”лаб чақирди олдига.

- Ий-е! Мен буни ахир ҳалол пулимга сотиб олганман, кимданлигини ҳам айтиб беришим мумкин. Олганимдан сўнг бир хафтадан кейин туғиб берди, жуда яхши важ экан. Ҳеч сотиш ниятим йўқ эди-ю, лекин зарурат...

- Лекин бу меннинг молим, ранги-туси ҳам ўша, мени хатто таниб ҳам турибди, ахир.

- Билмадим, мен ҳам исботлашим мумкин сотиб олганлигимни.

Бош котди. Бироз ўтгач, миямга бир фикр келди:

- Менга қаранг, биродар, бир иш килсак. Мен ҳам бир меҳнаткаш одамман, ҳалол нонимни кўчага ташлаб кетавермайман. Сиз ҳам виждонли одамга ўхшайсиз. Шунинг учун сиздан илтимос, вақтингизни аяманг, иккимизпичиг ҳам дилимиз ёруғ бўлсин, балки сиз ҳам ёлғон гапирмаяп-гандирсиз. Хуллас, бундай килсак: молни ўша бўзоклигидан ўтлаб юрган далага олиб бориб, арғамчисини шохиги ўраб, ҳайдаб юборсак йўлга. Кўрамиз, агар у бизинг ҳовлини топиб келолса, бу менинг исботим, мол меники. Борди-ю тополмаса, гап йўқ – сизники! Келишдикми?

Олиб бордик молни далага, айтганимиздек қилиб қуйиб юбордик.

Ўзим ҳам лол колдим: ҳеч бир жойда тўхтамай, тўппа тўғри ҳовлимизга, боласини эрчити-иб, кириб келса!..

- Кейин нима бўлди? – сўради ҳайдовчи сабрсизлик билан.

- Нима бўларди, у одам ҳам ажабланди, ҳам ғазабланди, сўқинди. Кейин, қўлимдан маҳкам ушлаб: “Энди мен билан борасиз!” - деб туриб олди. Унинг қишлоғига кириб бордик, ораси анча экан, манинада ярим соатча юрдик. Бир эшик қаршисида дарғазаб тўхтади-да, чакирди. Уйдан чикиб келган одамга жаҳл билан:

- Номард! Молни қаердан олгандинг?! – деди.

Уй эгаси бир менга қаради, бир унга, ранги бўзрайиб, лекин кўп утмай:

- Бўлди, мол пулини мен бераман, фақат, ҳеч ким илмасин, илтимос! – деб бизни ичкарига тортди...

- Молнинг шохи бошқачарок эди-ку, бу ёғи нима бўлди? – кизиқди яна ҳайдовчи.

- Бу ёғи ҳам ғаройиб. Ўзим ҳам суринитириб ётиб, тушундим. Билсангиз, ўша бадбаҳтлар, молнинг жонини кийнаб, маҳкам боғлаб кўйиб, шохига бутунича қайнатилган баклажонни кийгизишар экан Ҳалиги қайноқ нарса шох тагини юмшатар экан, ва уни секин у ёк бу ёкка буриш мумкин бўлар экан...

ПЛОСКОГУБСА

Тошкентга сафар чикқандим. Киракаш машинадаги ҳамроҳларим худди атайлагандек ёни улуғ кишилар эди. Йўл олис. Анча пайтгача гапимиз қовушмади. Одатдагидек, секин-аста таниш бошладик: бир шеригим бизнесмен, собик комсомол ҳодими; иккинчиси – рус тили ўқитувчisi, “Ишлайдига пенсионер” – кўшиб кўйди у киши ўзи; учинчиси – собик колхознинг собик аграноми, бугунги купиди – фермер.

Ундан-бундан гапиришиб кетяпмиз; кўпроқ – фермер хўжаликларининг бугунги ҳолати ҳакида. Ҳаркалай, она замин биргина дехқонни эмас, барчани бокади, бинобарин, унинг тақдирига бефарқ инсон йўқ!

Фермер кишлек хўжалигига иш юритиш учун ажратилаётган кредитлар, унинг фойизлари ҳакида салмоқланиб хикоя кила кетди. Жорий йилда у яхшигина хосил олибди, аммо, афсус, хосилнинг ҳаммасини, фермернинг ўзига қолдирмай, омборга топширишга мажбур килишибди: туман бўйича ғалла режаси ҳавф остида эканмиш!

- Режа эмас, шартнома мажбуриятлари! – кулимсираб гап кистириди ўқитувчи.

- Ҳе, фарки нима! – қўл силтади фермер. – Лекин бу бизнинг ишимизга ҳалакит берадётган асосий нарса эмас! Фермернинг асабига бошқа нарса кўпроқ тегади – мунтазам бизнинг ишимизга аралашишлари, мустакил бир нарсани бажаришга бермасликлари!.. Аралашишлар оқил бўлса-ку, майлига-я, баъзан шунакалари бўлади-ки!.. Борди-ю сен

уларнинг айтганларини бажармасанг, бошқа сафар бирон бир муаммо билан уларга рўбарў бўла кўрма!

- Ҳаркалай, аралашувлар авваллардагидек кўп эмас-ку! Илгари ҳамма соҳадаги ишлар ипидан игнасигача Москвада “олий” даражада ишлаб чикиларди: бирор нарсанни ўзгартириб кўр-чи? Каерда турадинг эртасига! Қандай текширувлар, назоратлар уюштириларди-ю! – гап кистирди бизнесмен.

- Мен умуман текширувлар эмас, ноўрин, номаъкул текширувлар ҳам ноқобил текширувчилар ҳакида гапирияпман, - бўш келмасди фермер.

- Ҳа, бўлиб туради! – зътироф этди бизнесмен.

- Социализмнинг қолдиклари! – гап қўшиди ўқитувчи. – Бу саркитлар хали-бери йўқолмайди!

- Битта латифа айтиб берайми? – бирдан гапимизга қўшилди шу чокқача жим бораяпган ҳайдовчи. - Худди мана шунака текширувчилар ҳакида. Бир киплоққа Москвадан текширувчи келибди. Унга шу ерли бир рус тилини унчамунча биладиган одамни тилмоч этиб боғлаб қўйишибди. Текширувчи колхоздаги ишлар билан қизиқиб юрганда, бир бригада даласининг бир четида ҳамма аъзолар тўп бўлиб ишилаётганлигига зътобор берибди:

- Нега булар ҳаммаси бир бурчакка тиқилиб ишлашаяпти? Кенг фронт билан ишласа бўлмайдими? Ана, ёндаги пайкал ўт босиб ётибди, ўша ерга ташлаш керак одамларни! Сизлар бўлса бир бурчакка тиқилиб...

Тилмоч таржима килди.

Бригада бошлиғи, кексароқ, соддагина киши, жавоб килаяпти:

- Аввал бу ернинг кўтини узиб олиш керак, кейин бошқа далага ўтилади.

Тилмоч:

- Он говорит, что сначала надо здесь жопу отрезать, только потом перейдём на новое поле...

Бўлди кулгу, тўйиб кулдик сўзма-сўз таржима натижасида юзага келадиган ҳолатни ифодаловчи мохирона сўз ўйинидан.

Хайдовчи латифани давом эттириди...

Ҳамроҳларимиз бу эски латифали аввал ҳам эшитганликлари сезилиб турарди, шундай бўлсада худди янги эшитгандек кулишди – хайдовчимиз жуда ҳам қизикарли гапиради.

Ўкувчиларим ҳам буни аввал эшитганликларига шубха қилмаган ҳолда, мен латифанинг яна ҳам кулгилироқ бўлган иккинчи қисмини тушуриб қолдирман...

- Бу-ку – латифа, ва у сизларга тааллукли, - деб қўйди бизнесмен ўқитувчига юзланиб. – Мана мен сизларга ҳакиқий бўлган воқеани гапириб бераман Москвадаги юкори ташкилотлардан келадиган вакилларнинг нокобилликлари ҳақида.

Мен обкомкомсомолда бўлим бошлиғи лавозимида ишлаётган пайтимда бўлган эди бу воқеа.

Москвадан, ёшларнинг “Комсомольская правда” газетасидан ёшгина мухбир киз келди бизга. Уни комсомол ёшлар бригадаларидағи ишлар қизикириарди. Эсингида бўлса, етмисинчи йилларда ҳамма колхозларда ана шундаай бригадалар тузилган бўлиб, унинг назорати ҳам куч эди.

Менга ўша мухбир кизни энг илғор ёшлар бригадасига олиб боришни топширишди. Йўл-йўлакай район комсомол кўмитасининг котибини ҳам олиб олдик.

Дала шийпонида ошпазлардан бошка хеч ким йўқ эди. Атроф гулдек топ-тоза, сувлар сепилган. Шийпон олдидаги бир тахта пушталарда сабзовотлар етилиб турибди. Пушта атрофи гул-райхонларга тўла. Шаркираб оқаётган арик бўйларидағи мажнунтоллар остида устига палос кўрпачалар солиб кўйилган иккита сўри. Оппок ҳалат кийган ошпаз киз, чўмични абжирлик билан айлантириб, козонда тушлик пишираётган эди. Мухбир киз дарровда фотоаппаратини ишга тупириб кетди.

Шийпон ичига кирдик: ўртада чоркирра зал, унинг атрофида беш-олти кишилик хоналар жойлашган. Бундаги кроватлар чиройли қилиб янги чойшаблар билан заправка килиб қўйилган. Ҳар-бир кровать бошида тумбочкалар. Улардан биттаси устида хатто шиша банкага янги узиб қўйиб қўйилган гулга ҳам кўзимиз тушди.

Яна нима керак комсомол-ёшлар бригадаси учун! Барча шароит муҳайё! Табий-ки, меҳмон келиши ҳақида олдиндан огохлантирилган ва мутасаддилар барча чора-тадбирларни кўриб улгуришган эди.

Худди шу чоқ, гўёки тасодифан, комсомол-ёшлар бригадаси бошлғи даладан чиқиб келади. У меҳмонларни хушлагач, муҳбирининг саволига жавобан, ёшларнинг маданий ҳордиклари ҳақида гапириб кетди. Бригадир русча бинойидек гапиради.

Бригада аъзолари ишлаётган пайкал томон юрдик. Офтоб урмаслиги учун бошларини ок билан ўраб олиб, энгашиб ишлаётган ёшлар узокдан яшил ўтлокда юрган лайлаклар галасига ўхшаб кетаркан. Бизга ҳам манзарали кўринди. Муҳбир киз-ку дарров бир нечта кадр килди.

Ишлаётганлар томон якинлашдик. Саломлашиб, хормабор бўл килдик. Аъзолар, кимdir яланг оёқ, кимdir калои ёки ботинка кийган, ягана килишарди. Улар, бошларини ишдан кўтариб, кир-зангор бўлиб кетган қўллари билан бошдаги лўнгиларни тўғрилагандек бўлишиди, келган меҳмонларга бир-бир назар ташлаб чиқишиди. Уларнинг эътиборини кўпроқ москвалик калта юбка кийган, узун пошина туфлиси тупрокқа ботиб кетган, кора кўзойнакли, бўйнида фотоаппарат осилган малла сочли қиз тортган эди.

Муҳбир киз бригаданинг баъзи аъзолари билан саволжавоб килди, бир нечталарини алоҳида-алоҳида суратга туширди; узокрокка тисланиб, бутун бригадани ҳам олди суратга. Биз райком секретари икковимиз атайлаб, улар ўзларини эркинроқ тутишсин деб, ўзимизни четрок олиб

турдик. Аммо мухбирнинг овозини кўтариб, койигансимон берган бир саволи бизни ҳам ўзига жалб қилди:

- Нега энди бизнинг замонда, фан-техника тараққиёти даврида, партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигини ёппасига механизациялаш шиорини илгари сурған бир пайтда комсомол-ёпилар бригадаси аъзолари шундай бир ибтодоий усул билан, кўл меҳнати билан пахтага ишлов беришга маҳкум бўляпти?

Бригадир нима дейишини билмай бир оз қаловланиб колганди. Биз уларга якинлашдик. Анчагина сўзамол райком секретари бригадирга ёрдамга ошиқди:

- Эътирозингиз жуда ҳам ўришли! – деди у мухбирга кулимсираб бокиб. - Аммо қишлоқ хўжаликни тўла механизациялан борасида бир оз ортдамиз. Биз ҳаммасини яхши тушунамиз, лекин янги агрегатлар бизнинг узок ўлкаларга кечроқ етиб келади. Тез купларда етиб келса керак. Очигини айтсан, сиз жуда кузатувчан экансиз! Мен бу нарсани сезмасангиз керак деб ўйловдим. Синчков экансиз! Тасанно! Биз, албатта, бу камчиликни тезда бартараф этиш учун барча чораларни амалга оширамиз! Лекин, - у бригадир томон юзланди, ва унга ҳам русчалаб, - ўрток Ахмедов, сиз нима учун райкомнинг кўрсатмасини бажармадингиз?! Сизларга уқдирилган эди-ку, янги агрегатлар келгунча, кўл меҳнатини енгиллатиш учун бригаданинг барча аъзоларини плоскогубсалар билан таъминлани хакида!? Нега бажармадингиз топшириқни? Сиз ҳали бунинг учун райком олдида жавоб берасиз! – кейин москвалик меҳмонга караб, - Биласизми, плоскогубса билан ягана килиш жуда-жуда кулай, кўл кучи камрок сарфланади, ниҳолни ҳам осонгина, безарар юлиб олинади, ва, энг мухими, меҳнат унумдорлиги юкори бўлади! Лекин шу оддий нарсани мана буларга, - кўли билан бригадирни кўрсатди, - етказиш кийин бўляпти!

Шу захоти бригадир ҳам ақлини пешлаб олди, гапини тузатди:

- Узр, биз шу бугунок омбордан оламиз плоскогубсаларни, эллик дона ёздириб олганмиз, аммо, нима учундир икки кундан бери омборчини топиб бўлмаяпти, шу бугунок оламиз...

Бир неча кундан сўнг “Комсомольская правда” газетасида “Фан-техника инқилоби давридаги ибтидоий меҳнат” сарлавҳаси билан катта мақола чиқди. Унда комсомол-ёнилар бригадаси мутасаддиларининг айби билан далада ишлаётганилар ўз вактида плоскогубсалар билан таъминланмаганликлари хақида гап борарди...

- Ана шунака тарих, – тутатди хикоясини бизнесмен.

Биз кулдик, албатта, лекин латифачалик кизик эмас эди бу воқеа.

- Хўши, кейин нима бўлди, - сўради ўқитувчи.

- Нима, кейин? Ҳа, кейин, бизнинг эшитишимиизча. ўша макола Бутуниттифоқ ленинчи коммунистик ёшлар иттифоки марказий кўмитасида муҳокама этилиб, газета муҳарририга каттиқ ҳайфсан эълон қилинган, муҳбир кизни эса ишдан хайдашган.

БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

РУСЧА БЛИН

Москвага биринчи марта борганимда, Лужники савдо ярмаркасига айландим.

Тушлиқ пайти етгач, овқатланиш павильони томон юрдим. У ерда ҳар хил таомлар алоҳида-алоҳида дўконларда сотиларди: чучвара, шашлик, блинлар ва ҳоказо. Русларнинг машҳур блинидан тотиб кўргим келди. Ўша ёкка юриб, навбатга турдим. Навбатим яқинлашар экан, мен, бўйин чўзиб, кизикиш билан кузатаман: кандай тайёрланяпти ва хўрандаларга кандай узатиляпти. Кўрсам, катталиги чоғрок шапармакдай юпқа; иккитаси бир порция деб тарелкаларга солиниб, мижозлар таъбига қараб ё сариёф, ё қаймоқдан бир чой кошик солиб, узатишмоқда эди.

Мен: “Бунга ким тўяди? Икки-уч порцияга ҳам тўймасам керак, лекин тўрт порция сўраш, нокулай. Учта оламан-да,” – деб ўйлаб, яқинлашавердим.

Навбатда мендан олдинда менга нақ иккита келадиган рус йигити эди. Пазанда киз унинг бўйиги караб:

- Сизга икки порция келтирайми? – деб сўради.
- Мен, нима, фильмани сенга, икки порция еб?...

ЕТТИ КИШИЛИК САБЗИ

Россияда кеч куз. Сабзавот дўконига кирдим. Узундан узун навбатга туриб олиб, харидорлар коплаб карам олишарди. Мен ҳам навбатга турдим, чунки у ерда бенавбат ҳеч кимга хизмат қилинмайди.

Анча кутишга тўғри келди. Шунча вактим кетди, мен ҳам бирорта карам олиб кетай, дедим, ўзимча ичимда. Навбатим етгач, сотувчига:

- Бир дона карам тортиворинг, - деб илтимос қилдим.
- Сотувчи энг катта карамни танлаётгани кўриб:
 - Йўқ, йўқ, хув авави, энг кичкинасини беринг, - дедим.
 - Ҳамма коплаб оляпти, сиз бўлсангиз, энг кичкинасини, дейсиз? – ҳайрон бўлди сотувчи.
- Чунки мен бир ўзим тураман, ортиқласининг нима кераги бор?

Карамни олиб бўлгач, икки кило сабзи тортишни сўрадим.

- Анавини қаранг? Карамни бир кишилик олади-ю, сабzinи етти кишилик сўрайди-я бу одам! – ажабланди сотувчи.

БУ ДУНЁНИГ ТАОМИ ЭМАС

Педагогика фанлари академиясининг аспирантлар ётоқхонаси Москва атрофидаги энг гўзул гўшалардан бирини - Горки кинилоги ёнида, Пахра дарёси бўйида жойлашганди. Бу ерда барча иттифоқдош республикалардан келган хар хил миллатга мансуб аспирантлар истикомат килишарди. Оқшомлари энг гавжум жой - ошхона, чунки ҳамманинг ҳам корни бор. Аммо, айтиши лозимки, кўпмиллатли бўлгани билан, уларнинг овқат тайёрлаш анъаналари деярли бир хил эди: картошкани сувда пишириб, ёки бир пакет концентратни бир кастрюл сувга солиб, беш-үн минутгина қайнатса таом тайёр, жуда жоннинг қадрига етгани қўймок тайёрлади. Бошқалардан фарқли ўлароқ, ўзбеклар, асосан ўз миллий таомларини таёрлашарди. Бу, албаттаки, кўп вакт талааб килади. Палов пиширишимиз бошқаларга айникса эриш туюларди: таомни биз пиширамиз-у лекин улар бизнинг бунга сарфлаган вактимизга ачинишади. Гап шундаки, кухняда ўрнатилган электр плиталар паст кувватли бўлиб, унда оп пишириш учун камида тўрт соат сарфланарди. Қўймок эса - беш минутда тайёр!

Бир куни мен бир молдован йигитга бир тарелка палов узатдим, тотиб кўр деб, чунки уша йигит айникса кўпроқ "ачинарди" биз йўқотган вактга.

Эртасига молдован қўшним тарелкага иккита пирожка солиб қайтараркан, тамшаниб, деди:

- Паловинг бу дунёниг таоми эмас экан, тўрт соатмас, беш соат сарфласа ҳам арзиди!

ПАЛОВ РЕЦЕПТИ

Аспирантлар ётоқхонасида биз эр хотин яшар эдик. Икковимиз ҳам аспирант, икковимиз ҳам тенг илмий изланишлар билан банд. Икковимиз ҳам бир-бирилизнинг вактимизни аяймиз. Овқат пиширсак ҳам дам-бадам караймиз. Битта палов пишириш жараённида беш-олти

маргадан ошхонага чиқиб келардик. Паловимизга ҳам, уни ҳамжихатлик билан тайёрлатпимизга ҳам бошқа миллат кўшилиримиз кўп эътибор беришарди.

Бир сибирлик аёл биздан палов рецептини ёзиб беришни илтимос килди – у бир ойга уйига кетётган эди: “Ўзбекча палов пишириб бериб, оиласми ҳайрон колдирай!” – деди у. Хотиним батафсил рецепт ёзиб берди.

Орадан бир мунча вақт ўтгач, биз яна ошхонага дамбадам чиқиб палов пиширямиз. Сибирлик аёл (бу пайт у сафардан қайтган эди) ҳар гал чиқканимизда ошхонада бир нарсаларни куйманиб ўша ерда ўтираверганига эътибор бердим.

Нихоят пишди ошимиз. Мен кастрюлни хонага олиб киргани ошхонага чиқдим. Иптахани китиқлайдиган бўй таратиб турган кастрюлни қулоғидан тутаётганимда, мени ҳалиги аёл тўхтатди:

- Мен сенга айтсан, сенинг хотининг менга нотўғри рецепт берган экан.

- Нега ундаи дейсан? Қанақа рецепт берган эди, айтчи? – сўрадим ундан.

- У менга бундай ёзиб берган эди: ёғ дод килинади, гўштни солиб ковурилади, сўнг пиёз яна сабзи ковурилади, сув қўйилади, кайнатилади, ювиги ивитиб қўйилган гурунч ташлаб, сувини тортгунча қайнатилади, сўнг дамланади.

- Тўппа-тўғри рецепт!

- Лекин сизлар ўзингиз бошқача пиширдингизлар! Мен атайлаб шу ерда бошдан оёқ кузатиб ўтирдим! Мохира берган рецепт билан уйга бориб мактаниб: “Мана, мен ҳозир сизларга ўзбекча палов пишириб бераман!” – дебман. Паловмас - канга бўлди!

- Хўни, биз ўзимиз қанақа бошқача килибмиз?

- Сизлар ҳозир мана бундай пиширдиларинг: ёғ дод килинди, гўшт, пиёз, сабзи қовурилди, кейин хотининг чиқиб яна бир бўлак гўптил солди...

Бунга мен хам ҳайрон бўлдим: нега энди сабзи ковурилгандан кейин яна гўшт ташлади? Ҳонага кайтиб киргач, ўша захотиёк сўралим хотинимдан бу ҳакда. У кулди:

- Қарасам, гўшт озрок кўриши кўзимга, ҳали кўп кайнайди-ку милмиллаб, пишиб кетар. деб бир бўлак гўшт кўпивордим-да.

КЕЛИНГ, БИР ҚАҲВАЛАШАЙЛИК

- Айтиб берсам, кулгингиз кистайди, ишонгингиз келмайди!.. Ӯзингиз ўйлаб кўринг, икки қошиқ шакар нима деган нарса? Тўғри, бўлмаса кийин, лекин бор жойда...

Якинда иккита ходимимиз Англияга бориб келди, малака ошириб қайтишиди. Уларни бир инженерникига жойлаштириб қўйишибди. Яхни туришибди, лекин гап бунда эмас...

Бир кун денг, уй эгаси бизнисиларни ўзи билан бирга танишиникига меҳмонга олиб бормокчи бўлибди. Жўнаб кетаётганда, уй бекаси озгина, нак юз грамм, канд олиб оляпганига эътибор беришибди, бизнисилар. Ажабланиб, бу озгина қанди нима килар экан? Ҳеч бўлмаса икки-уч кило конфет олса бўлармиди, курук бормай," – деган фикрни хаёлларидан ўтказишебди ва бу ҳакда, ботмайдиган килиб, хўжайинга айтишибди. У тушунтирибди: "Ҳеч нарса олиб боришнинг кераги йўқ. Бу озгина кандга келсак: ўртоғим бизни кофега таклиф этган. Ким билади дейсиз, қанди бўладими кофе ёки қандсиз?.. Ҳар эҳтимолга карши олганимиз маъқул. Мен қандсиз кофе ичолмайман".

- Хоҳ ишопинг, хоҳ ишонмайнг, меҳмонларга қандсиз кофе тортишибди...

Гапни сухбатдош илиб кетди:

- Мен ўзим ҳам шунга ўхшаган ҳодисанинг шохиди бўлганман, бу ҳам Лондонда. У ерда бир тапишим мепи уйига кофега таклиф қилди, соат ўн учга. Кеч колиши яхнимас, деб ўйлаб, эртарок, ўн икки яримларда борибман. Қўнғирокни босдим, уй хизматчиси эшикни очиб: "Кимсиз?

Ким керак?" – деб сўради. Мен ўзимни таништириб, хўжайин соат ўн учга кофега таклиф килганлигини айтдим.

"Хозир" деб хизматкор гойиб бўлди. Бир оздан сўнг яна пайдо бўлиб, мени ичкарига таклиф этди. Мехмонхонага олиб кириб ўтказди ва илтифот билан менга эълон килди:

- Ҳакикатан ҳам хўжайин сизни соат ўн учга кофега таклиф килган экан. Ҳали вактли, мен хозир мусика кўйинб бераман, зерикмай ўтириб турасиз. Ўзлари тушлик килаётгандилар, соат ўн учда чикиб, сиз билан кофе ичадилар. Бемалол дам олиб ўтира туринг. Мен эса бориб кофе тайёрлайман, - деб откноасига чикиб кетса...

- Мана шупака. Ҳар жойниг одатлари, удумлари ҳар хил экан-да.

БУ СИЗНИНГ ЖИЯНИНГИЗ

Пахта мавсумида даладан бир-икки кунга кайтиб келиб, институтга кирдим-у, унгандим: худди шу пайтда вилоят ижроқўмига проректор ва деканларни пахтага талабаларни сафарбар этиш холати бўйича чакириришаётган экан. Деканлардан биргина мен хозир бўлган эканман уша тобда. Ректор:

- Гурух рўйхатларини олинг-да, чикиб келинг проректор билан, - деб буюрди.

У ерда бизни бўлим бошлиги кутаётган экан.

Рўйхатларни қўлимдан олиб, вараклаб, кўздан кечирган бўлди-да, тез кайтариб берди:

- Домла, мен хозир йигилишга кириб кетаяпман. У ердан бирор соатларда чикамиз. Унгача сиз, илтимос, ВКК хулосаси асосида пахтадан озод бўлган барча талабаларининг ота-оналари ҳакида маълумот тайёрлаб туринг, яъни – улар ким ва қаерда ишлашади, - деб, чикиб кетди.

Менга бу маълумотни тайёрлаш учун вакт керакмас эди, ёддан билардим. Лекин, начора, бошлиқ мажлиста чикиб кетди, биз кутишига мажбурмиз...

Бирор соатларчадан кейин бўлим бошлиги хонасига қайтди.

- Қани, домла, тайёрландингизми?

- Мен ҳаммасини яхши биламан.

- Ундаи бўлса, - яна қўлимдан рўйхатларни олди-да, хоҳлаган жойига кўрсаткич бармоғи билан кўрсатиб: “Мана бу ким? Бучи?” – деб сўрай кетди. Мен ҳам, “врач”, “ишчи”, “ўқитувчи”, “магазинчи”, “судья”, деб боравердим. Навбатдаги жойга бармоғини тўк этиб қўйди:

- Бучи?

- Бу сизнинг жиянингиз!

Бўлим бошлиги рўйхатлар папкасини тезда ёпти-да, менга қайтариб берди.

- Бўлди, раҳмат, домла, бўшсиз, бораверинг.

ДОМЛАЛАР ҚИРҚ БЕШ МИНУТ ГАПИРАДИ

Кечга томон узок дала шийпонида жойлашган талабалар ишини назорат қилгани жўнадим. Етиб борганимда, қош корайган, талаба-ёшлар эндиғина қайтишаётган эди. Шийпонда икки-учта таниш ота-оналарни учратиб колдим. Улар ҳам фарзандларини кутиб туришарди. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сураша туриб, илтимос килдим:

- Мен тез бу ерда гаплашиб олиб, бошқа шийпонга кетишим керак. Шунинг учун, илтимос, сизлар бироз сабр килиб туринглар. Мен тез тутатаман, беш-үн минут, кейин сизлар хотиржам кўришаверасизлар...

- Майли-майли, бемалол! – деб жавоб қилишди ота-оналар.

Мен яна: “Беш-үн минут!” - дедим-да, талабаларни ичкарига таклиф килдим.

Бу шийпонда муаммо етарли эди, шунинг учун гап чўзилиб кетди.

Ва, нюхоят, тутатиб чикаётганимда, ота-оналар эшикнинг каршисида менга кулиб бокиб туришарди:

- Нега куляпсизлар? – сўрадим мен.

- Сиз “беш-ўн минут” деб кириб кетганингиздан сўнг мана бу киши, - ёнидаги кишини кўрсатиб, - “Ўқитувчилар беш-ўн минут гапирмайди, улар албатта кирк беш минут гапиради” – дегандилар. Соатга ҳам караб қўйдик. Айтганларидек, роппа-роса кирк беш минутда чиқдингиз! - деди танишим, бегубор кулгу билан.

ЙИҚИЛМАГУНЧА...

Шўролар даврида ўрта мактабни олтин медалга битиргандарни олий ўкув юртига имтихонсиз қабул қилинар эди. “Кайта куриш”га келиб, медалликлар кўпайиб кетганилиги боис, уларни сухбат орқали ўкишга қабул қилиш тартиби ўрнатилди. Етакчи ўқитувчилар томонидан обдан синаб кўрилар, сўнг тавсия бериларди: имтихонсиз талабаликка олиш ёки ҳамма катори имтихонга қўйиш туғрисида.

Кўшнимнинг кизи олтин медалга битирди. Ота фарзандни кимё-биология факультетига сухбатга олиб борди.

Кечки пайт кўшнимни кайфияти йў-ўк холда кўрдим.

- Бўлмади, - тушкунлик билан деди у киши.

- Демак, билими етарли эмас экан-да.

- Қайдам... Лекин домлаларингиз ҳам бола йиқилмагунча савол бераверарканда, - заҳарханда килди қўшним.

ТАБАРРУК ПУЛ

Автобус паттачиси кекса пассажирдан йўл кирани сўраганди, у киши:

- Энди, ўғлим, биз бир табаррук одаммиз.. – деб тап бошлаганди, лекин паттачи оксоколни бўлди:

- Табаррук одамнинг пули ҳам табаррук бўлади, отахон, биз ҳам ўшанақасига кўпроқ кизиқамиз, чўзиворинг!

ПУЛГА СОТИЛАДИМИ?

ДАН инспектори йўл қоидасини кўпол равишда бузган ҳайдовчини тўхтатди. Қоила шундай кўпол бузилган эди-ки. инспектор чидамай деворди:

- Нима бало, правони сотиб олганмисиз??!
- Ий-е, хали сизлардан правони сотиб олиш ҳам мумкинми?

БАШОРАТ

Кечкурун ётатуриб, эр хотинидан сўради:

- Бирон бир янгилик, яхши хабаринг йўкми менга айтадиган?

Ҳайрон хотин:

- Нега ундаи деяпсиз? Билмадим...
- Мунажжимлар башорати бўйича менга шу бугун якни одамим бир яхши хабар етказини керак эди-да.

КАНД ВА МИЯ

- Китобларда ҳар хил бўлмағур, ёлғон нарсаларни ёзишаверарканда.
- Нега ундаи деяпсиз?
- Бир китобда, канд мия фаолиятини яхшилайди, деб ўқигандим...
- Хўш, бунинг нимаси ёлғон экан? Тўғри гап.
- Мен ҳам сизга ўхшаб ишонаверардим, энди ишонмай кўйдим.
- Нима бўлди ўзи?
- Бир хафта бўлди, тўйиб қанд чой ичганимга. Ушандан буён кутаман, лекин хеч ўзгарини бўлмади.

АБИТУРИЕНТ ВА КВАДРАТУРА

Шўролар даври. Россиядаги ҳарбий ўкув юртларидан бирига ўқишига ташлаб олиш учун математикадан имтиҳон бўлмоқда. Навбатдаги аббитуриент хеч нарсани билмади. Аммо, боланинг соддалиги, кийиниши-кўриниши имтиҳон-

чиға ёқиб қолди. "Мана шунакалар бориб ўқиса, ёмон бўлмайди-ку", - деб фикр килиб, йигитчага ёрдам бермокчи бўлди.

- Менга қаранг, ука, сизга битта савол бераман, шунга жавоб берсангиз, ўтасиз. Оддий савол. Фараз қилинг: сиз ўкишга кириб, ўша томонларда юрибсиз. Ногаҳон сизга бир кари кампир дуч келиб, илтимос қилди: "Ўғлим, менинг битта учга икки хонам бор, полини бўяб берсанг, ҳар бир квадратига бир сўмдан бераман", - деб. Аммо, қари кампир квадратурани ҳисоблаб чиқара олмайди. Ишни бажаргач, сиз ўзингиз ҳисоблаб айтасиз, қанчалигини. Демак, савол: Зx2 хажмдаги хонанинг квадратураси қанча?

Абитуриент жим.

Имтиҳончи яна тушунтириди.

Жавоб йўқ...

Яна бир бор тушунтирилди.

- Домла, кампир жуда қарими? – ниҳоят, саволга савол кайтарди абитуриент.

- Ҳа-да, шундай қарики, учга иккининг квадратурасини чиқаришга ақли етмайди.

- Ундей бўлса, домла, бекорга бўяб беравераман.

ҚИШКИ САЛОМ

Одамлар қандай кузатувчан бўлишлади, а?! Улардан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди! Қаранг, шунга ҳам эътибор беришибди-я! Қишида эмиш, одамларнинг саломлашиши ҳам ўзгариб колармис...

Икки дугона учрашиб қолишибди кўчада:

- Ассалому алайкум! Вой, дугонажон, бормисиз, эсон омон киплар билан тузукмисизлар?

- Ваалайкум ассалом! Ходога шукур, совуклар билан, ўзинглар ҳам эсон-омонмисизлар? Қийналмай турибсизларми?

- Газ-паздан қалайсизлар?

- Умуман йўқ! Биласиз-ку, биз томонларда ноябрдаёк тўхтайди.
- Ўтин-пўтин ғамлаб қўйганмидинглар ишқилиб?
- Ҳа, дадаси ўтин-пўтин, кўмир-пўмир ғамини доимо аввалдан еб юрадилар.
- Ҳайрият! Сизлар ҳам серфарзанд нарсасизларда, қийналмаяпсизларми, деб сўраяпманда.
- Раҳмат, дугонажон! Ҳой, ўзинглардачи? Домингларда газ тузукми?
- Милтиллаб турибди, худога шукур. Ҳар қалай, чой кўйсак, бир соатда қайнатади-ку.
- Милтилласа ҳам, бор экан-ку, ҳар қалай. Иссик сув ҳам бўп турса керак, а?
- Ҳа, совук сув ҳам бўп туради.
- Ҳа, яхши, ўргилай, узр, кўп тўхтатиб қўйдим сизни совуқнинг кунида. Ҳайр, эсон-омон чиқиб олайлик қишдан!
- Ҳайр, айланай, иссиқ кунларда кўришаверайлик!

МИШ-МИШ

Таниқли талаба Қочкинбой Кечкелдиев: “Энди дарс қолдирмайман,” - деб ваъда берганмииш.

Эшитдингларми, домлалар минутини минутига қўйиб дарс ўтишга онт ичишганмииш.

Имтиҳондан ўтолмаган талбалар ҳақиқатан ҳам университетдан ҳайдалармиш.

Бу йил қабул қилинган талabalар орасида хохловчилар бўйса, биринчи курс тугаши биланоқ тўлов-шартнома асосида давлат аттестацияси ўтказилиб, олий маълумот тўғрисида диплом берилармииш.

Вазирлик уйи йўқ, мапинаси йўқ ўқитувчиларга ушбу майиший камчиликларни бартараф килиш учун молиявий кредит ажратармиш. Агарда шунда ҳам машина олмай пиёда юрадиган ўқитувчилар бўлса, ректор бундайларни ишдан хайдармиш.

Бундан буён талабалар тураг жойида чойшабларни ҳар хафта алмаштириб туришармиш. Бундан ташкари, ҳар бир хонага “Самсунг” иккилиги ўрнатилармиш.

Эшматов йигирма йилдан бери ёқлай олмай юрган диссертациясини ҳимоя қиласмиш.

Талаба кизларни ўқиши даврида турмушга чиқишини таъкиловчи буйруқ чиқканмиш.

Хоким талабаларни пахта йигим-теримига жалб килмаслик тўгрисида қарор қабул қилганмиш.

- Эшитдингларми, пахта мавсумида биз ёрдам берган фермер Хотам Тойи экан, янги йил байрамига бизга битта новвос сўйиб берармиш!

- Ҳе, бугина эмас – якуний назоратга келиб қарашиб ҳам юборармиш!

Бизнинг бошлиқ пенсияга чиқармиш. Ўрнига танлов бўлармиш, ким кўпроқ узатса, ўша бошлиқ бўлармиш.

НАБИРАЛАР “ИЖОДИ”ДАН СЕНИКИ-МЕНИКИ

Алижон укаси Валижоннинг кўлидаш машинални тортиб олди.

- Бей машиналми, а-а-а, - чинкириб йиглади Валижон.
- Йўқ, бермайман, бу меники!

Буни эшитган онаси койй бошлади:

- Ҳой, Алижон, сен, ахир, каттасан, “сеники-меники” килавермай, берсангчи ўйинчоқни укангга!
- “Сеники-меники” мас, “меники” деяпман!

ТАПОСКАМ ҚАНИ?

Алижон шахмат ўйнашни отасидан ўрганиб олган. Ўз наебатида у укаси Валижонга ўргатмоқчи бўлди. Доналарни шахмат тахтасига териб, укасини стулга ўтқазди-да:

- Қани, юр, - деди.

Укаси ёёқ остига қараб, сўради:

- Тапоскам каёқда колди?

ПИЁДА ҚАНИ?

- Дадангнинг машиналари бузилиб колибди, бугун пиёда кетамиз, ўғлим, тез бўлақол.

Кўчага чиққач, бола онасидан сўради:

- Қани “пиёда”?

АКВАРИУМДА БАЛИҚЛАР НИМА ҚИЛАДИ?

Аквариумдаги балиқчаларга қараб туриб, бола онасидан сўради:

- Бу балиқчалар сувда нима қилинади:
- Сузишади.
- Унда уларнинг шохлари қани?

ҚИЗИЛ ПАСТА БОРМИ?

Боғчадан қайтган кичкина Рислиқой бобосидан қоз-калас сұраб олди-да, бугун олган сабокларини қайтариб, машқ қила бошлади.

Бир оздан сүнг:

- Кизил пастаңиз борми, бобо?
- Нима қиласан?
- Унли ёзамап.
- Нега занди кизил пастада ёзишиңг керак экан?
- Аямиз унлини кизилда ёздиларда.

БЕКОРГА СҮКМАГАН ЭКАН

Хадеб шүхлик қиласверган уч ёпілк Шукруллога бобоси жавради:

- Жуда шүх бўлибсан-да! Даданг кеча сени бекорга сўкмабди.
- Йўқ, сўқдилар дадам мени.

ЭСКИТИБ КИЙГИН

Бувиси Умидага туғилган куни куйлак совга қилди. Эртасига кизалоқ, янги куйлакда ерга ўтириб олиб, кум ўйнарди. Онаси койиди:

- Сен қапақасаш ахир, кизим? Кечагина кийган янги куйлагингни расво килибсан-ку?
- Бувимлар ўзлари: “Эскитиб-эскитиб кийиб юргин.” – дедилар-ку.

БОҒБОНЛАР

Дараҳтларни бутаётган бобо дам аррани, лам болтачани ишларатди. Битта асбобни ерга қўйди дегунча, оёқ тагида пилдираб юрган Шукрулло олволиб, киркилган шохларни кесмоқчи бўларди. Бобо унга аррани бер, болтани бер, деявериб, зериқди. Набира ҳам... У қўлидаги аррани бобосига бермай, казноқ томонга юрди. У ердан эски аррани олиб чикиб, бобосига узатди:

- Мана буниси сизга...

НАВБАТДАГИ КҮРГАЗМА

Амир Темур хиёбонидан ўтиб боришар экан, саккиз ёшли Ёдгор отасидан сўраб колди:

- Дада, бу ердаги деворларда аввалрок ҳар хил миноралар, шаҳарларнинг расмлари бор эди, энди нега уларни олиб ташлаб, ўрнини сариқ рангга бўяб кўйишибди?

- Шунга ҳам аклинг етмадими, бўтам? Бу рассомларнинг навбатдаги кўргазмаси-ку. Аввал бу ерда Соҳибқирон яшаган, забт этган шаҳарлар расмлари туширилган эди. Энди эса ҳукмдор босиб ўтган дашту биёбонларни намойиш қилипяпти.

ПАҲЛАВОН НИМА ЕЙДИ?

Тўрт ёшли Санжарбекка бобоси ҳар нима қилиб бўлса ҳам овқат едириш мақсадида:

- Тойчогим, паҳлавон бўламан десанг, яхши овқатланишинг керак. Паҳлавон, мана, гўшт ейди, картошка ейди нон билан, - деб унинг олдига таомни суро бошлади.

Аммо Санжарбек кўп ўйлаб ўтирмай:

- Паҳлавон шоколад ейди, - дея, ширинликка қўлини чўзди.

ҚУЁН ЯХШИМИ Ё БЎРИ?

Санжарбек боғчадан қайтгач эълон қилди:

- Арча байрамида мен қуён бўларканман.

Шунда отаси:

- Нега энди бўри эмас? Бўри бўлиб қўякол? Зўр! – деди.

- Йўқ, бўри ёмон, қуён яхши. Қорбобо ҳам уни кўпроқ яхши кўради, - деб жавоб қилди бола.

БОБОСИ НЕГА ИШГА БОРМАДИ?

Шанба куни боғчага ошиккан Санжарбекка тушунтиришди:

- Бугун шанба-ку, боғча ишламайди!

Бир оздан сўнг бола бобоси ҳам шу кун уйда қолганига эътибор бериб, сўради:

- Бобожон, бугун сизнинг ишингиз ҳам ишламайдими?

НАНАЙДА НИМА ИЧАМИЗ?

Нанайга бориб, оила билан дам олиш кичкинтой Санжарбекга жуда-жуда ёқиб қолган экан, айниқса кимиз. Шундан сўнг анчагача ота-оналарига: “Нанайга борайлик!” “Нанайга қочон борамиз?” деявериб зериктирадиган бўлди. Бобоси ундан: “Нанайда нима қиласан?” – деб сўраганди: “Кимиз ичамиз”, - деб жавоб килди.

Вакт ўтиб борган сайин, табиийки, “Нанай” ишқи ҳам болада сўна борди. Ҳар қалай, Нанай сайрининг асосий мазмуни ёдидан кўтарилибди, бўлмаса сўрармиди бобосидан: “Нанайда нима ичамиз?” – деб.

ЯНА ҚАЧОН БАРЯМ БЎЛАДИ?

Янги йил байрами Санжарбекка ёқиб қолган экан, тантаналардан сўнг бобосидан сўради:

- Энди барям бўлмайдими?
- Нега энди, бўлади.
- Қачон?
- Баҳорда.
- Баҳор қачон бўлади?
- Икки ойдан кейин.
- Икки ой қачон бўлади?..

БОБОМГА АЙТИБ БЕРАМАН

Санжарбек боғчадан кайтгач, бобосидан илтимос килди:

- Бобожон, группамиздаги Шухрат билан бир гаплашиб күйинг, ҳадеб ўйинчогимни тортиб олаверади.

- Ўзинг катта бўлиб қолдинг, ўзинг гаплашишинг керак бупакалар билан.

- Гаплашибим.

- Нима дединг?

- Бобомга айтиб бераман, дедим.

МЕХМОН

Болаларни боғчадан олиб келган Давронбек турмуши ўртогигага деди:

- Эртага боғчага комиссия келар экан. Болаларни яхши кийинтириб, тирнок-пирнокларини олиб жўнатинглар, деб тайинлаб юборди тарбиячиси.

Шунда катта гурух тарбиялапувчиси Санжарбек дадасининг гапига қўшимча килди:

- Комиссия эмас, меҳмон экан.

МЕНГА УКА КЕРАК

Беш ёшли Саида бобосининг пинжига кириб, сўради:

- Бобо, сизлар бувим билан қачон бола туғасизлар?

Бобо шошиб қолди. Сал хушига келгач, ёш бола нега бундай савол беряпганини билмокчи бўлди:

- Нега буни мендан сўрайсан? Ота-онангдан сўра!

- Сўрадим.

- Нима дейишди?

- Бонка бола кераги йўқ, деб айтишди. Менга эса ука керак...

III. ПУБЛИЦИСТИКА

СЛОВО КИДИРГАН ИНСОН

Туман. Изгириин. Бекатда одам анчагина. Автобусдан эса дарак йўқ. Соатимга карайман. Ишга кеч қолиш хеч гап эмас бунакада..

Шу пайт ўтиб бораётган юк машинаси бекатдан нарирокда тўхтади. Ҳайдовчи ишора билан чакиргандай бўлди. Мен икки ёнимга, хайрон бўлиб, назар ташладим-да, машина томон юрдим. Ҳайдовчи кабина эшигини очиб, мени таклиф килди.

- Совукда турманг, деб, олиб кетай дедим, биродар.

Мен, миннатдорчилик билдириб, машинага чиқинга чиқдим-у, лекин: “Ким бўлди бу киши, қаерда кўрганиман-а?” – деб ўйлаб, ҳайдовчининг юзига разм соламан. Буни сезиб, у киши гап бошлади:

- Шу дейман, биродар. кўчада юрган машиналарининг кўплигига караб, ҳеч бир одам пиёда колмаслиги керак, деб ўйлайман. Аммо бекатда турган одамларни каранг. Мукаллас китобларда ёзилишича, буни менга бир уламо кини гапириб берганлар, одамда уч юз олтминидан ортиқ томир бор эмиш. Улар ҳаммаси бир булиб инсон хаёти учун хизмат киларканки, у ҳам, ўз навбатида, жамиятга имкони борича ёрдам берипни, бошқалар оғириши енгиллаштиришга харакат килини керак экан. Ўйлаб кўринг, агар танангиздаги томирлардан бирортаси ишламай колгудек бўлса, пима бўлади? Шунинг учун мен ҳам, кўлимдан келган ишини бажо этаман. Йўлда турган одамни, иложи бўлса, олиб кетинга харакат қиласман. Савоби тегар.

- Минг раҳмат, ака, - дедим, бу кипи нотаниш бўлишига қарамай, менга машинасини тўхтатганининг сабабини энди тушуниб, - Машинангиз тагидан доимо шамол ўтаверсин. Қани энди, ҳамма ҳам сиздақа ўйласа. Йўқ эмас-у, аммо камда бунақа инсонлар.

Шу тобда мен бундан бир йилча аввал, Косонсойдан келаётганды, машинамнинг бензини тугаб қолганини эсладим. Үшанды икки соатлар чамаси ярим йўлда туриб қолгандим...

Челакни ушлаганча силкитамаи, бирорта машина тўхтамайди. Охири, чарчаб, кўл кўтармай ҳам қўйдим. Машинанинг ичига кириб ўтиридим. Бир пайт оркадан келган оқ “Жигули” машинамнинг олдига ўтиб тўхтади-да, ундан истараси иссиқкина киши чикиб, мен томон юрди. Мен ҳам машинадан чиқдим. Саломлашгач:

- Бензин тугадими? Беринг пакирчани. Шланг борми? - сўради мендан.

У киши бакдан бензин ола бошлагач, мен ёнимдан пул чикара бошлидим. Буни сезиб:

- Мен бензин сотмайман, чўнтақни кавламанг. Ўзи кўп ҳам эмас бакимда. Мен у томонга ўтиб кетаётганимда ҳам шу ерда тургандингиз, коронғуда колиб кетманг, деб, тўхтадим. Мана бу билан шаҳарга етиб оларсиз, - деди.

Мен, устма-уст раҳмат айтиб, чеълакни олдим.

Бу якинда телевидение оркали кўрсатилган кинофильмдаги бир лавхани эслатса-да, лекин ҳакиқатда бундай воқеани мен ҳам ўз бошимдан кечиргандим...

- Яхши одамлар йўқ эмас, – деб қўйдим мен ҳайдовчига ва фикримни давом эттиридим. – Аммо, якинда йўналишдаги таксида кетаётиб, бир воқеанинг гувоҳи бўлдим-да. Бекатда турган икки-уч нафар ўқувчи болалар машинага чиқмокчи бўлганди, ҳайдовчи уларга ўшириб, тушириб юборса бўладими. Мен аралашиб, “Олиб кетсангиз бўларди”, - десам, менга ҳам дағал жавоб килди. Шундоқ ҳам кетяпти, машинада жой бор, болаларни олиб кетганда савоб бўларди.

- Нимасини айтасиз. Биз Қозигузари томонда яшаймиз. Шу йил ҳавас килиб, ўғлимни 31-мактабга, 1-синфга бердим. Бу ер, эшигандирсиз, гимназия бўлиб, энди чет тилларини чукуррок ўргатишаркан. Мен ўзим ҳам рус тилини яхши биламан. Ишкилиб, тил билган яхши-да. Хуллас, кичик ўғлим шу узок мактабга қатнайди, денг. Уч-тўрт кун бўлди, худди

сиз айтганай, уни ҳам “маршрутка”дан ҳайдовчи тушириб юбориби. Бола бечора хафа бўлиб келди. “Кўй, ўғлим, диқкат бўлма, пулни ҳамма нарсадан устун қўядиган одамлар ҳам бор экан-да дунёда”, - деб тасалли бердим. Қани энди, ҳамма ҳам 360 кон томирларидан беғараз олиб турган кувватининг бир кисмини бошка инсонларга бериб туриш зарурлигини тушунса, - гапни тугатди ҳайдовчи.

“Қанийди-я?!” - хаёлимдан ўтказдим мен ҳам.

Манзилим яқинлашиб қолганди. Тўхтатишни илтимос килдим. Сўнг ташаккур айтиб, савоб қидирган инсон билан хайллашдим.

СКРИПКА

Кишлоқка оиласиз билан борадиган бўлсак, кўпинча мапинани албатта ўша томонга, биринчи мактабим ёнидан ўтадиган кўчага, бураман. Ўғилларим ҳам дарров тушунишида: “Дадамларнинг мактабларини кўриб кетарканмиз-да,” – деб кулимсираб қўйишади. Биринчи марта кўришганда: “Войбўй, мунча зўр мактаб!?” – деб катта ўғлим киноя қилгани эсимда. Мен ҳам кулимсирайман уларга қўшилиб: вилоят марказидаги катта-катта замонавий жихозланган тарбия масканларида ўқиётган болаларга, албатта, бундай мўъжаз бинода ўқишини тасаввур килиш кулгили. Бор-йўғи туртта хона бор эди холос ўша мактабимизда. Лекин, қани энди, бу эски бино билан учрашув мен учун накадар қімматли эканини тушунишса фарзандларим! Биринчи марта ичган ширин чой таъми... (Кўпчилик оиласарда у пайтлар, эллигинчи йиллар бошида, бу нарса деярли бўлмасди) Лекин, биринчи мактабимни эслаганимда, бошка нарса энг аввало ёдимга тушади...

Мана, бу гал ҳам ўша томонга бурдим машинани.

- Мактабингизни соғиниб колдингизми дейман, дадаси!? – ҳазиллашди турмуш ўртоғим.

Кўп ўтмай мактаб биноси жойлашган бурилишга ҳам етиб келдик. Аммо... мактаб ўрнида йўқ эди. Бузиб ташланибди. Бу томонга юрмаганимга ҳам анча бўлган эди. Манинадан тушиб, бир оз сукутда туриб колдим ўша ерда. Мактабимизнинг кичкина сахни колибди. Бино ўрни эса қўшни ховлига кўшилиб кетибди...

Мен биринчи мактабимнинг ҳозирда кўчага кўшилиб кетган сахнида турибман... Қулоғимда эса болалар шовқини чумчукбозордай жаранглайди...

Дарс бошланишига анча вақт бор. Ўқувчилар китоб солинган халталарини, сиёҳдонларни бир четга қўйиб, хар хил ўйинларга берилиб кетишган. Кимлардир қувламачок ўйнамоқда, кимлардир “оқ терак-ми кўк терак”. Кимлардир “пар” тепишдан мусобақалашмоқда ва ҳоказо. Қизларга тегажоқлик килиб сочини тортаётган, бир-бирини уриб бурнини қонатаётганлар ҳам йўқ эмас...

Бирдан ҳамма тинчий бошлайди. Мактаб ховлиси узра оҳанрабо куй таралади. Болалар куй томон кела бошлапади. Мактаб биносига кираверишида давра ҳосил килиб, ҳамма олдинги каторга суқилиб утиб олишга интилади. Директоримиз скрипкани тиззасига ўрнатиб олиб, хеч кимга қарамай, гўё ўзи танҳо ўтиргандай, ўзи учун куй маниқ қилаётгандек чаларди. Болалар мумтоз куйга маҳлиё бўлиб ҳамма-ҳамма нарсани унута бошлапади. Мен ҳам, пима эканлигини яхни ҳис этмаган холда, аллақандй ширин хаёлларга чўмила бошлийман, узок-узокларга хаёлотда парвоз этаман. Атрофда кимир этган бола қолмайди ...

Бир оз ўтгач, оҳанглар ўзгаради, мунгли-сехрли куйлар ўрнига шўх, раксга чорловчи тароналар янграй бошлийди. Директоримизнинг киёфаси ҳам ўзгаради, кўзлари чакнаб, болаларни имлаб, раксга тушишга ундейди. Давра ўртасида болалар, кизчалар чапак чалаётган ўртоқларини кулдириб сакраб-сакраб, хар-хил макомлар билан ўйинга тушишади...

Афсуски, одатда бундай хузурбахш, кувнок дамлар ўн беш-йигирма дакикагина давом этади, холос. Дарсга қўнғирок

чалинади, болалар күтариинки рухла ўз синфларига тарқалишади...

Сигнал... Оилам мени машинага чақирияпти. Йўлда давом этар экапмиз, ўйлаб кетдим: ўша болаликда кулогимга ўрнагаи куйларда бирон-бир сехр бормиди? Тўғри, мен мусиқачи бўлмадим, аммо уша оҳанрабо куйлар кулогимда янграйди ҳамон. Срипка, гижжак наволари ҳар доим мени болаликка элтади, айни пайтда, чукур хаёлларга чўмдиради. Болаликка эмас.

Мен таниш директорлардан бир нечтасини мактаб эшиги олдида скрипка чалиб, болаларга завқ улашаётган ҳолда тасаввур килишга уриндим. Ва беихтиёр кулимсирадим...

У КУЙЛАЁТГАНДА...

У куйлаётганда, дим саратонда майин шаббода юзингии сийпалагандек, қалбинг роҳатланади, ёқимли хис-туйгуларга ҷумилиб кетасан киши...

Мен бу қўшиқчи билан гарчанд таниш-билиш бўлмасам ҳам, чамаси ўттиз йиллардан бўёп, тўй-томушалардан кузалиб чиқиш пайтларида, қўлимни кўксимга қўйиб, қадрдонлардай у киши томон енгил таъзим бажо келтириб ўтаман. У ҳам, торини бўйнига кисиб куйлашни давом эттиаркан, билинрабилинмас бош иргаб кўяди. Ҳар сафар санъаткорнинг илик нигоҳида кўпчилик муҳлислари қатори менинг таъзимимни ҳам миннатдорчилик билан қабул килганлигини хис этиб, кўнглим кўтарилиб чикиб кетаман тўйхонадан.

Бундан ўн йиллар чамаси аввал бир телекўрсатувда иштирок этган таниқли санъаткорлар Тожибар ва Мирза Азизовлар “Яхши кўрган қўшиқчиларингиз ким?” деган саволга жавобан эҳтиром билан шу қўшиқчи номини тилга олишганди.

Айниқса “Дарё томқин”ни ижро этганидан сўнг бу хонанданинг обрўси республика миқёсига кўтарилди, деса –

муболага бўлмаса керак. Менинг назаримда, “Сўлим”ни ҳам анча-мунча санъаткорлар унинг даражасида ижро этолмаган.

“Дарё тошқин...” тилга олингач қўпчилик қўшик шайдолари гап Бокижон Сатторов ҳакида бораётганлигини англашганига шубха йўқ, албатта.

Яқинда менда у киши билан танишиб, сухбат қилиш истаги пайдо бўлди. Бунга анчадан буён миямдан чикиб кетмаётган бир ҳикоя сюжети сабаб: Менда туғилган ожиз ғоя бўйича Бокижон Сатторовнинг “Дарё тошқин”и ҳикоя қахрамонлари қалбини ширин азоблаётган туйғуларни ошкор этилишига восита бўлиши керак. Ғояни рўёбга чикариш учун, албатта бу қўшик ҳакида ижрочи билан бир сухбат куришим мақсадга мувофиқ эди.

У кишининг телефон ракамини топиб, қўнғирок килдим. Ўзимни таништириб, мақсадимни тушунтиришга уриндим. У киши: “Бемалол, домла, Рамазон-ку, кечгacha уйдаман. Ҳоҳлаган пайтингизда келаверинг”, - деб жавоб қилди.

Шундай қилиб мен Бокижон Сатторов ҳовлисининг кираверишига жойлашгандан мөхмонхонадаман.

Б.Сатторов 80-йилларнинг ўртасида бизнинг жамоамизда бир неча ой мусика раҳбари бўлиб ишлаганини яхши эслайман. Ўша кезлар ўқув юртимизда ўтказилган танловлардан бирида у киши билан мен факультет декани сифатида бир икки оғиз гаплашган эдим. Лекин мезбон буни эслай олмади, чамаси.

Икки ярим соатча сухбатлашибиз.

Каттагина мөхмонхонада ортиқча жихоз йўқ. Рамазон эмасми, бўш хонтахтага тирсакни бемалол суюб, мени қизиқтирган қўшиқ ҳакида, унинг турли талқинлари ҳакида сухбатлашдик. Мезбон, мен ўша қўшикни яна бир эшитиш истагини, ийманиб айтольмай турганимни сезгандай, хона четидаги алоҳида хонтахта устида турган компьютерни тезда ишга солганди, мен кутган оҳанрабо тарона янграй бошлади.

Нафас чикармай, ҳузур килиб тингладим. Мезбон ҳам ўз овозини биринчи бор эшитаётгадай эди гўё.

Тинглаб бўлгач, мезбонга ҳавасим келиб:

- Бокижон ака, компьютерни яхши ўзлаштириб олган экансиз. Бу, шубҳасиз, ниҳоятда керакли, имкониятлари чексиз нарсада. Мен эса, афсус бу техникани ўрганолмадим, кунт бўлмади, - деб гап котдим. Бу лукмага жавобан Бокижон Сатторовнинг қўшиқчи бўлиш тарихини эшитаман деб кутмаган эдим...

Ўрта мактабда яхши ўқиган Бокижон айниқса техникани, хусусан радиотехникани севарди. Онда-сонда мактаб тадбирларида ашула айтиб ҳам турарди, артист бўлиш истаги йўқ эмас эди. Лекин отаси бунга кескин қарши бўлган. Падар, ўғлим домла ёки инженер бўлса, дер эди. Лекин фарзанд ҳам ўжар... Бунинг устига, яна ўша ўжарлиги сабаб, мактабни битириши арафасида, давлат имтиҳонлари тугай деб колган пайтда, етакчи ўқитувчилардан бири билан каттиқ тортишиб қолади. Натижада, аттестат ҳам керакмас, ўқишига ҳам бормайман, деб, ҳамма нарсага қўл силтаб, мактабни тарк этади. Орадан бирмунча вакт ўтгач Бокижоннинг “Етуклик аттестати”ни (Ўрта мактабни тугатганлик ҳакидаги гувоҳнома ўша пайтлар шундай аталар эди.) раҳмдил синф раҳбар уйга келтириб беради.

Бокижон маълум муддат кичик бир савдо дўконида сотувчилик килди, радио аппаратлари тузатиш устаҳонасида шогирд бўлиб юрди... Уйда ҳам бўш қолди дегунча турли майший техникаларни бузиб тузатиш билан машғул бўларди, иш-амоли магнитафон эди.

Бир куни қўшни маҳаллалик таникли қўшиқчи Камолиддин Раҳимов чақиртириб қолади. Бокижон кириб боргандা уч-тўрт созанда овоз ёзиш аппаратларини созлаш билан овора эди. Уларнинг ишида нимадир ковушмаёт-ганлиги сезилиб турарди. Йигитча бир оз кузатиб тургач, ишга аралашади ва тезда асбоблар созланади. Камолиддин Раҳимов мамнун бўлиб:

- Ука, техникани яхши билади, деганлари учун, сени кидиртирган эдим. Мана, ўзимиз ҳам ишонч хосил килдик. Шу, биз билан ҳамкор бўлсанг, нима дейсан?

Машхур қўшиқчининг гурухида ўтказилган ўн йилдан ортик вакт Бокижон учун улкан мактаб бўлди. Ҳавасманд йигитни овоз кучайтиргичлардан ҳам кўпроқ етакчининг дилрабо куй-қўшиклари, маҳорати ром этарди. Устоз ҳам бу интилишини сезиб, Бокижонга қўшиқ санъатининг сирларини аста-секин ўргатиб борди, онда-сонда микрофонга йўл бера бошлади; шогирд энди мустакил хонандалик қила олиш даражасига етганини сезгач эса, уни кўп ушлаб ўтиради.

- Устозимдан бир умр миннатдорман, - хикоя киласи Бокижон Сатторов. – Мустакил фаолият бошлишимдан аввал, у кишини ҳамкаслар билан бирга чорлаб, анжуман бердим, бошдан оёқ сарпо кийгиздим. Устоз мени дуо килиб, фотиха бердилар. Ўшандан буён баҳоли қудрат ҳалқ хизматидамиз, ёмон бўлмадик, худога шукур. Ҳовли-жой килдик, биринкетин фарзандларни уйлаб-жойлаяпмиз...

“Дарё тошкин” машхур бўлиб кетишида ҳам устозимнинг таъсири катта. Ўша пайтда Республика телевидениясида мусикий муҳаррир бўлиб ишлаган киши каердадир эшитиб колибди менинг ижройимни. Лекин кимлигимни билмай, анча кидирган экан. Бир куни у киши “Шу қўшиқчиши билмайсизми?” – деб Камолиддин акадан сўраб қолади. “Ҳа, бу бизнинг шогирд Бокижон-да”, - дейди у киши. Шундан кейин мени Тошкентга чорлашди, ва бир кунда эфирга чиқди қўшиқ.

- Сизнинг даражангиздаги қўшиқчилар аллақачон унвонлар олишган. Сиз...

Мезбон саволимни бўлди.

- Кимда-ким, мен бунга қизиқмайман, менга керакмас унвон деса, бу ёлғон гап. Мен ҳам хоҳлайман... Лекин, биласизми, меп бирор жойда атига бир йил етказиб ҳам ишлаганим йўқ. Муким туриб, чираб бир жойда беш-тўрт йил ишлаганимда, балки эришардим. Вилоятимизнинг собиқ

рахбарларидан Бургутали Рапиғалиев, менга ҳайрихоҳ бўлиб, шахсан ўзлари бу масала билан шуғулланганларидан, менинг хужжатларимни Тошкентга юборгандаридан хабарим бор (Худо раҳматига олган бўлсин у кишини). Лекин ўшанда ҳам, муқим иш жойим бўлмаганлиги учун, унвон берилмаган менга.

- Нега энди ишламадингиз бир жойда? – табиий равишда қизиқдим мен.

- Биласизми, қаерда ишламайин, раҳбар тапиқилотлардан мени сўрашаверди. Бугун биттасиники тўй, эртага бошқасиники... Менинг раҳбарларим ҳам безор бўлишарди. Ахир уларга ҳам мени эрта сахарда фалончиларникига бепул хизматга юборавериш поқулайда. Менга ҳам, албатта, малол келади. Озгина ойлик маош болача боккани етармиди... Шу боис, тезда ишдан кетиш ҳакида ариза ёзаверардим. Бошликлар ҳам, тўхтатиб ўтирумай, кўл қўйишишаверарди. Бора-бора умуман бирор тайнинли жойда ишламай ҳам қўйдим.

- Кейинги йилларда телезкранда кўринмай қолдингиз. Бу борада интилишингиз йўқ, шекилли? Ваҳоланки, анчамунча, кўшиқчиман деб, экрандан тушмай юрганлар, билан хозир ҳам тенглана олмайди, - сўрадим мен Бокижон акадан.

- Тижорат замони, домла, телевидениени ҳам тушуниш керак. Қолаверса, бизнинг ҳам давримиз ўтиб боряпти. Йўл энди ёшларга, - камтарона жавоб килди мезбон.

- Фикрингизга қўшилмайман, Бокижон ака. Мумтоз қўшиқчилик ёшларга ҳам керак. Улар бугун тушунмаса, эртага тушунади. Телевидениедагилар ҳам буни яхши билишади. “Оҳанрабо”, “Тараним” кўрсатувларини ташкил этишганини каранг.

Хайрлашаётганимизда: “Зерикканингизда тинглаб турар-сиз, домла” – деб Бокижон Сатторов менга аудио диск совға қилди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач мен, пахта йигим-теримига қатнашиш зарурати билан, талабаларимиз жойлашган дала

шийпонига йўл олдим. Бунда пахтакор талабаларнинг меҳнат ва хордигига зарур шароит яратилган бўлиб, телевизор ва ДВД лар ҳам мавжуд экан. Тушлик пайтида мен совға килингган дискни қўйдим. “Муножот”, “Гулизорим”, “Дарё тошқин” оҳанглари бирин-кетин пахтазор узра тараала бошлади. Ҳузур килиб тинглаяпман-у, ёшларимизга разм соламан... Улар ҳам бефарк колмаётганлари сезилиб турибди.

Қўшиклар ичидаги менга, айниқса, “Эй, муҳаббат” ёкиб тушди. Худо ҳакки, ўшандай улкан санъаткор Фахриддин Умаров ижросида ҳам бунчалик ёқимли туюлмаган эди менга: улкан мажнунтол соясидаги булоқдан мусаффо, айни пайтда шифобаҳш сув ёқимли тўлқинлар билан юқорига отилиб чикаётгандек... Факатгина Муножот Йўлчиеванинг қўшиклари, «Ялла»нинг яллалари, Насиба Абдуллаеванинг “Муножот”ини тинглагандага шунга ўхшашиб туйғуларни хис этаман, холос...

Кечки пайт даладан қайтиб, шийпонга якинлашарканман, яна “Эй, муҳаббат”ни эшийтдим. Ошпазларимиз ёкиб колган қўшикни қайта-қайта тинглашмоқда эди...

ЭЪТИҚОД СОҲИБИ

Наманган шаҳрида бир маҳалла бор. Уни авваллари “Боғ кўча”, “Анорзор” деб аташарди, ҳозир эса Соли Адашев номи берилган. Бу даҳадан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган кўплаб исонлар чиккан.

Ушбу маҳаллада истикомат қилувчи оддий меҳнаткаш, аммо ўқимишли оиласда 1913 йили фарзанд туғилди. Исмини яхши ниятлар билан Мухаммадали қўйишади (Кейинчалик хужжатларда бир оз бузилиб “Мамадали” бўлиб колган). Бу инсоннинг нисбатан узок чўзилмаган (1972 йилда вафот этганлар) ҳаёти ва фаолияти тарихида уч кўриниш, уч фасл кўзга ташланади.

Биринчи фасл. Намангандаги 2-пахта заводида оддий ишчи бўлиб меҳнат фаолиятини бошлагандага, у 17 ёши ўйитча эди.

Андижон кишлоқ хўжалик техникуми ва Тошкент саноат академиясида таҳсил кўриб, мутахассис сифатида вояга етган Мамадали Шамсибоев бутун умрини асосан пахтачилик саноати билан боғлади. У киши Наманган, Кува, Кўкоғ, Янгийўл, Учқўрғон пахта тозалаш заводларига кўп йиллар раҳбарлик килди. Мазкур корхоналарнинг иктисадий-техникавий равнақида хизматлари катта бўлган, албатта. Кейинчалик Наманган ва Андижон вилоятлари пахта тайёрлаш трестларини бошкарди.

Иккинчи фасл, иккинчи кўринишнинг мазмун ва моҳияти жанговар йиллар билан боғлиқдир. Мамадали Шамсибоев 1935-1936 йиллари Тошкентда жойлашган 8-отлик қўппиннинг тўпчи дивизиясида хизмат килди. Икккинчи жаҳон уруши давридаги хизмати эса 1942 йили ўш шахридаги сиёсий ходимлар малакасини ошириш курсидан бошланган. Уни битиргач Туркманистонда турган 118-стратегиг бригадага карашли батарея командирининг ўринбосари, командири бўлиб хизмат килди. 1944 йил июнидан 1946 йил марта га кадар катта лейтенант М. Шамсибоев 2-Белорус ва 1-Украина фронтлари таркибида Прага, Берлин ва бошқа шаҳарлар учун бўлган жангларда мардонавор курашиб, қўмондонлик таҳсинларига сазовор бўлган, юксак хизмат нишонлари билан тақдирланган. Хусусан, катор орден ва медаллар билан кўксини безаб, ҳарбий хизматдан она юртига кайтиб келди.

Мамадали ака умрининг учинчи фасли яна ҳам маъсулиятлироқ жабхаларда ўтди. Мехнаткаш, ҳаракатчан йигитни ўз пайтида ёшлар билан ишлаптга жалб қилишган. Кейинчалик туман, шаҳар, вилоят партия қўмиталарида раҳбар лавозимларида, жумладан, Намаган шаҳри ва Чуст туманида биринчи раҳбар бўлиб анча вакт ишлаган.

Лавозимлар номи канака бўлишидан катъий назар, бир нарса равшан: каерда ва қандай лавозимда бўлмасин, мухими, инсонлар билан ишлай билиш қобилияти керак, жамоа, жамият манфаатларини кўзлаб, ўз нафсига “уриб” тер тўкиш, ҳар бир ишни изчиллик билан нихоясига етказиш зарур. Шундагина

раҳбар обрўга эга бўлади, меҳнат маҳсулини кўради. Шундай фазилатлар соҳиби Мамадали ака кўпчилик билан тил топиб, барчани баробар кўриб, низоли томонларни ковушириб, уюштириб, ишлашга харакат киларди. Айтишларича, у кипи кўл остидагиларни ёки унга бирор юмуш билан мурожаат қилувчиларни барчасини, кимлигидан катъий назар, юксак маданият билан қабул қилиб, яхши муомалада бўларди, кўлидан келганича оғирини енгил килишга уринарди.

- У киши ҳакикий ҳалқпарвар раҳбар эди. - ҳикоя килади Мамадали акани яхши билган, ўзи ҳам қатор раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган филология фанлари номзоди, доцент, ҳозирда шахсий пенсионер Ўғилхон Азимова, - Ҳалк у кишига чуқур ҳурмат билаш қаради. Раҳбар учун ҳалк манфаати асосий ва ҳакикий мезон бўлини лозим, илло ҳалк ҳамма нарсани билиб-кўриб туради, яхшини ҳам, ёмонни ҳам. Фақат гапирмаслиги мумкин. Лекин раҳбар бундан “ким кўрарди”, “ким биларди” кабилида хулоса чиқармаслиги, ҳалк туйғуларини ҳурмат килиши, ўйлаб иш тутиши керак. Мамадали ака ана шундай раҳбарлардан эди.

Айтишларича, ишхонада ҳам, маҳалла-кўйда ҳам катта-кичикнинг холидан доимо боҳабар бўларди Мамадали ака. Ёшларни, айниқса илмга интилганларни кўлларди. У кишининг бундай фазилатлари фарзандлари киёфасида намоён бўлаётганлигини таниш-билишлари мампуният билан эътироф этишади.

Мамадали Шамсибоевнинг сұхбатларидан сабоқ олган инсонлардан бири таникли шоир ва адабиётшунос олим Нуриддин Бобохўжаевdir. Улар ҳаммаҳалла бўлиб, Нуриддин ака талабалик йилларида Мамадали ака уни кўп кўллаган эканлар. Гап бу ерда моддий ёрдам ёки хизматда “кўллаб” юборини тўғрисида бормаяпти.

- Таътилга келганимда Мамадали ака кўпинча йўклардилар. Турмуш ўртоклари Июбатхон ая билан қарини олиб, алоҳида эътибор килишардики, баъзан хижолат ҳам чекардим, - деб ҳикоя киладилар Нуриддин ака. – Фаҳмласам, у

киши билимга интилганларга, илм сохибларига доимо шунака хурмат билан қарар эканлар. “Сиз бизнинг даҳадан чиққан биринчи олий маълумотли киши бўласиз-а”, - дея мени кувонтириб қўярдилар. Мамадали ака қаерда ишлаб, қаерда яшамасин, ҳар гал Наманғанига келгапларида маҳалла янгиликлари билан қизикиб турар элилар. Кимdir тўй килган ёки кимлир казо килганини эшитсалар, албатта, ўша хонадонни йўқлаб, кўнгил олардилар.

Нуридин ака чинакам шоир одам. У сухбат сўнггида М. Шамсибоевни самарқандтутга киёслайди. Самарқандтут уруш очарчиликларида кўплаб хонадон бола чақаларини очлик азобидан, ўлимдан саклаб қолганини эсласак, уни бундай табиат неъматига киёслаш, инсон учун олий баҳо эмасми?

Мамадали ака иродали раҳбар, эътиқодли инсон бўлган. Айтиш керакки, раҳбар сифатида у киши кўпинча зиддиятлар куршовида бўлишига тўғри келди. Албатта, зиддиятлар ҳар кандай одамнинг тинкасини қуритади. Аммо, якунила толмаган, синмаган, зинг муҳими, инсонийлик қиёфасини йўқотмаган раҳбар ҳакикий раҳбардир. Мамадали акага тош отганлар оз бўлмаган. Бир пайтлар амалидан фойдаланиб данғиллама уй солди деб газетага ёзиб юборишди. Ваҳоланки, текширгани келганларни ўтқизгани тузукрок жой бўлмаган ўшанда хонадонда.

“Отаси ўлгаңда жаноза ўқитди”. деб раҳбарлик лавозимидан олиб ташланди уни. Мамадали Шамсибоев эса, очиғини айтганда, кўп қайғурмади бундан, ачинмади амалнинг бевафолигидан, руҳан чўкмади.

Юкорида юксак эътиқодли одам бўлган, дедик Мамадали аками. Бир мисол. Масчидга бориш, никоҳ ўқитиш, ҳатто мархумга жаноза ўқитиш таъкиб килинаётган бир пайларда у киши тўйларда доимо (секингина, албатта): “Никоҳ ўқиттиришдимикин?” - деб суриштириб турар экан.

Илмга чанқоклик, эътиқодли, ҳалқпарвар бўлиш фазилатларини М. Шамсибоев ўз фарзандларида ҳам кўришини истарда. У кишининг рафиқалари Иnobатхон ая шундай

дейдилар, кўзларига ёш олиб: “Эрта кетдилар дадаси... Саккиз фарзандимиздан эндиғина биттаси олий ўқув юртини тамомлаган эди. Видолашув онлари... У киши ҳам, бизнинг ҳам кўзимиз етиб турибди... Қанча оғир бўлмасин, мен: “Дадаси, мендан рози кетинг”, - дедим, иложи борича ўзимни тутишга харакат килиб. Шунда у киши: “Болаларнинг ҳаммасини олий маълумотли қилсангина сендан рози бўламан”, - деб жавоб қилдилар.

Фарзандлар, ота истагидай, олий маълумотли бўлишди. Ҳозир барчаси эл хизматида: Муқаддамхон билан Василахон – шифокор, Муаззамхон – Андижон вилоят ҳокимининг ўринbosари, Тоҳиржон – Наманган давлат университети ректори вазифасини бажарувчи, Муқаддасхон – боғча мудири, Сайёрахон – музей ходими, Алишер эса аэропортда меҳнат қилмокда.

Фарзандларда рўёбга чиккан орзуларни кўриб, Мамадали аканинг рухлари шод бўлаётган бўлса ажаб эмас.

МЕН БИЛГАН НАВРЎЗ

Шўролар даврида Наврўз нималигини деярли билмаганлигимиз, факат охирги бир неча йилгина, ўшанда ҳам турли таъқиқлар остида, ниппонлана бошлаганлиги ҳакида гапириб, ҳозирги ёшларни ишонтириш кийин бўлса керак. Чунки уларнинг тасаввуррида бу буюк байрам халқимиз орасида кадимдан узлуксиз равишда давом этиб келаётган анъана. Ваҳоланки...

XX аср 50-йилларининг иккинчи ярми.

Болалалик хотирамда бир нарса алоҳида сакланиб колган: Ачамиз (Ўша пайтлар бизда онани шундай аталарди) бир неча кўшни аёллар билан қишлоқ четидаги “Туғдор бувом” мозорига “Ис чикарамиз” деб кетишиди. Мен уй пойлаб қолдим. Мозордан кайттач, онамиз дастурхон ёзиб: “Ҳалим пишириб келдик, еб ол” – деб товокқа яйратиб сузилган таом кўйдилар. Кейинчалик билсам, буғдойдан

тайёрланар экан. Мазаси хали оғзимда. Бошқа ҳеч кўрмадим бундай таомни. Яхши таом тўғрисида “Ҳалим бўлиб пишибди” деган ибора шунга ишора бўлса керак. Ишдан қайтган отамизга: “Норозлик килгани борувдик”, - деб тушунтирилар онамиз. “Норозлик” сўзи ҳамон қулоғимда янграйди. Бола бўлсам ҳам, ушанда мен: “Нега мозорга норозилик килиб боришади?” – деб хаёлимдан ўтказдим. (Яъни “норозлик”ни мен “норозилик” деб қабул килгандим ўшанда. Кейинчалик, 80-йилларнинг иккинчи ярмида, Наврӯз анъанаси удумларимиз сирасига тўлақонли равишда қайта бошлади. Шунда мен “норозлик” кўхна байрамни унутаётган ҳалқимиз тилида “Наврӯз” сўзининг бир оз бузилган шакли эканлигини англадим).

Баҳор таътилларида домлаларимиз раҳбарлигида кирадирларга чикардик. Қувлапимачоқ ўйнаб югуришлар, калтакесакларни қувиш, тошбака топиб олганларнинг бир олам кувончи ва хоказо ёрқин, қувноқ хотиралар. Бундай саёҳатларимиз мактаб тилида “поход” (рус тилидан кириб қолган) деб юритиларди.

1967 йил, март.

Наманган шаҳар 2-мактабида педамалиёт ўтказаётган тўртинчи курс талабалари, мен ва бўлажак турмуш ўртоғим М. Мамажонова, мураббий раҳбарлигида синфимиз ўкувчиларини походга олиб бордик. Шербулук адирларига килинган бу саёҳатимиз ҳаммада яхши таассурот қолдириди. Лекин “Наврӯз” сўзи ҳали қайтиб келмаган эди тилимизга.

1985 йил, март.

Наманган Давлат педагогика институтида биринчилардан бўлиб ўзбек тили факультети Наврӯз байрамини нишонлашни анъанага киритди. Институтимизнинг кекса, энг обрўли устозларидан бўлмиш Тожибой Ғозибоев декан эди факультетга. У киши мени, яъни турдош рус тили ва адабиёти факультети деканини меҳмон сифатда таклиф этди. Сермазмун ҳам гўзал байрам тадбири менга жуда-жуда ёкиб тушди. Келгуси йили Наврӯз байрамини ўзимизнинг

факультетда ҳам уюштиридим. Лекин дастлабки йиллар бу билан боғлиқ қаршиликларга ҳам дуч келдим. Кўпмиллатли, Европа руҳидаги педагоглар ва талабалар онгига “Наврўз”ни сингдириш осон кечмади. Кўпчилик назарида бу исломий байрам эди ва уни кабул килишни истамасдилар. Бундай тасаввурни бартараф этиш учун анча-мунча азият чекишга тўғри келди.

1988 йил.

Республика микёсида Наврўзга кенг кўламда тараддуд кўриб борилаётган кунлар. Кўчалар, истироҳат боғлари “Ассалом, Наврўз!” ва шунга ўхшаш шиорлар билан безатилган. Бирдан буйрук бўлиб, “Ассалом, Наврўз” “Ассалом, баҳор”га айлантирилди. Коммунистик-атеистик тузумнинг сўнгги талвасаларидан бири эди бу. Лекин келгуси илииёк Наврўз анъаналари тўла конли равишда тикланди.

Мустақиллик йиллари эса Наврўзга алоҳида тароват касб этди. Эндиликда миллий байрамларимиздан бирига айланган Наврўз ижтимоий, маданий ҳаётимизда бекиёс аҳамиятга эга ва унинг бугунги ранго-ранг кўрининиларини таърифлаб ўтиришга эҳтиёж йўқ. Шундай бўлсада, 2009 йилда мен иштирок этган тадбир тўғрисида қисқача тўхтамоқчиман.

Уйчи йўналишидан Намангандаги кириб келаверишдаги Яккатут кишлоғини кўпчилик билади. Мен у ердаги диккатга сазавор нарса – улкан тут дарахтини қўргани аввалрок бир неча марта боргандим. У билан боғлиқ афсона-ривоятларни эшлитиб, ёшларни олиб бориш керак, деб ният килган эдим. Вакт-соати 2009 йил экан. “Муқаддас Лира” ёшлар адабий клубининг бир гурӯх аъзолари ҳамда доцентлар А. Турдиалиев ва Ҳ. Ризаев раҳбарлигига ёш рассомлар билан Яккатут томон сафар килдик.

Кўклам эмасми, теварак-атрофда кўқатлар сабза урган. Далаларда дехкоплар баҳорий юмушлар билан машғул. Хорма-бор бўлдан сўнг, биз Яккатут атрофида гурунг килдик. Илтимосимизга кўра гурунгимизга ташриф буюрган

кишлокнинг уч нафар нуронийлари бу улкан дарахт тўғрисида ёшлирга сўзлаб бериши.

“Отамизнинг айтишларича, уларнинг оталарини ҳам кўрган экан бу дарахт. Айтишларича, ўша кезларда ҳам худди шундай баҳайбат экан. Дарвоке, Норин дарёсининг ўзани кадимда худли мана шу ердан ўтган. Кемачилар (қайикчилар бўйса керак – К. Н.) кемаларини шу ерга боғлашар экан,” – ҳикоя қиласи оқсоқоллардан бири.

Дарҳакиқат, юз, юз эллик метрча куйироқда дарё эски ўзанининг излари кўзга ташланади. Ёшлири тўксондан ўтган буванинг бу ҳикояларини таҳлил килиб, холосалаш мумкини, Яккатутнинг ёши камидаги беш юз йил атрофида.

“Бу дарахти илохий билиб, кўпчилик хотин-халажлар узок-яқиндан келишиб, зиёрат килиб туришади. Тут шоҳларига латта-путталарни боғлаб кетишади. Лекин мен айтсан, бу ернинг мозори йўқ, зиёраттоҳ бўлиб қолишнинг сабаби кўхналикда. Не-не замонларни, не-не инсонларни кўрмади бу тут”, - давом эттириди иккинчи нуроний.

“Кадимда шу атрофда бир аллома яшаган экан. У кишининг дами ниҳоятда кучли бўлган экан. Бир кун, мана шунака баҳор пайти, дарё суви тоша бошлади. Шунда аллома: “Нари тур!” – деган экан. Сув, бўйсуниб, чекина бошлади. Йиллар ўтиб, хозирги ўзанни топиб олган экан. “Нари тур” сўзи бора-бора “Норин”га айланиб кетган экан”, - дейди учинчи мўйсафид.

Кизикарли сухбатдан сўнг ёп рассомлар ишга тушиб кетишиди. Улар Яккатут атрофида кимга қандай кулай бўйса шундай жойлашиб олиб, азим дарахтинг турли кўринишларини тасвирга тушира бошлашди. Ёш шоирлар эса атроф-далаларни айланишиди. Бу, албатта, шоирона кайфият, илҳом учун зарур... Фотоаппаратлар, мобилниклар ҳам тинмай ишлади. Кизиқишиб, дарахт йўғонлигини кўл тутишиб, ўлчаб чикиши – ўп тўрт кулоч экан.

НамДУ комидаги 2-академик лицей директори, педагогика фанлари номзоди, доцент, шу қиплокда

истикомат килувчи Комилжон Абдуллаевнинг хонодонида талабалар билан меҳмонда бўлдик. Саҳоватли хонадон сохиблари анча тарааддуд кўришган экан, яхши ҳордик чиқардик. Ёш рассомларнинг ҳали бўёклари қуриб улгурмаган асарлари ҳовли деворлари бўйлаб териб қўйилди. Шу ерда мушоира бошланиб кетди. Табиийки, мавзу – Наврўз, муҳаббат ва дўстлик... Хуллас, яхши байрам, яхши маънавий ҳордик бўлди. Мезбонларга чуқур миннатдорчилик билдириб, шаҳарга қайтдик.

Бу тафсилотларни келтиришдан мақсад, демокчиманки, ҳозирда анъанага айланган умумشاҳар, жамоавий катта йигинлар қаторида, мана шундай табиат қўйнига чикишлар ҳам ёшларда Наврўз кайфиятининг яна ҳам чуқурлашишига ёрдам беради, кўхна удумларимизга, тарихимизга эътиборни мустахкамлайди. Зеро мангу навқирон Наврўзнинг кўринишлари чексиз.

СОХТА ГУЛ БЎЙ ТАРАТМАС

Инсон зоти борки, ҳамиша гўзалликка интилади. Кимгadir бир ширин сўз айтиш, ёрдам бериш, автобусда жой бўшлатиш, нимадир совға қилиш – булар ҳаммаси яхшилик. Боғ барпо килмоқ, турмушини, иш жойини-ю, яшаш жойини шинам қилиб ўтириш – булар ҳам яхшиликдир. Яхшилик эса гўзалликдир. Умрида бир туп гул ўтқазмаган инсон топилмаса керак. Гул эса гўзалликнинг энг ёркин тимсоли. Шунинг учун ҳам ёшу кари ўзи сезмаган ички бир ҳис билан табиатга яқинлашаркан, энг нозик туйгуларини табиий равишда гулга бўлган муносабатида ифодалайди.

Гул инсонга туғилгандан умрининг охиригача ҳамроҳлик қиласи, десак лоф бўлмас. Фарзанд дунёга келди – гул совға қилинади, мактабга борганда – гул, учи тутатганда – гул, муҳаббат – гул, қабр устига – гул...

Хонада ўстириладиган ёхуд ҳовлисидағи гулчечакларга караб одамнинг хулк-атвори, ички дунёси ҳакида холоса

чикарса бўлади. Бу тўғрида кўп гапириш мумкин. Аммо, афсус, бугун гул хосиятлари ёки бу билан боғлиқ нозик инсоний хис-туйғулар ҳакида эмас, аксинча, муаттар хид таратувчи анвойи атиргуллар, оловдай ёниб турувчи лолалару мойчечакларни турмушимиздан сиқиб чиқаринига уринаётган сунъий гуллар ҳакида фикрланимокчимиз.

Айтиш лозимки, ушбу жараён, яъни сунъий гулларнинг тарқалиши кўз ўнгимизда сезиларли даражада тез содир бўлмоқда. Бугунги кунда сунъий гул шодаларини, қўринишга қўркаму, аслида совуклик таратиб турган пальмаларни деярли хамма жойда: давлат ва жамоатчилик ташкилотларининг идораларида, раҳбарларнинг хоналарида, маданият ва тиббиёт, ҳалқ таълими муассаларида, хонадопларда қўриш мумкин. Бундай бозоргир маҳсулот билан савдо қилувчи маҳсус дўконлар ҳам кўпайиб кетди.

Дарҳакикат, сунъий гуллар қўринишидан чиройли. Энг муҳими – унинг сўлимаслиги: йил-үн икки ой “яннаб” тураверади. Уларга парваришнинг ҳам кераги йўқ. Вактинг кетмайди. Кучинг сарф бўлмайди. (Аслида-ку уларга ҳам караб туриш керак – баъзан жонсиз баргларни қоплаган чангни қўриб, беихтиёр афтинг буришиб кетади) Кимёвий гуллар сохибларида гулни эҳтиёт қилиш, совукдан, сувсизликдан асрани, қандай килиб кўпайтириш ташвишлари бўлмайди. Бир марта сотиб олдингизми – бир неча йилга хотиржамсиз.

Ўкув муассасаларидаги маънавият ва маърифат хоналарида ҳам айни пайтда ўша кимёвий арзандалар иззатда. Мана шу нарса одамни ўйлантиради. Наҳотки, маърифат ташкилотчилари ва педагоглар маънавият билан сунъийлик бир-бирига қарама-карши тушунчалар эканлигини билмасалар?! Нима учун энди бебаҳо маънавий бойлик – китоблар, тасвирий санъат асарлари, доноларнинг ҳикматлари битилган чиройли паннолар ёнида сунъий гулларга ўриш берамиз?

Масалага бошка томондан ёндашайлик. Биз эмасми ҳар кадамда ёшларга моддий ва маънавий бойликларга, боболарнинг бой тажрибаси, анъаналарига содик бўлишни уқтирувчи?! Теварак-атрофда гўзаллик яратишга ундовчи?! Буларнинг ҳаммаси ички дунёмиз гўзаллигини шаклантиришга хизмат қилмайдими?! Экология тарбияси хусусидаги том-томлаб ёзиладиган китоблар-у соатлаб ўқилаётган маърузалар баҳоси канча?

Гулчилик – ота-бобаларимиздан мерос энг гўзал касблардан бири хисобланади. Тўғри, ҳар йили анъанавий гул байрамларини кўрамиз, аммо унинг павильонларида тирик гуллар камлигини яшириш мақсадида “чиройли” сунъий, абадий яшил япроклари ялтираб турган кимё маҳсулотлафини кўриб, афсусланади киши.

Келинг, бир ўйлаб кўрайлик: ҳакиқатан ҳам чиройлими бу сунъий гуллар? Ва ундан қандай баҳра олиш мумкин? Шахсан менинг фикримча, сунъий гуллар “чиройи” кор маликасининг совуқ чеҳрасига ўхшайди: ундан доим совуқ нафас уфуриб туради, баданларинг жунжикади, қалбинг музлайди.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳар қандай кимёвий жисм одам организмига салбий таъсир кўрсатади. Хона ичida яшаётган ўсимликлар, тирик гуллар эса инсонга ҳузур баҳш этади, эстетик завқ беради (хавони тозалашини-ку кўяверайлик). Ҳаваскорлар ўз гулларини фарзандни авайлагандек авайлашади, йиллаб унинг авж олишини, ниҳоят, гуллашини кутишади. Бордию сўлигудек бўлса, боласига қайғургандек, қайғуришади. Бу ҳам инсон қалбини юмшатиш омилларидан эмасми? Йилда бир, ҳатто бир неча йилда бир марта гул очилганда инсон кўнглининг нечоғли япнашини тасаввур килинг-а! Бу бекиёс туйғулардир! Қолаверса, бу шунчаки гул очилишини кўриш эмас, балки узок қутилган меҳнат маҳсулини totишdir. Бундайин хистайғулар қадр-кимматини кимёвий гул берадиган “фойда” билан тенглаштириб бўларканми!

Барча таълим муассаларининг ўқув хоналарида баҳоли кудрат тирик гуллар кўпайтирилса, у катта тарбия восита-сига айланиши шубҳасиз. Бу билан биз ёпларда гўзалик туйғуларини шакллантиришга интилган бўламиз. Агар имкон бўлса, нафакат сифхоналарда, аудиторияларда, балки қўшимча равишда маҳсус жой ажратиб, унда хонаки гуллар парвариш килинса, шаҳримизнинг анънаси бўлмиш гул байрамининг мазмуни ҳам бир-мунча яхшиланган бўларди.

Эътироф этиш мумкинки, сунъий гуллар керак жойлар, холатлар ҳам учраб туради. Масалан, улар театрда сахна безаги сифатида ишлатишга кулай. Катта маросимлар ўтказиладиган жойларда ҳам қўл келади. Ахир, ҳар гал бозордан кучоқ-кучоқ тирик гул олиб келиб бўлмайди-да. Аммо бошқа пайт сунъий гуллар ўринисиз, кераксиз. Кераксиз нарсани эса гўзалик деб бўладими?

Фикрларимга зътиroz билдиришлари мумкин: Сунъий гуллар ҳам чиройли, энг муҳими, улар доимо очилиб туради; тирик гул эса ҳар доим ҳам очилиб туравермайди, деб.

Нима деймиз? Муттасил “тиржайиб” турадиган сунъий гулларга одам ўрганиб колади, кейин-кейин унинг гўзалигини “кўрмай” ҳам колади, яъни сезмайди. Тирик гул очилишини ойлаб, баъзан эса йиллаб кутади. Нихоят, бир кун эрталаб караса, яхши кўрган гул чирой очиб, гуллаб турибди! Бу инсон учуб бахтли, лазиз лаҳзалардир. Тўғри, бир неча кундан кейин гуллани даври ўтади. Лекин, яна эзгуликни, гўзаликни кутиш даври бошланади. Бу ҳам ўзига хос ширин дамлар.

Эртак бор: жодугар бутун бошли шаҳарни тошга айлантириб қўяди. Одамлар – тош, ариқдаги сувлар, ўт ўланлар, дарахтлар, ҳайвонлар – бари тош, ҳаёт тўхтаган. Фақатгина яхши ниятли сеҳргар ёхуд пок қалбли паҳлавон пайдо бўлиб, тош қотганларни ҳаётга қайтаради. Менимча, бугунги бизнинг сунъий гулларга берилишимиз, тошбағирлар салтанати томон ўз хошишимиз билан босилаётган қадамга ўхшайди. Худо асрасин!

Ҳаммасидан ачинарлиси шундаки, кейинги пайтларда сунъий гуллардан даста ясаб, совға қилишмоқда.. лол коласан киши!

Келинглар, бир-биримизга факат нафис, хушбүй тирик гуллар тортиқ қилайлик! Бу – ҳақиқий гўзаллик рамзи ва маданият белгисидир!

Яна бир фикр. Бир пайтлар гуллар шаҳри деб ном чиқарган Наманган асосан атиргуллари билан фаҳрланарди. Кейинги йилларда эса атиргуллар кескин камайиб кетди. Айтишимиз керакки, атиргулларнинг ўрни бошқача! Уларнинг навларини кўпайтириб, яхшилаб борилса, ажойиб иш бўларди. Бу мақсадга эришиш учун “Намаганин атиргуллар шаҳрига айлантирайлик!” шиорини яна ўртага ташлаш айни муддао бўларди.

ЧОЙ - ПОЙ - ЛОЙ

Республика телевидениесининг элга манзур қўрсатувларидан бирининг соҳибжамол бошловчиси бир ажнабий меҳмон билан сухбат чоғида, турли урф-одатларимиз тўғрисида гапирав экан, улардан баъзиларини, хусусан чой кўишиш ва ичиш маданиятини жонли равишда намойиш этмоқчи бўлиб, янги дамланган чойни уч марта қайтарди. Айни пайтда ҳалқ тилида кенг тарқалган “Бир қайтарсанг – чой, икки қайтарсанг – пой, уч қайтарсанг - мой” наклини айтиб, меҳмонга илтифот билан чой узатди. Бизда мана шунақа! Бундан, албаттаки, меҳмоннинг дили яйраган бўлса керак.

Айтиш лозимки, ҳар гал чой қуйганда бу нақлни қайтаравериш удум эмас.

Мен эса, ўша кадрларни кўргач, бошқа нарсани, чой хақида эшитган-билганларимни ўйлаб кетдим...

Якинда бозордан очиқ ҳолда тарозилаб сотилаётган чойдан ярим кило харид килдим. Дамлаб ичдик. Манзур бўлди. Орадан икки-уч кун ўтгач, бунака ҳуштаъм чой ноёб

бўлади, кўпроқ олиб кўяй, деб, айнан ўша савдогарнинг чойидан яна олдим. Лекин, афсуски, бунисида аввалги таъм йўқ эди... Шундан сўнг аввалдан ўйлаб юрган қуидаги фикрларни қоғозга туширишга жазм килдим.

Бир ривоят бор...

Қадим Хитойда оғир жиноят содир этган шахсларни узок, борса келмас чўлларга олиб бориб ташлашга, яъни сургунга маҳкум этишар экан. Борса келмас оти ўзи билан борса келмас. У ердан хеч ким қайтиб келолмас экан. Буни яхши билган маҳкумлар қайтишга уриниб ҳам қўрмас эканлар, ўша ернинг оғир шароитига ноилож кўникиб, ўлимларини кутиб колишавераркан.

Аммо маҳкумлардан бири кўникишини хоҳламабди. Ҳайвондай бунда яшагандан кўра, саҳрова ташналиктан ўлганим, кўзғинларга ем бўлганим ҳам маъқул, балки, пешонамда бўлса, омон қоларман, деб йўлга тушибди.

Жазира маҳкумларни кўнишини хоҳламабди. Аммо кўзғинларнинг чеки кўринмас, одамниг ҳам куввати чексиз эмас. Ҳолдан тойиб, ийқилиб қолибди, аммо шунда ҳам эмаклаб силжийверибди. Тун салқини аро кирибди жонига. Пича дам олгач, йўлида давом этибди. Бир неча кун юрибди. Очликдан ҳам ташналиктан ёмон. Охири унча баланд бўлмаган қумтепага тирмасиб чиқолмай, беҳол чўзилиб қолибди. Бир оз хушига келгач, тепаликта бир амаллаб тирмасиб чиқади ва пастликда ўсаётган қандайдир бўталарга кўзи тушади. Бўталарнинг баландлиги одам бўйи чамаси эмиш. Жон жаҳди билан бўталар томон судралибди. Ниҳоят, этиб бориб, салқинда нафас ростлабди. Узига келгач эса, зўрга қўл чўзиб, бўтанинг баргларидан юлиб, оғзига солиб чайнабди. Пича чанқоқ босилгандай, аъзои-баданига кувват юргургандай туюлибди. Яна ва яна барглардан сидириб, ошай бошлабди. Анча куч тўплаб, яна барглардан юлиб чўнтакларига тиқиб, йўлда давом этибди. Ташналиктан очлик азоб берса, баргдан биттабитта оғизга солиб, чайнаб-шимиб, бир оз дармон олар экан.

Одам йўлда давом этаверибди, юрганда ҳам аҳён-аҳёнда учраб турган бўталарни қоралаб, уларнинг баргидан еб бораверибди. Бўталар ҳам тутабди. Одам ҳолдан тойиб йиқилибди, “Етгаи ерим шу экан-да”, - деб хаёлидан ўтказибди-ю хушидан кетибди. Аммо не баҳт-ки, йиқилган ер карвон йўли экан! Кўп ўтмай, қўнғироқлар овози эштилибди. Карвонбоши чалажон ётганга ёрдам беринни буюрибди.

Шундай килиб, тарихда биринчи марта борса келмасдан одам тирик қайтган экан. Унинг яқинлари кўзларига ишонмасмиш. У чўлда учратган халаскор бўталарнинг шифобахш япроклари хакида гапириб берибди.

Бу гап ўша ерда яшовчи табибининг қулогига этибди. У кипи борса келмасдан келган билан сухбат куриб, сўнг иковлон туяга миниб, ўша бўталарни кидириб топишибди.

Табиб бўталар ва унинг баргларини синчилаб ўрганиб, унинг шифобахш хоссаларини капф этибди, сўнг беморларга тавсия эта бошлиган экан.

Кейинчалик одамлар ўша бўталардан кўпайтириб, барча халқ унинг баргларидан роҳатбахш дамлама тайёрлаб ичишига одатланишган экан. Аста-секин бу нарса бутун дунёга тарқалибди.

Мана шунака ривоят... Демак, чойнинг ватани Хитой хисобланади. Гарчанд ўша томонларнинг бошқа мамлакатларида ҳам (Япония, Хиндистон, Вьетнам) этиширилса-да, инсоният тилига ривоят килинган барглардан тайёрланган ичимлик “чай” (чой) номи билан кирганки, бу аслида Хитой ўлкасининг яна бир тарихий номи бўлмиш Чин (china) сўзидан олинган. Бу сўз инглизчада “чайнэ” деб талафуз қилинадики, бу хитойчага яқин.

Чой тропик иқлимда ўсуви доим яшил ўсимликлардан бўлиб, икки турга бўлинади: 1) Хитой чойи (хитой ва япон чойлари). Бу ўсимлик уч метргача бўлади. 2) Ассам чойи (хинд ва цейлон чойлари); бу тур Хиндистонниг Ассам

штатида кўпроқ учрайди ва баландлиги 10 – 15 метр келадиган ҳақиқий дараҳт. Чойнинг маданийлашган навлари Грузия, Озорбайжон, Россиянинг Краснодар ўлкаларида ҳам етиширилади.

Демак, чойнинг шифобахшлиги, инсон ҳаёти учун муҳимлиги азалдан маълум. Жумладан Ўрта Осиёда ҳам. Шифобахшлигини билган ҳалқ уни қадрлашни ҳам билган. Ҳусусан болалигимизда эшиитган: “Чойни истроф килма!” “Чойни оёқ остига сочма, ёмон бўлади!” каби катталардан эшиитган ўйтларимиз ҳамон қулоғимда янграйди. Эътибор беринг-а, худди инсон учун азиз ва усиз тириклик ўтмайдиган нон ва тузга бўлгандек муносабат чойга! Бунинг сабабини билиш қийин эмас: чойсиз дастурхон йўқ! Эрталаб ҳам, тушда ҳам, кечда ҳам, оралиқда ҳам. Бойникида ҳам, камбағалникида ҳам. Шунга яраша, худога шукур, бозоримизда ҳам чой сероб.

Лекин, ҳамма вакт ҳам сероб бўлмаган. Ўтган асрнинг ўрталарида чой ниҳоятда такчил бўлгани ёдимда. Дафъатан уйга меҳмон-пехмон келиб колса, бир қайнатим чойни қўшниникидан сўралган. Мехмон олдига ёзилган дастурхонни чойсиз тасаввур килиб бўлмайди-да. Дўконга чой тушгудек бўлса – таниш-билиш; нима бўлса ҳам олиш керак, ичиш керак-да, чунки ўрганиб қолганмиз. Вактлар бўлдики, дўконларда ойлаб чой бўлмай қоларди. Далада ишилаётган колхозчилар (ёшлар учун изоҳ: қишлоқ жамоа хўжалиги аъзоларини ана шундай деб аталарди; дехкон сўзи деярли истъемолдан чикиб колтанди) чой бўлмаганда: “Хеч бўлмаса ранги чикади-ку”, - деб пахта гулини юлиб чойнакка солинганини, толнинг тўппагини дамлаб ичишганини кўрганман.

Бора-бора чой таъминоти баркарорлаша борди. Қадок-ланиш шакли ва маҳсулот сифатига қараб “такса чой” “плита чой” “тунука қути чой”, “кўргошин чой”, “мош чой” каби тушунчалар, номлар пайдо бўла бошлади. “Такса” ёхуд “плита” чой пресслаб тахтача шаклида коғоз-поғозга

ўрамасдан ҳам чикариларди фабрикадан. Лекин бунақаси кўпга чўзилмаган, балки коғоз камчилигидан шундай килингандир. Кейинчалик чойлар бежирим қадокланган ҳолда маҳсус яшикларда келадиган бўлди. Бугунги кунда эса дўконларниң пештахталарида юксак санъат даражасида безатилган чой қутиларини кўрамиз: қадоклап сифат даражаси юкори. Бу хўжа курсинга, маҳсулотни бозоргир қилиш мақсадидагина қилинмайди. Биринчи навбатда бу нозик ўсимлик бўлган чойнинг хуш бўйини саклаш чораси. Демак, чой саноатчилари бу маҳсулот ўзининг ноёб хоссаларини йўқотмаслиги учун турли чораларни ўйлаб топишади. Очик ҳавода туриб қолган чой, ёки юка коғозга қадоклангани ўз сифатини тез йўқотиши табиий...

Шу ўринда бир замонавий ҳикоят...

Мен буни жамоамизда барча учун ҳурматли бўлган раҳматли доцент Азимжон ака Аскаровдан эшитгандим, институт чойхонасида чойхўрлар даврасида.

Бир ҳамشاҳаримиз 30-йилларда Совет ҳукуматининг Афғонистондаги ваколатхонасида ишлаб, ватанига қайтар чоғи, унга ўша ерли дўсти ниҳоятда чиройли безакланган кутида чой (бир килоча келар экан) совға қилган. Қутичанинг қалити билан бирга найсимон нарса ҳам бературиб, ўқтирган: “Мана буни қутичанинг корнидаги думалок чуқурчага солиб, боссангиз, бир қайнатим чой чикади. Ҳар сафар чой дамланганда шундай килинг. Зинҳор ба зинҳор қалит билан очиб юрманг!”

Ватанга қайтгач, юкоридаги кўрсатмага биноан чой дамлашса, ниҳоятда ҳушбўй, қаймоқтаъм эмиш. Ҳамма ўша чойдан ичайлик дермиш. Анчагача йўқлаб келган ёру биродарларга, қўни-кўпниларга ўша чойдан дамлаб бериб туришибди. Ҳамма: “Бунақасини ичмагандик!” – деб, лабларини ялашар экан. Дўстлардан биттаси: “Кутини бир очайликчи”, - деб туриб олибди. Мезбон қанча тушунтирмасин, фойдаси бўлмабди. Бошқалар ҳам: “Қани, бир кўрайликчи, нима сир бор экан бунда?” – деб

кистапибди. Шунда ноилож, меҳмонларни ранжитиб қўймаслик учун, мезбон чойқутининг калитини олиб чикибди. Очишибди. Лекин хеч қанақа ғайритабиий нарса кўришмабди. Ҳафсалалари пир бўлиб, қайтиб кулфлаб қўйишибди.

Меҳмонлар кузалишдан олдин кути корнига найчани босиб яна бир қайнатим олиб дамлашган, кетарга яна бир пиёладан ичишсин тансиқ чойдан деб. Бир хўпламдан ичилган захотиёқ ҳаммалари оддий сирни тушуниб етишибди: энди чойнинг таъми бутунлай ўзгариб, хушбўйлиги йўқолган экан.

Бозор. Чой расталарида чой навал (Кўп миқдорда уйиб қўйилган нарсани ўрисчасига шундай дейишади. Ундан бизга ҳам, аниқроғи, халқ тилига ўтган; зиёни йўқ.) Номи кетган 95-рақамли чойдан харид қилдим. Кўриниши ҳам аввалги “мош” чойга ўхшамайди – сараланмаган. (Дарвоке, эшлишишмча, качонлардир бу чойни дорихоналарда факат врач рецепти билан сотишган экан.)

Уйда. Нонуштага дамланган чойни пиёланинг тубигача ичиб бўлмайди – лой. Бетаъмлилигини-ку қўяверинг. Беихтиёр телебошловчининг ўша гаплари эсга тупиб, бошқарок қилиб, “Чой – пой – лой” дегим келади. Тўймаросимларда ҳам пиёла тагидаги қуйқумни, яъни лойни, каерга тўкишни билмай коласан.

Мана шунақа, чой, пой ва мой ўрнига “лой” бўлиб қолган кейинги вактларда.

Эътиroz билдиришлари мумкин, фирма белгилари билан чиройли қадокланган, яъни фасовка қилинган чойлар кўп-ку. Униси ёкмаса, бунисидан олаверсин харидор, деб.

Биринчидан, ҳаммаси ҳам яхши бўлишини истаймиз. Иккинчидан, ўша машхур фирма белгилари билан қадокланган чойлар ҳам кўнгилдагидек эмас. Унда ҳам чой таги лой. Қадоклашдан олдин очик ҳавода навал ётса керакда.

Айтганча, "чой-пой"нинг иккинчи қисми "пой" аслида бемаъно сўз. Оғзаки нутқимизга хос нарса бу. Нутқимизни поэтик хусусиятларидан бири шундаки, у кўпинча ритмик ўюшқокликка, кофиядошликка интилади. Натижада, кўпинча сўзларнинг йўлдошилари пайдо бўлади. Масалан: идишипишиш, пиёла-миёла, бола-мола, хотин-потин, эр-пер, молпол, қўй-пўй ва х.к. Ушбу мураккаб таркибли сўзларнинг иккинчи қисмларини шунчаки маъносиз эмас, балки мағизсиз, пуч сўзлар деса ҳам бўлаверар?

Шу ўринда афанди латифаларидан биттаси ёдга келади. Эсингиздами, Хўжа Насриддиннинг қозилик қилгани? Ажрашаётган эр-хотинларнинг бисотини қандай бўлиб бергани ҳакидаги латифа? Ана: " чойнак сизга – пойнак сизга, қозон сизга – позон сизга, сигир сизга – пигир сизга, кўрпа сизга – мўрпа сизга, эшак сизга – пешак сизга" – деб, беайб талоқ қилинаётган хотинга рўзгорни хаммасини, аслида айбдор бўлган эрга эса иккинчи, пуч қисмини тақсимлаяпти.

Ана шунаقا. Аммо бугун чойни ичатуриб, авваллари пуч бўлган "пой"га бирдан маъно кириб қолганлигини англаймиз: "пой" – бу оёқ, оёқ ости; чой-пой - оёқ ости бўлган, чанг босган чой эмасмикан?..

Ушбу сатрларни ўқиган баъзи бировлар: Шу ҳам мавзу бўлдими? Бошқа муаммо йўқ эканми ёзгани? – дейишлари ҳам мумкин.

Дарҳақиқат, чойдан муҳим муаммолар кам эмас. Лекин, чойга муносабат ҳам кичик муаммо эмас. Ҳар қалай, ҳалқимизнинг ҳўплагани асосан чой-да! Қолаверса, чой бу бизнинг қадриятларимиздан бири эмаси?! Шундай экан, бизга чой аслиятини йўқотмай етиб келсин, тоза бўлсин, дейишга ҳаклимиз.

Ушбу чизгиларни таниқли шоир Нуритдин Бобохўжаевнинг шеъри билан тутгатмокчимиз:

Бугун бизда бўлинг, уй тўри сизга.
Гуллар файз беради нигоҳингизга.
Гул нима, покиза қалб қўри сизга!
Юринг, чой ичайлик, бир ниёла чой.

Шу чойдан бошланур дўстлигимиз,
Меҳримиз, севгимиз, инилигимиз.
Билсангиз, ҳаттотки қудалигимиз.
Ичинг, қалбга қувват бир ниёла чой!

Чойхона – бу шаҳар тўкин ва обод.
Дилда губор бўлмас, баданларда бод.
Чойхона ошиги шу бизнинг авлод.
Таниш-нотаниш дер: "Чой дамлайман, чой!"

Чойхонада чордон қурса кексалар,
Кексалик даврини сурса кексалар.
"Касбдан кеч, чой ташиб юргин" десалар,
Қўлим кўксимдаю, чой ташийман чой.

Илиқ битта сўз-ла ечилади дард.
Чойхоначи ўзбекда қадимдан одат:
"Хуш келибсиз! Хўп бўпти! Қани, марҳамат,
Истасангиз кўк чой, истасангиз қора чой!"

Куёв-келин бўлиб чой тутишганмиз,
Чой дамлаб, дармонбахш мой тутишганмиз,
Кеч қолсак, чой дамлаб, жон кутишганмиз.
Ёшликни эслатиб қўйдим, ҳойнаҳой?
Бир ниёла чой...

Шу ўринда "Ялла" гуруҳиниг машҳур "Ўзбек чойхонаси" қўшиғини ҳам яна бир бор тинглагим келяпти...

IV. ТАРЖИМАЛАР

СЕНЕКА

“ХИКМАТЛИ МАКТУБЛАР”ДАН

Луцилийга Сенекадан салом!

Ёзишиңгча, сен хамон рух комишлигига эришишга интиляпсан. Офарин! Бу оқил ва улуғ иш! Үз имкониятингдан фойдаланиш ўрнига бошқадан нажот кутиш, нодонлик, ахир. Кўлингни кўкка чўзишдан ёки ибодатхона хизматчисидан санам қулогига яқинроқ бориб сифинишга рұксат сўрашдан фойда йўқ, гўё үшандада сенинг ноланг унга тезроқ етиб борадигандек: аслида тангри ёнингда, у сен билан, сенинг жисмингда!

Мен сенга айтсам, Луцилий, бизнинг танамиизда яшовчи илохий рух доимо бизнинг барча яхши-ёмон хатти-харакатларимизни кузатиб, назорат қилиб боради ва биз унга қандай муносабатда бўлсак, у ҳам бизга шундай қарайди. Демак, ҳар бир ҳақиқий инсон илохийликка даҳлдордир. Худонинг қудрати чексиздир, тақдиримизни белгиловчи ўзи, эзгуликка етакловчи ўзи. Чин инсон қалбида

... яшар тангрилардан бири, -
лек билмаймиз қай бири.

Вергилий. ЭНЕИДА.

Қалин ўрмон ичига кириб қолиб, осмон нурларини сендан тўсган баҳайбат дараҳтлар остида ваҳимага тушганда худо ёди сени чулғайди. Ёки кифтида улкан тоғ қояларини тираб турган горга кириб колганингда, бу мўъжиза қўл билан яратилмаганлигини ҳис этиб, илохий қудратга ишона бошлайсан. Биз азим дарёлар бошида сифинамиз, сирли қайнарбулоқлар ёнига ибодатхоналар курамиз, тубсиз уммонлар каршисида лол қотамиз!

Агарда сен ҳеч нарсани писанд қилмайдиган, баҳтсизликда ўзини баҳтиёр сезган, даҳшатли довулда пинагини бузмаган, бандаларга осмондан қараган, тангрilarга эса тенгдай бокқан кишини учратсанг, унга таъзим қилгинг

келадими? Бундай пайтларда миянгга: «Бунда бир сир бор. Бу содда кўринган одамда аслида илохий кудрат борга ўхшайдику» - деган фикр келиши ҳам табиий. Борди-ю, ўша инсон бу дунё ташвишларини писанд қилмаса, бизга хос кўркиш ва ҳар-хил майда-чуйда орзу-истаклар унга ёт бўлса – демак, у юксаклика, самовий кудратга дахлдордир.

Илохий қувватсиз буюклик бўлмас! Бинобарин, рух самога мансубдир. Худди ер юзида тарагиб турган қуёш нурларининг манбаси кўкда бўлганидек, буюк ва муқаддас рух ҳам, гарчанд илохни яқинроқ идрок этишимиз учун у бизнинг жисмимизда юрса-да, унинг ватани бошка ва у асл ватани билан бевосита боғлиқдир: у кўкка тобе, бутун қувватини ўша томондан олади ва доимо ўша томонга интилади, айни пайтда бизнинг ҳаётимиз мазмунини, лаззатини ташкил этади.

«Рух дегани нима ўзи?» - деб сўрарсан. Рух чин ўзлиги билан фарқланувчи ҳодисадир. Ўйлаб кўргин, у ёки бу одамни унга хос бўлмаган хислатлар билан макташдан ортиқ бемаънилик борми? Бир лаҳзадан сўнг сени тарк этиши мумкин бўлган буюм билан мағрурланишдан ортиқ жоҳиллик борми? Югани тилладан бўлгани билан отнинг асл қиммати ортмас. Ёлларини тараб, заррокил такиб томошага чиқарилган шер билан, қаровсиз, тўзғиган бошли шер ўртасида фарқ бор: иккинчиси ўзлигини йўқотмаган, кимдир унинг бошини силаб ўзига ром қилиб олишга йўл қўймаган, яъни руҳи синмаган. Бундай маҳлук асл табиат инъом этган йиртқич измини бошкага бериб кўйганига нисбатан феъли билан афзалдир.

Унинг каршисида беихтиёр титрайсан киши.

Бирорвга тегишли буюм билан мақтаниб бўлмас. Узум оғирлигидан сурхлари осилиб турган токни мақтаймиз. Борди-ю, узум ўрнида сурхларга дур осилган бўлса-чи? Ҳа, токнинг афзаллиги унинг ўз мевасидадир. Инсон ҳам шундай – у ҳам ўзининг асл фазилатлари билан афзал. Кимдадир ҳашаматли уй бор, бола-чақалари яхши, кўп экади, бинобарин, кўп топади: аммо бунинг ҳаммаси уники эмас, кўлнинг кири.

Инсонда факат унинг ўзигагина мансуб, бошка ҳеч ким олиб қўёлмайдиган нарсани кўра билиш мақтовга лойик. Бу

нимадир? Бу унинг букилмас рухи сингган онгидир. Инсон – онгли маҳлукдир. Демак, унинг учун энг олий неъмат – яратилишидан кўзланган олий максадга муносиб бўлишдир. Онг ундан нимани талаб қиласди? Оддий нарсани: ўз табиатига муносиб яшаши. Аммо биз ўзимиз ҳётимизни читаллаштириб, аклсизлик билан бир-биримизни доимо гунохга ботириб юрамиз. Масала - аклдан озиб, жоҳил оммага кўшилиб кетганларни акл йўлига кайтаришдир. Саломат бўл!

Честерфилд

“ФАРЗАНДГА МАКТУБЛАР”ДАН

Азиз болажоним!

Сен Рим тарихини ўрганаյпсан; бунга жиддий ёндашаётган бўлсанг керак, деб умид қиласман. Тарихни ўрганишдан мақсад нима дерсан? Мақсад – ўтмиш кипиларининг яхши фазилатлари-ю, камчиликларини билиб-ўрганиб, бундан ўзимиз учун тегишли хулоса чиқаришдир. Тарих бизни эзгуликка чорлайди, савоб ишларга ундаиди. Тарихни ўрганар эканмиз, буюк инсонлар яхши фазилатлари туфайли ҳётликларидаёқ ҳалқнинг юксак ҳурматига сазовор бўлганликлари, кейинги авлодлар эса бундай инсонлар хотирасини эъзозлаганликларининг шоҳиди бўламиз. Эл назари тушган инсонларнигина ёди бизгача етиб келган.

Айниқса, Рим тарихида олижаноблик, улуғворлик, қалби покликка ёркин мисоллар кўп. У ўлкада консуллар ва диктаторлар (улар олий хукмдорларини шундай деб атаганларини сен яхши биласан) ер ҳайдаб тирикчилик килишни ўзларига ор билмасдилар ва бу хеч кимни ажаблантирмасди. Омочни кўйиб, кўлга шамшир олиб, душман устига қўшин тортишган, ғалабадан сўнг эса яна заминни ишлагани қайтиб, камтарона ҳаёт кечирашибиган. Ва бу ишлари уларга жангавор ғалабалардан зиёда шухрат келтирган. Кўплаб буюклар шунака оддий ҳаёт кечиришганки, вафотларидан сўнг уларни давлат хисобидан дафн этишга тўғри келарди. Ута мухтожликда яшаётган бўлишига карамай, Курий самнит кабиласи вакиллари унга

инъом қимоқчи бўлган катта миқдордаги пулни олишдан бош тортади. Чунки пулдан кўра пулдорлар устидан ҳукмдор бўлишни афзал кўрган. Бу хақда Цицерон ҳам хикоя қиласи: “Учок олдида ўтирган Курийга самнитлар талай олтин тортиқ кильмокчи бўлишганда, у олмаган. Чунки унинг таъбирича, катта олtingа эга бўлишдан олтини борлар устидан ҳукм суриш ҳузурлироқдир”.

Рим қўшинларини неча марталаб зафарли юришларга олиб борган Фабрицийнинг ҳузурига келган кишилар бу буюк инсон ўзи томорқасида етиштирган кўкатлар ва илдизлар билан тамадди қилиб ўтирганини кўриб, лол қолипган экан. Сенека бу хақда шундай ёзди: “Шавкатли қария Фабриций ўчоги олдида ўтириб, ўз кўли билан кавлаб олган илдизларни ер эди”.

Сципион Испанияда ғалаба қозонади. Унга қўлга тушган асиirlар орасида гўзалликда беназир малика ҳам борлигини ва уни бир аслзода ватандошига унаптириб қўйилган эканлигини айтишади. Сципион асирага худди ўз уйидагидай шароитлар яратиб беради, сўнг унинг қаллиғини топтириб келиб, маликани унга тўй қилиб узатади. Қизнинг отаси фарзандини озод этиш эвазига жўнатган пулни эса келин сепига қўшиб қўяди. Бу хақда Валерий Максим деган экан: “Ўзи ҳам ҳали ёш, бўйдок, бунинг устига ғолиб бўла туриб, гўзалликда танҳо қизни шаънига доғ туширмаган ҳолда отаонаси ва қаллиғи қўлига топширди”.

Шу эмасми ўзини тута билишлиқ, бекиёс олижаноблик намунаси!? Бу билан у бутун испан ҳалқининг меҳрини қозонган. Ливийнинг ёзишича, Сципион хақида испания-ликлар шундай дейишган экан: “Бу йигит тангриларни ўзи-я! У бизни курол кучи билангина эмас, ўзининг саҳоватлилити, олийхўмматлилиги билан ҳам забт этди”.

Мана сенга эзгулик учун мукофот! Обрў-эътиборли бўлмокчи бўлсанг, манақа шунака инсонларга, уларнинг ишларига тақлид қилишинг лозим. Ва бу баҳтли бўлишнинг бирдан-бир йўли! Хайр.

"ҒАРОЙИБ ҲИКОЯТЛАР"ДАН НОМАРД ТАҚДИР

- Қабила бошликларинг ким? - сўрашди бир ҳурматли одамдан.

- Номард тақдир қабиладопларим дилига мени ўзларига бош этиб сайлаш фикрини солган, - жавоб қилди у.

КУЯ

Бир донишманд деган экан:

- Оила аъзоларини битта одамнинг кийимини еб битираётган куяга ўхшатса бўлади.

МУВОЗАНАТ

- Сизнинг мамлакатингизда осойишталик хукм суришининг сабаби нимада? – сўрашди бир ҳукмдордан.

У жавоб қилди:

- Мен осмону фалакдан келганимда, аъёнларим паст бўлишиади, ва, аксинча, улар баландпарвоз бўлишиганда, мен ерда тураман. Яъни, мен дарғазаб бўлсам, улар мени тинчлантиришиади, улар асабийлашганда эса мен ҳовуридан тушираман уларни.

ДОНОЛИК ЧЎҚКИСИ

Бир донишманддан сўрашди:

- Сиз ўз идрокингизни қай даражада ривожлантиришига муваффак бўлдингиз?

- Шу даражадаки, мен энди ҳеч кимга ишонмайдиган, ҳеч кимсага ихлос қўймайдиган бўлиб қолдим, - жавоб берди у.

ТЕРС ЎҚУВЧИ

Бўлажак ҳукмдор дарс пайтида бир сўзни нотўғри ёзиб қўйди. Муаллим унга ташиб берса, толиб терслик қилди:

- Нима истайсиз мендан, энг яхши отлар ҳам қоқиладику?

- Тўғри, лекин от қоқилганда ули қамчи билан туширадилар.

- Аммо баъзан отлар ҳам урганиннепиб, бурнини конатадилар, - эътироз билдирид ўқувчи.

УЧ ИСТАК

Ҳукмдор ўзининг донишмандларидан бирига ёрилиб колди:

- Мен учта нарсани хоҳлардим: биринчиси – ҳеч ким мен кечира олмаган даражада гуноҳ килмаса; иккинчиси – ҳеч качон менга мурожаат килганларнинг илтимосини бажаролмай қолмасам; учинчиси – ҳеч ким мендан кўп яшамаса.

Буни эшитган донишманд мийигида кулиб қўйди. Ҳукмдор сўради:

- Нега куляпсиз?

- Кулмасдан иложим йўқ, чунки сиз ягона яратгангагина хос истакларни орзу киляпсиз.

Шунда ҳукмдор айтган экан:

- Ундей бўлса, гап шу ерда колсин, яна бошқалар ҳам эшитиб, устимдан кулиб юрмасинлар.

ЕНГИЛМАС ҚАЛЪА

Бир ҳукмдор ўғлига ўғит бераб деди:

- Ўз давлатингни фақатгина одиллик билан мустахкамлашинг мумкин, зоро биргина одиллик давлатни метин қалъага айлантира олади.

КИМГА УЯЛМАЙ ХИЗМАТ ҚИЛИШ МУМКИН?

Бир донишманд айтган экан:

- Одам уялмай хизмат қиладиган түрт мавжудот бор: бириңчиси – у тобеъ бўлган ҳукмдор, иккинчиси – у тарбиялаётган фарзанд, учинчиси – у фойдаланаётган йўл, тўртингчиси – у боқаётган ҳайвон.

ИККИ ТОИФА ҲУКМДОРЛАР

Бир донишманд айтган экан:

- Фақат бойлик орттириш билан банд ҳукмдорлар ўлмаймиз, дунёга устун бўламиз, деб ўйласалар керак. Борини ҳаммага сочаяпган ҳукмдорлар эса, эртага кунимиз битди, деб ўйлашса керак. Ундейлар ҳам, бундайлар ҳам ҳокимиятни бой бермаслик учун ҳар нарсага тайёр бўладилар.

МУСИҚА ВА ҚЎШИҚ ТАЪСИРИ

Донишманд айтган экан:

- Аёлларингиз мусиқа ва қўшиқка берилишидан эҳтиёт бўлинглар. Бўлмаса уларда хирсий туйғулар кучаяди, ибони унутишади. Мусиқа майдан ёмон масти қиласи одамни.

ЮНОНЛАР ВА ФОРСЛАР

Донишманд айтган экан:

- Юнонлар энг уддабурро, форсийлар эса энг ақлли одамлар бўлишади.

ҲУКМДОР ҚЎЛИНИ ЎПИШ

Бир ҳукмдор хеч қачон қўлини ўпишга бермас экан ва бундай деган экан:

- Менинг қўлимни ўпиш дўст учун камситиш бўлса, душман учун – бу факатгина лаганбардорлик белгиси, воситаси.

АСОСЛИ РАД ЭТИЛГАН ИЛТИМОС

Бир зоҳид султон ҳузурига келиб, мени фалон ерга ҳоким қилиб қўйинг, деб ёлворди. Бунга жавобан султон қуидагича жавоб берган экан:

- Агар сизнинг таркидунёчилигингиз худога мақбул бўлса-ю, биз сизни ҳоким этиб юборсак – унинг иродасига қарпи чиқкан бўламиз, сизни гуноҳкор килиб қўямиз бу дунё ишларига аралаштириб. Борди-ю, зоҳидлигингиз соҳта бўлса, биз учун хийлагарни рағбатлантиrmок номаъкул иш булур эди.

Илтимосчи куруқ кайтиб кетган экан.

ХИРСНИ БОСА БИЛИШ

Бир донишманд айтган экан:

- Иродали киши хирсни худди сув сепгандек боса олади.

АЙЁР ҲУКМДОР

Сарой аъёнларидан бири подшога қарши фитна уюштира бошлади. Бундан хабар топган ҳукмдор уни катл этмокка жазм килди. Аммо аввал донишмандни чақириб, бу хусусда унга маслаҳат солди. Донишманд жавоб қилди:

- Уни йўқ килмасдан бопика иложингиз йўқ. Акс холда давлатни қўлдан бой берасиз.

Буни эшитган подшо дарғазаб бўлди:

- Сен менга ўнг қўлимни, ишонган тоғимни йўқ кил деб маслаҳат беряпсан-ми, - ўшикирди донишмандга ва унинг юзига тарсаки қўйиб, ҳайдаб чиқарди.

Орадан маълум вақт ўтгач подшо фитначини барибир катл эттириди. Сўнг яна ўша донишмандни чорлади хузурига ва сўради:

- Ёдингдами ўша мен сен билан маслаҳатлашганим?

- Бўлмасамчи, ғазабингиздан қўркиб, жонимни ховучлаб юрдим ўша кезлар.

Подшо мулойимлик билан деди:

- Ўшанда аслида тўғри маслаҳат бергандинг. Аммо, гўё маслаҳатинг менга маъкул бўлмагандек, сенга ғазаб килмаганимда, хиёнаткор режамиздан хабар топиб, қўлдан чиқиб кетарди.

ПАЙГАМБАРНИНГ ШИППАГИ

Бир одам подшо ҳузурига келиб унга шиппак тортик қилди:

- Бу шиппак пайғамбаримиз Мұхаммад алайхис саломникидир. Ушбу табарруқ буюм сизгагина насиб бўлмоғи лозимдир.

Хукмдор хурсанд бўлиб, инъом келтирганга қимматбаҳо совгалар бериб жўнатди. Аъёнлар эса бундан ажабланишиди, чунки улар бу шиппак пайғамбарники эмаслигини билишарди.

Буни сезган хукмдор деди:

- Мен ҳам бу шиппакни пайғамбар оёғига ҳечқачон илмаганлигини яхши биламан. Аммо ҳозир тухфани қабул килмасам, дарров: "Подшога табарруқ буюмни тортик килишибди-ю, лекин у хурсанд бўлиш ўршига, ундан юз ўгирибди", - деган гап таркалган бўларди.

ПОДШО БЎЛИШГА ЛОЙИҚ

Халифа Хорун ар-Рашидининг икки ўғли бўлиб, бири ўз хотинидан, исми Амин, иккинчиси чўри аёлдан - исми Мамун эди. Халифада ўзига ворис қилиб чўрининг ўғлини тайинлаш нияти бор эди, аммо хотини бунга кўнмади. Шунда Хорун ар-Рашид хотинига:

- Кел, ҳар иккаласини ҳам синаб кўрайлик, қайсиниси муносиб чикса, ўша хукмдор бўлақолсинг, - деди.

Улар бир пайтнинг ўзида ҳар иккала фарзанд олдига : "Давлатни қўлга олишнинг кулай пайти келди, имконни қўлдан чиқарма!" – деган таклиф билан одам юборишиди.

Бундай хушхабарни эшитгач, хотиннинг ўғли бу гапни айтган аъёнга юксак лавозим ва инъомлар ваъда қилди. Чўрининг ўғли эса олдида турган сиёҳдон билан ҳузурига бундай гапни олиб келганинг бошига туширибди:

- Сен аблах халифанинг ўлимини тилаб колдингми? Яна бунинг эвазига мепдан ишъом ҳам кутаяпгандирсан! Халифа

ўлгунча, биз ҳаммамиз кирилиб кетсак бўлмайдими? Бир нарса бўлгудек бўлса, бунақа халифани биз қаердан топамиз?

Буни эшитган халифа ва унинг хотини чўрининг ўғли халифаликка муносиблигига иқрор бўлишди.

МАККОРЛИК

Бир ҳукмдор ўз навкарларидан бирини кўргани кўзи йўклигидан, яқинларидан бирига деди:

- Шуни гумдон килгани бирор ишончли одам топса бўладими?

- Мен ўзим бажаришим мумкин.

Ҳукмдор бунга рози бўлмади:

- Бу менга тўғри келмайди. Чунки навкар ўлдирилгач, мен, конун талаб килганидек, котилни жавобгарликка тортаман, катл килдирман.

ОГОХЛАНТИРИШ

Бир ҳукмдор айтган экан:

- Аввалги ҳукмдорларни мақтайвериш ярамайди. Бу билан ўзимизнинг обрўйимизни тўккан бўламиз.

ЗУРРИЁДНИНГ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Бир ҳукмдор бу дунёдан кўз юмар экан, тахтга тўнгич ўғилдан кейин кичиги ўтиради, деб васият қилди. Буни эшитган тўнгич ўғил отасига ёлворди:

- Падари бузрукворимизнинг иродалари, албатта амалга ошгай. Аммо бир илтимосим бор, олампаноҳ: аввал укам ўтираколсин тахтга, мен эса ундан сўнг. Шунда азалий одатимиз бузилмагай, зоро, кейин менинг ўғлимга тахт ўтади.

ДОНИШМАНДГА ЎГИТЛАР

Бир ҳукмдор донишмандига насиҳат килди:

- Сен гарчанд донишманд бўлсангда, аслида биз ҳукмдорлар ҳаётни сендақалардан кўпроқ биламиз. Шу боис сенга бир нечта ўғит бермоқчиман:

Ҳеч қачон бошқалар олдидаги менга ақл ўргатма; факат сўраган пайтда жавоб қил; жавоб берадиганинг мавзудан четга чиқма; берган маслаҳатларинг факат давлатни бошқариш хусусида бўлсин; менинг гапимни тинглаётганингда ҳеч қачон ҳайрон бўлмагин, яна эътибор берганлар, ҳукмдорни менсимас экан, деб ўйлашади. Шу маслаҳатларимга амал килсанг, саройда сенинг мавқеинг мустахкамланаверади.

ТОПҚИР ШАҲЗОДА

Бир кун эрта тонгда подио ўғилларидан бирини ўз ҳузурига чорлади. Ўғил кириб келаётниб, бир нарсани ютганини сезиб қолди ота.

- Сен ҳали бомдоддан олдин таом еяпсанми? – ҳайрон бўлди ҳукмдор.

Бола икрор бўлмади. Шунда ота бу ҳақда тарбиячидан сўради. У шаҳзода саҳарлаб овқат сўрапини, бермасликка илож бўлмаётганигини гапириб берди. Подшо бундан дарғазаб бўлиб, шаҳзоданинг тишларини эговлашни буюрди.

Эгов ишга тушиб, юқори тишлари калта килиб бўлингач, оғриқ азобига чидай олмай, ёш шаҳзода кўз ёшлари билан илтижо килибди:

- Отажон, илтимос, пастки тишларим колсин, бошқа сафар жаҳлишгиз чиққанда, нима қиласиз бўлмаса?

Подшо ўғлиниг топқириллигидан кулиб юборди ва унинг илтимосини кондирди.

ХУДОНИНГ МАРҲАМАТИГА МУНОСИБ

Бир ҳукмдор нонуштадан аввал албатта қуидагиларни айтар экан:

- Оллоҳим, марҳаматинг беҳад чексизлигидан, бизга юборган неъматларинг кераклигидан зиёд.

ИЖТИМОЙ ПОГОНА

Бир донишманд айтган экан:

- Майда олиб-сотувчилар бедард, ҳунармандлар меҳнатсевар, савдогарлар қурумсок бўладилар; мирзалар эса ҳамма нарсани бопқаришади.

КЎНГЛИ БЎШЛИК

Бир ҳукмдор айтган экан:

- Агар одамлар гуноҳларидан ўтиш мен учун қанчали ҳузур бағишлишини билгандарида эди, юртимиизда гуноҳ қилмайдиган одам бўлмай коларди.

ҚАСОС ОЛГАНДАН КЕЧИРМОҚ МАЪҚУЛРОҚ

Бир донишманд айтган экан:

- Гуноҳни кечириш ўч олишдан кўпроқ ҳузур бағишилайди. Зоро кечиримлининг обрўси ортади, ўч оловчи эса пировардида ўзи виждан азобига учрайди.

КИМ КИМНИ ҲОЛИДАН ХАБАРДОР БЎЛМОФИ ЛОЗИМ

Султон вафотидан сўнг бир кипи униг кенжা ўғлидан сўради:

- Сенинг ҳолингдан хабар олиб туришни қайси яқинларига васият килди султон:

- Яқинлар ҳолидан хабар олиб туришни менга васият килди султон, - жавоб қилди у.

МУАЛЛИМГА МАСЛАҲАТ

Хукмдор фарзандларининг муаллимига маслаҳат килди:

- Авваламбор ўзингга талабчан бўлгин, кейин эса менинг фарзандларимга, зоро уларнинг нигоҳи доимо сенда бўлади. Муқаддас китобни ўргат уларга, пайғамбарлар, подшолар хаётидан гапириб бер. Аммо зинҳор базинҳор менинг ғазабим билан қўркитма уларни. Чунки ўзингнинг кўлингдан хеч нарса келмаслигини сезиб, устингдан кула бошлайдилар. Ўқиш билан ортиқча қийнама болаларни, бўлмаса уларда китобга нисбатан нафрат уйғонади. Шу билан бирга, ўз бурчингни унутиб, талабни бўшаштирма – болалар ялқов бўлиб колмасинлар.

ИККИ ХИЛ ДИЛХИРАЛИК

Бир донишманд айтган экан:

- Икки ҳолатда кишининг дили хира бўлади: ўзинг учун бирор нарса сўраганингда ва аҳмок билан сўзлашганингда.

ГАПГА ТУШУНМАГАЧ

Ёш ҳукмдор ўз аскарларини йўлга солиш учун яхши гаплар билан кўп уринди, аммо хеч ким жиддий қулок солмади. Шунда ғазбланиб деди у:

- Сенларга ўзи кўп гапирмай, терингни шилиб оладиган ҳукмдор керак экан.

КЕК САҚЛАМАСЛИК

Бир донишмандан сўрашибди:

- Бу даражада юмшоккўнгиллиги гизнинг боиси недур?
- Мен баъзан бирор одамга қанча ғазбланмайин, қалбимнинг бир четида у билан тезда ярашиб олиш нияти доимо сакланиб туради.

КИМ КҮПРОҚ ГУНОҲКОР

Бир донишманд айтган экан:

- Пайғамбарни ўлдирганинг гуноҳи пайғамбар ўлдиргалинг одамнинг гуноҳидан кўп эмас.

Бу билан у, пайғамбарни ўлдирган одам, албаттаки, катта гуноҳ содир этган, аммо пайғамбар томонидан ўлдирилган одам гуноҳи ҳам оз бўймайди, демокчи.

ИЛТИМОСНИ КУТИБ ЎТИРМАЙ

Бир ҳукмдор дели:

- Ўзи бўйин эгиб сўрамаган одамга совға муносиб эмасдур.

Бу гап устида ҳозир бўлган донишманд кистирди:

- Ўзи илтимос қилиб совға олган киши учун аслида олишдан кўра йўкотиш зиёдроқдир. Сўрашни кутмай берилган инъом ҳакиқий мурувват ҳисобланур.

МАҚСАДГА ЭРИШИШНИНГ АНИҚ ЙЎЛИ

Бир донишманд султоннинг хотинига илтимос килди:

- Эрингизга менинг ишим тўғрисида эслатиб кўйсангиз.

Малика жавоб қилди:

- Ўзинг султонга бевосита мурожаат қилсанг бўймайдими?

- Йўқ, маликам, дарахтнинг тепа шохларидаги мевалардан тотиб кўрмокчи бўлган одам унинг танасидан ушлаб силкитгани маъкул.

«ХИКМАТЛАР»ДАН

Одам бу дунёга йиглаб келиб, у дунёга тажанг кетади. Ором нималигини билмас кишилар бир-бирларини арзимас сабаблар билан огринирадилар, камситадилар. Уларнинг билгани - мақтанчоқлик, сотқинлик, хунрезлик, ҳатто бир-бирларини гажишга тайёр. Мақсад битта - бойлик орттириш. Ваҳоланки, киши тўплаган бисотини ҳаёти сўнгида бир кунлик умрга алмаштиришга тайёр. Нега ақл бунчалик кеч киради?

Тақдирга тан бериб, ўз вактида меҳнат билан шуғуллансанк бўлмайдими? Ана ўшанда энг какроқ ерлар ҳам бизга ўз неъматларини инъом этган бўларди.

Инсон умрининг безаги унинг маънавий фазилатларири. Жўшқин қалб, раҳмдиллик унга раҳнамо бўлса, меҳнати унумли ва қадрли бўлади, топгани ҳам ширин татиди.

Оллоҳ инсонга меҳнат қилиш учун билакларни, илм олиш учун эса мияни ато эттан. Афсуски, билак кучлари ҳамма вакт ҳам ҳалол меҳнатта ишлатилмайди, мия эса кўпинча беақл сарфланади. Ақлни ишлатиб, дангасалик қилмай тер тўкканинг уйида ҳамма нарса етарли бўлади. Аммо одамлар бойликка ружу қўйишади ва бу мақсад йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайди, ҳатто тиланчиликка ҳам тайёрдирлар.

Мен шу чоққача разиллик эвазига бойлик орттириб, сўнг бундан чин обрў топган, пулинини эса ўринли, савоб ишларга сарфлаган одамни билмайман. Ҳаром йўллар билан келган бойлик узоққа етмайди, колаверса, у факат изтироб ва кулфатга сабаб бўлади...

Бойликни билимга сарфламок даркор. Ўзингизнинг иложингиз бўлмаса, буни фарзандларингиз қилсин, зеро бу дунё учун ҳам, у дунё учун ҳам билим зарур. Усиз намозни ҳам, рўзани ҳам, ҳажни ҳам қадри йўқ.

Насиҳатга кимнинг ҳуши бор? Сенинг ваъзларингни эшитгани кимнинг тоқати бор?

Бойларними? Ҳе-ҳе! Улар ёргуғ дунёниг камида ярмини ўзлариники ҳисоблашади. Уларнинг бурни кўтарилиган, осмон-фалакда юришади. "Мол бўлса бас, ҳамма нарсани муҳайё қилиш мумкин", - деб ўйлашади, улар. Ҳатто худони ҳам сотиб олишга уринишади. Номус, имон, илм-фан, ҳалк деган тушунчаларни уларга ҳайвонча киймати йўқ. Бундайлар сенинг насиҳатларингга зорми?...

Сенинг ўғитларингга ўғрилар, товламачилар ва бадкирдорлар ҳам, албатта, қулок тутишмайди.

Энди, зўр-базўр кун кечираётган бечоралар қоляпти холос. Қандай қилиб аҳмоқлар, нодонлар, ўғрилару олчоклар, чаласавод бойлар давр сураётган бир пайтда бу бечораларга илм хосияти ҳакида гапирасан, уларнинг ташвиши етарли-ку?

Тақвадор бирор ноўрин иш қилиб қўйса, гапиргани тилимиз бормайди, чунки ёмон ният билан қилмаганини биламиз. Таквога яраша илми ҳам бўлганда эди, деб афсусланамиз, холос.

Художўй бўлиш яхши, аммо бунинг ўзи кифоя эмас.

Мўминлар икки нарсани эсда тутишлари керак:

1) Имон кудратига сидқидилдан ишониш;

2) Унинг моҳиятини тушуниб етишга ҳаракат қилиш.

Кимки: "Мен дин ва ҳаётни маъносига етдим" – деб ўқишиzlанишни тўхтатса, демак унинг такводорлиги юзаки. Салла ўраб олиб, художўйлик - намоз ўқиш билан рўза тутишда, деб ўйлаганлар хато қиладилар, чунки улар қалб покизалигини, маънавий, руҳий тозаланиш заруриятини ўйламайдилар.

Қалб поклиги, ўзини тия билиш, имон соғлиги учун қайғуриш ва унга интилиш - мана бу ҳакиқий художўйликдир.

МОННА МАРИАННА

Мана бир неча ҳафтадирки, шаҳар темир анжомларга бурканган душманлар куршовида, тунлари улар ёққан гулханларнинг қизил шуълалари қўргонга ҳамла килаётган оч аждарҳонинг конталаш қўзларидай туюлади. Бу эса шаҳар аҳлини янада саросимага солади.

Шаҳар қўргонидан дупман сиртмок каби тортилиб келаётганини, олов атрофидаги ёвларнинг кора сояларини кўриб туришади; корни тўқ отларнинг туёқ уриб кишинаши, курол-аслаҳаларнинг шақирлаши, қаҳ-қаҳа уриб кулишлар-у, қўшик эшитилар эди қўргон тепасидан кузатаётганларга; ғалабага тўла ишонган душманларнинг қўшик айтишини эшитишдан ҳам оғир нарса бўлармикан?

Шаҳарга сув келтириладиган арикларни душман мурдалар билан тўлдириб ташлаган, атрофдаги токзорларни ёндириб юборишган, боғ-роғларни яксон, экинзорларни пайхон этишган. Замбараклар чор атрофдан ҳар куни шаҳарликлар бошига чўян ва қўрғошин ёғдиради...

Шаҳарнинг тор кўчаларида ҳорғин ва ғамгин, оч-наҳор аскарлар сафлари кўриниб қолади. Хонадонлардан эса ярадорларнинг инграшлари, алжираган ҳайқириклар, аёлларнинг ноласи-ю болаларнинг чиркираши эшитилади. Одамлар бир-бирлари билан шивирлашиб гаплашади, кулоқларини динг қилиб ташқарига тутишади, душман бостириб кирмаяптимикан, деб олазарак бўлиб.

Айниқса, оқшомдан кейин юракни эзадиган дамлар бошланади. Тун сокинлигига йиги-сиги яна ҳам кучаяди; узок тоғлар ортидан зулмат оқиб туша бошлайди. У аввал душман қароргохини қамраб, сўнг дабдаласи чиккан шаҳар қўргонига ёпирилади. Шаҳар узра пайдо бўлган ой ҳам душман шамширлари зарбасидан думалаб кетган қалқонни эслатади.

Чарчокдан, очликдан хорган, кундан-кун умидсизликка тушиб бораётган шаҳарликлар ойга, тогнинг ўткир кирраларига-ю, унгурларининг ёвуз тумшукларига, душман кароргохига даҳшатланиб боқадилар: ҳамма нарса совук ўлимдан дарак беради, бирорта юлдуз-пулдуз ҳам уларнинг кўнглини кўтариб порламасди.

Уйда олов ёкқани юрак бетламайди. Кўчалар зулмат кўйнида. Худди мана шу тим қоронгу кўчалардан, балиқ дарё тубида сузгандай, кора плашчиға ўрангаш аёл комати кезиб боради. Уни кўрган одамлар бир-бирларидан сўрайдилар:

- Ўшами?

- Ўша!

Ва ўзларини четга олиб қочишар, деворга бикиниб, бошларини қуи солиб, аёлнинг ёнидан тезрок ўтиб кетишга уринишади. Сокчилар бошликлари эса аёлни катъий килиб огохлантиради.

- Сиз яна кўчада юрибсизми, Монна Марианна? Билиб кўйинг, сизни ўлдириб кетишлари мумкин, ҳеч ким қотилни кидириб ўтирамайди.

Аёл қаддини ростлайди, кутади, аммо сокчилар унга тегмай ўтиб кетишади, гўё у бир мурда-ю, ундан ҳазар қилишгандай. Зулматда яна бир ўзи қолади. У каерга бораётганини ҳам билмайди, унсиз кора гавдаси кўчадан-кўчага ўтаверади, гўё шахар устига тушган барча бало-казолар тимсолидай: атрофда эса худди уни таъкиб килгандай мунгли овозлар чўзилиб кетаверади. Йиги-сиғи, Худога нолишлар ва ғалабага ишончни йўқотган солдатларнинг гудурланишлари...

Аёл бир пайтнинг ўзида ҳам ўғли, ҳам Ватан ҳақида ўйлади; шаҳарни вайрон қилаётган душманлар йўлбошчиси унинг ўғли бўлади, хушчакчак ва бешафкат гўзал йигит... Якинда она унга катта умидлар билан, меҳр тўла кўзлари билан боқарди, Ватанимга тухфа деб ўйларди упи; вояга етгач, туғилиб ўсан шаҳарга мадад бўлади, деб умид киларди ўғлидан аёл. Она қалбини мана шу ўйларнинг қадимий девор-

тошлари билан, бу заминда ётган кондошлар сүяклари билан, бунда тўқилган афсоналар, қўпиклар, орзулар билан юзлаб ришталар боғлаб туради.

Мана энди ушбу қалб энг яқин кишисини йўкотмоқда ва бундан у чуқур изтиробда; она қалби шу захоти гўё тарози эди, у юртига-ю фарзандига бўлган муҳаббатини ўлчаб кўришта ва тушунишга уринади: кайси бири босиб кетаркин?

Она шу алфозда тунлари кўчаларда изғиб юраверади. Одамлар коронғуда қўқкисдан дуч келиб қолишиша, чўчиб тушишади, худди арвоҳдан кўрқандай, таниб колишишгандা эса, хоин онасими четлаб ўтишади.

Шундай кунлардан бирида шаҳар деворлари якинида Марианининг кўзи бошқа бир аёлга тушиб колди: аёл ерда ётган жасад ёнида тиз чўкиб, худди ердан ўсиб чиқкан тошдай котган холда мотамсаро юзини юлдузларга қаратиб дуо ўқирди. Хоинининг онаси ўтирган аёлдан сўради:

- Эрингми?

- Йўқ.

- Ининг?

- Ўғлим. Эрим ўн уч кун аввал ҳалок бўлди, бугун эса ўғлим... – деб жавоб қилди аёл, ва ўрнидан туриб давом этди.

– Парвардигор ҳамма нарсадан вokiфdir, мен ундан чексиз миннатдорман!

- Нима учун? – ҳайрон сўради хоин онаси.

- Ўғлимга ватан учун курашиб, жанг майдонида ҳалок бўлишни насиб этгани учун. Яширмайман, мен ундан хавотирда эдим. Болада, кам ўй, ҳаёт лаззатларини кўп севарди. Шу боис анави Марианининг Худонинг қаҳрига учрагур ўғли каби хоинлик йўлини тутармикан, деб кўрқардим. Илоҳим, ўша сотқинни туккан коринни ер ютсин!..

Марианна юзини чангллаганча нари кетди. Эртасига эрталаб шаҳар химоячиларига мурожаат қилди:

- Ё мени ўлдиринглар боламнинг хоинлиги учун, ё дарвозани очиб беринглар, мен унинг олдига чиқиб кетаман...

Улар жавоб беришди:

- Сен инсонсан, Ватан учун ҳам қимматли бўлсанг керак.
Ўғлинг биз учун қандай душман бўлса, сен учун ҳам шундайдир.

- Мен – онаман ва ўз боламни севаман, унинг бундай бўлиб чиқишида ўзимни айбдор ҳисоблайман.

Шаҳар химоячилари маслаҳат қуришди ва бир оздан сўнг жавоб беришди:

- Гапнинг тўғриси, биз сени фарзандинг гуноҳи учун ўлдира олмаймиз, зоро сен ўғлингта хоинлик раво кўрмаганлигинги яхши биламиз. Қолаверса, ўғлинг кильмишидан сен каттиқ изтиробдалигинги кўриб турибмиз. Эндилиқда сен шаҳар учун гаров сифатида ҳам керакмассан, чунки ўғлинг сен тўғрингда ҳатто ўйламайди, у, иблис, тукканини ҳам унутган. Она учун бундан ортиқ жазо борми?!
Мана сенга жазо! Бу ўлимдан ҳам каттиқ!

- Ҳа, шундай, ўлимдан баттар, – тасдиқлади она.

Дарвозани очиб беришди унга, ва қурғон устидан узок вакт кузатиб туришди унинг ортидан: у ўғли туфайли қонга тўйган она замин тупроғи узра оғир одим ташлаб узоклашарди; йўлида учраган шаҳидларга таъзим бажо келтирас, қурол парчаларини эса, сесканиб, четлаб ўтарди. Оналар факатгина ҳимоя куролини тан олишади, ҳужум куролини эса кўргани кўзлари йўқ.

Она, сув тўла идишни олиб кетаётгандай, уни чайкатиб тўкиб юборишдан қўрқандай, аста-секин босарди қадам. Ортидан кузатувчиларга эса аёл билан бирга тушкунлик ва умидсизлик руҳи уларни тарк этаётгандек туюларди.

Она бирдан тўхтади, бошидан плашчинининг капюшонини туширди, қайрилиб шаҳарга узок вакт тикилиб турди.

Душманлар ҳам кўришди аёлни ва она томон, шошилмай, кела бошлишди. Яқин келгач, сўрашди: ким у ва каерга бормоқчи?

- Сизларнинг йўлбошчингиз менинг ўғлим бўлади, - деди аёл.

Карши олганлар гумонсирашмади унинг сўзларидан. Улар аёл билан ётма-ён борарканлар, ўғлининг заковатини, кўркмас, ботирлигини мақташарди. Бўлмасамчи, упинг ўғли факат мана шунака бўлиши керак!

Ва, нихоят, она ўша зот қархисида: тугилмасдан тўккиз ой аввал таниган уни она, ва у она қалбининг тўридан абадий жой олган уша ондаёк.

Мана уша фарзанд: шойи-кимхоб кийган; қимматбаҳо тошлар билан безатилган қуроли кўзни қамаштиради. Ҳа, она қандай орзу килган бўлса бир пайтлар, худди ўшандай: у ўғлини бой, ҳурмат-эътиборли, ардокли, севимли бўлишини кўп марталаб кўрган тушларда ҳам.

- Онажон! – хитоб килди фарзанд, ўпар экан волиданинг табаррук қўлларидан. – Менинг олдимга келибсиз-ки, демак мени тушунибсиз. Мен энди эртагаёқ тиз чўқтираман бу шаҳарни, совураман кулинини кўкка!

- Тугилиб ўсан шаҳрингни, - қўшиб қўйди она.

Ўзининг муваффакиятларидан маст-аласт ўғил онасига гапира кетди мағурланиб.

- Мен бу дунёга оламни лол қолдириш учун, шуҳрат учун келганман. Бу бемяни шаҳар эса товонимга кирган тикондай ҳалақит берарди шу пайтгача. Сизни деб, опажон, мен бунга чидаб келдим. Энди эса сиз биз билан, эртагаёқ бу ўжарлар маконини ер билан яксон қиласман!

- Ҳар бир тоши сени болалигингдан танийдиган маконни, - қўшимча килди она.

- Нима – тош, бу бир тилсиз нарса; лек мен тогу-тошлар ҳам куйлашларин истайман мен ҳакимда.

- Одамларчи? – сўради она.

- Ҳа-а, мен буни яхши тушунаман, она! Бу мен учун мухим, зеро ҳар қанақа қахрамон ҳам инсонлар хотирасидагина мангуллик топишни мумкин.

Она деди:

- Қаҳрамон – бу ўлимни забт этиб, хаёт яратувчидир!..

- Йўқ! – эътиroz билдириди ўғил. – Шаҳарни бузган ҳам, худди уни барпо этган каби, шуҳратга дахлдордир. Мана, ҳанузгача аник билмаймиз: Римни Эней барпо этганми ё Ромул? Айни пайтда, шаҳарни бир неча марталаб вайрон қилган Аларих ва бошқаларнинг номлари аник...

- Лекин шаҳар ҳамон барҳаёт, ўзининг қотилларидан фарқли ўларок...

Она-боланинг шу хилдаги сұхбати қуёш ботгунга қадар этди давом. Марианна бора-бора ўғлининг гапларини бўлмай кўйди, мағрур боши эса борган сари тушаверди қуий.

Она – яратувчи, хаёт посбонидир. Шу боис унинг хузурида ҳаётга тажовуз ҳакида гапириш – шахсан унга карши чикмакдир. Бола буни тушунмасди ва сезмаган холда онаизоришинг ҳаёт мазмунин этарди инкор.

Она - абадул-абад ўлим душмани: инсон хонадонига ўлим олиб келган қўлни кўргани кўз йўқ оналарда! Унинг ўғли бўлса буни тушунмас, чунки фарзанд қалби шуҳратнинг совук нуридан музкотганди.

Ўзи берган жонни муҳофаза қилиш, уни асрани хусусида она зоти окил, катъиятли, кўрқмас бўлибгина колмай, ўта шафкатсиз ҳам бўлиши мумкинлигини тушунмайди фарзанд.

Она қўмондоннинг ҳашаматли чодирида ўтиаркан, унга шаҳар кўриниб турарди: у ерда бир пайтлар ҳомиладор бўлиш лаззатини ҳис этган ва туғиш азобини ҳам бошидан кечирган. Мана энди ўша фарзанд шаҳарни йўқ қилмокчи.

Ботаётган қуёшнинг кондай кизил нурлари шаҳар кўрғони миноралари устига қуйилмоқда; бу нурдан дераза ойналари ҳам аллақандай ваҳимали яркирайди; бутун шаҳар яралардан инграйди, юзлаб яралардан ҳаётнинг кизғини шарбати кетмоқда окиб. Кун оққан сари шаҳар корая бошлади, худди жони узилаётган ташадай; осмонда юлдузлар пайдо бўла бошлади, мурда бопи узра ёқилган шамлардай.

Она шаҳарнинг коронғу уйларида, душмандан қўркиб чирок ёқмаган, хонодонлардаги шивирлаб гаплашаётган одамларни, азоб-уқубатлардан бир ҳолга келиб қолган бечораларниг барчасини шу ердан равшаш кўриб, ҳис этиб утиради: уларнинг барчаси унга, онага кўз тикиб ўтирганларини хам яхши биларди. Шу пайтда у ўзини бутун шаҳар онаси деб ҳис этди.

Тоғ чўкиларидан шаҳар устига кора булутлар ёпирилиб кела бошлади...

- Балки шу тундаёк шаҳарга ҳужум килармиз, – гапида давом этарди ўғил. – Кундуз қуёш нурларида яроғ-аслаҳалар ялтираб, кўзни камаштириши ҳалакит беради ўлдиришга. Зарбанг мўлжалга тўғри этиб бормайди бунакада, - киличини бамайлихотир кўздан кечирарди у.

Она деди ўғлига:

- Болам, кел, бағримга, ёшлигингдагидек, бошинги кўйиб, бир ором олгин. Ёдингдами, сен жуда хам кувнок, раҳмдил бола бўлгандинг, ҳамма сени ҳавас киларди?!

Бола итоаткорона она тиззасига бош кўйиб, эркаланиб, кўзлари юмук гапиравди:

- Мен икки нарсани севаман; шухратни ва сизни. Мени шундай килиб тарбиялаганингиз учун.

- Аёлларни-чи? – сўради она жигарбанди устига энгашиб.

- Улардан кўпи йўқ, ширинлик каби жонга тегишади улар.

- Сен фарзад кўришни ҳам хоҳламайсанми?

- Нима кераги бор? Менга ўҳшаганлар уларни ўлдириб кетиши учунми? Бунга чидаб туролмаган бўлардим. Ўч олиш учун эса у пайтда қариллик қилган бўлардим.

- Сен келишіган йигитсан, аммо чақмоқ каби бепуштсан, бефойдасан, - хўрсинди она.

Ўғил бўлса жилмайиб деди:

- Ҳа, худди чақмоққа ўҳшайман...

Ва, она тиззасига бош кўйганча, мудраб кетди...

Шунда она боласи устига плашчни ёпди-да, фарзанд юрагига бехато пичок урди. Она ўз боласининг юраги қаерда дукиллаётганини яхши билади-да. Бола бир титраб, шу ондаёк жон берди. Она жасади тиззасидан ҳайронлик билан апқайиб қолган сокчилар томон итариб ташлади-да, шаҳар томон караб деди:

- Инсон сифатида Ватаним учун қўлимдан келганини килдим. Она сифатида эса мен фарзандим ёнида қоламан. Мен энди бошқа туғиб беролмайман Ватангга ва ҳаётим ҳам ҳеч кимга керакмас.

Ва пичокни, тиғида ўғлининг кони – ўзининг кони – котиб улгурмаган пичокни онанинг дадил қўллари ўз юрагига санчди; оғриб турган қалбга пичокни бехато уриш кийин иш эмас.

Расул Ҳамзатов

“МЕНИНГ ДОҒИСТОНИМ” КИТОБИДАН ВАТАН ДАРДИ

Парижда бир доғистонлик рассомни учратиб колдим. У инкилобдан кейин Италияга ўқишга кетиб, италиялик кизга уйланиб, колиб кетган экан. Унинг узининг эътирофича, янги Ватангга ҳеч кўниколмаган. Дунёнинг кўп мамлакатларини кезиб чиккан, бой давлатларнинг ёғдуларга чўмилган кўркам пойтахтларида яшаган, аммо қаерга бормасин-турмасин, Ватан дарди уни азоблайверар, туну кун юрт соғинчи билан яшар экан.

Мен унинг гапларига қулок сола туриб, у чизган расмларни кўргим келди: қани, юракдаги Ватан дарди бўёкларда қандай акс этдийкин?

Катта-кичик расмлар... Улардан бири эътиборимни тортди, якинрок бордим, номи ҳам... «Ватан дарди»: расмда италиялик (ўша италиялик) аёл тасвиrlанган. У доғистонликлар либосида. Аёл тоғ бағридан чикаётган булок олдида

ўтирибди, қўлида дөғистон усталари ишлаган кумуун кўза. Ортда, тошлиар бағрида мунғайиб, авар овули кўринади. Овул бошида эса тоғ, кўринини гуссадан буқчайгандай, тасвиirlанган, унииг чўқкиси қуюқ туман билан чулғангани.

- Туман – бу тоғларнинг кўз ёши, тушунтириди рассом. Чўккиларни туман коплаганда, тоғнинг тош янокларидан томчилар оқа бошлайди. Туман – бу мен.

Бошка бир расмда чақиртиканак устида ўтирган қуш тасвиirlанган, атроф тошлок. Куш сайраб турибди. Нариродаги сакля (Кавказда тоғликлар уйини «сакля» дейишади - таржимон) деразасидан бир тоғли аёл қушга ғамгин бокиб туради.

Расм билан қизикиб қолганимни кўриб, рассом тушунтириди:

- Бу асар кўхна афсона мавзусида ишланган.

- Қанақа афсона? – қизикдим мен.

Күшни тутиб олиб, олтин кафасга солиб кўйиншади. Тутқун куну-тун: «Ватан! Ватан! Ватан!» - деб, нола килаверади. Мен ҳам шунча йиллар шу кўшикни куйлайман гўё... Күшнинг эгаси бунга зътибор бериб, ўйланиб колибди: «Бунчалик жон бериб «Ватан»лашидан, унинг яшаш жойи эртаклардагидек гўзал, жаннатмакон бўлса керак, хойнаходи. Кани, уни кўйиб юборайчи, ортидан пойлаб борсам, балки менга ҳам ўша гўзал гўшани кўриш насиб этар», - деб, кафасни очиб юборибди. Олтин кафасдан кутилган қуш «пир-р» этиб парвоз килибди-да, нақ ўн кадамча арида, офтобда кизиган тошлиар орасидан ўсиб чиққан тиконли бўтага бориб кўнибди. Унинг ини худди шу ўсимлик шохлари орасида эди. Мен ҳам қафасим деразасидан юртим томон термулганим-термулган, якунлади рассом.

- Қайтсангиз бўлмайдими Ватанингизга?

- Кеч... Бир пайтлар мен Ватанимдан ёш, жўшқин қалбимни олиб кетгандим. Энди эса картайган суюкларни кайтаргим келмайди.

Париждан кайтгач, мен ўша рассомнинг кариндошларини излаб топдим. Уни қарантки, онаси ҳаёт экан. Сакляда йигилипган уруғлари рассом хакидаги ҳикоямни бош чайқаб. Гамгии тинглашарди. Уларнинг барчаси ёшлигига подошлик килган ўғил гунохидан ўтишгандай эди. Ҳаркалай, уни тириклигини эшишиб, диллари ёрингандай эди.

Бирдан онаси сўраб колди:

- Сизлар аварча сўзлашдингларми?

- Йўқ, тилмоч орқали гаплашдик: ўғлингиз – франсузча, мен эса – русча.

Шунда кампир юзини кора рўмол билан беркитди. Фарзанди ўлгани ҳақида хабар эшифтганда шундай қилишади одатда.

Сакля томига ёмғир шиббаларди. Биз Аваристонда ўтирибмиз. Дунёнинг нариги четида, Парижда турган Догистоннинг адашган ўғли ҳам эшитаётгандир балки она юрт ёмғирининг шивирлашини?

Узок сукутдан сўнг она овоз чикарди:

- Сен янглишяпсан, Расул, у менинг ўғлим эмас. Менинг фарзандим бўлганда, авар онаси ўргатган тилни унумтаган бўларди...

УЧ ОВЧИ ВА БЎРИ (ривоят)

Уч овчи, кишлок якинидаги дарада бўри пайдо бўлганини эшишиб, уни овлашга жазм қилинди.

Бўри, овчилардан кочиб, бир ғорга кириб яширишди. Ғорга кирадиган ягона йўл бўлиб, у ҳам бўлса жуда тор – бош сиғса елка сигмайдиган эди.

Овчилар харсанг тош ортига пистирма бўлиб, милтиқларини ғор оғзига тўғрилаб, бўри чиқишини пойлаб ётишди. Аммо бўри ҳам анойи эмас эди чиқиб келгани – у хотиржам ётаверди ғор ичиди. Демак, бу ерда ким сабрсизлик килса, ўша ютказиши аник.

Нихоят овчилардан биришинг токати ток бўлди пистирмада ётавергандан. У бир нав қилиб ғорга суқулиб кириб, бўрини у ердан ҳайдаб чикмокчи бўлди. Гор оғзига бошини сукди...

Унинг ортидан анчагача кузатиб турган шериклари ҳайрон: нега у на ичкарига кирмайди ва на ташқарига бошини тортишга уринмайди? Кутавериш уларнинг ҳам жонларига текгач, бориб унинг оёғидан тортишса-ки, боши йўқ...

Ҳайронликдан овчилар ўйлаб колишди: ғорга сукулмасдан аввал унинг боши бормиди ёки йўқмиди? Бири “бор эди” деса, иккинчиси “йўқ эди шекилли” дермиш.

Бошсиз танани овулга олиб келишиб, бўлган вокеани айтиб беришди. Шунда оқсоколлардан бири дебди: “Бўри ётган ғорга кирмокчи бўлган бўлса, демак аввалдан унинг боши бўлмаган, балки у шундай туғилгандир ҳам”.

Муаммони ойдинлаштириш учун овчининг бевасига мурожаат қилишибди:

- Билмадим, бормиди эримда калла ё йўқмиди. Лекин, ҳарқалай, ҳар йил ўзига янги папаха буютиради, - деган экан шўрлик.

ЯГОНА ШОИР ҲАҚИДА РИВОЯТ

Буни менга бир кекса шоир айтиб бергап эди.

Қадим замонда бир ўлкада шоирлар кўп экан. Улар овулма-овул юриб, ҷолғуларини ҷалиб, қўшиқлар куйлашар, томошалар кўрсатишарди.

Давлат ишларидан бўш пайтларида хон ҳам шоирлар назмидан тинглаб, ҳордик чикарап экан. Кунлардан бир кун у хоннинг ёвузликлари, олчоқликлари, адолатсизликлари ҳакидаги қўшиқни эшитиб келибди. Дарғазаб хон ўша қўшиқни тўкиган шоирни топиб келишни буюрибди.

Аммо ўша шоирни топиб бўлмабди. Шунда хон барча шоирларни йигиб, қамашга фармон берибди. Навкарлар, айғокчилар барча овуллар бўйлаб кезиб, шеър тўкиб қўшик айтадиган шоирларни ушлаб, зиндонбанд этишибди.

Эрталаб хон туткунларга:

- Ҳамманг биттадан қўшик айтасан, - деб буюрибди.

Шоирлар бирин-кетин хонни мақтаб, унинг ақл-идроқи, одиллиги, насл-насаби, гўзал аёлларию зурриёдларини кўкка кўтариб мактаб, куйлашаверибди. Уларнинг назмича, бундайин буюк ва оқил хон ёруғ дунёда йўқ эди.

Хон шоирларни бирин-кетин озод этаверди. Ниҳоят шеър айтмаган учта шоир қолди. Уларни яна қамаб қўйишга буюрди хон.

Ҳамма уларни хон унутди, деб ўйлади. Аммо уч ой ўтгач хон туткунлар олдига кирди:

- Ҳар биринг биттадан қўшиқ айт, - буюрди хон.

Шоирлардан бири хонни мактаб, унинг ақл-идроқи, одиллиги, насл-насаби, гўзал аёлларию зурриёдларини кўкка кўтариб мактаб, қўшиқ ижро этди. Унинг назмича, бундайин буюк ва оқил хон ёруғ дунёда йўқ эди.

Шоирни озод этишди. Қолган иккисини эса олдиндан тайёрлаб қўйилган гулхан ёнига олиб боришиди.

- Охирги марта айтаяпман, биттадан қўшиқ айтиб берларинг менга, акс холда оловда жизғанак бўласанлар, - деди хон.

Шоирлардан бири чидай олмай, хонни мактаб, унинг ақл-идроқи, одиллиги, насл-насаби, гўзал аёлларию зурриёдларини кўкка кўтариб мактаб, қўшиқ айтиб юборди. Унинг назмича, бундайин буюк ва оқил хон ёруғ дунёда йўқ эди.

Бу шоирни ҳам озод этишди. Шундай килиб, қўшиқ айтишини хоҳламаган ягона ўжар қолди.

- Бунисини устунга боғлаб, оловни ёқинглар, - буюрди хон.

Шундай қилишди. Бирдан алангага маҳкум бўлгап шоир ўша, хоннинг ёвузлиги, адолатсизликлари ва олчоклиги ҳақидаги қўшиқни куйлай бошилади.

Шунда хон:

- Тез ечинглар уни! Олинглар оловдан уни! Мен мамлакатимдаги ягона шоирдан маҳрум бўлишини истамайман! – деб ҳайқирган экан.

КҮЁШ, ЧОЛ ВА КИЗ

Жазирама кунлар. Оёк остида куриган ўт-алафлар шитирлайди. Дараҳт япроқлари ҳам ўзидап иссик ҳарорат чикараётгандек.

Кечга якингина салқин туша бошлайди. Ҳар куни шу пайтларда қартайған бир чол тезокар Катуни бўйига чиқиб, тўнка ёнига ўтириб олади-да сукут билан күёш ботишни кузатиб ўтиради.

Каттакон тўқ-қизил күёш аста тоғ ортига чўқаяпти...

Чол кимирламай ўтирибди. Офтобдан қорайиб, этлари тиришган қўллар тизза устида бемажол. Юзи ҳам бужмайган, намланган кўзлари нурсиз. Ингичка бўйни устидаги муштдеккина оқарган калла кимирламайди. Чолнинг кўқимтири чит кўйлаги остидан елка суяклари бўртиб турибди...

Шундай ўтиргани-ўтирган...

Бу ҳол ҳар куни такрорланади.

Шундай кунлардан бирида чол орт томондан овоз эшитиб колди:

- Салом, буважон!

Чол бош иргади.

Унинг ёнига ясси жомадонча кўтарган киз ўтирди.

- Дам оляпсизми?

- Дам оляпман, - бош иргади чол, киз томонга қайрилиб ҳам қўймай.

- Мен сизни чизсам майлими? – сўради киз.

- Қанақасига?

- Расмингизни чизсам?

Чол, қуёшга термулганича бир мунча муддат жим колди, киприксиз кизғиши қабоклари учиб кўярди. Сўнг жавоб килди:

- Чизадиган жойим колибдими...

- Нега энди? – киз бир оз ўнгайсизланди. – Кўрининингиз бир чиройли, буважон.

- Ўлай деб турган бўлсан...

Киз чолга анча тикилиб турди, кейин юмшоқ бармоқлари билан унинг қакшаган жигарранг қўлини аста силаб, деди?

- Йўқ, сиз жуда ҳам чиройлисиз, буважон, рост.

Чол bemажол жилмайди.

- Унақа бўлса, чизсанг чизавер.

Киз жомадонини очди.

Чол кафтини оғзига қилиб, йўталиб олди.

- Шаҳарлик бўлсанг керак-а?

- Ҳа, шаҳарликман.

- Бу ишинга ҳақ тўлашса керак?

- Қачон қанақа. Яхши чиқса, тўлашади.

- Ҳаракат килиш керак.

- Ҳаракат қиляпман.

Жим колишиди.

Киз чолнинг юзига тикила-тикила чизяпти.

- Буважон, сиз шу ерликмисиз?

- Шу ерлик.

- Шу ерда туғилгансизми?

- Шу ерда, шу ерда.

- Неча ёшга бордингиз?

- Неча ёшга дейсанми? Саксонга.

- Оҳ-ҳо!

- Ҳа, етишиб қолдим, - яна беҳол илжайди чол. – Сен нечага кирдинг?

- Йигирма бешга.

Яна жим қолишиди.

- Куёш қандай-а! – секин хитоб килди чол.

- Қандай? – тушунмади киз.

- Ка-а-тта.

- Ҳа-а... Бу ерда умуман манзара чиройли экан.

- Сувни қара, карагин... Нариги кирғокка қара...

- Ҳа, ха.

- Худди кон кўшилгандай.

- Ҳа-я, - киз нариги кирғоққа назар ташлади. – Ажойиб.

Қуёш Олтой чўққиларини ёритиб, аста-секин олис кўкимтири оламга ботиб борарди. У чўккан сари, тоғ қоялари якколроқ кўринарди, гўёки олдинга сурилиб келаётгандек эди улар. Дарё билан тоғ оралиғидаги водийнинг кора-кизғиши тузи сўниб бормоқда. Тоғ томондан юмшок соя босиб келаёттир. Қуёш Бобурхон тизмасининг ортига яширинган захотиёқ, ўша томондан кўкимтири осмонга ёрқин аланга нурлари таралди. Кўп давом этмади – аланга сўнди. Худди шу онда ўша томонларда тоғ нурлари чараклаган.

- Кетди куёш, - хўрсинди чол.

Киз қофозларини жомадончасига жойлади.

Маълум вақт жим ўтиришди, майда тўлкинларнинг кирғоқ бўйлаб тараляётган шилдирашини тинглаб.

Водий узра парча-парча туман суза бошлади.

Яқиндаги ўрмон томондан қандайдир тунги күшнинг овози эшитилди. Унга жавобан дарёнинг нариги ёғидан ҳам күшлар овози келди.

- Яхши, - деб қўйди чол сокингина.

Киз шу дамда тез кунларда қадрдон шаҳрига қайтиб кетишини ва ўзи билан бир талай расмларни олиб боришини ўйлаб кетди. Шу жумладан мана шу буванинг расми ҳам бўлади. Уни кутиб олажак дўсти, иқтидорли, ҳакиқий рассом, албатта, койийди: «Яна шу бужмайган баппаратар. Кимга керак? Сибирликлар, совук иклим ва оғир меҳнатдан ҳаммаси шунақалигини барча билади-ку? Хўш, яна нима? Нима қиласайлик?»

Киз ўзининг иқтидор бобида мақтанадиган жойи йўқлигини яхши билади. Лекин у рўпарасида мункайиб ўтирган чолнинг машакқатли ўтмишини кўз олдига келтира олади. Унинг кўллари шундан дарак эмасми?. Ажинлар ҳам!

«Ишлаш керак! Ишлаш, ишлаш...»

- Эртага ҳам келасизми бу ерга, бува? – сўради киз.

- Келаман.

Киз ўрнидан туриб, кишлок томон йўл олди.

Чол эса яна бироз соҳилда ўтириди. Сўнг у ҳам кетди.

Ўйга келиб, одатдагидек ўзи ўрганиб қолган бурчакка, печ ёнига ўтириди ва жимгина кута бошлади - қачон ўғли ишдан қайтиб келишини ва кечки овқатта ўтиришларини.

Ўғил доимо чарчаб келар ва ғам-шикоятдан бошка гапи йўқ. Келин ҳам ўшқириб, тақир-туқур килгани қилган. Набиралар вояга етиб, шаҳарга кетиб қолишган. Уларсиз уй гурбатхона.

Кечки овқат.

Сутга бўлка тўғраб, чол олдига қўйишади. Стол четида ўтирганча, эҳтиётлик билан, қошиқни тарақлатмаслик учун, овқатланга бошлайди чол. Ҳамма жим.

Сўнг уйқуга ётишади. Гаплашгани гап йўқ. Ҳамма гап аллақачон гапириб бўлинган.

Чол печ устига чиқади. Ўғил билан келин эса ичкари хонага кириб кетишади...

Эртаси кун кеч чол билан киз яна тўнка ёнида ўтиришарди. Киз ошиқиши билан чизар, чол эса куёшга тикилганича, ҳикоя қиласиди.

- Яхши яшардик, ношукурлик қилмайман. Мен дурадгорлик қиласидим, иш доимо етарлик. Ўғилларим ҳам дурадгорлик қилишарди. Тўрттасини уруш еди. Иккитаси колди. Ҳозир биттаси билан тураман, Степан билан. Вания эса шаҳарда, Бийскда яшайди, янги қурилишда прораб. Ёзипича, тузук яшаяпган эмиш. Мехмонга келиб кетишди. Набиралар бир талай. Ҳаммаси мени яхши кўришади. Лекин, барчаси у шаҳар бу шаҳарда...

. Киз чолнинг кўлларини чизмоқда, шошилиб-шошилиб. Асабийлашади, ўчириб қайта-қайта чизади.

- Қийинчиликда яшаган бўлсанглар керак? – ўйланиб сўради у.

- Нима қийинчилик? – чол ҳайрон бўлади. – Айтдим-ку сенга, яхши яшаганмиз, деб.

- Ўғилларингизни йўқотганингизга ачинасизми?

- Ачиниш ҳам гапми? – яна ҳайрон бўлади чол. Тўртта азamatни бериб қўйиш – ҳазилмас-ку?

Қиз ҳам ҳайрон. Шунча йўқотишга қарамай, чол ўзини хотиржам тутишига.

Күёш яна тоғлар ортига чўкмоқда. Яна жимгини аланига таралмоқда уфқда.

- Ёмғир ёғади эртага, - деб қўйди чол.

Қиз ёруғ осмонга боқиб, сўради:

- Қаердан билдингиз?

- Ҳамма аъзоларим зирқираб кетяпти.

- Осмонда эса булут йўқ.

Чол индамади.

- Эртага ҳам келасизми, бува?

- Билмадим, - ўйланиброк жавоб килди чол, – аъзи-баданим оғрик.

- Бува, мана бу тошни сизларда номи пима? - Қиз камзулининг чўнтағидан тилласимон яраклаб турган оқ тош чиқарди.

- Қайси тош? – сўради чол, ҳамон тоғ томон тикилганича.

Қиз унга тошни узатди. Чол, қайрилиб ҳам қарамай, кўл чўзди.

- Буми? – чол, караб-қарамасдан ҳам, куриб қақшаган бармокларида тошни айлантиаркан. - Чакмок тош. Уруп йиллари гугурт йўқ, нуқул, шундан олов чиқаардик.

Қизнинг миясига ялт этиб: «Кўрмайди шекилли?» - деган гумон келди. У нима дейишини билмай чолга ён томондан боқиб туриб колди. Чол эса ҳамон куёш ботган томон термуларди. Ўйчаплик билан тикиларди...

- Ма, тошингни олиб қўй, - кизга қайтарди чол. – Бундан ҳам чиройлилари учрайди. Баъзан оппоклари, тиникранглари учрайди, шундай тиниқки, ичидаги доғларигача кўриниб туради. Яна – тухумсимонлари ҳам бўлади, ҳакканинг тухумига ўхшаб, ёнлари хол-хол; япа – майнаникига ўхшаганлари ҳам учраб колади, кўм-кўк, улар ҳам сепкиллик.

Қиз ҳамон чолга тикилганча турарди. Сүрагани журъат килмади: ожизми ё йўқ?

- Буважон, каерда яшайсиз?

- Унча узокмас. Манави Иваи Колоколниковники, - дарё кирғогидаги уйни кўрсатди чол. – Оркасида Волокитинларники, кейин Зиновьевларники, ана ундан кейин, муйилишдан кейин бизники. Бирор зарурат бўлса – киравер. бемалол. Набиралар олдимиздалигига кандай гавжум эди-я...

- Раҳмат.

- Мен кетдим энди, ҳамма ёгим зиркираб кетяпти.

Чол ўрнидан туриб, сўқмок бўйлаб кетди.

Қиз унинг ортидан, тор кўчага бурилиб кетмагунча, караб турди. Чол бирор марта ҳам қокилмай, бир текис борарди. У шошилмай, оёқ остига қараб босарди.

«Йўқ, ожиз эмас, - тушунди қиз, – бироз хиралашган бўлса керак кўзи».

Эртаси кун чол соҳилда кўринмади. Қиз, ёлғиз холда, у ҳакида ўйларди: «Унинг хаёти оддий, айни пайтда содда кечмаган. Бир ажиб нарса бўлса керак, кандайдир идрок этиб бўлмайдиган. Қуёши ҳам оддий кўринади, эрталаб чикади, оқшом-ботади. Аммо бу оддийлик ортида...» У чизмаларини кўздан кечира бошлиди. Юрагида гашлик сезди.

Чол кейинги, иккинчи, учинчи кунлар ҳам кўринмади.

Қиз унинг уйини қидириб кетди.

Топди.

Каттагина унинг ҳовлисида, бостирма салкинида эллик ёшлар чамасидаги бир эркак тахта рандаларди.

- Салом.

Одам, белини тиклаб, қизга тикилиб, терини артаркан, бош иргади:

- Саломат бўл.

- Халиги, бир бува бор эди, шу ерда турари шекилли...

Эркак қизга ғалати-и килиб разм соглаш:

- Ҳа, шу ерда яшарди, - деб ишини давом этдирили. Бир оздан сўнг қўшимча килди. – Мана, унга уй ясаяпман.

- Нима, вафот этдими?
 - Ўлди. – Одам рандасини бир-икки юргизиб, яна тикланди: - Бирор ишинг бормиди?
 - Мен.. мен унинг расмини чизгандим.
 - Ҳа-а, шунаками-й, - ишини давом эттирди эркақ.
- Анча сукутдан сўнг киз сўради:
- У ожизмиди?
 - Ҳа, кўр эди.
 - Анча бўлганмиди?
 - Ўн йилча. Нимайди?
 - Шундай.. ўзим.

Киз ташқарига юрди. Кўчага чикгач, беихтиёр четан деворга суюниб йиглаб юборди ...

Тимур ЗУЛФИҚОРОВ

ХЎЖА ЗУЛФИҚОР ДАРВЕШ ҲИҚОЯТЛАРИДАН ОЛЛОҲ ЮЗ ЎГИРГАН ҚИШЛОҚ

Умар Хайём муборак Ҳаж сафарини ихтиёр этди. Асони босиб, шаҳару қиплоклар, чўлу биёбонлардан ўтиб борарди донишманд. Йўлдан ҳорган бир тунда етиб келди Оллоҳ юз ўгирган қашлоқ бир қишлоқка. Бироз ҳордик чикармок истагида шу ерда кўнмок ният қилди ул зот.

Бирдан зулмат кўйнидан қалкиб чиқди барваста соя:

- Ҳа, келяпсанми, лўли? Айнинг қани, - йўловчидан сўради соя.
 - Мен лўли эмас. Адашдинг, чамаси.
 - Ий-е, ҳа-а, кечирасан, мен – лўли депман. Лўли келиши керак эди. Айик ўйнатар... Чиқувдим, келавермаганига, адашиб колмаганмикан деб. Сиз ким бўлурсиз? Биз томонда не килиб юрурсиз?
 - Мен Умар Хайём бўламан. Ҳаж сафарига тушувдим.
- Шунда йикилди у одам шоир пойига.
- О шайх, ўтасиз гунохимдан... Танимаганни сийламас...
 - ўрнидан турди у. – Сиз тўгрингизда эшитганман кўп.

Рубоийларингиз биламаң ёддан. Таксир, мен шу киплок оқсоколи. Бугун тўй ўғлимницида. Шунинг-чун кутаётгандик айғи билан лўлини. Аммо сиз чиқиб колдингиз рўпарамдан дафъатан. Худонинг ўзи юборган балки сизни бизга. Ҳамқишлоқларимиз баҳраманд бўлади суҳбатингиздан.

- Ҳай, майли. Ундан бўлса, чакиринг одамларингиздан, гурунг очайлик бунда.

- Биласизми, улар тўйда, ўтиришар еб-ичиб... Балки келишолмас бу томон. Биз кутгандик лўлини... Яхши бўлармиди, борсангиз сиз ўзингиз? Бўлардингиз меҳмонимиз азиз...

- Йўқ, оқсокол! Сизлар лўлини кутгансизлар! Дошишмандни эмас! Ҳали қишлоқларингда тўйу аза бўлади кўп. Омон бўлинг, Менинг эса олис манзилим.

Шайх давом этди ўз йўлида.

ОНА

Дарвеш Зулфикор Ҳўжа деди:

- Кунлардан бир кун мен Исписар-Куддус-Муқаддас қишлоғидан борардим ўтиб. Үрикзорларга бурканга одамлари сахий бу қишлоқ.

Сочлари оппок чиқди аёл хароб бир кулбадан. Исми эди Бибиқанд унинг.

- Ҳой дарвеш, чопонинг қолибди тўкилиб устингдаги. Ол мана бу янги чопонни. Бу куёвлик насиб этмаган бир йигитнинг чопони. Бу менинг урушига кетган ўғлим Улкаффод - Ятим чопони...

- Ўглинг қайтмабди-да урушдан? Бўш қолибди-да юрти, туғилган кулбаси, она бағри... киймаган бўлса куёвчопонни?

- Ҳа, дарвеш...

Бўлганди аслида бундай:

Аскар Улкаффод-Ятим мардларча қилди жант бир қўлин курбон этиб.

Эрта баҳор... Ўриклар гуллаб оппок яшнаб турган палла қишлоғига кайтди у.

Дарё бўйида бир қўли йўқ йигит тўхтаб назар ташлади бурканиб ўрик гулларига ётгали Исписар-Қуддус-Муқаддасга.

Эрта тонг... Ҳали уйкуда кишлок. Туарди аскар наридан-бери кингир-қийшиқ ёғочлардан ясалган кўприк устида. Кўприкнинг ул учидаги эса... онаизори унинг Бибиқанди туарди йўлни тўсиб.

Бир қўли йўқ аскар юра бошлиди она томон. Шу заҳоти унинг кўзларидан чақнади ёш. Болаликдан эпчиллик билан ошик отишга ўрганиган қўлидан айрилиб қайтаётганиданми?.. Ё рўбарусида бирдан пайдо бўлган онасини кўриб чиккан севинч ёшларими бу? Балки шу тобда чўлоқ кўлда пайдо бўлган оғриқдандир?..

Аммо йигит олди кўлга ўзни. Бўлиб ҳатто кулиб ҳазил кимлекчи онасига:

- Онажон! Бибиқандим! Сизни ҳеч ким бир қўл билан кучоқламаган бўлса керак-а? Ғам тортавериб кетибсиз озиб... Бир қўлим кифоя сизни кучгани онажон...

Бари бир болада она олдида турса ҳамки уруш кўрган эр. У бирдан юборди йиғлаб она қаршисида.

Жангоҳларда чиқмаган эди унинг кўзидан ёш.

Титраб йиғлашидан аскарнинг тебранарди бўлиб беланчак кўприк...

Она юртнинг беланчаги кўприк ёшлигида тебратган ўғлонларин эркалаб...

Аскар Улқаффод-Ятим йиғларди қакшаб эски ёғоч кўприк устида...

Кўприк ҳам титрарди қакшаб...

Фақат кўзида йўқ нам Бибиқанд онанинг турган кўприкнинг нариги учидаги. Бирорта томири урса-чи ҳатто упинг тош юзида!

Кўприк тўхтади титрашдан гапира бошлаганда Бибиқанд.

- Болагинам, тургандим кутиб мен сени. Билирдим
кайтишинг тирик.

Кетганди кишлoғимиздан уттис йигит урушга.

Қайтмади бирортаси.

Уруш ғурбати, фарзанд дөғи ўттис хонадонни, оталару
оналарни, етим есирларни боғлади битта килиб мисоли чайир
аркон асов айғирни боғлайдыган.

Кириб боргудек бўлсанг кишлoқка сен, узулади ул чайир
аркон.

Эслатади бу оналарга сен билан ёшлиқда катта бўлган
бўз болаларин.

Янгиланиб яралари юзларин юладилар йиртиб
ёқаларин...

Шунда узилар чайир аркон боғлаб турган кишлoқни
бутун...

Солдат болам! Бир кўлли болагишам! Кўзиминиг шури!
Улкаффод-Ятим! Рахминг келсин уларга. Янгилама
яраларин... Қайт келган йўлинга! Шаҳид ўлган бари
кишлoғимиздан кетган йигитларнинг. Ўлганлар эса келмаслар
тирилиб.

Бундан лол Улкаффод-Ятим бир кўлли аскар аста
бурилиб кета бошлади...

Ана шунда йиғлади Бибиқанд ҳёнграб. Бўзлади
Бибиқанд қақшаб...

Кўпrik ҳам титради қақшаб...

Йиғлар экан кўпrik ҳам!

Ё Оллоҳ! Ўзинг бер волидага мадад!

ГУВОХ ШОИР

Олдий ходиса: Тонг соат түрт. Житная күчасида бир масти ҳолдаги кампирни автомобиль уриб, катта тезликда ғойиб бўлган. Полиция ходими доктор Мейзлик уни топишни керак. Ёш терговчиларга хос равинида у ҳам ишга жиддий ёндошиди.

- Ҳм-м... Демак сиз, - деди Мейзлик 141-ракамли полициячига, - катта тезликда кетиб бораётган автомобильни уч юз метрларча масофадан кўрдингиз, ортда эса ерда ётган аёл. Биринчи навбатда сиз нима килдингиз?

- Биринчи навбатда мен жабрланувчи ёнига югуриб бордим, ёрдам кўрсатиш учун. – жавоб қилди полициячи

- Энг аввал машина номерини кўриб қолиш зарур эди, - зътиroz билдириди Мейзлик, - ана ундан кейин бу хотин билан шуғулланиш керак эди... Лекин, мен ҳам аввал ёрдамга юргурган бўлсан керак эди, - қалам билан бошини қалиб, кўшимча қилди у. – Демак, машина номерини кўрмадингиз. Бошка бирор белгисиничи?

- Менимча, - иккилани-иб гапирди 141-полициячи, - машина корамтир рангда эди. Кўкми ё тўк қизилми? Глушителдан тутун буруксаб чикиб, номерни яхши кўриб бўлмасди.

- Ё тавба! – жиғи-бийрон бўлди Мейзлик. – Машинани энди кандай топамиз? У ҳайдовчидан бунисига югуриб, бир кампирни сиз босиб кетдингизми, деб суриштириб юрайликми? Ҳўш, нима килишимиз керак энди, айтишчи?

Полициячи, бамайлихотирлик билан елкасини қисиб, кўшимча қилди қилди:

- Менда битта гувоҳ ёзилган, аммо у ҳам ҳеч нарса билмайди. Шу ерда, кўшини хонада ўтирибди ...

- Чакиринг, - қовоғини олиб деди Мейзлик, кисқагина тузилган баённомадап арзигулик бирори нарса топишга уринар экан. – Фамилиянгиз, яшаш жойингиз? – боини кўтармай ҳам сўради у кирган кишидан.

- Кралик Ян, механика факультети талабаси, - лўнда жавоб берди гувоҳ.

- Сиз шу бугун тонг соат тўртда номаълум машинна Божена Махачковани уриб кетганини кўргансиз. шундайми?

- Ҳа! Ва айтишим лозимки, бу воқеада ҳайдовчи айбор. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир, кўча бўм бўш эди. Агарда у чорраҳада тезликни пасайтирганда...

- Ҳодиса рўй берган жойдан қанча узокликда эдингиз? – сўради Мейзлик.

Ўн кадамча. Мен ўртоғимни қузатаётган эдим... кафедан чиқиб, Житная кўчасида бораётганимизда...

- Ўртоғингиз ким? – бўлди Мейзлик. – Протоколда у ҳакида гап йўқ.

- Шоир Ярослав Нерад, - ғурур билаш жавоб қилди гувоҳ. – Лекин ундан ҳеч нарсани билолмайсиз.

- Нега энди? - қовоғини олди Мейзлик, ҳеч бир нарсани эътиборсиз колдирмасликка уриниб.

- Чунки у... унинг табиати шоиронада. Бахтсиз ҳодиса рўй берган заҳоти у, ёш боладай, йиглаб юборли ва уйга чопкиллаб кетди... Ҳуллас, биз Житная кўчасидан бораётганимизда орқадан қаердандир машина ғизиллаб чиқди катта тезликда...

- Машина номери?

- Кечирасиз, қарамабман. Мен фақат катта тезликка эътибор берибман. Мен ўйладим ...

- Қанака машина эди? – бўлди Мейзлик.

- Тўрт тактли ички ёпиш двигателли, - билагонлик билан жавоб қилди механика факультети талабаси. – Лекин машина маркаларини мен ажратолмайман.

- Қанака рангда эди машина? Рулда ким эди? Очик машинами ё лимузинми?

- Билмайман, - хижолат тортди гувоҳ. – Ранги, менимча, кора эди, йўқ... кискаси, мен эътибор бермабман. Чунки, ўша дақиқа мен ўртогим томон ўгирилиб: «Буни қара-я, абрахлар, одамни босиб ҳам, тўхтамайди-я!», - дедим.

- Ҳм-м... бу, албатда, фикрингиз табийи, лекин, менга колса, номерига эътибор берганингиз маъқулрок бўларди, - кониқмай дели Мейзлик. – Ҳайронман, шунча ҳам эътиборсиз бўладими киши? Сизнингча, ҳайдовчи гуноҳкор, уни абраҳ деганингиз ҳам тўғри, аммо машина номерига эътибор ноль. Гапга устамиз, аммо эътибор билан теварак-атрофни кузатишга қунтимиз етмайди... Миннатдорман сизга, жаноб Кралик, бўшсиз ...

Бир соатлардан кейин 141-ракамли полициячи шоир Ярослав Нерад эннингининг қўнгириғини босди.

- Уйда, - жавоб қилди хонадон соҳибаси. – Ухляяпти.

Шоир уйку аралаш кўзларини полициячига кўркув билан тикди: «Нима қилиб қўйдим экан?» - миясига келди унинг.

Полициячи унга полицияга чакирув сабабини зўрбазур тушутирди.

- Албатта бориш керакми? – ишонкирамайрок сўради шоир. – Мен барибир ҳеч нарсани эслай олмайман. Ўша пайт мен, унака...

- Кайфингиз тарак эди, - тушунгансимон деди полициячи. – Мен кўп шоирларни биламан. Тезроқ кийининг, илтимос, мен кутиб турибман.

Йўл-йўлакай улар ковокхоналар, умуман хаёт хакида, самовий ходисалар тўғрисида гаплашиб кетишди; сиёsat ҳар икковларига ҳам ёт эди. Мана шунақа дўстона сухбат билан полиция маҳкамасига ҳам етиб келишиди.

- Шоир Ярослав Нерад сиз бўласизми? – сўради Мейзлик. – Сиз бир номаълум машина Божена Махачковани уриб кетганини кўргансиз, шундайми?

- Ҳа, - хўрсинди шоир.

- Сиз канака машина эканлигини айтиб бероласизми? Очиқми, ёпикми: ранги, ундаги пассажирлар сони, номери?

Шоир бирор нарса эспашга ҳаракат киларди.

- Билмайман. Мен бунака нарсаларга эътибор бермайман.

- Бирорта икр-чикирни бўлса ҳам эслаб кўришг, бирор тафсилот, – бўш келмади Мейзлик.

- Нималар деяпсиз?! – жиддий ажабланди шоир. – Мен ҳеч қачон майда-чўйда тафсилотларга эътибор бермайман.

- Хўш, нимага эътибор бердингиз ўзи, марҳамат килиб айтиб берсалар бизга, - киноя килди полициячи.

- Шунчаки, умумий кайфият, - мужмал жавоб берди шоир. – Бўм-бўш кўча... узундан узун... тоғ отар пайтларда аёл ётиби ... Шоптманг! – бирдан сакраб турди ўрнидан шоир. – Мен бу ҳақда шеър ҳам ёздим-ку, уйга қайтгач.

У чүнтакларини кавлаштириб, патталар, конверт, гижимланган қоз парчаларини олиб, текшира кетди.

- Бу эмас, бу ҳам... Э-э, мана! - конверт орқасига ёзилган битикларни ўйчап ўкий бошлади у.

- Менга берингчи, - сўради Мейзлик.

- Жуда зўр ёзилмаган, - камтарлик қилди шоир. - Хохласангиз, мен ўқиб берай. - У бошини кўтариб, кўзларини шипга тикиб, ўкий кетди.

Сағлари қорийб уйлар кўринур.

Мунаввар тонг қўлга олур соз.

Ўйгонур ҳур қиз.

Уфқда - Сингапур:

Пойга машинаси айлади парвоз.

Колди чаигда босилган гуллола...

Сўнар тугён... Эрксизлик... Ёдсизлик...

О-о, оққушим!

О-о, сийнагар!

О-о, барабан

ва унинг чўилари –

фожеадан дараклар!

- Мана шу, - тугатди шоир.

- Кечирасиз, бу канакаси? Нима тўғрисида гап боради бу ерда ўзи? – ажабланди Мейзлик.

- Нима бўларди? Машина уриб кетгани ҳакида-да, наҳотки тушунмадингиз?

- Унчали эмас, - заҳарханда деди Мейзлик. – Шеърингиздан «Июлнинг ўн бешинчисида эрта соат тўртда фалон номерли автомобил Житная кўчасида маст ҳолатда

бўлган олтмини ёшли тиланчи аёл Божена Махачковани уриб кетди. Шифохонага жўнатилган жабрланувчининг ахволи оғир», деган нарса келиб чиқмаяпти. Мана, шунака...

- Айтгандарингиз бари зоҳирий нарсалар, ҳом воқелик, - бурнини, асабийлашгандек, ишкаб, тушунтира кетди шоир. - Шеърият эса - бу, билсангиз, ички кечинмалар ифодаси. Шеърият - бу, шоирнинг остоңгида туғиладиган эркин сюэрреалистик тимсол. Бу бирон кўрган ёки эшитган нарса билан боғлик ҳолда пайдо бўладиган нарсаки, ўкувчи буни хис эта олиши керак ва факат ўшандагина у тушунади, - афсусланиб якунлади шоир Нерад.

- Шунака-ми! Ҳўп, майли, менга ўша битигингизни берингчи. Раҳмат. Шундай қилиб, бу ерда нималар дейилган? Ҳўш,.. «Сафлари қорайиб ўйлар кўринур ...» Қанақа сафлар? Тушунтириб берингчи.

- Житная кўчаси, - хотиржамлик билал изоҳ бера бошлади шоир. - Уйлар икки қатор, яъни сафда тургандек. Тушундингизми?

- Яхши, лекин бу Миллий проспект бўлиши хам мумкин-ку?

- Йўқ, Миллий проспект бунчалик тўғри эмас.

- Ҳа, яхши. Давом этамиз: «Мунаввар тонг қўлга олур соз...» Тушунса бўлади. «Ўйғонур хур қиз...» Кечирадилар, хур қиз нима қилсин бу ерда?

- Бу тонг, шафак.

- Вой бўй! “Уфқда – Сингапур, пойга мапинаси айлади парвоз»чи?

- Демак, ўша автомобил менда шундай ассоциация уйғотган, - тушунтириди шоир.

- Автомашина пойгачимиди?

- Билмайман. «Пойга» дегани бу ерда катта тезликни англатади. У дунёнинг нариги четига шошилаётгандек эди.

- Ҳўп, яхши. Масалан Сингапурга, а? Лекин нега энди айнан Сингапур?

Шоир елкасини кисди.

- Билмадим. Балки у ерда малайяликлар яшапи учундир.

- Малайяликлаларга нима дахли бор бу нарсаларни?
Шоир ўйланиб қолди.

- Балки, машина жигарранг бўлса керак. Жигарранг бир нарса бор эди-да, хуллас, бўлмаса, Сингапур миямга келармиди...

- Балки шундайдир, - деди Мейзлик. – Аммо бошқа гувоҳларнинг кўрсатмаларида машина ранги кўк, тўк кизил, ёки кора, деб таъкидланади.

- Менга, - иккиланмай деди шоир, – менинг кўзимга ўзим ташлаган ранг ёқимлироқ кўринади.

- «Қолди чангда эзилиб гуллола», - сизнингча, ўша маст искирт тиланчими?

- Мен учун у аёл эди. Сиз айтгандай ёзиб бўлмайди-ку у ҳакида? – ранжигандай бўлди шоир.

- Шундай денг! Мана буниси нимани англатади: «О-о, оккушим! О-о, сийналар! О-о, барабан!» Эркин ассоциацияларми?

- Кўрайчи, - энгашди шоир. – Ҳм... «О-о, оккушим, о-о, сийналар, о-о, барабан ва унинг чўплари...» Дарҳакикат, нима экан булар?

- Мен ҳам худди шуни сўраяпман, - чакиб олди полиция ходими.

- Шопманг, - фикрга толди Нерад. – Бу ҳаммаси тимсол. Лекин буни туғилишига нимадир туртки бўлган-ку?.. Мана, карангчи, икки рақами оккушни эслатмайдими сизга? Мана, каранг, – у қалам билан чизди – 2.

- Э-э! - кизикиш билан хитоб қилди Мейзлик. - Ҳўп, сийналарчи!

- Бу энди уч рақами – 3, иккита думалок қисмлардан ташкил топган, шундай эмасми?

- Барабан билан чўплар қоляпти холос! – ҳаяжонланди Мейзлик.

- Барабан ва чўплар, - ўйга толди Нерад. – Барабан ва чўплар... Балки бу беш рақамидир? Қаранг, - у беш рақамини ёзди. – 5. – Думалок куйи кисми барабанга ўхшайди, устида эса чўп.

- Шундай килиб, - деди Мейзлик коғозга 235 рақамини ёзаркан, - машинанинг номери икки юз ўттиз беш эканлигига имонингиз комилми?

- Номер? Мен хеч кандай номерни кўрганим йўқ, - катъий зътиroz билдириди Нерад. – Аммо, нимадир бор эди-да, менга туртки бўлган, бўлмаса – мен бундай ёзмаган бўлар эдим. Шеъримнинг энг яхши жойи ҳам шу бўлса керак-да, а? Шундай эмасми?..

Орадан икки кун ўтгач Мейзлик Нераднинг олдига кирди. Бу сафар шоир уйғок эди. Уйда бир киз ҳам бўлиб, бундан хижолат тортгандай, шоир полициячини каерга ўтқазишни билмасди.

- Ҳечкиси йўқ, мен бир дақикага, - деди Мейзлик. – Сизга айтиб қўймоқчи бўлдим холос машинанинг номери хақикатдан ҳам икки юз ўттиз беш бўлиб чиқди!

- Қайси машина? – ҳайрон бўлди шоир.

- «О-о, оккупим, о-о, сийналар, о-о, барабан ва унинг чўплари!» – шитоб билан деди Мейзлик. – Сингапур ҳам тасодиф эмас экан – авто жигарранг бўлиб чиқди!

- Ҳа-а! – эслади шоир. – Мана, кўрдишгизми эркин ассоциациялар кандай бўлади! Яна бир-иккита шеър ўқиб берайми? Менимча, энди тушунаверасиз.

- Боитка бирор кун! – гапни бўлди полициячи. – Яна бирор шундай ходиса рўй берганда, ҳўпми? – кўзини кисди у.

МУНДАРИЖА

I. КИССА

ҮГАЙ ҚАЛДИРФОЧ.....	3
---------------------	---

II. ТҮҚИЛМАГАН ХИКОЯЛАР

ШУНАКАСИ ҲАМ БҮЛДАР ЭКАН.....	26
ТАХЛИЛ.....	34
ТУТУМ ПУЛИ.....	41
ҮЖАР.....	47
КИМ ҮЖАР?	52
УРҒОЧИ ШАМОЛ.....	54
БИТТА ЙӨЛИ БОР	61
ХОЖИ ДОМЛА.....	65
ТАЪЗИМ.....	66
ҮРДАКНИ ФОЗГА.....	68
МУСИЧАГА БЕРМАГАН ОЗОР БОЛАМ.....	75
ШОИРАНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ.....	82
КЕЛИНЧАКЛАР ПАХТАДА.....	85
ТУНГИ ДЕСАНТ.....	90
КУТИЛМАГАН МЕҲМОН.....	94
АФСУН.....	97
КЎЗ.....	103
ОЛВОЛИ.....	108
ДАРД ВА ДАВО.....	111
БАХТЛИ ТАСОДИФ.....	114
БАҚЛАЖОН КИЙГАН СИГИР.....	118
ПЛОСКОГУБСА.....	121
БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ.....	126
НАБИРАЛАР "ИЖОДИ"ДАН.....	138

IV. ПУБЛИЦИСТИКА

САВОБ ҚИДИРГАН ИНСОН.....	143
СКРИПКА.....	145
У КҮЙЛАЁТГАНДА.....	147

ЭЪТИҚОД СОҲИБИ.....	152
МЕН БИЛГАН НАВРЎЗ.....	156
СОХТА ГУЛ БЎЙ ТАРАТМАС.....	160
ЧОЙ - ПОЙ - ЛОЙ.....	164

V. ТАРЖИМАЛАР

СЕНЕКА

“ҲИКМАТЛИ МАКТУБЛАР”ДАН.....	172
------------------------------	-----

ЧЕСТЕРФИЛД

“ФАРЗАНДГА МАКТУБЛАР”ДАН.....	174
-------------------------------	-----

АБУЛ ФАРАЖ

“ҒАРОЙИБ ҲИКОЯТЛАР”ДАН.....	176
-----------------------------	-----

АБАЙ

«ҲИКМАТЛАР»ДАН.....	186
---------------------	-----

М. ГОРЬКИЙ

МОННА МАРИАННА.....	188
---------------------	-----

РАСУЛ ҲАМЗАТОВ

“МЕНИНГ ДОҒИСТОНИМ” КИТОБИДАН.....	195
------------------------------------	-----

ВАСИЛИЙ ШУКШИН

ҚУЁШ, ЧОЛ ВА ҚИЗ.....	200
-----------------------	-----

ТИМУР ЗУЛФИҚОРОВ

ХЎЖА ЗУЛФИҚОР ДАРВЕШ ҲИКОЯТЛАРИДАН.....	206
---	-----

КАРЕЛ ЧАПЕК

ГУВОҲ ШОИР.....	210
-----------------	-----

Қодиржон НОСИРОВ

ЎГАЙ ҚАЛДИРғОЧ

Қисса
Ҳикоялар
Публицистика
Таржималар

Масъул мухаррир: Ж.Муслим.
Мухаррир: Ф.Каримова.
Дизайнер: И.Жумабоев.

30.08.2013 йилда босишга рухсат этилди. 13,75 босма
тобоқ. Бичими 60×84. Адади 500 пусха. Буюртма № 79.
Баҳоси келишилган ҳолда

Китобпинг оригинал макети “Заковат” нашриёт уйи
МЧЖда газета қофозига оффсет усулида босилди.

Босмахона манзили: Косонсой шаҳар. Чорбог кўчаси
17-уй.